Жаббор ЭШОНҚУЛ

МИФ ВА БАДИИЙ ТАФАККУР

Тошкент – 2019

Фольклор шунчаки сўз санъати намунасигина эмас, балки ҳар бир миллатнинг борлигини, улуғлигини намоён этиб турувчи, миллат билан бирга яшаб, бирга тараққий этиб келаётган боқий қадрият, кўплаб санъатларнинг ибтидосидир. Оддийгина мақолдан тортиб, йирик ҳажмли достонларимиз, ёзма адабиёт, бугун яратилаётган ижод намуналаригача, барчасида биз мифологик тасаввур изларини, миллат тафаккурнинг турли даврларга оид эврилишларини кузатамиз.

Ушбу китобдан фольклоршунос олимнинг турли йилларда ёзган илмий мақола ва суҳбатлари ўрин олган. Китоб барчага бирдай манзур бўлади деган умидамиз.

Масъул муҳаррир:
Тўра МИРЗАЕВ,
академик,
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби

Тақризчи:
Ойгул АҲМЕДОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

ШУМЕР ВА АККАД: ФАРАЗМИ Ё ҲАҚИҚАТ

Қадимги юнон тилида Месопотамия (Μεσοποταμία)[1] деб аталувчи ҳозирги Ироқ ҳудудидаги Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида милоддан аввалги 5000 йилларда илк давлатлардан бири юзага келган. Ушбу давлат дунё цивилизацияси ва маданиятининг бешикларидан ҳисобланиб, у ерда тил қонуниятларига асосланган дастлабки ёзув кашф этилган.

Мазкур ҳудудда ўша даврдаёқ давлат бошқаруви, фуқароларнинг бурч ва ҳуқуқлари ёзма асосда тартибга солинган. Экиш, суғориш, меъморчилик ва кемачилик соҳасида бугунгидан кам фарқ қиладиган усуллар қўлланилган ва илк санъат асарлари яратилган.

Шумер давлати ҳақида баҳс-мунозаралар мана бир ярим асрки, давом этиб келяпти. Шумер ва Аккаднинг юксак цивилизациясидан дарак берувчи илк археологик ёдгорликлар топилгандан буён 150 йил ўтган бўлса-да, жаҳон илм аҳли ҳануз Шумер ва Аккад давлатини барпо қилганлар қайси халққа мансуб эканлиги ҳақида бир тўхтамга келишгани йўқ. Турли қарашдаги олимлар фақат бир масалада – Шумер давлатини барпо қилган халқ туб аҳоли бўлмаган деган фикрда якдил эдилар. Бироқ, ана шу халқ қайси қавмга мансублиги тўғрисида турли қарашларни баён қилдиларки, бу қарашларга кўра, Аккад давлати пойдеворини қуриб берган шумерликлар Шарқдан ёки Шимолдан келишган ҳамда ўзлари билан ёзувни, темирчиликни, суғориш усулларини, давлатчиликни олиб келишган. Бу шундан дарак берадики, Шумер ва Аккаддан илгари ҳам Шимол ёки Шарқда (Шимол деганда, Кавказ, Волга бўйи, Ғарбий Сибир, Шарқ деганда, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Мўғилистон, Олтой, Хитой назарда тутилади – ***Ж. Э.***) цивилизация мавжуд тараққий этган давлат бўлган деган эҳтимоллар ўртага ташланади. Шумер ёки Сумер сўзи этимологиясини бирон‌та ғарб олими илмий асослаб беролмади, маълум маънода, бу сўзларни шарҳлаган Ўлжас Сулаймонов Шумер ёки Сумер сўзи сув ва йер (ер) сўзидан келиб чиққан деган фаразни баён қилади.[2] Қадим туркийлар Олтой ва Ўрал оралиғини сувли ер, сув йер (Сибир сўзи шундан келиб чиққан – ***Ж. Э.***) деб атардилар. Шумерликлар (сумерликлар) ҳам икки дарё оралиғига жойлашишар экан, бу ерларнинг аввало, сувли ер эканлигига эътибор қаратишган бўлиши керак. Сибир ерлари каби бу ерлар ҳам дастлаб ботқоқликдан иборат эди. Улар ана шу ботқоқликка ишлов бериб, ҳосилдор ерга айлантиришган. Қадим Шумер миххатида тоғ, қир, ер X шаклида ёзилган. Қадим турк ёвузида ҳам ер V шаклида ёзилган. Булар ер ва тоғни англатувчи иероглифлардир. Шумер, Сумер, Субйер, Сибирь, йер суб сўзлари бир-бирига товуш жиҳатдан ўхшаш ва бизнингча, Шумер, Сумернинг Сувер бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки Шумер асотирлари ичида Оп-су (чучук сув) ҳақида афсона борки, бу асотирга кўра, Оп-су

[1] Μεσοποταμία – μέσος [mesos] – оралиқ, ποταμός [potamos] – дарё.
[2] *Сулаймонов У.* Аз и Я. – Алма-ата, 1975. – С. 145.

дунёни ва инсонни яратган тангридир.[3] Худди шу тангри олтой ва ёқут мифларида ҳам учрайди. Агар тадқиқотда шу фаразга суянсак, масаланинг бошқа жиҳатларини кўриш, тил ва миххатни қиёслаш, Шумер ва Аккад давлатининг асосчилари бўлмиш халқ туркий қавм деган фикр ҳақиқатга яқинроқ эканлигини асослаш осонроқ кечади. Бу вазифани биронта ғарб олими қилолмади, чунки агар шумерликлар туркий халқ бўлиб чиқса, унда Бобил, Исроил, Юнонистон ва Римдаги буюк уйғонишларга туртки бўлган, уларнинг шаклланиши ва тараққиётига улкан таъсир ўтказган Шумер маданияти ва цивилизацияси туркий халқларга тегишли бўлардики, бу қанчалик ҳалол ва холис бўлмасин, европалик олимларнинг ғашини келтирарди. Бироқ биз янги-янги далилларга дуч келяпмизки, европалик олимларнинг ички ғаразлари тобора хиралашмоқда ва бу фараз кўпроқ илм тусини олмоқда. Шумерликларнинг бош «худо»си ҳақидаги тасаввурлар Ўлжас Сулаймон фаразини ҳақиқатга яқинлаштиради. Бош худо Энлил «худолар худоси», «осмон ва ер подшоси», бутун мамлакатлар яратувчиси»дир. Шумерликларнинг «Ёз ва қиш» асотирида (сопол битик) Энлил қишни худоларнинг миришкори «ҳосилдорлик худоси» сифатида тайин этади. Бу мифга кўра, қиш барча экин, ҳосил, тириклик, яшиллик, сув, ёмғир қорнинг яратувчиси, эгасидир. Ҳосилнинг қанчалик мўл бўлиши унга боғлиқ. Агар Фрот дарёлари жойлашган жўғрофий муҳитни ҳисобга олсак, у ер табиий вазиятига кўра, қишни худо даражасида биладиган мамлакат эмас, аксинча бу ерда жазирама қуёш ҳукмрон. Фақат Сибир ерларидагина қиш ўзининг узоқ муддат туриши, совуқ келиши, барча нарсани, хусусан, қайта ҳаёт учун курашни ҳам ўзига боғлиқ қилиб қўйиши билан худо сифатида тасаввур этилиши мумкин. Ёқут, Тува мифларида ҳам қиш тангри сифатида тасаввур қилинган. Кейинги йилларда олиб борилаётган қатор тадқиқотларда бу масалага янада ойдинлик киритишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки, Олтой, Марказий Осиёдаги туркий халқлар мифлари уйғур ва Ўрхун-Энасой битиклари, кейинги пайтда топилаётган топилмалар бунга асос бўлмоқда. Эрамиздан олдинги III асрга тегишли Хитой қўлёзмаларида қанғлилар (хитойча кангюй – ***Ж. Э.***) хитой ёзувига тескари тарзда (маълумки, хитой иероглифи вертикал ёзилади) ёнламасига ёзилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Бу маълумот эса туркшуносларга анчадан бери маълум.

Шунга кўра, айтиш мумкинки, турк ёзуви эрамиздан олдинги III асргача Хитойга маълум бўлган экан, у шу даврга бир неча босқичларни яъни ёнламасига, тартиб ва қатор билан ёзилиш даражасигача етган босқичларни босиб ўтган. Бу шундан гувоҳлик берадики, турк ёзуви тарихи эрамиздан олдинги III асрдан қадимийроқдир: Биз, эҳтимол, бу қадимийлик илдизини шумер миххатлари билан тенглаштирсак ажаб эмас, негаки, Ўрхун-Энасой ва бошқа битиклардаги ёзувлар шакли кўп жиҳатдан шумер ёзувларига ўхшаб кетади: бу ўхшашлик тил ўхшашлиги билан қўшилиб кетадики, фаразлар фанга яқинлашганини ҳис этасиз. Чунки туркий тил

[3] *Мурот Ўроз.* Турк асотирлари // Сирли олам. – Тошкент, 1991. №1. – Б. 17–19.

Шумер тилига манжурлар асли туркий қавм бўлган мўғул тилига таъсир қилгандек яқин ҳудудда ҳам эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда Шумер тили турк таъсирига тушиб қолган бошқа бир тил дейиш учун бу икки ҳудудни ва халқни бирлаштирадиган манба зарур бўладики, бироқ шу пайтгача бундай манба маълум бўлган эмас. Биз шу яқинлик ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қиёслар келтирамиз. Сўзларни қиёслашнинг ўзиёқ бу тиллар бир-бирига яқин эканлигини кўрсатади.[4]

Сўзларни қиёслаймиз:

№	Шумер	Туркий
1	Ада (ота)	Ота, ада, дада
2	Ама (она)	Ама, аба, анна, эна, она
3	Қур (тоғ)	Қир, қўра
4	Шуба, Сина (чўпон)	Шунан, чубон, чобан, чўпон
5	Заг (томон, ён томон)	Жақ, жоқ, йоқ, томон
6	Эш (уй)	Эшик (эсиқ).
7	Урук (қалъа, шаҳар, қўрғон)	Урук (қурмоқ) шаҳар аҳолиси, қавм.
8	Уш (уч)	Уш, уч, ус, уч
9	Сакар (чанг, қум)	Чақир, чақа чак, йер (ер тош, майда тош, қум)
10	Гу (овоз, товуш)	Ку, куй (наво, овоз).
11	Эмек (тил)	Эммоқ, емоқ, эм, е (тилга, тил иштирокига боғлиқ)
12	Ме, Зе, Ане (мен, сен, ан у)	Мен, сен ана улар
13	Гаш (қуш)	Қуш, қус, қаш, ғоч
14	Ғиш, ғич (дарахт)	Оғоч, дарахт
15	Қир (ер)	Қир, дўнглик, қир (тўпроқ, лой)
16	Тир (ҳаёт)	Тирик, ҳаёт
17	Ту (туғмоқ)	Туу, туғ, тув
18	Туд (туғди)	Туғди, тууди, тувди
19	Сиг (ур)	Суқ, соқ, шоқ, чақ
20	Гаг (қоқ)	Қоқ, гаг
21	Ед (ўтмоқ, қирмоқ)	Ўт, ог, ет
22	Иши (чанг, оз, кичиқ)	Иш, пиши, пичи, бичи, озгина
23	Занг-Гин (яқинлашмоқ)	Жақин, йақин, зақин
24	Гештука (эшитувчи)	Эшитувчи, ешитувчи, естуган, естиган
25	Ерен (эр киши, жангчи)	Еран, Аран, Эран
26	Гаг (қазмоқ, экмоқ)	Қоқ, гак, эк.
27	Таг (тақмоқ)	Тақ, таг.
28	Тум (давом эттирмоқ)	Туъм (туғилиш, аждодлар давомийлиги) тухум (насл, зот)

[4] *Сулаймонов У.* Аз и Я. – Алма-ата, 1975. – С. 203.

29	Дингир, демир (тангри, осмон)	Тангри, денгир, тенир.
30	Ен (энг, олий, юксак)	Энг, олий, юксак
31	Кен (кенг)	Кенг
32	Узун (узун, барваста)	Узун, узак (қозоқча узун)
33	Уд (олов)	Ўт, олов
34	Удун, ўчоқ (ёнувчи маъносида)	Ўтин, отун, одун
35	Туш, шуш (тушмоқ)	Туш, тус

Кўриниб турибдики, шумер ва турк сўзлари семантик ва морфологик жиҳатдан бир-бирига мос келяпти. Тўғри, баъзи товушлар ўзгарган, лекин бу ўзгариш асл ўзакдаги маънога зарар етказмаган. Бу ўхшашлик кўп жиҳатдан тилшуносларга бой материал беради. Дунёдаги барча тиллар ўзларининг минг йил олдинги кўринишига нисбатан кескин фарқ қилади: қадим инглиз, герман, ҳинд, европа тилларини таржимасиз ўқиш мумкин эмас, бироқ биз беш минг йил илгарини шумер сўзларини ўз сўзимиздай тушуниб турибмиз.

Ушбу қиёсга шуни қўшимча қилиш керакки, Шумер тили билан бугунги муомаладаги туркий сўзлар орасида 4500–5000 йил фарқ бор. Буни тасаввур қилиш учун бундан минг йил илгари яратилган Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий асарларидаги сўзлар билан бугунги муомаладаги сўзлар орасидаги фарқни, давр ўтиши билан товушлар ўзгаришини қиёслашнинг ўзи етади. Бироқ орадаги вақт қанчалик узоқ бўлмасин, товуш ва сўзларнинг морфологик ясалиши, сон, сифат, олмошларнинг ўхшашлиги сўз бирикмаларининг бир хил қонуниятига амал қилиши бу тилларнинг яқинлигини кўрсатиб турибди. Шумер тили этимологиясини текшириш учун туркий тилнинг барча шева ва лаҳжаларидан хабардорликни талаб қилади, шунга кўра айтиш мумкинки, туркий халқлар тилшунослари олдида буюк ва улкан вазифа турибди. Агар бу вазифа уддаланса, унда шумерлар таъсирида шаклланган Бобил, яҳудий, юнонлар орқали бутун дунёга цивилизация берган халқ туркий қавм эканлиги ҳақидаги фаразлар илмий асосланади. Ўхшашлик фақат от, сон, сифатларда эмас, феъл ва илоҳий тушунчаларни ифодаловчи сўзларда ҳам акс этяпти. Маълумки, турли тилларда феъл ўхшашлиги камдан-кам ҳодиса. Таниқли тарихчи олим В. И. Авдиев тилшуносларнинг тадқиқотларидан келиб чиқиб, шундай дейди: «Сўзлар қўшимчалар ёрдамида эмас, ўзак ёрдамида ўзгарадики, шунга кўра, Шумер тили агглютинатив тиллар гуруҳидан бўлиб турк тилига яқиндир.[5]

Шумер қаҳрамони Гилгамеш (Шумер варианти Билгамес) исмларининг туркий халқлар эпик қаҳрамонларига (Алпомиш, Алпомис) товуш жиҳатдан ўхшашлиги ҳам бутун бошли тадқиқотни талаб қилади.[6]

[5] *Авдиев В. И.* История древного Востока. – Москва: ОГИЛ, 1948. – С. 41.
[6] Эпос о Гильгамеше. – Москва-Ленинград, 1961.

«Гилгамеш» («Билгамеш») ва «Алпомиш» достонидаги кўпгина мифологик мотивлар ҳам бир-бирига жуда ўхшаб кетади. «Гилгамеш» достонида Гилгамеш Энкидуни тушида кўради:

О, Энккиду! Гилгамеш сени тушида кўрмиш:
Уйғонгач, Гилгамеш онасига сўйлади:
Эй! Онажон! Бу кеча ётиб мен бир туш кўрдим,
Тушимда бир Алп-Эрни қуршаганмиш юлдузлар,
Сўнгра у Алп-баҳодир Кўкдан қошимга тушди.
Кўтармоқчи бўлдим мен, жуда оғир – келбатли,
Силкиламоқ истадим, қилт этмади жойидан.
Бутун Урук элати унинг устига қалқди.
Тўда-тўда бўлишиб унинг ёнига оқди.
Ўрталикка олдилар уни қуршаб ҳар ёндан,
Тенгдошларим ўпдилар қўлу оёқларидан.
Севикли бир ёр каби мен ҳам бағримга босдим.
Сўнгра сенинг пойингга етаклаб келдим уни,
Муносиб билдинг менга уни кўкка кўтардинг...[7]

«Алпомиш» достонида ҳам Қоражон Алпомишни тушида кўриб, у билан тушида дўст тутинади.

«Қоражон айтди: – Мен сени кўрганим йўқ, сенинг билан ҳамсуҳбат бўлганим йўқ, мен ҳам хотинингга талашиб ётган тўқсон алпнинг бири бўламан. Қулфи дилимни Худо очди, мусулмон бўлдим. Қириқ чилтон билан расул пайғамбар қавму қариндошингни тушимда кўрсатиб, сенинг билан мени дўст қилди».

«Гилгамеш» достонида Энкиду қандай вазифани бажарса, «Алпомиш» достонида Қоражон ҳам худди шундай вазифани бажаради. Хўш, бу тасодифми? Сюжетлар ўхшаш бўлиши мумкин, бироқ бу даражадаги ўхшашлик кишини ўйга толдиради. Бундан ташқари, «Алпомиш» ва «Одиссея» достонлари ҳайратланарли даражада бир-бирига ўхшаш эканлигини кўпгина олимлар эътироф этишган. Таниқли олим Алберт Лорд (Albert Bates Lord) эса ўзининг «Бахши» деган китобида (У Ҳомерни (Ὅμηρος) бахши дейди ва унинг «Иллиада» (Ιλιας), «Одиссея» (Οδυσσεια) достонларини халқ оғзаки ижоди намунаси деб ўрганади – ***Ж. Э.***) «Иллиада» ва «Одиссея» достонлари билан «Гилгамеш» достонининг ўхшаш жиҳатлари ҳақида гапирар экан. Ҳомернинг даврида ва ундан олдинроқ ҳам грекларга осиёликлар, жумладан шумерликлар таъсир кўрсатганлигини ёзади.[8]

Гилгамеш шумер вариантида Бильгамеш, Билгамес шаклида учрайдики, «Билга» сўзи қадимги турк тилида «билимли», «доно» маъноларини, шумер тилида аса эпосларда Билгабек, Билгақоғон,

[7] Эпос о Гильгамеше. – Москва-Ленинград, 1961. – С. 12.
[8] *Лорд А.* Сказитель. – Москва, 1994. – С. 60.

Билгахоқон, Билгамес «билга» донишманд бобо маъносини беради, туркий (билимли ботир, паҳлавон) номли қаҳрамонлар кўп учрайди. Билгахоқон битиги, «билга» сўзи туркийларда азалдан мавжудлигини кўрсатади. Билга хоқон бу – донишманд ботир, барча нарсани билувчи хоқондир. Хоқон – фақат жисмонан кучли одам эмас, у руҳан кучли шахс ҳамдир, у хоқонлик даражасига етгунча шомонликнинг мақомларини босиб ўтади ва ўзида ҳам шомонлик хусусияти бўлади. Шомон тангри билан инсонни боғловчи кўприк, у ёвуз руҳларга қарши курашиб, жанг қилади, баъзан у ҳомий руҳ мадади билан ёвув руҳлар салтанати ер ости дунёсига сафар қилади, у ердан ёвуз руҳлар қўлидаги асирани (тутқунни) озод қилади, олтин олма, олтин қуш, обиҳаёт ва ҳоказоларни олиб қайтади. Олтин олма, Олтин қуш, обиҳаёт – ер юзига зарур нарсалар. Олтой, Сибир шомонлари ҳақидаги тадқиқотларда шомоннинг бу вазифаси атрофлича таҳлил қилинган Билгамес ҳам ер ости дунёсига сафар қилади, юртнинг ёвуз душманларини ўлдиради, мангу ҳаёт суви излаб борса-келмас юртига йўл олади. Миф ва урф-одатни қиёслашнииг ўзиёқ Шумер масаласида бизга бой материал беради, шумер халқларининг асл ватанларини аниқлаш учун туркий қавмларнинг пайдо бўлиш, кўпайиш ва буюк кўчишлар ҳақидаги мифларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Шунга эътибор қаратиш зарурки, Шумер давлати янги неолит даврида Месопотамияда пайдо бўлиб, аввало устига қамиш ёпилган кулбаларда ва ертўлаларда яшашади, бу тариқа истиқомат қилиш усули ва сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар шумерларнинг тоғли халқ бўлганини кўрсатади. Қизиғи шундаки, бу масалада, яъни шумерларнинг асли тоғли бўлгани ҳақидаги масалада олимлариинг фикри яхлитдир. Шумерлар кўчиб келганидан сўнг мисдан буюм ясай бошлайдиларки, бу темирчилик инсоният идроки ва маданиятидаги улуғ инқилоб эди. Темирчилик асли туркий халқлар касби бўлиб, туркий қавмнинг илк лақабларидан бири ҳам «темирчи»дир. Темирчиликка боғлиқ миф турли халқларда жуда кўп, шулардан энг эътиборлиси «Эргенекўн» достонидир. Бу достонда ҳикоя қилинишича, туркий қабила душманлардан енгилади. Элхоннинг ўғли Қиян ва Ноғузнинг оила аъзоларидан бошқа барча ўлиб кетади. Қиян ва Ноғуз мол-ҳоли, бола-чақасини олиб қочади, ва узоқ машаққатлардан сўнг тангри марҳамати билан тоғ орасидаги жаннатмонанд жойга келиб қолишади. Атроф тоғ билан ўралган бу жойга бирон бегона келиши, душман забт этиши сира мумкин эмасди. Бу ер жаннатни эслатарди. Ери, суви, об-ҳавоси, неъматлари кўплиги билан жаннатнинг ўзи эди.

Улар шу ерда яшаб қолишади. Бу ерда қавм деҳқончиликни, боғдорчиликни, темирчиликни ўрганишади, ҳақиқий бой ва фаровон гуллаб-яшнаган юртга айлантиришади. Улар бу ерда 400 йил яшайдилар. Қавм ақл бовар қилмас даражада кўпаяди ва бу жаннат юртга энди сиғмай қоладилар. Шунда улуғлар кенгашиб, ўз юртларини кенгайтирмоқчи бўлишади, лекин қоядан чиқиб кетиш мумкин эмасди. Шунда бир темирчи уста ўзларини ўраб турган қояларни эритиб, дунёга йўл очади. Йўл очиб, янги дунёга чиқилган кун (бу кунни Мурот Ўроз 9-март деб атайди,

афтидан у қамар ва шамсия йиллари кун ҳисобида адашган чоғи, бу кун 19-21 мартга тўғри келади, яъни янги кун азал-азалдан 21 март, яъни Наврўз куни саналиб келинган) баҳорнинг илк кунида Эрганакундан чиқилгани учун ҳар йили шу пайтда турк хоқонлари маросим ўтказар, халқ йиғилар эди. Улар бир темир куракда қизиб турган темир олишар, хоқон уни бир болға урар, сўнгра зиёфат берилар эди.

«Девону луғотит турк»нинг (ديوان لغات الترک) 1-жилдида «Қирғиз ёбоқу, қипчоқ ва яна бошқа қавмларнинг халқи онт ичганларида ёхуд сўзлашганларида темирни улуғламоқ учун қилични чиқариб, кўз юмиб, ёнламасига унга томон юрар, «кўк кирсин, қизил чиқсин» (яъни «сўзингда турмасанг, қилич қонингга беласин, темир сендан ўч олсин») дердилар.[9] Чунки улар темирни муқаддас ҳисоблайдилар, дейилган.

Олтой туркларининг тангриси Эрликхон саройининг томи ҳам, қиличи ҳам, қалқони ҳам темирдан. Темир билан шомон бир уйдан чиққан (шомон – қавм йўлбошчиси, илоҳиятчиси, уларга мадад берувчи) демак, темир шу қадар муқаддас. Турклар тўсиққояни эритиб, дунёга йўл очишади ва турли томонга худди ўзлариникидай жаннатмонанд юрт излаб кетишади. Ана шу қавм темирчилик асосларини бошлаб беради. Темирчи деган лақаб туркийларга ана шу асотирдан қолган бўлиши мумкин. Манба ва ёдгорликлар шуни кўрсатадики, мифда назарда тутилган жаннатмонанд юрт Олтойда – тоғлар орасида жойлашган. Достонда бу юртнинг одамлари мард, барча ҳунар эгаси, бақувват, қўрқмас, юрт эса обод, тўкин-сочин қилиб тасвирланади. Достоннинг душмандан яшириниб тилсимли юртга бориб қолиши ҳақидаги сюжет илдизи қадимга бориб тарқалади. Маълумки, туркий халқларнинг космогоник қарашларига кўра, одамлар тангрилар билан тоғлар устида учрашганлар, тоғларга топинганлар, жаннатга, яъни фалакка тоғлар чўққилар устига чиқиб борилади, деб тушунилган. Қадимги юнон манбаларида узоқ Шарқда бахтиёр, гуллаб яшнаган гинерборей халқи яшагани ҳақидаги қайдлар учрайди.[10] Милоддан аввалги VII асрда Шарққа саёҳат қилган юнонистонлик Аристейнинг хотираларида ҳам шундай маълумотлар учрайди.[11] Аристей ўз саёҳатини достон қилган. Бу достон туркий халқлар юрти ҳақидаги энг қадимги ёзма манбалардан биридир. Аристей ўзининг «Аримоспея» достонида аримасплар, оддий одамлар эмас, илоҳий куч қудратга эга халқ сифатида тасвирланади. Достонда бу халқ темирчиликни, сеҳргарликни, оловни бўйсундиришни билади, юртлари жаннатмонанд, одамлари бир кўз, деб тасвирланган. Манбаларда бир кўзлилар ҳақидаги мифлар тарихий асосга эгалиги ёзилган.[12] Хусусан, туркий қавм бошларига темирдан дубулға кийиб юришган. Кўзни ҳимоя қилиш учун кўз атрофи тешик бўлган. Буни тасаввур қилолмаган юнонларга аримасплар – бир кўзли девлар сифатида

[9] *Маҳмуд Қошғарий.* Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1961.
[10] *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 11.
[11] Ўша манба. – Б. 11.
[12] *Пьянков И. В.* Античность и античние традиции в культуре и исскустве Востока. – Москва, 1978. – С. 184.

гавдаланган. Умуман, Аристейнинг Шарқ ҳақидаги достони юнон адабиётига улкан таъсир қилди. Унда аримасплар сеҳрли кучга эга сифатида тасвирланади. Жаннат юрт ҳақидаги ушбу манба темирчилик ва цивилизация ватани Ўрта Осиё, Олтой атрофидаги жойлар бўлганини тасдиқлаб турибди. Шимолдаги жаннатмонанд юрт хақидаги ривоятлар Хитой манбаларида ҳам учрайди. Қадимги хитой мифларида ғарбий-шимолий мамлакат бўлмиш жуда бадавлат ва қудратли Иму мамлакати бор, дейилади. Иму худди Аристей тасвирлагани каби бир кўзлилар мамлакатидир.[13]

Бундан ташқари, ҳинд мифларида ҳам шимолдаги бир кўзли одамлар ҳақидаги маълумотлар бор. Демак, бир кўзли одамлар мамлакати реал олам бўлиб, темирчилик тараққий этиши асосида ҳали бирон халқ фойдаланмаган кўз атрофи тешик, ўзига хос жанг ва ҳимоя воситаси бўлмиш дубулға кийган халқ Бақтерия ва Ҳиндистондан шимолда, Хитойдан ғарбий шимолда, Юнонистондан узоқ Шарқда яшаганки, харитани кўз олдимизга келтирсак, бу Марказий Осиё, Сибир ва Олтой ўлкаларига тўғри келади. Жаннатмонанд юртнинг айнан шу ҳудудда жойлашгани ҳақидаги юнон, хитой, ҳинд манбалари гувоҳлик беради. Бундан ташқари, тоғ орасидаги тилсимли шаҳар-мамлакат ҳақидаги сюжет ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам сақланиб қолган. Хусусан, «Маликаи айёр» достон тилсимли ва қудратли Торкистон мамлакати ҳақида ҳикоя қиладики, Аваз Малика Айёрни шу мамлакатдан олиб қочиб келади.[14] Достондаги эътиборли жойи шундаки, Торкистонда достон қаҳрамонлари олтиндан, металда шер ясайдиларки, бу эпизод туркий халқлар темирчилик билан қадимдан шуғулланганини кўрсатади. Сибир туркларининг этнографиясини ўрганган В. В. Радлов ёзади: «Олтой ва Саён тоғлари ўзининг олтин ва мисга бойлиги билан ажралиб туради ва шунга кўра биз айтишимиз мумкинки, бу ернинг қадим аҳолиси метални ўзлари қазиб олганлар»[15]. У олтойликлар бронзадан 180 хил намунадаги буюм, тақинчоқ ясаганини айтади, шунингдек, олтойликларнинг қадимги қабрларидан металл (олтин, мис, бронза, кумуш) буюмлар топилганки, марҳум билан буюм қўшиб кўмиш одати шумерликларда ҳам бўлган. Милоддан аввалги 3000 йиллар бошига тааллуқли топилма – малика Шубад қабридан жуда нозик ва санъаткорона ишланган заргарлик ва металл буюмлар топилган.[16] Олтойликлар ва шумерликларнинг кўмиш маросими ҳамда қабрга темир буюмлар қўйиш одати бир хил. Баъзи олимлар бу ўхшашликка асосланиб, қадимда бу халқларнинг дини битта бўлган деган фикрни айтадилар. Рус олимаси З. Рагозина жуда бағрикенглик билан, қўлидаги шумер ва туркий манбаларга, материалларга таянган ҳолда шундай ёзган эди: «Улар (шумерликлар – ***Ж. Э.***) бу ерга цивилизациянинг илк намуналарини – ёзув,

[13] Археологический сборник. – Ленинград, 1961.
[14] Малика айёр. (Достон). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1968.
[15] *Радлов В. В.* Из Сибири. – Москва, 1989. – С. 421.
[16] *Авдиев В. И.* История древного Востока. – Москва: ОГИЛ, 1948. – С. 23.

ердан фойдаланиш санъати, ҳар қандай метални қазиш ва эритиш усулларини олиб келдилар. Улар деярли ботқоқ жойларни канал қазиб, ҳосилдор ерга айлантирдилар, тошлардан ва ғиштдан уй қуришни жорий қилдилар. (Ғиштдан ва тошдан уй қуришни шумерликлар бошлаб берган – ***Ж. Э.***)

Аккад (Оққад), яъни «тоғ», «тоғ», «қоя», «қад» сўзининг ўзиёқ бу халқнинг қайсидир тоғли юртлардан келганидан дарак беради. Уларнинг асли ватанлари Дажла ва Фрот дарёсидан шимоли-шарқда жойлашган. Ўзларини Элам деб атаган бўлишса-да, асли қадимги Турк қавмига мансуб эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Агар Сибирнинг Олтой тизма (жумладан, Ўрал ҳам – ***Ж. Э.***) тоғлари қадимда темир конлари бўлганини сўнг жануб ва шимолга қараб тарқалиб кетганини тасаввур қилолсак ва бу ўлкада Турон қавмлари яшаган ҳамда уларнинг бир қисми ҳамон ўша ерда кўчманчи ҳолатда яшаётганини ҳисобга олсак, шумер ва аккадлар дастлаб шу ўлкадан чиққанини аниқлаш осон бўлади. Ўрал-олтой халқларининг оғзаки манбалари ва топилмалари ҳам буни тасдиқлайди.

Кастрен ўз тадқиқотларида уларнинг (шумерликларнинг – ***Ж. Э.***) дунё пайдо бўлганидан ёки қандайдир умумий ҳалокатдан (Ер юзини сув босиши назарда тутилади – ***Ж. Э.***) буён ота-боболари Олтойнинг беғубор дарё ва ирмоқлардан сув ичувчи тилсимли водийсида (ўзгалар учун ёпиқ берк водий – ***Ж. Э.***) яшаганлари ҳақида ажойиб афсонани келтиради. Афсонада айтилишича, бу водий тўрт томондан ҳам ўтиб бўлмас қоялар билан (Чортоқли Чамбилни эсланг – ***Ж. Э.***) ўралган уларнинг аждодлари неча юз йиллар бу водийда яшагач, бу ерлар тор бўлиб қолган ва натижада водийдан чиқиб кетиш, уни кенгайтириш йўлини излашган, бироқ топишолмаган. Шунда қавмнинг тақачиларидан бири қояни текшириб кўриб, унинг бошдан-оёқ темир эканлигини аниқлайди. Унинг маслаҳати билан улар гулхан ёқишади, сон-саноқсиз босқонларда уни эритишади ва шундай қилиб ўтиб бўлмас қоядан ўзларига йўл очишади. Ушбу афсона темирга ишлов бериш сариқ қавмнинг ота касби бўлгани ҳақидаги кузатишларни тасдиқлайди. Аккадликлар эса ота касбларининг моҳир усталари бўлганларки, буни уларнинг қабрларидан топилаётган олтин ва санъаткорона ишлов берилган бошқа темир буюмлар тасдиқлаб турибди.[17]

З. Рагозина келтирган афсона олдинги варақларда келтирилган афсона билан яқингина эмас, айнан биттадир. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, темирчилик кашф этилиши, темирдан буюмлар ясалиши цивилизациянинг бошланишидир. Олтой, Ўрал ва ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида яшаган туркий қавмлар ўзларига юрт излаб, кейинчалик тоғ тизмаларини ошиб ўтиб, Кавказ орқали Месопотамияга бориб қолиши ва у ердан дунё цивилизациясини бошлаб бериши ҳақиқатга яқиндир. Олтой ва Ўрал оралиғида топилаётган археологик топилмалар ҳам қадимда бу ерларда цивилизациянинг илк элементлари мавжуд бўлганидан дарак

[17] *Рагозина З.* История Халдеи. – СПб., 1903. – С. 160–170.

беряпти. Асли Олтойлик туркий қавмларнинг Ўрал орқали Кавказга, ундан Арарат тоғларидан бошланувчи Дажла ва Фрот дарёлари оқими бўйлаб текис, экин экиш мумкин бўлган ерларга бориб қолиши ҳақиқатдан йироқ эмас. Чунки туркларнинг буюк кўчишлари ҳақида турли афсона, эртак, достонлар сақланиб қолган. Битикларда «Алпомиш» достонида ҳам шундай кўчиш ўз ифодасини топганки, гарчи достон шаклланишини IX–X асрга боғласалар-да бироқ кўчиш сюжети жуда қадимдан қолган бўлиши эҳтимолга яқиндир.

Оврупога юриш қилган хунлар, Болгарияга ва Венгрияга асос солган булғар ва хунгарлар («венгер» – «хунгер»нинг товуш ўзгаришига учраган варианти – ***Ж. Э.***). Онадўли туркларини асли кўчманчи турк қавмлари бўлганлиги бугун фанга сир эмас. Сувли ер излаб ёки сувли ер (сув-ер Сумер) бўйлаб Месопотамияга бориб қолиш мумкинлигини тасаввур қилиш учун катта ақл ҳам керак эмас. Чунки дарёлар узунлиги ва тоғдан бошланиши Сибир дарёларини эслатиши турган гап. Қавм бу ерларда ўзларининг ота юртлари табиатига хос манзарага дуч келган бўлишлари табиий. З. Рагозина келтирган Кастрен тадқиқотидаги дунё пайдо бўлгандан ёки умумий офатдан (сув босқини) буён аждодларининг Олтой атрофида яшагани ҳақидаги афсона шуниси билан қимматлики, шумерликларнинг «Гилгамеш» тўғрироғи, «Билгамес» достони асосида аккадликлар яратган ва бош қаҳрамони Гилгамиш бўлган «Ўлмайдиган одам» («Ҳаммасини кўрган одам») достонида ҳам умумий офат – сув босқини ҳақида ривоят бор Ўтнапиштим Гилгамешга гапириб берган ушбу тўфон, ер юзини сув босгани ҳақидаги биринчи энг қадимий ёзма манбадир. Шуни айтиш керакки, ушбу тўфон ва Нуҳ алайҳиссалом ҳақидаги ривоят яҳудийларга Гилгамишга қараганда қарийб 2000 йилдан сўнг «Инжил» орқали маълум бўлган. XIX асрнинг 60-йилларигача сув тўфони ҳақида «Инжил» энг қадимги ёзма манба ҳисобланиб келинардики, Бобилдаги Анишурбинапил кутубхонасининг бир қисми топилгач эса энг қадимий манба Гилгамеш ҳақидаги достон эканлиги маълум бўлди. Бу ерда эътиборни тортадиган нарса шуки, биз сув тўфони ҳақида афсоналарни қиёслаганимизда, бу афсоналардаги ўхшашлик энди тасодифий ўхшашлик чегарасидан чиқади. (Эҳтимол, З. Рагозина ҳам шунга асосланиб, шумерларни туркий қавмлар деб дадил эътироф этгандир). Авало сув тўфони ҳақида олтойликлар афсонасини келтирамиз.

Тўфон бўлажагини энг аввал темир шохли, кўк жунли бир така (1) хабарлаган кўк така ер юзини етти кун айланиб бақиради. (Темир шохли кўк така, бизнингча тотемлардаги тангрилардан бири бўлса керак. – ***Ж. Э.***). Шундан кейин мудҳиш бир совуқ бошланди. Етти азиз оға-ини бор эди. Буларга тўфон бўлажагини билдирдилар. Эрлик, Улгенда (тўфондан сўнг тангри қаторига ўтишади. – ***Ж. Э.***) иборат ака-укалар кема ясадилар, ҳар турли ҳайвонлардан бир жуфт олиб кемага солдилар. Тўфон тингандан кейин Улген бир хўрозни қўйиб юборди. Хўроз совуқдан ўлди. Сўнгра бир ғозни қўйиб юборди, ғоз кемага қайтмади. Учинчи марта бир қузғунни қўйиб юборди. Қузғун кемага қайтмади. Чунки у лош топиб ея бошлади. Ер

кўринганини пайқаган етти ака-ука кемадан чиқди. Яна бир Олтой афсонасида тўфон шундай тасвирланади. «Улген дунёдаги Нўмон деган одамга тўфон бўлажагини билдириб, кема ясаш зарурлигини маълум қилди. Нўмоннинг Болиқса, Сорул, Сўўзунуул деган уч ўғли бор эди. Ҳаммаси жам бўлиб бир тоғ тепасида кема ясади. Кемага инсон ва бошқа яратиқлардан бир жуфт-жуфт олдилар. Нўмоннинг кўзи яхши кўрмасди. Кемадагилардан «бирор нарса кўрмаяпсизми?» – деб сўради у... Афсонада айтилишича, Нўмоннинг кемаси тўфонга дош берди, ер юзини сув босди. Ниҳоят сув пасайиб, кема Жумулай ва Тулутти тоғларига келиб тўхтади. Нўмон ҳам биринчи афсонадаги каби қуруқликни билиш учун аввал қузғун кейин қарға, сўнг зағизғонни жўнатди. Тўртинчисида каптар учирилди ва у қуруқлик хушхабари билан қайтди. Тўфондан сўнг Нўмон тангрилар қаторига ўтди.[18]

Тўфон ҳақида афсоналар бошқа туркий қавмларда ҳам учрайди. Лекин биз шумерликларнинг сув тўфони ҳақидаги афсоналари билан солиштириш учун олтойликлар афсонасини келтирдик.

Шумерликларнинг сув тўфони ҳақидаги афсоналари Олтой афсонасидан фақат бадиийлашгани ва манзаралари, қаҳрамонлар ҳаракати аниқлиги билан фарқ қилади. Бу ҳам шунга боғлиқки, Гилгамиш ҳақида достон шумер куйловчиси томонидан қайта-қайта айтилган ва афтидан, ёзма ҳолга келаётганида ижрочиларнинг бадиий ифодалари қўшилиб кетган. Пенсильвания (Pennsylvania) университети профессори Г. Гильпрехт (Herman Volrath Hilprecht) томонидан тадқиқ этилган ва милоддан тахминан 2100 йил аввал сополга ёзилган соф шумерча сув тўфони афсонаси Гилгамеш ёки бошқа бирон бадиий асарнинг бир қисми бўлиши мумкин. Балки, бу Гилгамеш ҳақидаги беш қўшиқнинг илгариги ёки кейинги давомидир. Бу ҳақда ҳали бирон фикрга келинмаган. Лекин, афсона соф шумер тилида ёзилгани билан қимматлидир. Афсонада айтилишича, Зиугидду ёки Зиудзудду худолар олдидаги тоат-ибодати учун тўфон бўлажагидан хабар топади ва кема ясаб тўфондан омон қолади. Сополга ёзилган афсонанинг давоми шундай: «Бўрон ва тўфон ер юзига етти кечаю етти кундуз сел бўлиб ёғилди, улкан кема эса тўлқинларга урилиб сузиб юрарди. Сўнг тангри – қуёш (Оловга, қуёшга сиғинган, уни тангри билган аждодларимизни эсга солади – ***Ж. Э.***) кўринди. Шундан сўнг, Зуидзудду қуёш тангрисига қўй ва ҳўкиз сўйиб қурбонлик қилади. Матн шу ерда ўчиб, кейинги воқеадан давом этади. Зуидзудду тангриларнинг абадий яшаш мукофотига сазовор бўлади.[19]

Эрамиздан олдинги даврда ёзилган ва шумерликлар таъсирида дунёга келган аккадликларнинг Гилгамеш ҳақидаги «Ўлмайдиган одам» достонида ҳам обиҳаёт ичиб, мангу ҳаёт кечиришга эришган Ўтнапиштим ҳам мангу ҳаёт излаб келган Гилгамешга сув тўфони ҳақида гапириб беради. Биз бу ерда афсонани тўла келтириб ўтирмаймиз. Унинг қисқача баёни шундай:

---

[18] *Мурот Ўроз.* Турк асотирлари // Сирли олам. – Тошкент, 1991. №1. – Б. 18.
[19] *Фрэзер Дж.* Золотая ветвь. – Москва, 1986. – С. 78.

Худолар итоати ва ибодатида бўлган Ўтнапиштим тангри Эа маслаҳати билан кема ясайди ва унга барча жониворлардан бир жуфт олди. Тўфон бошланади ва у еттинчи куни тоғ ёнига бориб тўхтайди. Ўтнапиштим қуруқлик бор-йўқлигини аниқлаш учун аввал каптар, сўнг қалдирғоч, кейин қарға учиради. Қарға қуруқлик борлигидан хабар беради. Тоғда Ўтнапиштим тангрилар номига қурбонлик қилади ва тангрилар унга мангу ҳаёт ато этадилар.

Бу афсона ёзма шаклда Бобил кутубхонасида сақланганини ва Гилгамиш ҳақидаги шумер, сўнг аккад достонлари бутун кичик Осиёга, жумладан, юнон, араб мифологиясига таъсир ўтказганини шу сюжетли турли мифлар пайдо бўлганини эътиборга олган ҳолда Ўтнатиштим афсонасини «Инжил»даги Нуҳ пайғамбар ҳақидаги бўлим ва «Ўлмайдиган одам»га солиштирсак, бу икки афсона ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини сезамиз ва ҳатто айтиш мумкинки, «Инжил»даги Нуҳ (Ной) пайғамбар ҳақидаги бўлим «Ўлмайдиган одам» достонининг сўзма-сўз такрорланган нусхасидир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мусога тушган муқаддас китоблар кейинчалик бузилгани ва ўзгартирилгани ҳақидаги ҳадисларидан келиб чиқсак, «Инжил»нинг сув тўфони ҳақидаги бўлими муқаддас китоб саҳифасидан кўра, шумерликларнинг моддий ва маънавий ютуқлари ҳамда ёзма манбалари ворислари бўлмиш бобилликлар таъсирида шаклланган яҳудий мифологиясининг ифодаси эканлигига гувоҳ бўламиз. Жорж Фрэзер (James George Frazer) эса бу ўхшашликни тўғридан-тўғри «айнан такрори» деб баҳо беради.[20]

Шумер ва Аккад афсоналарини келтиришимиздан мақсад шуки, асли семит тиллар гуруҳига мансуб аккадликлар эрамиздан олдинги 5000 йилдан 2000 йилгача ўтган минг йиллик ичида шумерлар таъсирида шаклланиб, давлатларининг номини ҳам Шумерча атаб, шумер худолари ва мифологиясини ўзлариники қилиб олдилар. Шу сабабли Аккад манбаларини семит тилидаги халқлар мифологияси сифатида эмас, шумерликлар мифологияси сифатида ўрганиш зарурдир. Олтой ва шумерликларнинг сув тўфони ҳақидаги афсоналари умумий ўхшашликдан ташқари, ҳаракат эпизод, деталларигача айнанки, буни тасодиф дейиш қийин. Қуш учирилиши, учирилган қушларнинг бир-бирига яқинлиги ҳар икки афсонада ҳам кема тоққа бориб тўхташи ва оқибатда ҳар икки афсонада ҳам мангу ҳаётга – тангриликка дахлдор (мангу ҳаёт фақат тангриларга хослигини ҳисобга олсак, Нўмо, Улген, Эрликнинг тангри бўлиши билан, Зуидзудди ва Ўтнопиштимнинг мангу ҳаётга эришишлари ўртасида фарқ йўқлигини, балким айнан бир нарса эканлигини тушунамиз – ***Ж. Э.***) эканлиги бизга икки афсона манбаси битта эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, ҳар икки афсона туркийларда Нуҳ пайғамбар ҳақидаги ривоят, хушхабар «Инжил»гача ҳам маълум бўлганини билдиради. Бу оғиздан-оғизга ўтиб келган бўлиши ва ўтган минг-минг йилликларда ном-исмлар ўзгариб кетган бўлиши мумкин. Ҳар икки

[20] *Фрэзер Дж.* Золотая ветвь. – Москва, 1986. – С. 72–76.

афсонани ҳам бирлаштирадиган яна бир манбага эътибор берайлик. «Қиссайи Рабғузий»да туркий қавмларнинг келиб чиқиши Нуҳ пайғамбарга боғланадики, бу масалани яна ҳам ойдинлаштиради. «Қиссаи Рабғўзий», «Шажараи тарокима», «Ўғузнома» ва бошқа асарларда туркийларнинг отаси – Нуҳнинг ўғли Ёфас деб таъкидланади. Сув тўфонидан сўнг Нуҳ кенжа ва яхши кўрган ўғли Ёфасга Туронзаминни берди ва шу заминда Ёфас ўғил кўриб, унинг авлодлари пайдо бўлди... Туркий шажарага бағишланган барча асарларда ана шу шажара дарахти келтирилади. Модомики, Турк Ёфаснинг ўғли экан, Нуҳ пайғамбар ҳақидаги афсона туркийларда оғиздан-оғизга ўтиб келиши табиийдир. Ана шу оғиздан-оғизга ўтиш давридаги минг йилликларда исмлар ўзгариб кетиши ҳам табиий. Сув тўфони ҳақидаги афсоналар ўхшашлиги бизга мифологик тасвир ва тушунчаларни қиёслаш имконини берадики, бизнинг қиёсимиз мифологик олам қиёфасисиз тўлиқ бўлмайди.

Ўлжас Сулаймонов шумерликлар қабридан топилган буюмларни олтойликлар қабридан топилган буюмлар билан солиштириб, жуда катта яқинлик топган. Хусусан, шумерликларнинг тирилтирувчи маъбудаси Иштор ҳайкаллари топилган. Уларнинг мифологик вазифалари ҳақидаги тасаввурлар туркий қавмларникига жуда яқин. Мўғулистондан Венгериягача аёл маъбудаларнинг Иштор вазифаси билан бир хил. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, туркийларнинг ҳосилдорлик маъбудаси Умай ҳам хонадон, ҳам болалар маъбудаси ҳисобланади. Бола кўриш, ўлимдан асраб қолиш Умай вазифасига киради. У тирилтирувчи Иштorни эслатади. Олтой мифларида Улген кўк тангриси, Эрликхон ер ости тангриси, Шумер мифларида Энлиль кўк тангриси. Энки ер ости тангриси; қадимда турклар дунё уч оламдан иборат деб тасаввур қилган. Осмон, ер, ер ости, Шумерликлар ҳам шундай тасаввур қилишади. Турклар қуёшни муқаддас билади, уни тангри дейди, шумерликлар ҳам қуёшни тангри дейди: Ўтнопиштим ҳақидаги афсонада ҳатто қуёш-тангрига қурбонлик қилингани ҳақида ўқидик. Турклар ер ости дунёсини «Борса келмас юрт» деб атайди. Шумерликлар ҳам шундай атайди. Шумер ва турк тиллари, асотирлари, космогоник қарашлари дунё ҳақидаги тушунчалари, урфлари ўртасидаги ўхшашлик бу мавзу таҳлил қилинган сайин кўплаб топилмоқда. Мурот Ўроз Шумер асотирларини қадим турк асотирлари билан қиёслар экан, бу асотирлар манбаси битта деган хулосани кескин айтади ва қадимги туркий халқлар асотирларидаги ғор, тоғ, тангри, ёвуз руҳлар, ер ости дунёсига яқин деган хулоса қилишимизга асос беради. Фалак, дунёнинг яралиши, табиатга бўлган муносабатда жуда кўп ўхшашликлар топади.

Биз туркий халқлар ва шумерликларнинг олам ҳақидаги тушунчасида тасаввурлари, уларнинг мифологик асослари ҳақида алоҳида тадқиқот мавзуси бўлганлиги учун мифлардаги умумий ўхшашликлар билан чегараланамиз, зеро кўриб чиққан материалларимиз Шумерликларни туркий қавмлар бўлган деган фаразлар ҳақиқатга яқин эканлигини урғулайди.

ЭПИК ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

1

Биз янги аср бўсағасида турибмиз. Юз йилликлар ниҳояланаётганда одатда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлади, тафаккурда, онгда янгиланиш юз беради Бу янгиланиш ўз-ўзидан бўлмайди осонгина кечмайди ҳам. Одатда бундай ўзгаришларга узоқ тайёргарлик кўрилади. Шунинг учун ҳам XX аср сўнгига келиб миллий қадриятларга, инсон маънавиятига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда.

Маънавиятимиздаги янгиланиш жараёни эса, шубҳасиз, адабий меросимизни, шу жумладан халқ оғзаки ижодини, унинг бадиияти, мифологик қатламини қай даражада ўзлаштиришимиз билан белгиланади. Биз бугун янги адабиёт, тўғрироғи чинакам адабиёт яратишга ҳаракат қилаётган эканмиз, энг аввало санъатга, адабиётга замин бўлган халқимизнинг қадим мифологик тасаввурларини яхши ўрганишимиз, таҳлил ва тадқиқ этишимиз лозим бўлади. Мифологиянинг ўзига хос фалсафа эканини тушунмасдан туриб, ундаги рамзларнинг маъно ва моҳиятини очиб бермасдан туриб биз на адабиёт, на санъат эшигига кира оламиз. Биз бугун классик адабиётимизни ҳамда дунё адабиётини тушунишимиз учун энг аввало ана шу қатламни ўрганишимиз зарур бўлади. Халқ оғзаки ижодини билмасдан туриб, адабиёт ҳақидаги билимимизни мукаммал, дея олмаймиз. Европа, умуман Ғарбдаги ижодий инқилоблар, юксак санъат намунаси ҳисобланган бадиий асарларнинг асосида ана шу қадим фалсафа турадики, У. Фолкнер (William Cuthbert Faulkner), Х. Л. Борхес (Jorge Luis Borges), А. Камю (Albert Camus), Ж. П. Сартр (Jean-Paul Charles Aymard Sartre), Ж. Жойс (James Augustine Aloysius Joyce) каби XX аср адабиётининг байроқдорлари бўлган адибларнинг ижоди бунинг исботидир.

Халқ ижодини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзини, урф-одатини, анъаналарини, тарихини, бугуни ва келажагини, ўй-кечинмалари ва руҳиятини ўрганиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини билиш, англаш, ўзини намоён этиш хислатлари, уринишлари, халқнинг минг йиллик ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этган бўлиб, оддийроқ тилда айтадиган бўлсак, халқ ижодини ўрганиш бу бевосита халқнинг ўзини ўрганиш демакдир. Халқ оғзаки ижодини англаш учун эса оғзаки ижод, яъни бахшичилик санъати ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Бу нарса бизга ижод сирини, унинг юзага келиш ҳолатини билишда, бадиий мерос бадииятни чуқурроқ талқин қилишда ёрдам беради.

2

Бахшичилик, яъни эпик анъана авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша оғзаки равишда сақланиб келган санъатдир. Бахши ўз эпик хотирасида ана шу анъаналарни сақлаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда бу эпик анъана янада бойиб, янгиланиб борган. Улар эпик билим

ва эпик хотиранинг меросхўрлари, асровчилари эдилар. Аждодлардан мерос қолган бу эпик хотирани улар ўз қувваи ҳофизасига кўра ижро этганлар. Ижрони эса улар, шубҳасиз ўз устозларидан ўрганганлар, эпик қолипларга амал қилганлар, шу тахлит улар эпос қонуниятини яратганлар.

Эпос ҳақида сўз юритишдан олдин бахши ва эпик формула ҳақида, тўғрироғи, бахшичилик, бахшичилик анъаналари ҳақида, оғзаки эпик ижодиёт қонуниятлари ҳақида сўз юритиш лозим бўлади. Зеро, эпик формула бу инсон бадиий тафаккурининг юксак бир намойиши, тўхтовсиз оқиб турувчи поэтик оқимдир.

Бизнинг бахтимиз шундаки, жуда улкан бир маданий меросга эгамиз. Шу пайтгача бахшиларимиздан юзлаб достонлар ёзиб олинган. Бундай улкан мерос ҳамма халққа ҳам насиб этавермайди. Бу достонлар ҳали кўп бор тадқиқ этилади. Биздаги бахшичилик мактаблари ҳали қатор тадқиқотларга мавзу бўлади. Ҳоди Зарифов, Тўра Мирзаев каби устоз олимларимиз фольклоршуносликнинг мактабларини яратдилар. Улар бир пайтлар кўтарган масалалар, ҳали ўзоқ йиллар ўрганилиши, тадқиқ этилиши муқаррардир.

Бугун дунёнинг кўпгина фольклоршунослари Ҳоди Зарифовнинг атоқли олим В. Жирмунский билан биргаликда ёзган «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси» асарига суяниб иш кўрадилар. Ҳоди Зарифовнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, нашр этиш ва тадқиқ этиш борасидаги текширишлари, илмий хулосалари ўз даври учун ҳам, бугун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тўра Мирзаевнинг «Ўзбек бахшиларининг эпик репертуари» ва «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари рисолаларида жуда катта масалалар илгари сурилди. Бу асарларда илгари сурилган илмий хулоса ва фаразлар ҳали кўпгина тадқиқотларга мавзу бўла олади. Эндиликда мазкур рисолаларда тилга олинган йўналишларнинг ҳар бири алоҳида мавзу қилиб ўрганиладиган пайт келди. Зеро, жаҳон эпосшунослигида шов-шув бўлган, мутахассислар томонидан нодир асар сифатида эътироф этилаётган икки рисола – А. Лорд ва Б. Путиловнинг бахшичилик санъатига бағишланган китоблари кўрсатдики, бизнинг олимларимизнинг китобларида келтирилган илмий хулосалар эпосшуносликда жуда муҳим аҳамиятга эга экан.

Одатда биз фольклор ҳақидаги назарий хулосаларимизни, четдан, бирон-бир Ғарб олимининг китобидан оламиз. Бу назарий хулосаларни ўзимизнинг матнларга мослаштиришга ҳаракат қиламиз. Тўғри, фольклор ҳақидаги умумназария, асосан барча халқларнинг фольклорига ҳам тегишли. Бироқ, биз суянган ўша Ғарб фольклоршунослари асосан бизнинг яъни туркий халқларнинг оғзаки ижоди, ўз олимларимизнинг назарий хулосаларига таянганларки, буни биз энди-энди тушуняпмиз. Қолаверса, ҳар қандай назарий хулоса, жонли ижрога асосланиши, бевосита асл матндан келиб чиқмоғи лозим. Ҳоди Зарифов каби устоз олимларимизнинг ютуғи ҳам шунда.

Бугун бизда жонли ижронинг, бахшичилик мактабларининг сақланиб келинаётганлиги ҳам бизга катта имкониятлар беради. Иккинчи ҳол эса жонли ижро вариантларининг турли нашрларининг юзага келаётганлигидир.

Бир достоннинг бундай турли версия ва вариантларга эга бўлиши ажойиб ходисадир.

3

Бахшига ҳамма замонларда муносабат юқори бўлган. Улар ҳеч қачон даромад ёхуд фойда учун куйлашмаган. Тўғри, улар дўмбирани олиб юрт кезган. Бироқ, буни бойиш учун эмас, балки ўз касбига меҳри туфайли деб тушунмоқ лозим. Эпос ҳамиша ҳалқнинг бадиий тарихи бўлиб, унда халқнинг қаҳрамонлик руҳи акс этган бўлади. Шунинг учун ҳам эпос маълум бир тоифанинг, маълум бир гуруҳ, маълум бир қатлам эпоси эмас, балки умумхалқ ижоди сифатида намоён бўлади.

Бахши сўзи турли даврларда турлича маъноларни ифодалаб келган. Баъзилар бу сўзни чин тилидаги фо-ше (дин ўргатувчи, руҳоний, коҳин), сўзидан, баъзилар билимли, ўқимишли сўзидан олинганини ёзади.

Радлов эса бу сўз туркча қам сўзидан олинган деган қатъий хулосага келади. Ҳақиқатан ҳам бугун туркий тилларда қамламоқ, яъни боқтирмоқ, қоқтирмоқ сўзлари ишлатилади. Бу фолбинга қаратмоқ, даволатмоқ, маросим ўтказмоқ маъноларини беради. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобида қам – афсунгар, коҳин маъносида келиши айтилади. Фиод Кўпрулу (Fuad Köprülü) ўзининг бир мақоласида эски уйғур матнларида бахши сўзи коҳин, роҳиб, сўзини англатганини ёзади ва «бахши» сўзи бҳикшу сўзидан олинган деган тахминни айтади. Қадимда коҳинликни ҳам, фолбинликни ҳам, жарроҳликни ҳам, ҳакимликни ҳам бир киши, яъни шомон бажарган.

Кўпгина тарихий манбалар тарихда бахшиларнинг нуфузи, мартабалари ҳамиша баланд бўлганилигидан далолат беради.

Ислом тасарруфидан сўнг эса шомонлик билан алоқадор тасаввурлар аста-секин унутила бориб, бахши деганда кўпроқ турк ва муғул адабий тилларини тушуна оладиган котиб, маълумотли, зиёли кишини англата бошлаган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида Давлатшоҳ бахши деган бахши ҳақида Яздий маълумот беради. «Акбарнома»да (اكبر نامه) эса Мирбахши деган бош бахшининг номи тилга олиб ўтилади. «Қутадғу билик» (قوتادغو بليک), «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (حبات الحقايق), «Мероснома» (ميراث نامه) «Тазкират ул-авлиё» (تذكرةالاولياء) каби адабий меросимизнинг нодир намуналари ҳам «бахши» деб аталувчи котиблар томонидан битилган.

Кейинги даврларга келиб эса бахши деганда соз, яъни бирон-бир чолғу асбоби билан достон куйловчи ижодкорлар тушунунила бошлаган.

4

Эпоснинг фақат жонли ижрода тараққий топиши ҳаммага маълум. Бахшиларнинг турли аудиториялардаги ижролари, маросим, тўйларда ёхуд бошқа давралардаги ижролари ана шунадай жонли ижрони ташкил этади.

Бахшининг маҳорати ошиб боргани сари, унинг репертуари ҳам бойиб, тингловчилари ҳам кўпайиб борган. Бир достонни бир неча кунлаб, ҳатто ойлаб ижро этганлар.

Бахшининг катта давраларга кириб келиши билан унинг «ўрганиш» жараёни тугаб қолмаган. У ҳар гал янги-янги давраларда ўз маҳоратини ошириб борган. Устозлардан, бошқа шоирлардан ўрганишни давом эттирган. Бошқа мактаб вакилларининг ҳам репертуарини, ижро усулини ўрганишга ҳаракат қилишган. Шу тахлит у ўз репертуарини бойитиб борган.

5

Ижрога тайёргарликнинг ўзи алоҳида бир аҳамиятга эга бўлган. Кишилар чақирилган. Давра қилинган, олов ёқилган. Дастурхон ёзилган. Сўнг бахши таклиф этилган. Бахши аввал анчагача жим ўтирган ёхуд созини созлаган. Одамларга, тингловчиларга разм солган. Уларни психологик жиҳатдан ўрганган. Ўзини ижрога, аудиторияга тайёрлаган. Бахши ва тингловчи муносабати ҳали кўп бор тадқиқ этилиш лозим. Худди бахшига бўлгани каби ҳамма тингловчига ҳам бир хилда ёндашиб бўлмайди. Ҳар бир ижрода бахшига янада куч ва қувват берувчи, ғайратига ғайрат қўшувчи, илҳомлантирувчи унинг «ўз» тингловчилари бўлган.

Бахшилар одатда достон куйлашдан олдин термалар ижро этган. Бахшининг терма ижро этиши бу биринчидан бахшининг ўзини достон ижросига тайёрлаганидан далолат берса, иккинчи томондан тингловчиларни ҳам руҳий жиҳатдан достон тинглашга тайёрлаган.

Бахши куйлар экан тингловчи уни берилиб тинглайди, гуё у бошқа бир дунёга сафар этади. Эпос қаҳрамони билан яшайди, ҳаяжонланади, қайғуради. Мана шу ҳолат қизиқ ҳолат. Бахши ўзи куйлашдан тўхтамаса уни биров тўхтатмайди. Бахши куйлаётганда тингловчиларнинг тафаккур дунёси ўзгаради. У дунёга, оламга, бошқача назар ташлайди, қалби тўлқинланади, руҳияти бойийди. Макон ва замон деган тушунчалар ўз моҳиятини йўқотади. Бу биринчи ҳолат. Иккинчи ҳолат эса бахши айнан куйлаётганда очилади, ўзини тўлароқ намоён этади. Жонли ижрода айнан мана шу жараён, мана шу муносабат муҳимдир. «Бахши ва тингловчилар аудиториясининг ўзаро мулоқоти, – деб ёзади Тўра Мирзаев, – ҳар бир ижронинг асосий шартидир». Демак достон бадииятини, оғзаки ижодга хос бўлган хусусиятни англаш учун мана шу уйғунликни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

6

Бизда театрни четдан кириб келган деган тасаввур мавжуд. Ваҳоланки, бахши бу – театр. Бир актёр театри. Бундан мукаммал ва қадимий театрни топиш мушкул. Шундай экан, театр бизга четдан кириб келган деган қараш баҳсли.

Бахшининг ижро пайтидаги ҳолати, турли имо-ишоралар, ижрога уйғун ҳаракатлар қилиши, ҳис-ҳаяжонга берилиши бу унинг актёрлик маҳоратидан далолат беради. Бахши ижро пайти достон мазмунидан келиб чиқиб, бир

достонни турли оҳангда куйлаган. Қаҳрамонларнинг эмоционал ҳолатини бериш учун ўзини ҳам шу ҳолатга мослаган.

7

Бошқа халқларда бахшиларни жанрдан келиб чиқиб номлаш ҳам мавжуд. Қозоқларда жырчи (жырдан), олонхочи (олонходан), улигерчи (улигердан), манасчи (манасдан). Қадимги Грецияда ҳам аэдлар (ἀοιδός) билан рапсодларни (ῥαψῳδός) ажратишган. Аэдлар шоир бўлишган, рапсодлар эса ижрочи. Худди мана шунинг ўзиёқ ҳар бир ижрочи ўзи бир олам эканлиги, ўз услуби, ўз оҳанги, ўз таъби, ўз маҳоратига эга эканлигини, уларга умумий бир нуқтаи назардан баҳо бериб бўлмаслигини, улар алоҳида алоҳида ўрганилишга, тадқиқ этилишга муҳтож эканлигини кўрсатади. Қолаверса, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги эпос ҳақидаги, умуман адабиёт, санъат ва илмий тафаккур ҳақидаги илмий изланишларда бахши шоирларнинг нафақат бир миллат ва халқ тақдирида, балки бани инсоният тарихида нечоғли муҳим ўрин тутганлиги ўз исботини топмоқда. XXI аср остонасида эса дунёнинг етакчи мамлакатларида яна ўз миллий қадриятларига, анъаналарига, урф-одатларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Дунёнинг энг етакчи файласуфлари ўз асарларини яна халқнинг қадимий анъаналарига боғлаб ўрганмоқдалар. Зеро бир халқни билиш учун унинг урф-одатларини, анъаналарини, бадиий тафаккур намунаси бўлмиш халқ ижодини яхшироқ ўрганиш лозим бўлади. Ана шу қатламни билмасдан туриб халқни билиб, тушуниб ҳам, англаб ҳам бўлмайди. Энг муҳими эса унинг эртанги куни, келажаги ҳақида бирон нарса дейиш мушкул бўлади. Шунинг учун ҳам эҳтимол, XXI аср бутун инсоният учун миллий қадриятлар ва ўзликка қайтиш асри бўлади. Эҳтимол, мана шунинг учун жонли эпик ижро ва бахшичилик санъатига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

8

Бахшилар, айниқса бахши шоирлар устоз-шогирдчилик анъаналарига жиддий қараганлар. Ўзбек бахшиларининг кўпчилиги ўз устозлари ҳақида деярли сўзлашмайди. Улар ўз қобилиятларини сир сақлайдилар ёхуд илоҳиёт билан боғлашади. Бунга сабаб халқимизнинг бахшиларни, эпик ижодиётни муқаддас деб билишидадир.

Эпик қатлам орасида бахшиларнинг ўз санъатини сирли – илоҳий эгаллаганлиги ҳақида турли афсоналар мавжуд. Бу ҳол фақат ўзбек бахшиларига хос хусусият эмас, бу ҳол халқаро миқёсда кенг тарқалган. Бахши бу худо томонидан танланган одамдир. Ҳамма ҳам шомон бўлавермагани каби, ҳамма ҳам бахши бўлавермайди. Эҳтимол, мана шунга ўхшаш мифологик тасаввурлардан бахшиларнинг илоҳиёт билан боғланиши ҳақидаги қарашлар пайдо бўлгандир. Ёқут эпоси тадқиқотчиси В. В. Илларионовнинг келтирган маълумотига кўра, олонхочининг тушига ҳар доим руҳлар олонхо куйлаб кетишади. Ўзбек бахшиларига эса тушида кўпинча дўмбира бериб кетишади. Қолмиқ бахшиси Муксбюн Басановнинг айтишича, у ёшлигида касал бўлиб қолган ва Эрликхон, яъни ўликлар

мамлакатига бориб қолган. Эрликхон унга жангарчи бўлишни айтиб бу дунёга яна қайтариб юборган. Хакасларда Хайжи бу Хай руҳи билан боғлиқ. Хай-эээи тушига кирган одам бахши, яъни хайжи бўлади. Жыров бу илоҳий руҳлар танлаган киши. Кўпгина афсоналарда Қўрқут ота бахшининг тушига кириб, унга куйлашни буюради. Африканинг шарқий Зоиридаги ньянгаликларда бахши Кариси (Кариси деган руҳ) номи билан аталади. Кариси кимнинг тушига кирса у бахши бўлади. Ойротларда Этэн Гончак ҳақида шундай афсона бор: У мол боқиб юрганда олдига бир аждарҳони минган Алп келади-да ундан куйлашни истайсанми, деб сўрайди. У ҳа деб жавоб бергач, унда бир жонлиқ қурбонлиқ қил, дейди. У ўйғонганида атрофида ҳеч ким йўқ, фақат бир бўри бир эчкини ғажиётган бўлади. Шундан бошлаб у куйлай бошлаган экан. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўлади. Биринчидан, бахшилар билан боғлиқ бундай афсоналарнинг кўпчилигида бахшининг хасталикка йўлиқиши ва бўлажак бахшининг касал бўлиб қолиши ва касалликдан фақат куйлаш орқали халос бўлиши. Иккинчи ҳолат бахшининг ўз тушига қаттиқ ишониши. Бахши реал воқеликка қандай ишонса, ўз тушига ҳам, туш билан боғлиқ афсоналарга ҳам чин ҳақиқат деб ишонади. Худди туш каби унинг хаёл дунёси ҳам шу қадар кенг, чексиз-чегарасиз ва бепоёнки, уни фақатгина ўзи каби ижодкор одамгина тушуниши мумкин. Менимча мана шу жараён биз учун муҳим.

Қирғиз фольклорининг тадқиқотчиси З. Қыдирбоева ажойиб бир маълумот келтиради. «Бахшиларнинг туш кўриш билан боғлиқ афсоналар, – дейди у, – улар уйлаб топган уйдирмалар эмас. Аксинча, узоқ йиллик ўқиб-ўрганиш, кўникма ва маълум бир малака ҳосил бўлгандан кейин шогирднинг «пишиб етилганини» кўрсатувчи бир ҳолатдир».

Ҳақиқатан ҳам шогирд бахши маълум бир поғонага кўтарилгандан сўнг у ўнгида ҳам, тушида фақат бир нарсани, ўз устозидан ўрганганларини қандай ҳаётга татбиқ этиш, қандай ижро этиш ҳақида тинимсиз ўйлай бошлайди. Бу бахшининг маълум бир малака ҳосил қилгандан кейинги руҳий тайёргарлигини кўрсатувчи бир жиҳатдир. Худди тасаввуфдаги суфийлар каби улар ҳам ўз ижодининг маълум бир босқичига кўтарилгач, энди ўзлари ҳам ижод этиш қобилиятга эга эканлигини, бунга руҳий жиҳатдан кўникма ҳосил бўлганини ана шундай англаб олишлари мумкин. Бахшидаги қобилиятнинг туш билан, илоҳият билан боғланиш сабабларини ҳеч ким айтиб беролмайди. Бу қобилият унга қандай келди, нега айнан уни қийнайди, азоблайди? Бахшининг ўз қобилиятини сирлигича эгаллаши қанчалар ўрганилмасин барибир сирлигича қолаверади. Бахшини, у яратган эпик ижодиёт намуналарини ўрганар экансиз, сиз ўзингиз ҳам тобора бу сирга кўпроқ ишонч ҳосил қиласиз, бу мафтункор, сирли ва сеҳрли дунёнинг асирига айланасиз. Тасаввур қилинг, юз минглаб мисраларни ёд билиш, уни исталган пайтда ижро этиш ва ижро этганда ҳам ҳар гал янгитдан ижро этиш ҳамма санъаткорга насиб этавермайдиган бахт. Бу тасаввурлар эҳтимол, мифологик тасаввурлар маҳсулидир?! Шомоннинг «ўзга дунё» «нариги оламга саёҳати», «руҳлар билан мулоқоти» ҳақидаги тасаввурлар маҳсулидир. Бу биз учун сирли, ҳақиқатдан узоқ афсонадек туюлади. Бироқ,

бунинг ҳақиқат эканига бахши ҳам, халқ ҳам ишонади. Ана шу ишонч туфайли бу дунёқараш бугунги кунга қадар яшаб келмоқда.

Бироқ, энг муҳими бирон-бир бахши ўз-ўзидан, ёхуд четдан пайдо бўлмайди. Бирон-бир бахшини ўрганиш учун у вояга етган муҳитни ўрганиш лозим бўлади. Чунки у ана шу эпик муҳитда катта бўлади, вояга етади. Бўлажак бахши ўз тинглаганларини, кўрган-кечирганларини, ҳис этганларини, руҳиятидаги товланишларни аста-секин ўз хотирасига жойлай боради.

Бизда кўплаб «бахшичилик мактаблари» мавжуд бўлган. Бу бахшиларни тарбиялаб, вояга етказадиган бирон-бир жой ҳақида эмас, балки ўз ижро усули, мавзуси, эпик репертуари билан ажралиб турувчи бахшиларга айтилади. Бахшичиликка ўқиб-ўргатиб бўлмайди. Бу худо томонидан ато этилган бир иноятдир.

Халқимизнинг ҳар бир сўзида мусиқийлик мавжуд. Эрта тонгдан туриб, то қуёш ботгунга қадар биз қўшиқ айтамиз. Бизнинг саломлашишимиз ҳам, хайрлашишишимиз ҳам, сигир соғсак ҳам, уй супурсак ҳам, ер ҳайдасак ҳам, баҳор келса, ёз келса, куз келса ҳам, қор ёмғир ёғса ҳам, шамол турса ҳам, иссиқда ҳам, совуқда ҳам биз қўшиқ айтамиз. Биз буни қўшиқ деб атамаймиз. Бу бизнинг оддий сўзлашувимиз. Бироқ бу оддий мурожаатда мусиқийлик бор, маълум тизим, маълум форма бор. Эҳтимол, худди мана шу муҳит бахши шоирларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнар?

9

Бизда бахши асосан икки хил маънода: фолбин ва достонларни ижро этувчи маъносида келади. Бахшининг фолбин маъноси қадимда бахшининг шомонлик билан боғлиқ тасаввурлардан туғилганлигини кўрсатади. Зеро, қадимда бахши, яъни шомон турли вазифаларни адо этган. Бахши бизда кўпроқ достон ижро этувчи сўз санъаткори сифатида ишлатилади. «Бахши бўлиб кет-эй» ибораси ҳам аслида сўзга чечанликни назарда тутади.

Эпик ижрочиларни тоифаларга бўлишда ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бироқ мазкур масалада аниқ тўхтамга келингани йўқ. Хўш, уларни қандай фарқлаш керак? Бунга фақат бахшичилик мактабларини, ҳар бир бахшининг индивидуал ижро усуллари ва ижоди етарлича ўрганиб чиқилгандагина биз бу масалага тўғри жавоб топишимиз мумкин.

Бахши, бахшичилик санъати ҳақида В. В. Радлов, Ч. Валихонов, М. Ауэзов, Ҳ. Зарифов, Т. Мирзаев, Ф. Кўпрули, А. Фитрат, А. Лорд, Б. Путилов ва бошқа олимларнинг асарлари мавжуд.

Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев бахшиларни уч тоифага ажратади: 1. Бахши-ижрочилар. 2. Бахши-импровизиаторлар. 3. Бахши-шоирлар.

Бизнингча, бу – бахшилар ҳақидаги энг тўғри хулоса. Чунки ҳамма бахшилар ҳам бахши ижрочи, бахши импровизиаторликдан чинакам бахши-шоир даражасига кўтарила олмайдилар. Санъатнинг бундай юксак чўққисига Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан каби бахшиларимиз эришганлар. Шунинг учун уларни шоир деб аташганлар.

10

Кўпгина тадқиқодчилар қаҳрамонлик эпосининг эпик қатламда ҳам бадиий асар, ҳам тарихий, ҳам эстетик ва амалий бир асар сифатида қабул қилинишини ёзади. Қаҳрамонлик эпоси ўзининг дастлабки пайтида мифологик маросим характерида эди. Даврлар ўтиши билан бу эпик ижодиёт ўзининг дастлабки хусусиятларни йўқотиш билан бирга унинг айрим жиҳатларини ўзида сақлаб қолди. Қадим тасаввурга кўра эпосни куйлаш орқали табиатга таъсир қилиш мумкин деб ўйлашган. Бахшилар куйлар экан улар бевосита руҳлар билан мулоқотга киришган. Касалликларнинг олдини олиш, табиатга таъсир қилиш, қурғоқчиликда сув сураш, тошқиннинг олдини олиш, урушда ғолиб келиш, мўл ҳосил йиғиш, овда муваффақиятларга эришиш, фарзанд кўриш, бойликка эгалик қилиш бу ҳаммаси бахшининг вазифасига кирган. Бахши одамлар билан руҳлар ўртасидаги воситачи ҳисобланган. Бахши икки дунёни туташтирувчи кўприк бўлган. Шунинг учун бахшининг ижтимоий мавқеи шу қадар юксак бўлган. Ибтидоий инсон тасаввурида сўз илоҳий ҳисобланган. У ҳаракат ва оғзаки ижрони асос қилиб олган. Ҳаракат танники, сўз эса руҳга, руҳиятга тегишли деб ўйлаган. Сўзга кишан солиб, асир қилиб бўлмайди дейишган. Шунинг учун ҳам ёзувга қизиқишмаган. Ёзув пайдо бўлгунга қадар оғзаки ижро ўзининг мукаммал даражасига етган. Эҳтимол, қадим маросимларда такрор ва такрор ижро этилган дуо ва илтижолар тилимиздаги фразеологик бирикмаларнинг, эпик формулаларнинг юзага келишига асос бўлгандир. Шу тариқа Санъат ва Магия бир-бирига қоришиб кетган. Даставвал у бир-биридан айро ҳолда тасаввур этилмаган. Эпик формулалардаги рамзлар, оҳанг ва қатъий тизим даставвал магик функция бажарган бўлса, даврлар ўтиши билан унинг ўрнини эстетик функция ола бошлаган. Шунинг учун ҳам бахши ҳақида сўз юритганда бу санъатнинг шомонизм билан боғлиқ эканини англаш лозим бўлади. Эҳтимол, шунинг учун Эпик жараён фақат шомонлик излари яхши сақланиб қолган халқлардагина бугунги кунга қадар яшаб келаётгандир?! Бахшининг:

Эшитганнинг кўнглида армон қолмасин, –

дея айтган мисрасида ҳам ана шундай магик-ритуал тассаввур излари мавжуд. М. Н. Хангалов бурятларда тунда қўрқмаслик, ёвуз руҳлардан сақланиш учун Абай Гэсэр Богда хон ҳақидаги достонни айтишларини ёзади. Қирғиз жырчиси Келдибек куйлаганда осмонни қора булут қоплаган, ер силкинган. Олонхочи Артаман куйлаганда одамлар хушларидан айрилган, дарахтлар қулаган. Хакаслар эса қаҳрамонлик қўшиғи руҳларга таъсир

қилади, ер ости ёвуз руҳларига етиб боради, деб ўйлашади. Қурғоқчилик ва ҳарбий урушлар пайти эпос куйланган. Кўпгина манбалар Эпоснинг ов пайтида магик функция бажарганини ёзади. Бурятларда улигерлар куйласа ов яхши бўлишига ҳалича ишонишади. Мўғулларда касал бўлганлар «Гэсэр», яъни мўғул эпосини ўқиб тузатишади. Бизнинг бахшиларимиз эса ижро пайтида уларга азиз авлиёлар, эранлар кўмак бериб туришини айтишади. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шомонлик маросимларида эпос ижро этилган ва эҳтимол шунинг учун эпосда шомонлик излари, у билан боғлиқ тасаввурлар яхшироқ сақланиб қолган.

Сибирда шомон ижроси билан бахши ижроси ўзаро ўхшаш эканлиги кузатилган. Олмон эпосшуноси К. Райхл (Karl Reichl) эса шундай бир фактни келтиради: Кэт шомонидан қаҳрамонлик достонини куйлаб беришни илтимос қилишганда, у айнан шомон гимнини куйлай бошлаган.

Бахши ижро этаётган эпик матнда ҳам худди шомонликдаги каби азиз-авлиё ва эранларга мурожаат қилинади. Биз биламизки, шомон асосан руҳлар билан мулоқотга киришган, унинг руҳи у дунёга сафар қилган, турли руҳлар қиёфасига кирган. Шунинг учун ҳам ўз ижросида у ана шулар ҳақида, у дунёга боргани, ўлиб-тирилгани ва яна бу дунёга қайтиб келгани ҳақида ҳикоя қилган. Биз шунга ўхшаш ҳолатни, бироз ўзгаришга учраган кўринишини эпик бахшилар ижодида кўрамиз. Улар ижро этган достонлар аслида шомоннинг нарига дунё, ўзга оламга қилган саргузаштини эслатади.

«Қизиғи шундаки, – деб ёзади Б. Путилов, – шомонлик матнлари характери жиҳатидан бахши матнларига ўхшаб кетиши кишини янада ҳайратга солади. Улар куйлаган матнлар шубҳасиз эпос намунасидир. Бироқ, афсуслар бўлсинки, шомонлик қўшиқлари билан эпик ижро матнлари ҳали жиддий тадқиқ этилмаган».

Шомон ва эпик ижрочининг макон ва замон, олам ва одам ҳақидаги тасаввурлари, бадиий тасвир воситаларидаги ўхшашлик ана шундай хулосага келишимизга асос бўла олади. Кўпгина эпик терминларнинг шомонлик терминлари билан ўхшаш эканлиги эҳтимол шундандир. Халқимизда бахши сўзининг икки маънода қўлланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Эвинкларда Нимнгакан ҳам эпик жанрни, ҳам маросим яъни “камламоқ” тушунилади. Малайцлардаги Паванг термини ҳам шомон, табиб, маросим ижрочиси сифатида келади. Умумтурк тилидаги «йумак», «ымак», «нумах» мўғулча «дамағ» – яъни афсона, эртак, ривоят, қадимги туркча «йом» – шомон ҳикояси маъносидадир. Худди бахши каби шомон ўз ҳоҳиши билан бўлолмайди. Балки уни руҳ танлайди. Шунинг учун у дастаавал қаттиқ касалга чалинади. У руҳлар айтганини қилгачгина у касалдан фориғ бўлади. Шомон ҳам худди бахши каби ўз асбобларини тушида олади.

Шомон ҳам ўстозга шогирд тушади. Ундан шомонлик маросим сирларини ўрганади. Аста-секин маросимларни ўзи бошқара бошлайди.

Архаик эпосда шомонлик қатлами яққол сезилиб туради. Олимлар «Калевала» (Kalevala) эпосининг асосида шомонлик ётишини айтадилар. Ф. Ойнас (Felix Johannes Oinas) эса «Калевала»ни шомонлик эпоси сифатида талқин этади

Алпомиш» достонида Алпомишнинг етти йил зиндонда ётиб, унинг ҳақида ўлди деган хабар тарқалиши ва унинг зиндондан сўнг қиёфасини ўзгартириб юртига қайтиши беихтиёр шомоннинг нариги дунёга сафарини ёдимизга солади.

Архаик эпосдаги қаҳрамон – Алпнинг нариги дунёга сафаридан асосий мақсад магик қудратга эга бўлиб қайта туғилиш, яъни бир мақомдан бошқа бир мақомга кўтарилишдир. Алпомиш ўз ёри Барчин қўйган шартларни бажариб, биринчи синовдан ўтиб биринчи мақомга кўтарилган бўлса, унинг мастлик, яъни руҳий беҳушлик туфайли етти йил зиндонда ётиб, сўнг озод бўлиши иккинчи мақомга ўтишини эслатади. Биринчи синов Алпомишнинг балоғатга етганини билдирса, иккинчи мақомга эришиш билан у юртга бош бўлиш, салтанатга эгалик қилиш қудратини ифода этади. Қаҳрамоннинг зиндонда банди бўлиб, сўнг қиёфа ўзгартириб ўз юртига қайтиши бу унинг нариги дунёга сафар қилганидан, қайта туғилиб юксак мақомга эришганидан далолат беради. Хўш, Алпомиш нега айнан Қултой қиёфасига кирди? Достоннинг ўғиз версиясида эса қаҳрамон – Бомси байрак Далли ўзон, яъни бахши қиёфасига киради. Бу ерда очиқ ишорат бор. Бироқ Алпомиш достонининг ўзбек вариантларида бундай ишорат йўққа ўхшаб туюлади. Аслида эса Қултой қиёфасидаги Алпомишнинг Барчин билан ўлан айтишуви бизга ана шу сирни ошкор этади. Достоннин деярли ҳамма вариантларида ҳам ана шу ўлан айтишув бор. Бироқ, ана шу улан айтгунга қадар Алпомиш қиёфаси очилмайди. Аслида эса Алпомишни ҳамма таниб туради. Қалдирғоч унга «Менинг кўзим ўйилмаса танидим, Полвон акам миниб кетган чиборди» дейди. Ўғли Ёдгор:

Қўлтой бўлсанг
Бундай ишлар келмас қўлингдан,
Кашал кетган менинг отам бўлмагин, –

деб отасини танийди.

Онаси эса:

Ҳой дединг банди бўғиним бўшади,
Соғ суягим жой-жойидан бўшади,
Довушгинанг Алпомишга ўхшади,
Қултойман деб болам мени алдама, –

дейди.

Қозон бошида Ёдгорга зуғм қилган ошпазнинг қилиғини кўриб жаҳли чиқиб унинг олдига келган хотини эрига дашном беради:

Элга Йўлбарс оралади баковул,
Эртан сендай шўрли бундан ўтади.

Ёдгорнинг қўлида илик билан хурсанд юрганини кўриб, сабабини билган Барчин Алпомиш келганини дарров пайқайди:

Қултой бобонг сенга илик беролмас,
Қултой бўлиб болам отанг келгандир.

Ҳатто Алпомишнинг камонини «Қултой», яъни Алпомиш отганда ҳам сир ошкор бўлмайди. Токи Алпомиш Барчин билан ўлан айтишиб уни енгмагунича у Қултой қиёфасида қолаверади. Худди шу ҳолат Алпомишнинг

барча вариантларида, ўғуз версиясида ҳам, Ҳомернинг «Одиссея» достонида ҳам айнан учрайди. Ўзга юртдан хизматкорининг қиёфасида қайтиб келган Одиссейни ҳам худди Алпомиш каби отаси ҳам, ўғли ҳам, хотини ҳам танийди. Бироқ Одиссей хотинига ўзлари биладиган сирни, яъни шеърий айтишув, ўлан айтмагунга қадар сир очилмайди. Олимлар Ҳомернинг «Одиссея» достони билан «Алпомиш» достони ўртасидаги ўхшашликдан чуқур ҳайратга тушардилар. Бироқ А. Лорд Ҳомернинг бахши эканлигини ва «Одиссея»нинг халқ ижоди намунаси эканлигини аниқлагач, бу масалага анча ойдинлик киритилди. Биламизки, бахшичилик қадим-қадимдан то бугунги кунимизгача бизда сақланиб қолган. Бу санъат бизга четдан кириб келмаган. Бу санъатнинг бугунги кунимизга қадар бизда сақланиб келинаётганлиги ҳам бунинг далилидир. Қолаверса А. Лорд ўзининг «Бахши» деган китобида дадиллик билан Ҳомернинг «Иллиада» ва «Одиссея» достонлари билан «Гилгамеш» достонидаги ўхшашлик ҳақида гапирар экан, Ҳомернинг даврида ва ундан олдинроқ ҳам юнонларга осиёликлар, жумладан шумерликлар таъсир кўрсатганлигини ёзади. Шумерликларнинг эса туркий қавм деган фаразлар кўпроқ ҳақиқатга яқин эканлигини эса биз илгари айтиб ўтган эдик. Агар «Алпомиш», «Гилгамеш» ва «Одиссея» достонлари қиёсий ўрганиб чиқилиб тадқиқ этилса бу масалага янада кўпроқ ойдинлик киритилиши муқарардир.

Алпомишнинг ўз хотининг тўйига Қултой қиёфасида, Бомси байракнинг Далли ўзон қиёфасида ўлан айтиш ҳолати бу мазкур эпоснинг тарихий илдизлари жуда қадимга, шомонлик тасаввурларига бориб тақалишидан далолат беради. Ҳомий руҳ қиёфасида қайта тирилган шомон нафақат жисмоний, балки магик қудратга эга эканлигини ҳам намойиш этиши лозим эди. Шунинг учун ҳам қадимда шомон ва бахши сўзлари бир маънони англатган.

11

Шомон ва бахши тушунчалари бир-бирига боғлиқ тушунчалар эканини Қўрқут ота ҳақидаги кўплаб афсоналар гувоҳлик беради. Уруғбоши, йўлбошчи ва шунинг билан бир вақтда эпик маданият вакили Қўрқут ота мисолида шомоннинг қай тахлит даврлар ўтиши билан бахши – ижрочига эврилишини яққол кўриш мумкин. Эпик ижоднинг турлича, яъни лингвистик, психологик, фалсафий ва бадиий, мифологик талқинлари бизни бир нарсага бахши ва шомон, аслида бир синкретик образнинг турли даврлардаги турлича кўриниши эканлигини кўрсатишига ҳеч шубҳа йўқ. Замонлар ўтган сайин шомон ва бахши вазифалари аста-секин бир-биридан фарқлана борган.

Эпосни англашдаги бундай эврилишлар халқнинг тарихи, қаҳрамонлик ўтмиши ва маънавиятининг сарчашмаси бўлган эпик онгнинг тараққий этишида муҳим роль ўйнаган. Эпосдаги мифологик-магик жиҳатлар аста сўна бориб, шомон, табиб ва бахши функциялари бир-биридан тобора фарқлана борган. Энди бахши шомон функциясидан кўра эл донишманди, юрт маслаҳатчиси, эпик анъаналар давомчиси сифатида намоён бўла борган.

Эпик қатлам онгидаги бундай эврилишларни англасакгина нима учун эпик анъана баъзи жойларда тезда унутилиб, баъзи жойларда ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётганлигининг сабабини тушуниб етамиз.

Булар бари эпоснинг, бахшининг ва қолаверса этноснинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи ва ўрни ҳақида сўзлашга мажбур қилади. Ижтимоий ҳаётда уларнинг мавқеи тушиши билан эпоснинг ҳам сўниш жараёни бошланади. Эпик хотира бу халқнинг тарихидир. У мифологик ёки қаҳрамонлик қобиғига қанчалик ўралган бўлмасин у барибир этнос учун муқаддас бўлиб қолаверади.

12

Эпик формула бу эпоснинг ядросидир. Биз эпик формуланинг нима эканлигини тушунмай бирон-бир достон моҳиятини тушуниб етолмаймиз. Оғзаки ижод деганда биз энг аввало ана шу эпик формула асос бўлган ижодга айтамиз. Ёзма адабиётнинг ўз қонуниятлари мавжуд. У ана шу қонуниятларга асосланиб ривож топади. Оғзаки ижоднинг эса қонунияти битта бу эпик формулага асосланганлик. Бу ижоднинг оғзакилигини, анъанавийлигини таъминлайди. Эпик формула бу эпоснинг қурилмаси, суягидир.

Ижодкор, бахши ўз «уйи»ни, яъни достон куйлар экан у ана шу «суяк»ка асосга суянади. Шунга асосланиб, у ўз достонини куйлайди. Эпик формула бу тайёр қолип. Бахши ўз достонини ана шу эпик қолипга мослайди. Бироқ бу дегани бахши фақат такрорлайди, яъни ҳеч бир янгилик яратмайди дегани эмас. Бахши ҳар бир бахши эпик формулага ўзича ёндашади, бу ижодий ёндашиш унинг новаторлигини, нечоғли иқтидорли эканини намойиш этади. Эпик формулалар қонуниятини билмасдан туриб, эпос қонуниятини ҳам билиш мумкин эмас.

А. Лорд: «Халқ оғзаки ижоди ижро учун яратилмайди, балки ижро этилаётганда яратилади», – дейди. Бахши куйлаётганда эпос яна бир марта янгиланади, янгича мазмун, янгича оҳанг, янгича моҳият касб этади. Эпик формула маълум бир тизим, маълум бир қурилмага эга. Эпик формула деганда бирон-бир фикрни ифодалаш учун маълум бир шаклда, яъни шеърий шаклда такрор ва такрор учрайдиган сўзлар тизими, қуйма сатрлар назарда тутилади. Бу худди тирик организм, яъни тананинг суягига ўхшайди. Суяк тузилиши ҳаммада бир хил. Бироқ, эти, оғирлиги, ранги ва энг муҳими дунёқараш, тушунча ва руҳияти ҳаммада ҳар хил бўлади. Худди шундай эпик ижодда ҳам ижодкор эпик формулуга таяниб ўз «тана»сини яратади.

Бирон-бир шоирнинг шеъридаги маъно ва моҳиятни англаш учун шу шеърни яратаётгандаги шоирнинг ҳолатига эътиборимизни қаратамиз. Айнан шоирнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолати шеърнинг юзага келиш жараёни, ундаги поэтик тафаккурнинг тўғри талқин қилишимизга олиб келади. Шоир бу шеърни кейинчалик турли давраларда турли кайфият ва турли ҳолатларда такрор ва такрор ўқиши мумкин. Бироқ биз учун муҳими бу унинг шеър яралаётган пайтдаги ҳолатидир. Бу ёзма адабиётга хос бўлган хусусиятдир.

Оғзаки ижод, яъни эпик анъана – достон ижросига хос бўлган хусусият эса мутлақо бошқа. Бу бахшининг айнан ижро пайтидаги ҳолатидир. Зеро,

оғзаки ижод мана шундай ижро пайти яралади, юзага келади. Бу оғзаки ижод қонуниятидир.

Эпосдаги мана шу эпик формулалар бир-бирига туташгандагина у маълум бир кўриниш, яъни достон кўринишини олади. Эпик формула қотиб қолган, ўзгармас формула эмас. У ўзгарувчан, ҳар гал янгиланиб турувчи формуладир. Бахши ўзида анъанавийликни ва индивидуалликни ўзида жамлай олган ижодкордир. Бахши бу шунчаки ижрочи эмас, у анънавийликка асосланиб, ўз санъатини яратаётган том маънодаги ижодкордир. Формулаларнинг ранг-баранглиги эпик мавзуларнинг ранг-баранглигидан келиб чиқади. Бахши ижрочига нисбатан, бахши шоирларнинг тажрибалари ҳам катта, куйлаётган мавзулари чегаралари ҳам кенг, шунга яраша эпик формулаларни қўллаш салоҳияти ҳам ўзгача бўлади. Бир бахши репуртуаридаги эпик формулалар бошқа бахшиларда ҳа учраса-да, ижрода у айнан бир хил бўлмайди. Биргина мисол, Алпомишнинг Барчин билан ўлан айтишувини Алпомиш достонини куйлаган бахшиларимиз шундай куйлашган:

Алпомиш (Фозил Йўлдош ўғли варианти):
Биздан қолган қўзилар
Қўй бўлибди, ёр-ёр.
Бунда қолган Барчиной
Бўй бўлибди, ёр-ёр.
Бўй қиз бўлиб жуда ҳам
Тўй бўлибди, ёр-ёр.
Биздан қолган қулунлар
От бўлибди, ёр-ёр.
Биздан қолган Барчиной
Ёт бўлибди, ёр-ёр.

Алпомиш (Пўлкан шоир варианти):
Бойбўри қўнган ери уй бўлибди, ёр-ёр.
Қора-қора қўзилар қўй бўлибди, ёр-ёр.
Хуб айтишдинг уланди туйхонада, ёр-ёр,
Лаъл мунчоқли Барчиной тўй бўлибди, ёр-ёр.

Алпомиш (Бекмурод Жўрабой ўғли варианти):
Қора-қора қўзилар
Қўй бўлибди, ёр-ёр.
Бичган туннинг енглари
Бут бўлибди, ёр-ёр.
Эшитинглар, бу турган
Халойиқлар, ёр-ёр.
Биздан қолган ой Барчин
Тўй бўлибди, ёр-ёр.

Алпомиш (Берди Бахши варианти):
Мен бордаги қўзилар қўй бўлипти,
Мен бордаги гадойлар бой бўлипти.
Қўлоқ сол, ўланима, Барчин сулув,
Барчинга икки қайта тўй бўлипти.

Кўриниб турибдики, бахшининг эпик формулага амал қилиб унинг ўз формуласини яратиши бу бахшининг иқтидорига ва маҳоратига боғлиқ. Бахшичилик санъати ижрога, оғзакиликка асосланган санъатдир. Ҳар гал ижрода бу санъат яна ва яна янгиланиб бораверади.

Оғзакилик деганда бу асарнинг, ёхуд бирон-бир достоннинг оғзаки ижро этилиши эмас. Бирон-бир шоир ёзган достонни ҳам оғзаки ижро этиш мумкин. Ёхуд бирон-бир ёзма адабиёт намунасини оғзаки ижро этса бўлади. Бироқ бу оғзакилик дегани эмас. Яъни А. Лорд айтгандек гап фақат ижрода эмас, балки эпоснинг оғзаки ижро этилаётган пайтда юзага келишидир.

Бахши шу пайтгача кўп бор такрорлангандек, «саводсиз» киши эмас. Аксинча, тилнинг гўзал товланишларини нозик илғай олган, эпик билим ва эпик тафаккур салоҳиятига эга иқтидорли санъаткордир.

Эпик формулаларнинг юзага келиш жараёни бевосита тил қонунияти билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб эпик формулаларни уч гуруҳга:

1. Маълум бир халқ бахшиларига хос бўлган эпик формула.

2. Бирон-бир мактаб ёхуд унинг бир неча вакилларга хос бўлган эпик формула.

3. Индивидуал эпик формулаларга ажратиш мумкин.

Бу эпик формулаларда асосан қаҳрамоннинг таърифи (Мени билсанг Қўнғирот элнинг тўраси...); бирон-бир ҳаракат ёки ҳолат (Хазон бўлиб боғда гуллар сўлгандир…); бирон-бир макон ёхуд эпик вақт тавсифи (Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча…) баён этилганини кўрамиз. Худди мана шундай формулалар тизими занжир ҳосил қилиб, шеърий сатрларни яхлит достон ҳолатига олиб келади. Эпик формула бу бахши хотирасидаги қуйма мисраларнинг тайёр захираси эмас, балки ана шу қуйма мисраларнинг ҳар гал, яъни ҳар галги ижрода янгича мазмун ва оҳанг билан такрор ва такрор жаранглашидир.

Эпос оғиздан-оғизга ўтиб келаётган жараён. У мана шу жараёнда юзага келади. У мана шу жараёнда яратилади ва ҳар гал янгича мазмун, янгича моҳият касб этиб, янгиланиб бораверади.

13

Янги юз йилликлар олдида энг катта муаммо бу бахшичилик санъати сақланиб қолинадими деган масаладир. Бу масалага ҳам олимлар турлича муносабат билдиришган. Баъзилар бахшиларни асраш керак, уларнинг шогирдларини кўпайтириш керак дейди, баъзилар бахшиларни энди омма қабул қилолмаётганини айтишади. Бироқ, менимча бу жараён эпик тафаккур билан боғлиқ.

Эпосшунос олимлар бир муҳим муаоммони ўртага ташлайди. Эпоснинг нашр этилиши жараёни билан унинг сўниш жараёни ҳам бошланади дейди. Энди уни ижро этувчилар кўпайиши мумкин, бироқ улар яратувчи бўлолмайдилар. Энг муҳими эса, ёзма адабиётда эпик қолип, эпик формулага амал қилмайдилар. Баъзи тадқиқотчилар ижрочиларнинг ёзма манбалар туфайли репертуарлари бойишига мисоллар келтирадилар. Бироқ бу оғзаки ижро жараёнининг сўниши демакдир.

Эътиборли жойи шундаки, бизда бахшиларимиздан юзлаб достонлар ёзиб олинган. Янги юз йиллик остонасида эса уларнинг тўла, мукаммал нашрлари юзага келяпти. Бу нашрлар ва улар устида олиб бориладиган тадқиқотлар эртанги кун ўз самарасини бериши шубҳасиздир. Бу қадим санъат адабиётимизнинг, санъатимизнинг, маънавиятимизнинг бешиги, тафаккуримиздаги уйғунликнинг остонасидир. Эҳтимол, янги юз йилликда бахшичилик санъати сақланиб қолмас. Бироқ, халқ оғзаки ижодига, шу пайтга қадар яратилган унинг нодир намуналарига бўлган эътибор ҳеч қачон камаймайди. Бу санъат яратган рамзлар, поэтик образлар энди ёзма адабиётга, ёзувчиларимизнинг насрига, шоирларимизнинг шеърларига, рассомларимизнинг суратларига, тарихчиларимизнинг тарихий асарларига файласуфларимизнинг фалсафий тадқиқотлари, адабиётшуносларимизнинг адабий қарашларига кўчиб ўтади. Шу тахлит у ўзининг иккинчи умрини яшайди ва қайта янгиланиш жараёнини давом эттиради.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ТАСНИФИ МАСАЛАЛАРИ

Қўшиқлар фольклорда энг қадимий ва энг бой жанрлардан бири ҳисобланади. Мақол, матал, топишмоқ билан бир қаторда халқ қўшиқларининг Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобидан жой олиши ҳам бежизга эмас.[21] Бу, бир томондан, халқ қўшиқларининг ўша олис даврларда ҳам ранг-баранг бўлганлигини, тарихий илдизлари жуда қадимий эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан, уларни таснифлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқ қўшиқларининг тарихига назар ташлар эканмиз, узоқ тарихий тараққиёт давомида қўшиқлар мифологик тафаккурдан бадиий тафаккурга айланиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун қўшиқларда қадимий тасаввур излари билан бир қаторда, ўрта асрларда ҳамда куни кеча ёхуд бугун юз бераётган воқеалар, кечинмалар ўз ифодасини топади.

Туркий халқларда «қўш» сўзи уч маънода: «куйламоқ», «қўш қўшмоқ» – ер, ҳайдаб, экин экмоқ ва жуфт маъноларини билдиради. Ҳар уч маъно ҳам бир-бирини инкор этмайди.

«Қўш» мавсум, яъни баҳор маросимида илоҳларни улуғлаб айтилган қутлов, алқовдир (Саха туркларида шомонлик қўшиғи – кутуруу – сўзи кут – руҳ, уруу – улуғламоқ, қутламоқ маъноларини англатади).[22] Шунинг учун «куйламоқ»нинг бевосита ҳосилдорлик культи билан алоқадорлиги, экин-тикин пайти бу қўшиқнинг куйланиши албатта шарт бўлган.

Қўшиқнинг қўш билан ўзаро боғлиқ эканини фольклоршунос олим Асқар Мусақулов ўринли изоҳлаб берган.[23]

Маълумки, қўшиқлар асосан тўртликлардан ташкил топган. Икки мисранинг бирикиб, жуфтлик, яъни «қўшиқ» ҳосил қилиши шунчаки тасодиф эмас.

Қўшиқ сўзи «Девону луғотит турк»да «қошуғ», Юсуф Хос Ҳожибда «қошуқ», Ҳайдар Хоразмийда «қўш», Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» (مقدمة الادب) асарида «қўшиқ», Алишер Навоий асарларида «қўшиқ», «суруд», «аёлғу», «лаҳн», «турку», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида «қўшиқ» шаклида келганини

---

[21] *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит турк. / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1960. Биринчи жилд. – 500 б.; *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит турк. / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1961. Иккинчи жилд. – 428 б.; *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1963. Учинчи жилд. – 463 б. *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1967. Индекс-луғат. – 548 б.

[22] Обрядовая поэзия Саха (Якутов). – Новосибирск: Наука, 2003. – С.59.

[23] *Мусақулов А.* Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 31–33.

кўрамиз.[24] Алишер Навоий ҳам, Бобур ҳам халқ қўшиқларини назарда тутганда «қўшиқ» калимасини ишлатади. Қолган пайтларда «суруд» ёхуд бошқа бир атамани келтиради.[25]

Турк фольклоршунослари ҳам Ўрта Осиё халқларидаги «қўшиқ» Туркиядаги «қошма» ва «турку»лар билан ўхшаш эканлигини таъкидлайдилар.[26]

Ўзбек халқ қўшиқлари бугунги кунга қадар кўп маротоба ўрганилганлигига қарамай, афсуски, етарли даражада тасниф этилган эмас.

Фольклоршунос олима Музайяна Алавия ўзбек қўшиқларини 1. Лирик; 2. Меҳр байтлари; 3. Терма; 4. Меҳнат қўшиқлари; 5. Мавсум маросим қўшиқларига бўлади.[27]

Ф. Кароматов халқ қўшиқларини: маиший, оилавий-маросим, меҳнат, тарихий ва социал норозилик қўшиқларига бўлиб таҳлил этади.[28] Асқар Мусақулов қўшиқларни уч гуруҳга: а) маросим: тўй ва мотам қўшиқлари, б) номаросим лирика: меҳнат қўшиқлари, аллалар, термалар, ишқий-маиший қўшиқлар ва в) болалар фольклоридаги лирик қўшиқларга бўлади. Бу таснифни бошқа таснифларга қараганда нисбатан мукаммал дейиш мумкин. Бироқ бу ўринда мавсум маросим билан боғлиқ қўшиқлар эътибордан четда қолмоқда. М. Алавия таснифига келсак, унда оилавий маросим қўшиқларига ўрин ажратилмаган. Меҳр байтлари эса умуман халқ қўшиқларининг таснифи доирасига кирмайди. Ф. Кароматов таснифида кўпгина ноаниқликлар кўзга ташланади. Биринчидан, маиший ва оилавий маросим деб ажратилишида ноаниқлик мавжуд. Чунки оилавий маросимлар маиший хусусияти билан ажралиб туради. Иккинчидан, социал-норозилик қўшиқлар дейиш ҳам таснифда чалкашликка олиб келади.

Туркиялик олимлар Абдураҳмон Гўзал ва Али Туринлар туркуларни 1. Мавзусига кўра, 2. Қурилишига кўра деб икки гуруҳга ажаратади.[29]

---

[24] ***Қаранг:*** Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1960. Биринчи жилд. – Б. 357; *Юсуф Хос Ҳожиб.* Қутадғу билиг. / Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 58; *Алишер Навоий.* Мезон ул-авзон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – Б. 180; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома / Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 288 б.

[25] ***Қаранг:*** «Яна «қўшиқ» дуркум, ярғуштак усулида шойиъдур ва баъзи адвор қутубида ул усул зикр булубтур». Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1949. – Б. 68

[26] Фуод Кўпрулу «Edebiyat araştirmalari» китобида «Kosuk: kosma, eskiden siir, recz, kaside manalarinda kullanilan bir kelimedir. ...Bu kosuklar hayatta olan hukmdarlara, yahut hatunlara tekdim ediliyordu», – дейди. ***Қаранг:*** *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – 114 s. Бундан ташқари, Фуод Кўпрулу «Девон луғотит турк»ка суяниб қўшиқдаги куй қадима «Kök» дейилганини ва «Kök» сўзининг «mavi», «sema», «dikiş», «ahenk» ва «sada» маъноларда келишини таъкидлайди. ***Қаранг:*** *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 113.

[27] *Алавия М.* Ўзбек маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 49.

[28] *Кароматов Ф.* Узбекская инструменталная музыка. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 161.

[29] Abdurahman Guzel, Ali Torun. Türk Halk Edebyati El kitabi. – Ankara: Akçag, 2003. – S. 169.

Қардош қорақалпоқ мутахассислари қўшиқларни беш турга: 1. Мавсум қўшиқлари, 2. Тўй қўшиқлари, 3. Мотам қўшиқлари, 4. Чўпон қўшиқлари ҳамда 5. Диний қўшиқларга бўлишган.[30]

Сибир халқлари туркий халқларида қўшиқлар мусиқага муносабатига қараб тасниф этилган. Тувалик фольлкоршунос З. К. Кыргис қўшиқларни: 1. Узун ырлар. 2. Қисқа ырлар. 3. Нақорат(кожамыктар)ларга бўлади.[31]

Қўшиқларнинг таснифи масаласида хорижлик олимларнинг ҳам фикри турлича. Айримлари қўшиқларнинг ижро этилиши ҳолати ва мусиқийлигига қараб тасниф этилиш керак деса, айримлари ижро ўрнига қараб таснифлаш лозим дейишади. Айрим олимлар қўшиқнинг маълум бир тури юзасидан фикр билдирса, бошқаси бошқа бир тур хусусиятидан келиб чиқиб фикр юритадилар.

Рус фольклоршуноси Д. М. Балашов халқ қўшиқларини 1) мавсум; 2) тўй; 3) мотам маросими фольклори намунаси сифатида ўрганса, В. Пропп мавсум ва оилавий маросим деб икки гуруҳга ажратади.[32]

Шу ўринда қўшиқларни қайси мезонлар асосида тасниф этиш лозим, деган саволнинг қўйилиши табиий, албатта.

Бизнинг назаримизда, қўшиқларнинг таснифида энг аввало битта мезонга амал қилиш лозим. Тўғри, қўшиқ жанрининг ичдаги тур ва узвларнинг ҳар бири ўз специфик хусусиятларига эга эканлиги табиий. Бироқ, бу хусусиятлар уларнинг тасниф этилишида яхлит бир мезондан келиб ёндашишга монелик қила олмайди. Шундай экан, қўшиқлар ижро ўрни, ҳолати, мусиқага муносабати ва бадииятидан келиб чиқиб: 1) ижро ўрни; 2) поэтик структураси, 3) мусиқийлиги ва рақсга муносабатига қараб тасниф этилиши лозим.

Ижро ўрнига қараб тасниф этилганда қўшиқлар: маросим ва номаросим қўшиқларига ажралади. Ўз навбатида, маросим қўшиқлари ҳам икки: мавсум маросим ва оилавий-маиший маросим қўшиқларига бўлинади. Мавсумий маросим қўшиқлари тематик ва функционал хусусиятларига кўра, йилнинг тўрт мавсуми билан боғлиқ (Наврўз, Суст хотин, Чой момо, Обла барака, Ясюсун) билан боғлиқ қўшиқларни киритиш мумкин.

Маросим қўшиқлари инсон ҳаётининг энг муҳим даврлари, бурилиш нуқталари (туғилиш, балоғат, уйланиш, ўлим) ва уларнинг табиатга муносабати ўз аксини топган бўлиб, маиший, психологик ҳамда эстетик функция ҳам бажариб келади.

Айрим мавсумий маросим қўшиқлари даврлар ўтиши билан лирик қўшиқларга айланган ҳолатлар мавжуд. «Қошингни қора дейдилар»,

---

[30] ***Қаранг:*** Қорақалпоқ фольклори очерклари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 130–142; *Айимбетов Қ.* Қорақалпоқ фольклори. – Нукус, 1977. – Б. 24–40.

[31] *Кыргыс З. К.* Песенная культура тувинского народа. – Кызил, 1992. – С. 41; A. D. B. Mongush. Problems of genre classifications of Tuvan music folklore (illustrated by a song tradition). www.tuva.azia/journal.com.

[32] ***Қаранг:*** *Балашов Д. М.* О радовой и видовой систематизации фольклора // Русский фольклор. Том 17. – Ленинград: Наука, 1977. – С. 23–33; *Пропп В.* Жанровой состав русского фольлора // Фольклор и действительность. – Москва, 1976. – С. 66–69.

«Кичкинажон – кичкина», болаларнинг «Бойчечак», «Чучвара қайнайди», «Офтоб чиқди оламга» қўшиқлари ана шулар жумласидандир. Бу қўшиқлар дастлаб фақат мавсум маросимида ижро этилган. «Қошингни қора дейдилар», «Кичкинажон-кичкина», «Бойчечак» бевосита Наврўз, яъни баҳорги маросим билан боғлиқ.

Оилавий-маиший маросим қўшиқлари сафига фарзанднинг туғилиши, хатна ва никоҳ тўйи, мотам маросими билан боғлиқ йиғи-йўқлов, мотам ёр-ёрлари ва шомон айтимлари билан боғлиқ кинна, бадикни киритиш мумкин.

Мотам ёр-ёрлари балоғат ёшига етган қиз турмушга чиқмай, бевақт оламдан ўтган пайтда айтилган. Тўй ёр-ёрларга қараганда, мотам ёр-ёрлари ҳазин, мунгли оҳанги билан ажралиб туради. Матнда изчил банд тузилиши, қофияланишида ранг-баранглик, ҳар хиллик кўзга ташланади.

Оилавий-маиший дейилишга сабаб фақат тўй ёхуд аза эмас, балки ҳар бир оилада ҳаётида дуч келинадиган маросимлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, кинна, бадик, олқишлар махсус ташкил этилган маросимлардагина ижро этилган. Бироқ даврлар ўтиши билан кўпроқ маишийлик касб эта борган ва уни истаган пайтда қушноч, фолбин ёки табиб ижро этиш мумкин. Шунинг учун сўзнинг магик қудратига асосланган матнларни биз айтимлар деб таҳлил этиш тарафдоримиз.

Номаросим қўшиқлари эса асосан лирик қўшиқлардан ташкил топган бўлиб, маросим қўшиқларидан фарқланиб турадиган жиҳати уларнинг бирон-бир маросим билан махсус боғланмаганлиги, исталган пайтда, истаган жойда айтилишидир. Бу йўналишдаги қўшиқлар: 1. Меҳнат қўшиқлари. 2. Тарихий қўшиқлар. 3. Термалар. 4. Болалар қўшиқлари: аллалар, ҳуялар, болаларнинг ўзи томонидан куйланадиган қўшиқлар. 5. Лирик қўшиқларга бўлинади.

Мутахассислар меҳнат қўшиқларини халқ лирикасининг энг қадимий жанрларидан бири сифатида билишади. Меҳнат қўшиқлари ҳам қачонлардан масхсус маросимлар таркибида ижро этилган. Кейинчалик даврлар ўтиши билан маросим унутилиб, фақат қўшиқ матни қолган. Мисол учун қўш, ўрим, обло барака, ҳўп майда, ёрғичоқ қўшиқларини олайлик. Қадимда қўш ҳайдаш ҳам, ўрим ҳам, обло барака ҳам махсус маросим саналган.

Меҳнат қўшиқларининг ўзи кўплаб а) деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар (қўш, обло барака, ёрғичоқ қўшиқлари), б) чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар (соғим қўшиқлари: ҳушей-ҳушей, турей-турей, чурей-чурей), в) касб ҳунар (чарх, бўзчи, гилам тўқувчилар ва ҳокоза) қўшиқларидан ташкил топгани ҳолда, **тарихий қўшиқлар** ўтмишда бўлиб ўтган бирон-бир воқеа ёхуд шахс ҳақида тўқилган сатрлардир. Тарихий қўшиқларнинг энг гўзал намунаси Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк китоби»да келтирилган. Бу китобдаги тўртта марсияни йиғи-йўқлов намунаси эмас, тарихий-қаҳрамонлик қўшиғи намунаси сифатида ўрганмоқ лозим. Ўзбеклардаги «Намоз», «Мардикорлар» каби қўшиқларни ҳам ушбу туркумга киритиш мумкин. Бироқ бу намуналар ҳам қўшиқ талабларига тўла жавоб бера олмайди. Шундай экан, ўзбек халқ қўшиқлари жанрлари таркибида тарихий қўшиқлар мавжудлиги бу анчайин баҳс-мунозарали

масала бўлиб, бу мавзуга биз кейинги мақолаларимизда алоҳида тўхталиш ниятидамиз.

Термани мутахассислар ҳам лирик, ҳам эпик турга киритишади. Тўғри терманинг професонал ижодкор – бахши томонидан ижро этилиши, достон куйлаш анъанаси билан чамбарчас боғлиқлиги уни эпик жанр дея тадқиқ этиш имконини беради. Бироқ унда эпик воқелик эмас, ижодкорнинг маълум бир ҳолатдаги кечинмалари ўз ифодасини топади. Яъни, бахши терма куйлаш орқали ўзини достон айтишга, тингловчини эса достон тинглашга тайёрлаган. «Кунларим», «Дўмбирам», «Нима айтай» ана шундай термалар сирасига киради. «Оқ олма қизил олма» тўпламида номаълум шоирдан ёзиб олинган «Биби шайланаётир» термаси шу пайтгача ёзиб олинган термаларнинг энг гўзал намунасидир.[33]

Болалар қўшиқлари атамасини ҳам кенг маънода тушунмоқ керак. Биринчи ўринда катталар томонидан болаларга атаб айтиладиган қўшиқлар: Алла ва ҳуялар. Алла ҳамма учун тушунарли. **Ҳуя** бу – Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида оталарнинг болаларни эркалатиш учун айтган қўшиқларидир. Алладан фарқли томони уни фақат эркаклар ижро этади. Ҳуя айтиш анъанаси бугунги кунгача яхши сақланиб келиняпти. Иккинчиси эса болаларнинг ўзи томонидан куйланиладиган қўшиқлар. «Бойчечак», «Читтигул», «Оқ теракми кўк терак», чорламалар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқ қўшиқларининг асосий қисмини лирик қўшиқлар ташкил этади. Бу ўринда лирик деганда биз севги, муҳаббат ҳақидаги ишқий-маиший қўшиқларни назарда тутамиз. Лирик қўшиқларни ҳам 1) айтишув йўналишидаги (ўлан ва лапар) айтишув йўналишида бўлмаган, турли мавзудаги қўшиқларга ажратиб таснифлаш мумкин.

Ўлан ҳам, **лапар** ҳам аслида қадимда тўй куни, қиз узатиш маросимида айтилган бўлиб, кейинчалик маросим фольклори намунаси эмас, бакли лирик қўшиқлар сифатида ижро этила бошланган.[34] Қиз ва йигитлар тарафма-тараф бўлиб, шоду хуррамлигини, бахтиёрлиги ёхуд афсус-нодаматини, хуллас кечинмаларии қўшиқ орқали ифода этишган. Ҳар иккаласи ҳам айтишувга, яъни қиз ва йигитнинг сўз мусобақасига асосланади. Фақат лапарларда воқеабандлик кузатилса, ўланларда бу ҳолат кузатилмайди. Бугунги кунда ўлан ҳам, лапар ҳам исталган шароитда, исталган жойда ижро этилиши мумкин. Ўланлар, асосан чорвачилик билан шуғулланган, кўчманчи ҳаёт кечирган уруғлар орасида учраса, лапарлар эса кўпроқ ўтроқлашган ҳаёт тарзига мослиги кўзга ташланади.

---

[33] Оқ олма, қизил олма. (Ўзбек халқ қўшиқлари). – Тошкент: Бадиий нашриёт, 1972. – Б. 224–226.

[34] Ўлан асосан тўй маросимларда ижро этиладиган қўшиқ эканлиги кўпгина манбаларда қайд этилган. ***Қаранг:*** Алавия М. Ўзбек маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 49; *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 114. Алишер Навоий эса ўланни мусиқа билан ижро этиладиган қўшиқнинг бир тури сифатида қарайди. ***Қаранг:***

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки ҳай-ҳай ўланг, ҳой ўланг. *Алишер Навоий.* Садди Искандарий. – Б. 344.

Поэтик структурасига кўра таснифда қўшиқлар оҳангини, яъни йўлиниҳнақоратлар ва такрорлар белгилаб беради. Қўшиқлар оҳанг йўлига қараб фарқланганда икки ҳолатни кузатамиз. Биринчи ҳолат тўртликлар эркин ҳолда бирикиб, ҳар бир тўртлик индивидуал бир кечинмани акс эттиради ва ўзига хос композицион қурилмага эга бўлади. Иккинчиси қўшиқ матнидаги тўртликлар ўзаро бирлашиб, маълум бир воқеани ёхуд кечинмани ифодалаб келади. Қўшиқлар оҳанг йўлига кўраб фарқланганда улар асосан иккита катта гуруҳга ажралади: **а) Воқеабанд тўртлик қўшиқлар; б) Воқеабанд бўлмаган тўртлик қўшиқлар**

Воқеабанд қўшиқларда юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир тўртликлар маълум бир воқеа билан ўзаро бирикиб келади. Бу ерда тўртликларнинг кетма-кетлиги турғун ҳолатга келиб, воқеабандлик ҳосил бўлади.

Воқеабандлик масаласига олимларнинг қарашлари турлича. Айрим олимлар воқеабандлик (сюжет) барча қўшиқларга хос деса[35] бошқа олимлар бутунлай тескарисини, яъни, сюжетлилик қўшиқларга хос эмаслигини уқтиришади.[36] Ҳар икки қарашга ҳам қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, сюжет ҳамма қўшиқларда ҳам учрайвермайди. Биз таҳлилга тортган қўшиқларнинг асосий қисми воқеабанд эмас, яъни сюжетга эга бўлмаган қўшиқлардир. Бундан сюжет қўшиқларга хос эмас деган фикр келиб чиқмайди. Шундай қўшиқ намуналари борки, уларда воқеабандлик устунлик қилади. Бундай қўшиқлар маълум бир сюжет асосига қурилади ва матндаги сатрлар ушбу воқеани ифодалаб келади. Мисол учун «Оқти, оқти, Аминахон оқти…» деб бошланувчи қўшиқни олиб қарайлик.

Бу қўшиқда Аминахон исмли қиз балоғат ёшига етиб, бир йигитнинг ёлғон ваъдасига ишониб, ҳомиладор бўлиб қолгани, онаси билиб қолгач, қиз номусига чидай олмасдан ўз жонига қасд қилгани, уч кундан кейин унинг жасадини кўприк тагидан топиб олингани ҳикоя қилинмоқда.

«Саврихоннинг рўмоли» қўшиғида ҳам айнан шундай воқеабандликни кўрамиз. Бундай воқеабандлик келин салом, ёр-ёрларда ва айрим меҳнат қўшиқларида ҳам учрайди.

Воқеабанд бўлмаган қўшиқларда ҳар битта тўртлик мустақил алоҳида бир кечинмани ифодалаб келади. Уларни фақат оҳанг ва нақоратлар боғлаб туради.

Девор устига девор,
Девона бўлсин аканг.
Бошида шойи рўмол,
Парвона бўлсин аканг.
Яқу-яқу яқу як. Яқу-яқу яқу як.

---

[35] *Акимова Т. М.* О поэтической природе народний лирической песне. – Саратов, 1966. – С. 9–11.

[36] *Тимофеев Л. И.* Лирика // Краткое литературная энциклопедия. – Москва, 1967. Т.IV. – С. 210.

Ўланларда ҳам воқеабандлик кузатилмайди.

Воқеабанд бўлмаган қўшиқларнинг ўзи композицион жиҳатдан яна 3 га бўлинади.

1. Ҳолат қўшиқлар. Ҳамма қўшиқларда кечинма, ҳолат акс этса-да, ҳолат қўшиқларида қаҳрамон ҳеч кимга мурожаат қилмайди, балки ўз ҳолатини англатишга ҳаракат қилади.

Ёр юрган кўчаларни
Супурай сочим билан.
Чанг чиқса сув сепай,
Кўздаги ёшим билан.

2. Мурожаат қўшиқлар. Бундай қўшиқларда қаҳрамоннинг сўзлари кимгадир – севгилиси, яқинлари ёки бошқа бир кимсага мурожаат тарзда бўлади.

Отма мени тошлар билан,
Учиб кетай қушлар билан.
Қушлар қайтса, мен қайтмасам,
Кўзинг тўлсин ёшлар билан.

3. Айтишув қўшиқларининг энг гўзал намунаси Ўлан ва лапарлардир. Уларда қиз ва йигит жуфт бўлиб ёхуд тарафма-тараф бўлиб, айтишувда ўзаро мусобоқалашадилар.

Йигит:

Каканг келди деганда, каканг келди, ёр-ёр.
Хурозларнинг ичида, даканг келди, ёр-ёр.
Қизиқ-қизиқ ўландан айт, охун қиз, ёр-ёр,
Тарап бўлиб айтмоққа аканг келди, ёр-ёр.

Қиз:

Булбулларнинг қўнгани гул бўлади, ёр-ёр,
Оламдаги бор сўзни тил билади, ёр-ёр.
Тарап бўлиб айтмоққа кепсиз, ака, ёр-ёр,
Охунлигинг бу ерда ким билади, ёр-ёр.

Қўшиқларнинг асосий қисми бармоқ вазнидаги тўртликлардан иборат бўлиб аруз вазнидаги намуналар ҳам учрайди.[37] Тўртликлар қўшиқнинг энг қадимий намунаси эканлигини мутахассислар эътироф этишади. Қўшиқларда бир хил туроқларга амал қилиниши қўшиқнинг оҳангдорлигини таъминлаб, унинг поэтик хусусиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Такрорлар халқ қўшиқлари бадиияти тизимидаги муҳим унсурлардан бири ҳисобланади. Сатр бошида, ўртасида ёки охирида келишидан қатъи назар такрорлар қўшиқдаги илгари сурилган мазмунни очиб беришга хизмат қилиш баробарида оҳанг ва куйнинг яхлитлигини таъминлаб беради.

---

[37] Фуод Кўпрулу қисқа ҳижоли, яъни тўртлик шаклидаги қўшиқлар узун ҳижоли қўшиқларга нисбатан олдинроқ пайдо бўлганини ва турк қўшиқлари асосан 5 дан тортиб то 15 ҳижога қадар бўлишини айтади. *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 125.

Қўшиқлардаги нақоратлар эса анъанавий нақоратлар ва ноанъанавий нақоратларга бўлинади. Анъанавий нақоратларда **Сўз, мисра, тўртлик** такрорланиб келади. Бу нақоратлар турли хил қўшиқларда учраши мумкин. Тўғрироғи, бу ерда оҳангни ушлаб турувчи нақоратлар қолади, фақат матн ўзгараверади. Ҳар қандай матн ушбу нақорат оҳангига мослашади. Такрорларда матн билан чамбарчас боғлиқлик кўзга ташланса, нақоратда мазмун билан боғлиқлик сезилмайди. Бу ўринда оҳанг муҳим аҳамият касб этади.

Булардан ташқари, фақат айрим қўшиқларнинг ўзигагина хос бўлган маълум **товуш** (Ҳа, ҳу) ва **мисра** такрорланиб келиш ҳолатлари борки, уларни ноанъанавий нақоратлар сифатида баҳолаш мумкин.[38]

Қўшиқнинг куйга муносабатига келсак, ҳамма, ҳатто мотам қўшиқларида ҳам мусиқий оҳанг мавжуд, бироқ мотам маросим қўшиқлари бирон-бир мусиқий асбоб жўрлигида куйланмайди. Мотам маросими ва айрим мавсум маросим қўшиқларини инобатга олмаганда ҳамма ҳолатларда қўшиқларга бирор мусиқа асбобида куй чалиниши мумкин. Шунга кўра қўшиқларни: **1. Соз билан ижро этиладиган қўшиқлар**; **2. Ҳеч қандай созсиз ижро этиладиган қўшиқларга** бўлиш мумкин.

Ҳозирги жонли жараёнда ўзбек қўшиқлари доира, дўмбира, дутор, буламон, тор ва ҳоказо мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилади. Қандай мусиқа асбоби танланиши қўшиқ мазмуни ва ижро этилаётган вазиятдан келиб чиқилади.

Қўшиқ ва рақс ҳақида сўз кетар экан, уларнинг ҳамма даврларда куй билан биргаликда уйғунликда қаралганлигининг гувоҳи бўламиз. Фуод Кўпрулу туркларнинг адабий қарашлари диний тасаввурлар ҳамда рақс ва мусиқа билан биргаликда тараққий этганини ёзади.[39] Ёхуд «Чиғатой луғати»да қўшиқ «рақс ҳавосига боғланган куй» тарзда келгани айтилади.

Қўшиқларнинг рақсга муносабатига келсак, ҳеч бир қўшиқ йўққи, унда ҳаракат бўлмасин. Йиғи-йўқлов, мотам қўшиқларида ҳам гарчанд ҳаракатлар рақс деб аталмаса-да, рақс элементларини ўзида тўла сақлаб қолган. Биргина мисол, мотам маросимида азадор ўзининг юзларини тимдалаб, садр тушиши бу мотам маросимидаги рақснинг энг қадимий кўринишларидан биридир.

Қўшиқ ва рақснинг энг мукаммал уйғунлигини биз «Бешқарсак» қўшиқлари ва ўйинида кўришимиз мумкин. Бу ўйинни ўрганган санъатшунос олим Муҳсин Қодиров уни ўзбек халқ санъатининг қадимий кўринишларидан биридир дейди.[40] Бу ўйинда қарсак ва қўшиқ қайтариқлари алоҳида аҳамиятга эга. Раққослар доира шаклини ясаб қарсак оҳангига мос ҳаракатлар қилишади. Қарсакнинг турлари кўп: майда қарсак, якка қарсак, қўш қарсак ва ҳакозо. Чолғу асбоби вазифасини кўпинча қарсаклар бажаради. Бироқ бу қўшиқ куйсиз ижро этилади дегани эмас. Қарсак ҳам, куй ҳам,

---

[38] Фуод Кўпрулу «dala» сўзини «dalamak»,«dalanmak», «dalasmak» сўзлари билан қиёслаб, куйдаги нақорат эканини урғулайди. ***Қаранг:*** Fuad Köprülü. Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 114.

[39] *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 109.

[40] *Қодиров М.* Ўзбек анъанавий театри. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2010. – Б. 315.

нақоратлар ҳам энг мукаммал уйғунлик касб этади. Ўртада раққос турли ҳаракатлар билан рақс тушади, даврадагилар қарсак чалиб, куйга мос қўшиқ ижро этишади. Қарсак ўйинларида нақоратлар муҳим аҳамиятга эга.

Рақс ўйин сифатида санъатшунослар томонидан ўрганилган бўлса-да, бу ўйиннинг вербал қисми, яъни сўз компоненти олимлар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бу рақсда куйланиб келинаётган «Омонёр», «Гулбоғ», «Диғажон», «Ҳой бола-бола», ёр-ёр»лар халқ қўшиқларининг энг ёрқин намуналаридир.

«Қарсоқ» бўри дегани,[41] яъни «Бўри ўйини» рақси ва қўшиқлари асосан чорвачилик билан шуғулланган жойларда тўй-томошаларда, гап-гаштакларда, Наврўз байрамларда севиб ижро этилган.

Иштирокчиларнинг қарсак чалиб доира ҳосил қилиши, раққоснинг ўртада туриши уч нарсани ёдимизга солади. Биринчиси қадимда овчиларнинг овга чиқиб, ҳалқа ҳосил қилиб, ўлжасига ҳужум қилиши. Иккинчиси ўтов чанғароғининг айлана шаклда эканлиги, унга бириккан увуқлар бизга раққосни ўртага олиб, давра ҳосил қилган қарсоқчиларни эслатади. Учинчиси, «Кўпкари» (Бошқа бир номи «Кўкбўри») ўйинини. Яъни кўпкари ўйинида ҳам чавандозлар дастлаб давра ҳосил қилишиб, кейин «ўлжа» – улоққа ташланишади.

Бизнинг назаримизда ҳар учала ҳолат ҳам халқимизнинг мавсумий маросими, яъни Наврўз билан боғлиқ. Чунки қиш кириши билан кўклам – баҳорнинг яхши келиши учун кўплаб маросимлар ўтказилган. Шулардан биринчиси ов, иккинчиси кўпкари ва ниҳоят баҳор келиши билан чорвадорлар кенг яйловларга чиқиб ўтов тикишган.

Фуод Кўпрулу қадимда туркларнинг куй – кўкларнинг сони 365 та, яъни йил кунларига тенг бўлиб, ҳар куни хоқон ҳузурида айри бир куй чалинганини урғулайди.[42] Ўтовдаги увуқлар сони ҳам одатда 52 та, яъни йиллик ҳафтага тенглиги тасодифий бўлмаса керак.

Наврўзга бағишланган кўпгина маросимлар, удумлар, айтим ва қўшиқлар замирида қуёшга бўлган топинч ётганини кўришимиз мумкин. Қарсак ўйинидаги ҳалқа бизга кунни-қуёшни ҳам эслатади. Қолаверса, қўшиқ матни нақоратидаги «ҳу», аслида ху, қу, ку (гу) кун-қуёш сўзи билан ўзакдош эмасмикан, деган тахмин уйғотади. Нима бўлганда ҳам бу ўйин қўшиқлари махсус тадқиқ этилиши лозим.

Таснифни яна давом эттириш мумкин. Мисол учун эркак ва аёл қўшиқлари, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, Сурхондарё, Қашқадарё; Жиззах, Самарқанд, Бухоро; Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона ҳамда Хоразм қўшиқлари дейиш ҳам мумкин. Бироқ, бундай таснифлар иккиламчи таснифга киради. Энг муҳими эса қайси туркум қўшиқлари бўлмасин, маросим қўшиқларими ёхуд номаросим қўшиқлари

---

[41] Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк»да қарсоқни тулкининг бир тури дейди. ***Қаранг:*** Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1960. Биринчи жилд. – Б. 439.

[42] *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 113.

юқорида биз билган барча туркумлик учун бирдек бўлган умумий мезонлардан келиб чиққан ҳолда тасниф этилмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, халқ қўшиқларидаги маиший йўналганлик ва ижро ўрни масалалари унинг ўзига хослигини кўрсатиб турувчи омиллардан ҳисобланиб, уларнинг таснифида, энг аввало, ҳар бир жанрнинг юзага келиши, тараққий этиши ва бугунги жонли оғзаки ижро жараёнидаги ҳолати, поэтик хусусиятлари, бадиий тасвирий воситалари, мифологик тафаккур табиати, образлар тизими яхлитликда олиб қаралиши зарур бўлади.

ЭПОС ВА МАРОСИМ

Эпос ва маросим ҳақида сўз кетганда, мутахассислар уларни бир-бирига боғлаб турувчи энг муҳим жиҳатни эпоснинг халқ ижодининг специфик намунаси сифатида маросим ва маросим фольклори билан бевосита алоқадорлигида кўришади.[43]

Шуни айтиб ўтиш керакки, эпоснинг, айниқса қаҳрамонлик достонларининг бевосита маросим билан боғлиқ жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Архаик эпосда, жумладан, мазкур мақоламизнинг таҳлил объекти бўлган «Алпомиш» достонида ҳам маросимларнинг муҳим ўрин тутиши ва устувор қонуният кашф этиши кузатилади. Бироқ, қаҳрамонлик эпоси биргина маросимлардан келиб чиқади ёки туғилади деб хулосалаш масалани ўта жўн ҳал этиш бўлади. Маросим эпик формаларнинг транцформацияси орқали юзага чиқади. Ушбу архаик эпик форманинг бевосита маросим билан алоқадорлик томонларини тадқиқ этиш эпоснинг туб асосларини ёритишда ўта муҳимдир. Бу ўринда икки жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

Биринчидан, эпоснинг маросимлардаги ўрни ва функцияси. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида давом этаётган қадимий анъана – тўйу томоша ва бошқа маросимларнинг бахшилар иштирокида ўтказилиши.

Иккинчидан, маросимларнинг эпосда акс этиши, яъни маросимларнинг эпос сюжетида тутган ўрни. «Алпомиш» достонини таъбир жоиз бўлса, «халқимизнинг кўҳна маросимлари, урф-одатлари, ирим-сиримлари, табуларнинг қомуси» деб аташ мумкин. Чунки, ҳеч бир эпосда халқимизнинг маиший ҳаёти бунчалик кенг кўламда ўзининг бадиий ифодасини топмаган. Фарзанднинг туғилишидан олдин овга чиқмоқ, суюнчи олмоқ, фарзанднинг туғилиши, фарзандга исм қўймоқ, этагига солмоқ, бешик тўй, тўй масалаҳати, жарчи қўймоқ, чуфуррон тўй, тўёна бермоқ, аташтириб бешиккерти қилмоқ, иккинчи исм қўймоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, қаллиққа бормоқ, совчи қуймоқ, шартлашиш (кураш, кўпкари, пойга) куёв навкар, тўққиз товоқ, куёв товоқ, ўтни айланмоқ, қиз яширди, вакил ота, вакилини бермоқ, чимилдиқ тутмоқ, ит ириллар, ойна кўрсатар, соч сийпатар, қўл ушлатар, куёв улоқ, юз очди, бақан ташламоқ, солим бермоқ, ўлан айтмоқ каби турли хил одат ва маросимларнинг «Алпомиш» эпосидан жой олиши муҳим аҳамиятга эга ва у махсус тадқиқотни талаб этади.

Эпос ва маросимни ўрганишда биринчи навбатда қиёсий типологик методнинг устуворлигини инкор этмаган ҳолда, структурал, лингво-поэтик ва руҳий таҳлил каби кўплаб методларга ҳам суяниш лозим бўлади. Қиёсий-типологик таҳлилда биринчидан, маросимларни ўзаро қиёсий ўрганиш мумкин бўлса, иккинчи томондан уни эпос ва эпосдаги мотивлар билан муқоясалаш имконияти туғилади. Лингво-поэтик ва руҳий таҳлил методлари эпос ва маросим семантикасини чуқурроқ ёритиб беришда асосий омил

[43] *Путилов Б.* Эпос и обряд. // Фольклор и этнография. – Ленинград: Наука, 1974. – С. 76.

бўлади. Структурал метод эса эпос ва маросим тизимини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки архаик эпос билан маросим структураси ўзаро уйғун келишини кўрамиз.

Шомоннинг шажараси, унинг танланиши, ҳомий руҳлар кўмагида бўлиши, ўзга дунёга сафар, ёвуз руҳлар билан жанги, ўзга қиёфага эга бўлиши бу шомонлик маросимига хос хусусиятдир. Архаик, жумладан, «Алпомиш» эпосида ҳам шажарага алоҳида урғу берилиши, Ҳакимбекнинг туғилиши ва доимо пирлар кўмагида бўлиши, қаҳрамонликлар намойиш этиши, сафарга отланиши, ёвузликка (ёвуз руҳларга) қарши кураши, етти йиллик зиндон, яъни рамзий ўликлик ҳолатидан сўнг, қайта тирилиб чиқиб, Қултой қиёфасига кириши структурал жиҳатдан шомонлик маросими билан айнан бир хил эканлигини кўрамиз. Қолаверса, эпоснинг генетик хусусияти унинг жанр структурасини ўрганиш орқали очилади.

Маросимнинг эпосда акс этиши ҳақида сўз кетар экан, унинг асосан икки: а) маиший турмушда ўз ижро ўрнига эга бўлиб, эпосда ҳам бадиий акс этган (фарзанднинг туғилиши, исм қўйиш, бешиккерти қилмоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, совчи қўймоқ, қаллиқ ўйнамоқ ва ҳоказо; б) маиший турмушда ижро ўрни унутилиб, бадиий ҳолатга кўчган (фарзанд туғилишидан олдин овга чиқиш, куёвга келин томонидан шартлар қўйилиши ва ҳакозо) жиҳатларини тадқиқ этиш лозим бўлади.

«Алпомиш» достонида фарзанднинг туғулиши илоҳий хусусият кашф этади. Илоҳий туғулиш эса фольклорда етакчи мотивлардан бири бўлиб, у бир неча босқичлардан иборат. Биринчиси, ота-онанинг фарзандсизлик ҳолати. Бу бир томондан она уруғчилик билан боғлиқ тасаввурларнинг маросим ва достонларимиз қатламида сақланиб қолганлигидан далолат берса, иккинчи томондан достонда рамзий маъно кашф этиб, пароканда элни бирлаштирадиган, ҳокимиятни мустаҳкамлайдиган янги авлод, янги алпнинг туғилишини англатади.

Қаҳрамонга исм берилиши билан боғлиқ ўринлар қисқа сатрларда айтилиб кетган бўлса-да, у достон сюжетида муҳим аҳамиятга эга. Достон қаҳрамони Ҳакимбек етти ёшга тўлганда Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон парли ёйни отгани учун «Алпомиш» деб аталади: «Шунда барча халойиқ йиғилиб келиб айтди: ...Бу Алпомиш алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтди».[44]

Қадим маросимларда, хусусан, шомонликда маросимдан сўнг қаҳрамонга иккинчи исм берилган. Бу биринчидан шомоннинг эранлар томонидан танланганлигини ва руҳий камолотга етганлигини билдирса, иккинчи томондан унинг бошқа қиёфага кирганлигини, магик қудратга эга бўлганлигини ҳам кўрсатган. Бугунги кунда ҳам республикамизнинг жанубий вилоятларида баъзан оилада ўғил фарзанд туғилса уни «орқалик» экан деб, ҳамда инсу жинс, ҳар хил ёмон руҳлардан асраш мақсадида болага дастлаб ёлғон исм берилади. Агар шундай қилинмаса у хасталикка чалиниши

[44] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 18.

мумкин деган қараш мавжуд. Маълум бир муддатдан сўнг кичик бир маросим ўтказилиб, болага ҳақиқий исм қўйилган.

Эпосда маросим ҳеч қачон батафсил тасвирланмайди, балки, унинг муҳим нуқталари ўз аксини топган бўлади. Энг эътиборли жиҳати, маросим эпос тизимида сюжетни юзага келтириб, эпик характер касб этади. «Алпомиш» достонидаги Ҳакимбекка иккинчи исм берилиши билан боғлиқ халқа олиб ташланса, достон мазмунига жиддий путур етади. Демак, маросим маълум маънода эпос сюжет халқасининг юзага келишига замин бўлиши билан бирга бевосита эстетик функция бажаради.

Достонда Сурхайл кампир Барчиннинг онасига қарата шундай дейди:

Қозонда қайнаган ширбоз гўштмиди,
Шул қизингнинг агар боши бўшмиди.
Боши бўшми дейин, сендан сўрайман,
Келин қилиб бирор рўмол ўрайин.[45]

«Бошнинг бўшлиги» ҳали қизнинг бировга аталмаганлиги, ҳеч ким билан аҳду паймон қилмаганлиги ва ота-онасининг рози-ризолиги олинмаганлигини англатади. Барчин эса туғилгандаёқ «бешеккерти» қилинган эди. «Ана шунда Шоҳимардон пири Ҳакимбекка ой Барчинни аташтириб, бешиккерти қилиб: Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч ким баробар бўлмасин, омин оллоҳу акбар», – деб фотиҳани бетига тортди»[46]. Бешиккерти қилиш одати ва у билан боғлиқ маросимлар бугунги кунгача ҳам халқимиз ҳаётида сақланиб қолган. Бешиккертида албатта, бўлғуси келиннинг бошига рўмол ўралиб, бирон-бир тилло тақинчоқ тақилган.

Бош кийим эса ҳамиша муқаддас саналган. О. Сухарева Ўрта Осиё халқлари бош кийимга алоҳида эътибор беришларини, ёшига қараб бош кийимлари ҳам ўзгариб борганлиги ва ҳар бир маросимда бош кийим муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлайди.

Қадимда эса бош ва бош кийим кўк билан боғланган. Шунинг учун бойбичанинг Сурхайл кампирга берган кескин жавобида ҳам бир томондан қизининг ёшлигида Ҳакимбек билан «бешиккерти» қилинганлиги таъкидланаётган бўлса, иккинчи томондан улар икки дунё, икки олам вакили эканлигига ҳам ишорадир.

Барчиннинг элдан ажратилиб, баланд бир тепаликка ўтов тикиши достонда шундай тасвирланади: «Ўн минг уйли қўнғиротдан чиқариб, Барчиннинг ўтовини кўтариб, ҳу, анадай овлоқ тепанинг бошига тикиб қўйди. Бул ўтовда қирқин канизлари билан Барчин ўтирди»[47]. Бу ерда

[45] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 45.
[46] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 17.
[47] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 64.

диққатимизни тортадиган икки жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Биринчиси, Барчин ўтовининг тепаликка тикилиши. Тепалик, тоғ бу қадимда маросимлар ўтказиладиган муқаддас жой ҳисобланган. Иккинчиси, ўтовнинг оқ ва бахмал эканлиги. Оқ ва қизил (бахмал) ранг биринчи навбатда икки олам (эркак ва аёл бирлигининг макони) ҳақидаги қадим тушунчаларни ўзида ифода этган. Шунинг учун ҳам бу икки ранг эпосда ҳам, маросимларда ҳам аниқ рамзий маънога эга.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида узатилаётган қиз тўй куни бирон-бир қариндоши ёхуд қўшниларидан бириникида, яъни ўз уйидан узоқроқда бўлади. Қизнинг дугоналари узатилаётган қизни яширишиб, «қиз яширди» маросимини ўтказади. Куёв томондан танланган вакил бўлғуси келинни топиб олиши керак. Ана шу «қиз яширди» маросимидан сўнггина, бўлғуси келиндан вакиллар рози-ризолик олишади. Достонда ҳам айни маросим ўз аксини топган: «қадимги расими шундай бўлади, Барчинойни қиз опқочди қилади, ...Бир ерда буларни топиб олади».[48] Ана шу каби маросимлардан яхши хабардор бўлмасак, Барчиннинг ўтов тикиб, ўз элидан ажралиб чиқишини жуда жўн талқин қилишимиз табиий, албатта. Аслида эса «Алпомиш» каби классик эпосда, бирон-бир деталь ноўрин келмайди ва уларнинг ҳар бири ўзининг чуқур маъносига эга.

Барчиннинг алоҳида ўтов тикиб, ўз элидан ажралиб чиқиши, бу бир томондан қизнинг балоғатга етганидан далолат берса, иккинчи томондан унинг иҳота қилинишини англатади.

«Қиз яшириш», яъни турмушга чиқаётган қизнинг жамоадан ажратилиши унинг иҳота қилиниши, яъни ҳар хил нохушликлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун қилинган амалий ҳаракат бўлиб, Барчиннинг тепаликка, ўтов тикиши эса ана шу қадим маросимнинг достондаги бадиий ифодасидир.

Сочнинг маросим ва фольклордаги ўрни, функцияси ва поэтик кўлами шу даражада улканки, буни биргина мақола ёки тадқиқот доирасида ҳал этиш анчайин мушкул масала.

Маросимда магик ҳаракатлар ритуал аҳамият касб этса, эпосда у бадиий кўринишга эга. Буни «Алпомиш» достонидаги «соч сийпатар» ва шунга каби маросимларда кўришимиз мумкин.

Соч, ёл бу руҳга тегишли, бировнинг сочи ёхуд ёлига эгалик қилиш, унинг руҳга эгалик қилиш, уни ўзига тобе этиш билан баробар ҳисобланган. Фрэзер соч қадим маросимларда энг юксак мавқеда бўлганлигини, ибтидоий инсон сочни тараш, олдириш, куйдириш орқали табиатга ва руҳга таъсир қилиш мумкин деб ҳисоблаганлигини таъкидлайди.[49]

Фольклошунос олим Асқар Мусақулов жаҳондаги кўпгина халқларнинг туғилиш, никоҳ, ўлим маросимлари билан бир қаторда соч олиниши ҳам

---

[48] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 166.

[49] *Фрэзер Дж.* Фольклор в Ветхом завете. – Москва, 1989. – С. 263–265.

инсон ҳаётидаги энг муҳим бўлиб, у осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлигини ёзади.[50]

Соч сийпатар, умуман сочнинг ўрилиши бу қиз боланинг балоғатга етганлиги англатувчи унсурлардан бири бўлиб, у қадимий соч магияси билан боғлиқ маросимнинг трансформацияга учраган бир кўринишидир. Соч магияси биринчи навбатда ҳосилдорлик культига бўлган эътиқоддан келиб чиққан. «Алпомиш» достонидаги «соч сийпатар» маросимида ҳам ана шундай қадим тасаввурлар ўз ифодасини топган.

Арқон, таёқ, ойна маросимларда энг кўп ишлатиладиган предметлардир. Уларни бирлаштириб турувчи жиҳат эса, бу учала жисм қадим тасаввурларга кўра, икки дунё ўртасидаги чегара, белгини ифодалашидир. Шунинг учун куёв-келин йўлига ташланадиган арқон, таёқ (бақан) бу уларнинг бир дунёдан иккинчи бир дунёга қадам қўйганлигини англатган. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёл таёқ ёки арқондан ҳатламайди, оқар сувда чўмилмайди, тунда кўзгуга қарамайди, сочини кесмайди деган одатлар бугунги кунгача сақланиб қолган.

Ойна аслида сувнинг атрибути ҳисобланади, сув табиий хусусияти билан кузгуга тенглаштирилган. Сув эса икки дунё ўртасидаги чегара. Шунинг учун ҳам сувнинг барча дин ва турли хил маросимлардаги ўрни жуда баланд.

«Кампир ўлди» маросими никоҳ тўйининг бир қисми ҳисобланади. Бу маросим баъзи жойларда келининг уйида, айрим ҳудудларда келин куёвникига олиб келингандан кейин амалга оширилган.

«Алпомиш» достонида у келин, яъни Барчиннинг уйида амалга оширилади: «Бахмал ўтовда чимилдиқ тутиб, кўёв нўкарлари билан билан куёвни киргизмоқчи бўлиб, бир неча хотинлар «кампир ўлди» бўлиб, ўлганига бир нима олиб, «ит ириллар» деган расмини қилиб, бунга ҳам бир нарса бериб, ҳар замон салом солиб, уйдан ичкари кириб, чимилдиққа ўтириб, олдига дастурхон солиб, қўйларнинг тўшини пишириб олиб келиб, буларнинг олдига қўйиб, хўп еб тўйиб, кўёв нўкарларга тўппи, рўмол, сармой бериб, ҳаммаси ўз расми-қаъдасини қилиб, кўёв навкарлар чиқиб кетди, булар ҳам мазгилиги – жой-жойига қараб кетди»[51].

Н. П. Лобачева бу маросим ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларнинг барчасида учрашини таъкидлайди.[52] Бу маросим бугунги кунда сақланиб қолган. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида худди достонда айнан келтирилгани каби ҳолатлар келин томонда амалга оширилади. Чимилдиқ тутилган уйга кирмоқчи бўлаётган куёв навкарларининг йўли тўсилиб, остонада турган бир кампир ит бўлиб «ириллайди». Одатда ит бўлиб ириллайдиган кампир кайвони, ували-жували

[50] *Мусақулов А.* Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 97.

[51] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 166–167.

[52] *Лобачева Н. П.* Различние обрядовие комлекси в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахистана // Домусулманская верования и обряди в Средней Азии. – Москва: Наука. 1975. – С. 302–320.

ва обрў-эътиборли, энг муҳими келин томоннинг энг яқинларидан бири бўлиши керак.

Кампирнинг «улуши» берилгач, куёв ичкарига киритилади. Шундан сўнг «кампир ўлди» маросими бошланади. Унда яна ували-жували бир кампир келин-куёвга солинган ўринга ёш болани қучоқлаб ётиб олади. Атрофда турганлар «кампир ўлиб қолди», «кампир ўлиб қолди» дейишади. Сўнг кампир туш кўрганини айтади:

Туш кўрибман,
икки ёшни хуш кўрибман,
Олтин бешик бу ёнда
Олтин бешик у ёнда.
тоқ, эмас, жуфт кўрибман.
қўчқордай ул бир жонда,
Басолқи қиз бир жонда,
Кўркам савлатли,
Молу давлатли,
Фарзандли, неварали, чеварали кўрибман.[53]

Баъзи ўринларда «ўлган» кампирнинг тушини иккинчи бир кампир таъбири қилиб, тушдаги рамзларнинг нима маъно ифодалашини айтиб туради.

Бу ўринда энг аввало, тушга тўхталиб ўтиш зарур бўлади. Чунки туш кўпчилик маросимларда, умуман инсон ҳаётининг барча нуқталарида алоҳида аҳамият касб этган. Ибтидоий инсон ўзининг ўтмиши, бугуни ва келажагини ҳам тушсиз тасаввур эта олмаган. Бирон-бир инсоннинг дунёга келиши, камол топиши, бахтли бўлиши ёки фалокатларга йўлиқиши тушларда аён бўлган.

Никоҳ эса ҳамма вақт ўлим ва туғилиш орасидаги муҳим бир восита, ҳаёт–ўлим–ҳаёт давомийлик циклининг бошланиши ҳисобланган.

Ўлиб тирилувчи маъбудлар ҳақидаги қадим тасаввурларга кўра, кекса қиш ер юзини тарк этгандан сўнг, у янги – баҳор қиёфасида дунёга келади. Ўлим йўқ экан, туғилиш ҳам бўлмайди; қиш ўлмаса, баҳор туғилмайди. Аслида, ўлим ва туғилиш бир ҳолатнинг икки кўриниши холос.

Достондаги «кампир ўлди» маросимида ҳам худди ана шу нарса, яъни бир фасл (цикл) ўрнини иккинчи бир фасл олганлиги, «кампир» ўлиб, янги оила дунёга келаётганлиги, мангу давомийлик циклининг рамзий ифодасидир.

Табиат фаслини кекса кампир қиёфасида тасаввур қилиш «Чой момо», «Суст хотин» маросимларида ўзининг янада ёрқинроқ ифодасини топган.

Маълумки, ўлиб тирилувчи маъбудлар ҳақидаги кўплаб мифлар мавжуд. Бундай мифларга хос бўлган энг муҳим хусусият уларнинг табиат ва

[53] Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани, Терсота қишлоғидан, Масъул момо Пиримовадан ёзиб олинган. Муаллифнинг шахсий архиви.

ҳосилдорлик культини ўзида мужассам этгани ва уларнинг кўпчилиги албатта, аёл қиёфасида бўлганидир. Ҳар фасл алмашганда эса уларга қурбонликлар қилиниб, махсус маросимлар ўтказилган. Қадим Мисрда Осириснинг ўлиб-тирилиши баҳор маросимларида томоша қилиб кўрсатилган.

Германияда янги никоҳ қурган келинчакларга ўлимни ифодаловчи сомондан қилинган қўғирчоқ кўрсатилган. Қари кампир кўринишидаги «Ўлим» келинчакнинг кўп фарзандли бўлишига ёрдам беради деган тасаввур бўлган.

Кўпгина тадқиқотчилар Ўлимнинг ҳосилдорлик ва серфарзандлик бўлишида кўрсатадиган таъсири ҳақида тасаввурлар никоҳ маросимларида жуда барқарор эканлигини таъкидлашади.

Шунинг учун ҳам оила ва мавсум маросимларини бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ўрганилиши зарур. Зеро, оила маросимларининг барча қирралари мавсумий маросимларни ўрганиш орқали очилади.

Эпос ва маросим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Маросимларнинг тарихий илдизларини ёритишда эпосга мурожаат этиш табиий. Эпосдаги мотивларни эса маросимлар билан қиёсий ўрганганимиздагина уларнинг мазмун моҳияти янада тўлароқ очилиши мумкин.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ВА «ДАДА ҚЎРҚУТ КИТОБИ»ДАГИ ТУТҚУНЛИК МОТИВИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир халқ қиёфаси, феъл-атвори, тафаккури, руҳияти ва савияси энг аввало унинг оғзаки ижодида акс этди. Тафаккур тарихи ва тараққиёт босқичлари оғзаки ижод намуналарида намоён бўлади. Фольклорда халқнинг дунёни, ўзини билиш ва англаш сари қўйган қадамлари, жараёнлари мужассамдир.

«Алпомиш», «Дада Қўрқут китоби» ва «Манас», «Гўрўғли» каби туркий халқлар эпоси шундан дарак берадики, ибтидоий тасаввур бугунги тасаввурдан фарқли ўлароқ, дунёни рамзлар орқали қабул қилган, рамзлар билан баҳо берган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган. Аждодларимиз тилини тўла маънода тимсоллар тили дейишимиз мумкин. Тимсолсиз санъат, умуман ижод бўлган эмас. Халқ оғзаки ижоди, эпос бугун фақат мифологик ёки тарихий асос сифатида ўрганиладиган ижод эмас, балки у тимсоллар санъати сифатида ҳам ўрганиладиган таҳлил этилиши лозим бўлган санъатдир.

Халқ оғзаки ижодида, жумладан, бугун биз сўз юритаётган «Алпомиш» достони ва «Дада Қўрқут китоби»да ҳам ҳар бир образ ҳар бир рамз халқ дунёқарашининг қайсидир жиҳати ва босқичини ифода этади.

Гарчи бундай образлар тимсоллар тафаккурнинг энг қуйи босқичига хос бўлса-да, илк поэтик мушоҳадани бошлаб берганлиги билан ғоят қадрлидир.

Фольклорда ҳар бир нарса у ёки бу тарзда тимсоллар асосида яратилган. Тимсолларнинг сир ва моҳиятини англамасдан туриб, фольклорни унинг туб моҳиятини англаб бўлмайди.

«Алпомиш» достони ва «Дада Қўрқут китоби»да тимсолий маъно касб этган мифологик мотивлар кўплаб учрайдики, шулардан бири Қаҳрамон – Алпларнинг тутқунлик (зиндон) холатидир. Тутқунлик – «Алпомиш», «Дада Қўрқут китоби» ва бошқа достонларимиздаги бу ҳолатни шарҳлаш, унга сингдирилган рамзни талқин қилиш имконини беради.

«Алпомиш» достонининг иккинчи қисмида Алпомиш қайнотаси – Бойсарини қутқариш учун қалмоқлар юртига қайтиб борди. Сурхайл кампир уларни меҳмон қилиш баҳонасида маст қилиб:

Қилсам деб айёр масхара,
Ичаётир шундай тўра.
Ҳийла билан ақлин олар,
…Сулаб ётир қирқ бир сардор,
Неча хум ароқни ичиб,

Энди маст бўпқолди қайсар.[54]

Алпомоишнинг қирқ йигитини ёқиб юборади-ю, «ўтда ёнмас», «ўқ ўтмас», «қилич кесмас» унинг ўзини оти – Бойчиборнинг (!) думига боғлаб зиндонга ташлайди. Қалмоқлар Алпомишнинг мастлик ҳолатини: «Ҳозир ўлик, маст бўп ётган балодир» деса, Алпомиш эса ўз ҳолатини: «Маст бўлибман, мен зиндонга сазовор», – дея таърифлайди.[55]

«Дада Қўрқут китоби»да Салор Қозоннинг уйи талон-торож бўлганлиги хусусидаги ҳикоятда унинг ўз уйини, тўғрироғи юртини ташлаб, овга отланишига, ўғли ва хотинининг ғаюрларга тутқун бўлишига мастлик сабаб бўлади:

«Тўққизта қора кўзли, хўпсувратли, сочи ортига ўрилган, кўксида тугмали, қўллари хиноли, бармоқлари нигорли, гўзал ғайридин қизлари улуғ Ўғиз бекларига ароқ тутиб, шароб ичирардилар. Ичиб-ичиб Улош ўғли Салор Қозоннинг боши айланди».[56] Бомси байракнинг тутқун бўлишига ҳам аслида мастлик сабаб бўлади: «...Ёримасин, ёлчимасин, ул малъун тезда етти юз ғайридин билан йўлга тушди. Байрак он олача чодири ичинда еб-ичиб ўтирар эди. Тун уйқусида душманлар ўтовга бостириб келди, булар-чи ғофил».[57]

Эътибор берсак, «Алпомиш» достонида ҳам, «Дада Қўрқут китоби»да ҳам Қаҳрамон – Алпларнинг тутқун бўлишига мастлик сабаб бўляпти. Бошқа эртак ва достонларимизда ҳам мастлик ва тутқунлик (тоғда, ғорда, қудуқда, зиндонда баъзан эса қўрғонда бандилик) ҳолати ёнма-ён келади.

«Юсуф ва Аҳмад» достонида ҳам Юсуф ва Аҳмад мастлик туфайли Миср подшосига тутқун бўладилар: «Ана Аҳмадбек шу куни қирқ йигити билан ичди майни, бариси думини қайтарган маст бўлди»[58].

«Гўрўғли» туркум достонларида Гўрўғли қирқ йигитига мурожаат қилиб, косада май тутади. Майни ҳамма ҳам ичолмайди, чунки май ичганлар бирор муҳим топшириқни бажаришлари, яъни синовдан ўтишлари шарт бўлади.

Ҳамма ҳам шомон бўлавермагани каби, ҳамма ҳам майни ичишга қодир эмас. Майни эса фақат Алпларгина ича олади. Маълумки, эпос қонуниятига кўра, Алплар туғилишидан олдин

---

[54] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 35–39.

[55] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 41.

[56] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 95

[57] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 130.

[58] Юсуф ва Аҳмад. Достон. – Б. 78.

илоҳий каромат қилинади ва улар ҳамиша ҳомий руҳлар кўмагида бўлади.

Алп – қаҳрамон туғилишидан олдин ота-онасининг фарзандсизлиги аслида рамзий маънога эга бўлиб, гап бу ерда салтанатни мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна бирлаштирадиган янги авлод – Алпнинг туғилиши ҳақидадир. «Алпомиш» достонида Алпомиш, «Дада Қўрқут китобидаги» Бомси байракнинг туғилишдан олдин уларнинг юртида айни вазият кузатилади. «Алпомиш» достонида миллатнинг бўлиниши, парокандалиги Бойсарининг қалмоқ элига кўчиши орқали ифодаланса, «Дада Қўрқут китоби»даги ҳар бир ҳикоятда ўғиз беклари бирлашгандагина душманни енгадилар, ўз мақсадаларига эришадилар. Ўн икки ҳикоятнинг ҳар бирида бу бирликка такрор-такрор урғу берилиши бежиз эмас. Зеро, туркий халқлар тарихнинг маълум бир даврларида улкан салтанат, ҳокимият ва чексиз ҳукмронликка эга бўлган.

Ўзаро бўлинишлар урушлар ва бошқа сабаблар туфайли бу буюк салтанатга путур етган. Сўнгра халқни, миллатни бирлаштира олган Алпомиш, Манас, Бомси байракка ўхшаш янги авлод – Алплар туғилиб, туркий халқларнинг тарих саҳнасидаги олдинги юксак мавқеи яна қўлга киритилган. Худди шу воқеаларнинг бадиий ифодаси «Алпомиш» ва «Дада Қўрқут китоби»нинг асл моҳиятини ташкил этади.

Эътибор қилсак, Бомси байракка бўз айғир, гурзи, қилич ва камон бошқа юртдан келтирилади. Яъни, буни рамзлар тилида тушунсак, Бомси байрак қўлдан кетган ҳокимиятни, салтанатни яна ўғиз элига қайтаради.

«Алпомиш»да Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонни фақат Алпомишгина ота олади. Алплик камонининг кўлда занг босиб ётиши Алпинбий ўз миссиясини – ўз вазифасини охиригача бажара олмаганидан, салтанатни мустаҳкамлашни буткул охиригача етказа олмаганидан далолат беради. Бундай миссияни – вазифани янги авлод – Алпларгина охирига етказади. Зеро, туркий халқлар дунёқарашида камон ҳокимият ва салтанат тимсоли бўлгандир.

Алпомиш ва Бомси байракнинг сархушлик ва тутқунлик ҳолати тасодифий бўлмай, бу уларнинг туғилишидаёқ тақдирига битилган Алплик мақомига эришувидаги навбатдаги синовлардан бирн эди. Шунинг учунҳам Барчин Алпомиш ҳақида гапирар экан, ҳар гал;

Оти Алпомиш ёрим бордир.
Чаккасида шунқорим бордир,
Элда зўраборим бордир,
Қатордаги норим бордир.
Чилла кирганда маст бўлган,
Хатапга бошини урган,

Не зўрларнинг додин берган,
Қўнғиротда қайсарим бордир,[59] –
дея фахрланиб сўзлайди:

Мастлик туркий халқларнинг қадимги маросимига кўра, ҳомий руҳлар билан мулоқот қилиш ҳисобланган. Мастлик, яъни беҳушлик шомоннинг галлюцинация, экстаз ҳолатидир. У шу ҳолатидагина нариги дунёга сафар қилади.

Хитойликларнинг мусиқа тарихи китобида эрамиздан аввал хитойнинг ғарбида яшаган туркларнинг мусиқа ва рақслари ҳақида сўз юритадилар. Турклардан хитойликларга ўтган рақслардан бири Хут – энъу рақси бўлиб, уни эркаклар ижро этганлар. Бу рақсда раққос икки қўлига май олиб, май ичиб рақсга тушади. Май тугаши билан рақс ҳам тугайди. Бу рақс бизга шомоннинг май билан рақсга, жазавага тушишини эслатади. Рақсда мастлик, беҳушлик, яъни шомоннинг нариги дунёга сафар чоғидаги ҳолати акс этган.

Мастлик ва беҳушлик рамзий ўликлик ҳолатидир. Шомон беҳушлик ҳолатида ўзининг ўлганини, танаси бўлак-бўлакларга ажралганини яхши ҳис қилиб туради. Қайта тирилиш маросими қанчалик азоб-уқубатли бўлса, бу шомоннинг кучи-қувватидан дарак беради.

Олтой шомонларининг шу кунгача сақланиб қолган маросимларида ҳам беҳушлик шомон руҳий ҳолатининг энг олий босқичи бўлиб, узоқ беҳушлик ҳолатида бўлган шомонлар катта ҳурмат ва эътиборга молик бўлганлар.

Мастлик, беҳушликдан мақсад «ўлик»лик ҳолатига ўтиш – нариги дунёга сафар қилиш, илоҳий куч-қудратга эга бўлиб, қайта туғилишдир.

Алпомиш достоннинг биринчи қисмида Барчин ёрини олиб келиш учун йўлда кетаётиб, мозорда (тоғ, ғор, мозор муқаддас, яъни руҳлар билан мулоқот қилиш жойи ҳисобланган) тунаб қолади. У ерда эса чилтонлар Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини учраштиради: «Чилтонлар: – Бу бачча Шоҳимардон пирнинг муриди экан. Бизнинг суҳбатимизда бўлди, вақтини хушлай олмадик, деб илми каромат билан Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан, бахмал ўтовда ухлаб ётган еридан Барчиннинг руҳини танидан олиб келди. Алпомиш ухлаб ётган еридан бунинг ҳам руҳини танидан олди. Алпомишнинг руҳи билан Барчиннинг руҳини ўртада бир ерга қўйди. Бир коса шароби антаҳур чилтонлардан Барчиннинг руҳига тегди. Барчин руҳи шаробни қўлига олиб, …Алпомишнинг руҳига олинг-олинг қилиб, бир сўзни айтиб тургани экан»[60].

---

[59] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 50.

[60] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 86.

Салор Қозоннинг тутқун бўлиши ва бу тутқунликнинг нариги дунёга сафар билан боғлиқ эканлиги «Дада Қўрқут китоби»да аниқ баён этилган: «...Ниҳоят, Қозонни келтирдилар. Таманин қалъасида бир қудуққа ташладилар. Бир кун Такурнинг аврати айтур: Борайин, Қозонни кўрайин, ҳоли не кечибди. Кўп одамларга жабр этганмиш у, – деди.

Хотун келиб, зиндончига тешикни очтиртирди. Чақирди, айтур: Қозонбек ҳолинг надир?...

Қозон айтур: Ўликларингга ош берган пайт, уларнинг қўлларидан олиб ейман, ўликларингиз йўрғасига минаман, танбалларини судрайман, – деди»[61].

Алпомишнинг етти йил, Бомси байракнинг ўн олти йил зиндонда тутқун бўлганда уларнинг ўлди деган хабар тарқалишида ҳам айнан юқоридаги рамзий маъно яширин.

Қаҳрамон – Алпнинг нариги дунёга сафаридан мақсад, магик қудратга эга бўлиб, қайта туғилиш, бир мақомдан иккинчи бир мақомга кўтарилишдир. Шу сабабли, турк, жумладан Олтой шомонларининг ҳозиргача сақланиб қолган маросимларида беҳушликнинг ўзини-ўзи чавақлаш, бошини кесиб ташлаш, танасини тилкапора қилиш ҳолатлари учрайди. Шомоннинг бу ҳолати бир мақомдан иккинчи бир мақомга ўтишдаги маросим билан боғлиқ бўлиб, танани тўлиқ инкор этиб, руҳ билан бирлашишни билдиради. Танасини инкор этиб, янгидан туғилган, ҳомий руҳлар қув ватиниўзида жамлай олган шомонга дунёни янгилаш, янгидан қуриш имкони берилади.

Мастлик, беҳушлик ҳолати «Авесто»да ҳам учрайди «Авесто»да хаумо ичимлиги кишида жазава қўзғатиб, илоҳий куч-қудрат ҳамда боқийлик бахш этувчи ичимлик сифатида тилга олинади. Уни ичган киши бир вақтнинг ўзида ҳам ерда, ҳам руҳлар оламида бўла олиш қобилиятига эга.

«Алпомиш» ва «Дада Қўрқут» эпосидаги мастлик ва зиндон ҳолатларининг ёнма-ён келиши тасодифий эмас.

Қаҳрамон бир мақомдан иккинчи бир мақомга кўтарилаётганда турли хил синовлардан ўтган. Алпомиш ҳам, Бомси байрак ҳам худди шундай синовларга дуч келади. Эпосда бундай синовлардан фақат Алпларгина ўта олади.

Алпомиш ва Бомси байрак ўз ёрлари қўйган шартларни бажариб биринчи синовдан ўтиб, биринчи мақомга эришган бўлса, мастлик туфайли тутқунда бўлиб, ундан озод бўлиши иккинчи мақомга ўтиш ҳолатини акс эттиради. Биринчи синов Алп – шомоннинг балоғат ёшига етганини билдирса, иккинчи мақомдан ўтиш билан эса у юртга бош бўлиш, салтанатга эгалик қилиш қудратини ифода этади.

---

[61] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 235.

Бу ҳолат «Алпомиш» ва «Дада Қўрқут» эпосидаги мифологик қатлам илдизлари қадимга бориб тақалишини кўрсатади. Зеро, қадимда шомонлик маросимига мувофиқ беҳушлик мақомидан ўтган шомон ёвуз руҳларни, ёвуз кучларни енга олиш қудратига эга бўлган.

Қадимги турк ва ҳинд асотирларида гуноҳ қилган кишини ёпиқ идишга солиб (яъни тутқун қилиб) қўйиш ҳақида афсоналар бор. Идишдан қайтиб чиққан киши она қорнидан қайта туғилган билан тенглаштирилган. Ҳиндларда сигирдан қайта туғилиш маросими мавжуд. Бу маросимга кўра, коҳин сигир акс эттирилган тулупга киради ва ундан қайтиб чиққанда қайта туғилган ҳисобланади. Зиндон (қудуқ ва ҳоказолар) қоронғилиги ва бўшлиги билан она қорнини эслатади.

Эътибор қилсак, Алплар синовдан ҳамиша ҳомий руҳлар кўмагида ўтади. Уларнинг тутқунликдан озод бўлишида ҳам ҳомий руҳлар асосий рол ўйнайдилар.

Алпомиш ўз оти – Бойчиборнинг думи, Бомси байрак эса қиз туширган арқон ёрдамида тутқунликдан (зиндондан) озод бўладилар. От ёли, баъзан эса қиз сочи, арқон булар ҳаммаси магик ритуал характерга эга бўлиб, унинг илдизлари қадим тасаввурлар билан боғланади. Ибтидоий одам дунёқарашига кўра, соч ёхуд ёлда руҳлар яшайди.

Туркий халқларнинг кўпгина эртакларида ўз ёлидан берган дев, от, бўри ёхуд сочидан тола берган пари қаҳрамоннинг ёлни тутатиши билан дарҳол унга кўмакка етиб келадилар.

Олтой шомонларининг бош кийими от ёки буғунинг ёлидан тайёрланган. Шомонлик удумига кўра, соч ёхудёл жонли ва қудратлидир.

Алпомиш ҳам Бомси байрак ҳам ҳомий руҳлар кўмагида зиндондан озод бўлиб, яъни қайта туғилиб, бир мақомдан бошқа бир мақомга кўтарилганлигини уларнинг тутқунликдан сўнг, ўз қиёфаларини ўзгартирганликларида ҳам кўрамиз.

Алпомиш етти йиллик бандиликдан сўнг, юртига қайтаётиб, Қултой қиёфасига, Бомси байрак эса Далли ўзон қиёфасига киради.

Алпларнинг зиндондан қутулгандан сўнг, у ўзга қиёфада кириб келишлари бу достон сюжетининг, ундаги мифологик қатламнинг қадимий эканлигини намойиш этади. Қаҳрамоннинг қиёфа ўзгартиришлари, бу уларнинг нариги дунёга сафар қилганидан, қайта туғилиб, юксак бир мақомга эришганлигини ифода этади. Қиёфа ўзгартириш, яъни ниқоб бу илоҳиёт белгиси ҳисобланган. Фақат энг юқори мартабага эришган шомонгина бир қиёфадан иккинчи бир қиёфага кира олган. Алпомиш нега айнан Қултой қиёфасига, Бомси байрак нега айнан Далли ўзон қиёфасига кирди деган саволга эпосда гўё очиқ жавоб йўқдай.

Бомси байракнинг Далли ўзон қиёфасига кириши ҳомий руҳ – Қуркут ота қиёфасига киришидир. «Дада Қуркут китоби»да бунга

очиқ ишоратлар бор.

Қўрқут ота келиб, Бомсига исм беради:

«…Сан ўғлингни Бомсим дея эркаларсан,
Унинг оти бўз айғирли Бомси байрак бўлсин,
Отини мен бердим, ёшини эгам берсин».[62]

Бомси байракнинг уйланишида ҳам Қўрқут ота шартларни бажаришда кўмак беради. Демак, Бомси байракнинг Далли ўзон – аждодлар культини ўзида тамсил этган ҳомий руҳ – Қўрқут ота қиёфасига кириши бежиз эмас.

Алпомишнинг нега айнан Қултой қиёфасига кирганига достоннинг бир жойида ишора қилинади.

«Қултой айтди: Алпомишнинг белгиси шул эди. Ўнг эгнида Шоҳимардон пирнинг, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг изи бор эди»[63].

Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифов Шоҳимардон пир билан боғлиқ белгини достоннинг кейинги давр, исломдан кейинги сўнгги давр таъсири деб тўғри хулоса чиқаради. Мана шу белги, Алпомиш елкасида Қултойнинг панжасининг изи борлиги – Қултойнинг оддий чўпон эмас, балки ҳомий руҳ эканлигини кўрсатиб турувчи далилдир.

Қултойнинг оддий чўпон эмаслиги бошқа бир жойда достоннинг бошида ҳам айтилади.

«Қултой ҳам заҳар чол эди, ётган жойида бир қурҳайт тортганди, тўқсон тўқайдан йилқи йиғилиб қошига келди»[64].

Қўрқут отанинг Бомсига исм бериб, бўз айғирли бўлсин дейиши билан Қултойнинг Алпомишга от танлаб бериши айнан бир ҳодисадир.

Алпомишнинг елкасидаги беш панжа эгаси ҳам унга исм берган ҳам, от кўринишида Алпни зиндондан қутқарган ҳам ҳомий руҳ – Қултой эди. Шунинг учун ҳам Алпомиш айнан аждодлар культини ўзида тамсил этган Қултой қиёфасига киради.

Қултойнинг ҳам Қўрқут отанинг ҳам аждодлар культи билан боғлиқлиги китобдаги жуда кўп жойларда рамзий-тимсолий тарзда бериб ўтилади. Маълумки, аждодлар культини ифода этган ҳомий руҳ маданий қатлам даврида ғайб дунёси ва инсонларни бир-бирига боғлаб турувчи кишига айланади. Худди «Алпомиш» достонидаги Қултой каби. Қўрқут ота ҳам асарда ҳомий руҳ сифатида гавдаланади.

Маданий даврда аждодлар культи ўзини асосан тушларда намоён

---

[62] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 121.

[63] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 153.

[64] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 76.

қилади. Бундай мифологик қатлам жаҳон фольклорида кузатилган.

«Алпомиш» достонида Алпомиш чўпонлар қўшхонасида ётиб ухлаб, тушида пайғамбарни кўриши ва Шоҳимардон пир кўмагида келгусида синовлардан ўтиб, мурод ва мақсадга етиши башорат қилинади:

Раҳм айлаб юборди хор қилган Жаббор,
Ҳамма пирлар сенга бўлди мададкор,
Кўнглингдан кетади бир зарра ғубор.[65]

Шоҳимардон пир билан боғлиқ воқеалар атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов айтганидек, кейинги даврлар маҳсули бўлиб, аслида Алпомишга пирлик, яъни ҳомийлик қилган ўзида аждодлар культини тамсил этган Қултой эканлигини биз юқорида айтиб ўтдик.

«Дада Қўрқут китоби»да Яганакнинг Қўрқут отани туш кўришида айнан шу аждодлар культи – ҳомий руҳ билан боғлиқлик жиҳати аниқ баён этилади: «...Кўзим уйқуда экан, туш кўрдим. Ола кўзим очибон дунё кўрдим: Оқ бўз отлар чопдиргучи алпларни кўрдим. Оқ дубулғали алпларни ёнимга олдим. Оқ соқолли Қўрқут отадан ўгитлар эшитдим. Кўндаланг ётган қора тоғлардан ошдим. Қарши ётган денгизни тилдим, кечдим. Узоқда кўринган тоғ ёнида бошдан оёқ порлаб турган бир Эр кўрдим...»[66].

Тушдаги «оқ бўз отлар», «оқ дубулғали алплар», «Оқ соқолли Қўрқут ота» каби сифатлашлар мифологик хусусиятга эга ва ҳар бирининг ўз маъноси ва шарҳи бор. Оқ соқолли Қўрқут ота эса аждодлар культини ифода этувчи Ҳомий руҳ рамзидир.

Маданий эмпирик даврда аждодлар мифологик унсур сифатида фақат тушдагина ўз хусусиятини сақлаб қолади, баъзида эса бу культлар бевосита диний тушунчалар билан қоришиб ҳомий руҳ, ҳомий культга айланади.

Алпомишнинг етти йиллик тутқунликдан сўнг, Қултой қиёфасини, Бомси байракнинг эса Далли ўзон қиёфасини танлаши, яъни аслида улар ҳомий руҳ – Қултой ва Қўрқут ота қиёфаларига кириши мантиқий тадрижийликка эга.

Тутқунлик ва тутқунликдан сўнг, қиёфа ўзгариши Ҳомернинг «Одиссея» достонида ҳам учрайди. Ўзга дунёдан қиёфасини ўзгартириб қайтган Одиссей камондан ўқ узиши билан ўз қиёфаси ошкор бўлади.

Алпомиш ҳам Бомси байрак ҳам тутқунликдан сўнг, юртига қайтиб ўз камонларидан ўқ узишади. Бироқ улар то ўз ёрлари билан ўлан айтишмагунча қиёфалари очилмайди.

Алпомишнинг ўз хотинининг тўйига келиб, Қултой қиёфасида,

---

[65] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 92–93.

[66] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 201–202.

Бомси байракнинг Далли ўзон қиёфасида ўлан айтиш ҳолати бу яна бир бор мазкур эпосларнинг тарихий илдизлари жуда қадимга бориб тақалишидан дарак беради. Ҳомий руҳ қиёфасида қайта тирилган шомон нафақат жисмоний, балки магик қудратга эга эканлигини ҳам намойиш этиши лозим эди. Шунинг учун ҳам қадимда шомон ва бахши сўзлари бир маънони англатган.

Кўриб чиққанимиздек, «Алпомиш» достони ва «Дада Қўрқут китоби»даги Алп қаҳрамонларнинг сархушлик ва тутқунлик ҳолати, тутқунликдан сўнг бошқа қиёфага кириши туркий халқларнинг қадим тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, бу тасаввурлар эпосда, бевосита матнда рамзий маъно кашф этган.

Бу эса «Алпомиш» достони ва «Дада Қўрқут» китобидаги мифологик қатламнинг қадимийлигини, барча туркий халқларининг ғурури ва фахри бўлган бу асарлар жаҳон адабиётининг нодир намуналари деб ҳисобланган «Одиссея» (Οδυσσεια), «Калевала» (Kalevala), «Маҳобҳорат», «Небулинглар қиссаси» каби асарлар билан бир қаторда тура оладиган, улар билан бўйлаша оладиган буюк асарлар эканлигидан далолат беради.

ФОЛЬКЛОРДА МОТИВ ВА СЮЖЕТ

Бутунни билиш учун уни юзага келтирувчи қисмларни билиш керак бўлади. Шу маънода эпик асарларнинг сюжет асосини ташкил этувчи мотивларни билмасдан уларнинг моҳиятини англаш мушкул. Демак, дастлаб «мотив ўзи нима» деган саволга жавоб бериш лозим.

«Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да «Мотив сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири», дейилган.[67] Сюжет асар мазмунини ташкил этган воқеалар тизими бўлса, мотив шу воқеликни юзага келтирувчи асосий унсур ҳисобланади. Яъни эпик асар қурилма – структурасини мотивларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Эпик асарларнинг сюжет ва мотиви ҳақида мутахассис олимларнинг қарашлари турлича. Бироқ кўпчилик олимлар рус олими А. Н. Веселовскийнинг бу борадаги фикрларига асос сифатида таянишади. Мазкур олим мотивларни сюжетни юзага келтирувчи энг асосий бўғин эканини таъкидлаб, «Мотивлар бирлашиб, сюжет ҳалқасини юзага келтиради», – дейди.[68] У мотивларни сюжетнинг энг кичик бир бўлинмас бўлаги сифатида таҳлил этади.

В. Пропп ва Б. Путиловлар эса А. Н. Веселовскийнинг қарашларини ривожлантириб, мотивларнинг ҳамиша ўзгарувчан эканлигига, улар

---

[67] *Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.* Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 190–191.

[68] *Веселовский А. Н.* Историческая поэтика. – Ленинград: Высшая школа, 1940. – С. 494.

сюжетнинг кичик бир бўлаги бўлган ҳолатда унинг ўзи ҳам бўлаклардан, қисмлардан ташкил топишига эътибор қаратадилар.

«Мотив сюжетнинг мағзидир», – дейди Б. Путилов.[69] Бу ўринда олим мотивларнинг табиий эволюцион жараёнини назарда тутади.

Сюжетнинг юзага келиши мотив билан чамбарчас боғлиқ экан, мотив бирламчи эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Энг муҳими эса ҳар бир мотивнинг сюжет ҳалқасида қандай ўрин тутишини, қандай мазмун ва моҳият кашф этишини аниқлаш фольклоршуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбек халқ эртак ва достонлари таҳлилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар мавжуд. Булар орасида Ҳ. Зарифов, М. Саидов, М. Афзалов, Т. Мирзаев, К. Имомов, Х. Эгамов, Ғ. Жалолов, Б. Саримсоқов, А. Мусақулов, М. Жўраев, Ш. Турдимов каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.[70] Эпик асарларнинг сюжети, версия ва вариантлари, тарихий асослари ва бадийяти борасида бу олимларимизнинг изланишлари назарий манба бўлиб хизмат қилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Бироқ, шундай бўлса-да, биргина Н. Дўстхўжаеванинг ўзбек эртаклари таҳлилига бағишланган илмий ишини истисно қилганда, эпик асарлар структураси бизда ҳалигача етарлича ўрганилган эмас.

Ҳар қандай эпик ижод, биринчи навбатда, эртак ва достонлар ҳам ўз қурилмасига эга. Мотив эса ана шу қурилмада асосий ўрин тутади. Шундай экан, фольклор асарлари таҳлили мотивлар таҳлили орқали амалга ошмоғи керак. Эпик асарлардаги мотивларни аниқлаш, ҳар бир мотивнинг бошқа мотивлар билан боғлиқ жиҳатларини, ички ҳаракат ва хусусиятларини, бадиий-эстетик вазифаларини таҳлил этиш фольклоршуносликдаги муҳим масалалардан биридир.

Маълумки, эпик асар сюжети албатта бирор макон ва замонда кечар экан, бу ҳаракат, шубҳасиз, мотивлар ҳаракати орқали амалга оширилади. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу мотивлар, хусусан, туш мотивининг эпик асардаги ўрни, бошқа мотивлар билан муносабати, воқеликни юзага келтиришдаги тадрижий ривожини таҳлил этишдан иборат. Зеро, туш ва туш мотиви эпик асарларда муҳим ўрин тутади.

Ўзбек фольклорида, хусусан, халқ эртак ва достонларида тушнинг муайян асар таркибида тутган ўрни, бадиий-эстетик вазифаси ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этиш учун, аввало, туш мотиви мавжуд бўлган асарларни жамлаб олиб, уларни ўзаро муқояса қилиб, маълум етакчи хоссаларига кўра таснифлаб, сўнгра турли йўналишлар бўйича тадқиқ этиш талаб этилади. Биз ушбу мақсадда нашр этилган мавжуд эртак ва достонлардаги туш иштирок этган асарларни ажратиб олиб, уларни муайян жанр доирасида саралаб чиқдик. Оммавий нашр этилган 160 эртакдан 19

---

[69] *Путилов Б.* Мотив как сюжетообразуюшей элемент // Типологические исследование по фольклору. – Москва: Наука, 1975. – С. 142.

[70] *Жирмунский В. М., Зарифов. Х.* Узбекский героический эпос. – Москва: Наука, 1947; *Зарифов Х.* Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамиш». – Ташкент: Фан, 1959. – С. 6–25; *Мирзаев Т.* «Алпомиш» қаҳрамонлик эпоси ва ўзбек достонлари // Алпомиш. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 7–49.

тасида, 60 та достоннинг 16 тасида бевосита туш мотиви мавжудлиги аниқланди. Айни ҳолат эртак ва достонларда туш мотивининг келиши хусусий ҳодиса бўлмай, анъанавий кўриниш олганлигини ва махсус тадқиқ қилиш етарлича материал бера олишини намоён этмоқда.

Эртак ва достонлар таркибидаги тушнинг ҳар бир асар композицияси, сюжет қурилмасидаги ўрни, бадиий вазифаси ва ушбу мотивнинг туб асослари, ундаги тимсол, рамзларнинг семантик кўламини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш умумфольклордаги туш ҳодисасининг табиати, бадиий-эстетик қимматини ёритиш имконини беради. Шундай экан, дастлаб туш мотиви иштирок этган эртак ва достонларни алоҳида-алоҳида ҳар бир жанр қамровида қараб чиқайлик.

Эртак сюжетида туш мотивининг тутган ўрни, бадиий юки ва умуман, эртаклардаги тушлар ўзаро қиёсланиб таҳлил қилинганда, биринчи галда, қуйидаги жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Бу ўринда туш мотивининг сюжет тизимидаги вазифаси, яъни сюжетдаги бошқа ҳалқаларнинг туш мотивига қай даражада боғланганлиги, аксинча, туш мотивининг, ўз навбатида, бу мотивларга қанчалик алоқадорлиги масаласига эътибор қаратиш зарур бўлади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда туш мотивининг эртак структурасида тутган ўрнига қараб иккига ажратиш мумкин.

1. Сюжет ўзагини ташкил этувчи намуналари.
2. Сюжетнинг маълум ҳалқаларини боғловчи намуналар.

Биринчи типдаги эртаклар нисбатан кам сонли бўлса-да, уларда туш воқеа асосини ташкил этувчи таянч – ўзак мотив вазифасини бажариши билан ажралиб туради. «Мусофирбек» (варианти «Сотилган туш»), «Хосиятли туш», «Сирли туш», «Ибратли туш», «Давлатмирза», «Хон билан камбағал», «Қирон ака», «Маликаи Бирмисқол» каби эртакларни айни гуруҳга киритиш мумкин.[71] Ушбу асарлардан бир қанчасининг номланиши («Сотилган туш», «Хосиятли туш», «Сирли туш», «Ибратли туш») ҳам уларда тушнинг етакчи ўрин эгаллашини кўрсатиб турибди.

«Хосиятли туш» ва унинг версияси бўлмиш «Мусофирбек» эртагини бу гуруҳнинг мукаммал намунаси сифатида келтириш мумкин. «Хосиятли туш» эртагининг қисқача мазмуни қуйидагича: «Камбағал аёлнинг ёлғиз кал ўғли ўтинчилик билан умр кечирарди. Бир куни у ғаройиб туш кўрибди. Тушида калнинг ўнг томонида қуёш, чап томонида ой балқиб турганмиш, кал гоҳ қуёшни, гоҳ ойни қучиб, бағрига босармиш. Кал онасининг маслаҳати билан бу тушининг таъбирини доно маликага айтади. Малика кални уришиб, ҳайдайди. Кал дарвоза олдида пойлаб, бу тушнинг таъбирини ўз ошиғига айтган пайти билиб олади. Таъбирга кўра, кал маликага ва яна бир гўзал парига уйланиши керак экан.

---

[71] ***Қаранг:*** Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар М. И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. I жилд; Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар: М. И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. II жилд; Олтин бешик. Эртаклар / Нашрга тайёрловчилар М. Афзалов, К. Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985; Сув қизи. Фантастик эртаклар / Нашрга тайёрловчилар М. Афзалов, З. Ҳусаинова, Н. Сабуров. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966.

Малика ва ошиғи тақдирга қарши тадбир кўриб, бу юртдан кетишга аҳдлашади. Кал яна онасининг маслаҳатига кўра ухлаб қолган ошиқ йигит ўрнига бориб, малика билан бирга ўзга юртга кетади. Кал маликанинг синовидан ўтиб, унга уйланади. Улар ўзга подшоликда яшай бошлайди. Шу мамлакат вазири калнинг хотинини кўриб, ҳуснига маҳлиё бўлиб, подшога айтади. Подшонинг ҳам маликага ишқи тушиб, ҳаловатини йўқотади. Подшо маликага етишиш учун вазирининг маслаҳати билан калга шартлар қўяди. Кал малика хотини ёрдамида бу шартлар (йўлбарс сути, Гулиқаҳқаҳни олиб келиш)ни бажаради ва золим подшодан қутулиб, юртга подшо бўлади».[72]

«Мусофирбек» эртаги «Хосиятли туш»дан биргина чўпон йигит Қўлдошнинг мардикор дўсти Йўлдош кўрган тушни сотиб олиши билан фарқланади. Аслида, Йўлдошнинг тушида «...осмонда иккита жуда катта юлдуз ва битта юлдуз тушиб» қўйнига кириши ҳам моҳиятан «Хосиятли туш»даги кал кўрган тушга уйғун келади. Эртаклардаги сюжет ривожи ва етакчи мотивлар ҳам бир-бирига деярли мос. Яъни:

– Қўлдошнинг тасодифан қизга шерик бўлиб сафарга чиқиши;

– қизнинг Қўлдошни синаши;

– Қўлдошнинг қиз билан оила қуриб, ўзга мамлакатда яшаши;

– мамлакат подшосининг қизга ошиқ бўлиб, шартлар қўйиши (1. Йўлбарс сути. 2. Тилла ғишт);

– ушбу шартларни бажариш баробарида Қўлдошнинг иккинчи синглисини ҳам ўзи билан олиб келиши;

– ўлиб кетган отаси билан боғлиқ учинчи шартнинг бажарилиши давомида шоҳнинг ҳалок бўлиб, қаҳрамоннинг мамлакат тахтига эгалик қилиши.

Ўрни билан шуни айтиш керакки, «Хосиятли туш»да ҳар бир мотив эпик мантиқ мезонларига мос равишда ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада бадиий асосга эга. Лекин «Мусофирбек»даги иккинчи шартни бажариш баробарида пари қизнинг келиши туш таъбири ҳамда «Хосиятли туш»даги муқобилга тўғри келса-да, қизга Қўлдошнинг дўсти Йўлдошга берилиши сўнгги даврдаги таҳрир сифатида баҳоланиши ўринли. Чунки туш таъбирига кўра, икки ёруғ юлдуз туш кўрувчининг («Хосиятли туш»да кун ва ой) қўйнига киради. Ўз навбатида, бу юлдузлар тушни сотиб олган кишига насиб этиши керак эди («Хосиятли туш»да воқеа шу тартибда ечимга эга).

«Мусофирбек» эртагида қаҳрамоннинг «қизга шерик бўлиб сафарга чиқиши» мотиви ҳам «Хосиятли туш»дагидек мантиқий асосга эга эмас. Айни пайтда, «Мусофирбек»даги синов мотиви ва бу ўринда келтирилган киритма ҳикоят эртак бадииятини янада мукаммал мақомга кўтаради. Айни воқеалар «Хосиятли туш»да учрамайди.

Бир сўз билан айтилса, қиёс натижаси бу эртакларни версия сифатида баҳолашга тўла имкон беради. Кўриниб турибдики, эртаклар сюжети туш

[72] Мусофирбек // Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик / Тузувчилар: М. И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. II жилд. – Б. 293–307.

тизимига мос равишда ривож топиб, якунланмоқда. Мабодо, эртак таркибидан туш мотиви олинса, асарлар сочилиб, ўз қиёфасини йўқотади.

Ушбу эртаклар халқнинг туш – инсон тақдири ва келажаги тўғрисида сирли хабар ва шиорлар эканлиги ҳақидаги тасаввурларини ўзига хос равишда бадиий ифода этмоқда. Хусусан, кимки туш кўрсатмаларига биноан тадбир юритса, албатта амалга ошиши «Хосиятли туш» орқали, мабодо айни имкон ўзгага берилса, бу азалий «юк» бошқа ўзанга ўтиб, рўёбга чиқиши «Мусофирбек» мисолида тасвирлаб берилмоқда. Тақдири азалнинг амалга ошуви бевосита инсон хатти-ҳаракати ва интилишларига боғлиқлиги ҳақида ушбу қарашлар халқимизнинг туш ҳодисаси билан боғлиқ сакрал тасаввурларининг мукаммал тизимга эга эканлигини яна бир бор исбот этади.

Маълумки, нафақат ўзбек, балки, умуман, дунё халқлари эртакларида маълум миқдордаги мотивлар ва саноқли сюжет типлари мавжуд бўлиб, барча эртаклар ана шу мотивларнинг бирон-бир сюжет типи доирасида у ёки бу даражада комбинацион янгиланиши натижасида пайдо бўлади. Ушбу сюжет тизилмасида кўпинча бирон-бир мотив етакчи ўрин эгаллайди. Қолганлари эса ушбу таянч мотив атрофида бирлашади. «Хосиятли туш», «Мусофирбек», «Сирли туш», «Ибратли туш», «Давлатмирза», «Хон билан камбағал деҳқон» каби эртакларда туш мотиви ана шундай бирлаштирувчи ўзак вазифасини ўтамоқда.

Ушбу гуруҳга мансуб «Ибратли туш», «Хон билан камбағал деҳқон» эртакларига солиштирилса, уларда туш ва таъбир бевосита асар сюжетининг асосий қисмини ташкил этишини кўрамиз.

«Ибратли туш» эртагини намуна сифатида келтириб, таҳлил этайлик.

«Бир замонда бир подшо кечаси ётиб туш кўрган экан. Тушида айланиб юриб, бир боғни кўрган экан, боғда бир тоғни кўрган экан, ўртасида иккита тентак билан соғни кўрган экан. Ул боғнинг ўртасида бир туп мевали дарахт бор экан, у дарахтнинг меваси пишган экан, тўкилиб тагига тушган экан. Мевани териб олган экан, дўпписига солган экан, ейман деб ея олмай қолган экан. Шунда бу кўрган тушига ўзидан-ўзи таажжуб – ҳайрон қолган экан.

Подшонинг тўртта мунажжим фолчиси бор экан. Тўртовини аравага солиб келиб, рўпарага олиб келиб:

– Мен бугун туш кўрдим, тушимни жўйинглар, таъбирини айтиб беринглар, – деган экан.

Мунажжимлар:

– Кўрган тушингизни бизга айтасиз, унга биз таъбир айтамиз, – дейишибди.

Подшо:

– Мен тушимда бир боғни кўрдим, боғда айланиб юриб тоғни кўрдим, ўртасида бир тентак билан соғни кўрдим. Боғнинг ўртасига борсам: бир мевали дарахт, меваси пишган, тўкилиб тагига тушган. Мевасидан териб олибман, дўппимга солибман, ейман деб туриб уйғониб қолибман. Шу кўрган тушимни қай хилда қилиб таъбирини жўясизлар? – дебди.

Мунажжимлар:

– Кишининг тушига ҳар қандай нарса киради. Уни жўйса ҳам бўлади, жўймаса ҳам бўлади, – дейишибди.

Подшо:

– Кўрган тушни жўя олмагандан кейин, сизларнинг мунажжимликларингизнинг нима кераги бор? – дебди.

Мунажжимлар:

– Бўлмаса, кўрган тушингиздаги мевали дарахт мевасининг монанди нимага ўхшайди? – дебди.

Подшо:

– Меваси тиллага монанд, барги кумушга монанд, шохи темирга монанд, – дебди.

Мунажжимлар:

– Сиз тушингизда кўрган у дарахт ер юзида йўқ нарса, – дебди.

Подшо:

– Йўқ нарса менинг тушимга кирмайди. Топиб бермасанглар, мунажжимлигингизни ҳисобга олмайман, сизларга жазо буюраман, – дебди.

Шунда мунажжимлар кўзидан ёш тўкиб, бир-бирига ҳайрон қарашиб турган вақтда, подшонинг отбоқар хизматкори бу гапни эшитиб қолиб, подшога таъзим қилибди.

Подшо:

– Ҳа, нима арзинг бор, – дебди.

Отбоқар:

– Сиз айтган мевали дарахт бор. Булар мунажжим бўлгани билан билмайдилар. Буларни хўрламанг, топиб беринг, деб зўрламанг. У мевали дарахт бор бўлгани билан ҳозир меваси пишгани йўқ. Меваси тўкилиб, тагига тушади. Мевасини териб олиб, этагимга солиб, танаси темирга ўхшаган, барги кумушга ўхшаган, меваси тиллага ўхшаган дарахтни олиб келиб кўрсатаман. Ҳар қанча жазо буюрсангиз, мен гарданимга оламан, буларни қийнаманг, деб умид қиламан, – дебди.

Подшо хўп деб мунажжимларни беозор кетказибди. Ўзининг еган овқатининг сарқитини отбоқарга егизиб юрганда қирқ кун бўлибди. Отбоқар йигит ҳалиги мевали дарахтнинг бир шохини кесиб, мевасини ҳалвиратиб, елкасига солиб шалвиратиб, подшонинг дарвозасига келибди. Эшик олдидагилар: – Буни нимага олиб келдинг, – деса.

– Подшога менинг кўрсатадиган далил – важим бор дебди. Улар подшонинг олдига олиб боришибди. Подшонинг олдига мевали дарахтни ташлаб, таъзим қилиб турибди.

Подшо:

– Нимага буни олиб келдинг, – дебди.

Отбоқар:

– Буни олиб келмай, нимани олиб келаман, – дебди.

Подшо:

– Бунинг менга нима даркори бор? – дебди.

Отбоқар йигит:

– Нима даркори бор дейсиз, бунинг мевасидан ейсиз, қайси кунги мунажжимларга нима дейсиз. Буни сиз кўринг, сизнинг тушингизда кўрган дарахтнинг йўриғидан йўриқлаб, ўзингизнинг ўзингиз ақлингизни қўриқлаб, шунга қаранг-чи, тушингизда кўрган дарахтга ўхшайдими, йўқми? – деганидан кейин подшо қойил бўлиб, озгина сарпо бериб кетказиб, нарироққа етказиб, у дарахтнинг мевасидан еб, ундай-бундай деб, у мевали дарахт нима экан десам, жийда экан...»[73].

Эртакда тўрт мунажжим таъбир этолмаган подшо тушини оддий отбоқар йигит ечади. «Ибратли туш»нинг ибратли жиҳати туш таъбирининг воқеага, таъбирчи хатти-ҳаракати, тадбирига сингдириб юборилганлигида. Яъни бу ҳаёт – «боғ»да ўзини доно атаганларнинг ҳаммаси билимли бўлмай, ақли, идроки, камолини кўз-кўз қилмай, бошқалар наздида «телбасифат» юрган кишилар ҳам доно бўлиши мумкинлиги, ҳар ким бажарган ишига кўра баҳоланса, адолат тантана қилиши ҳақидаги фикр бадиий ифодаланган.

«Подшо ва камбағал деҳқон» эртагида эса бевосита ҳаётда ҳам шундай ҳолат, ҳодиса рўй бериши ҳақида тасаввур акс этиши баробарида тушнинг киши руҳий ҳолати ва ўй-кечинмаларининг ифодаси сифатида воқе бўлиши ҳам ўта образли тасвирларда баён қилинган.

Эртакда деҳқоннинг бир хумча олтин топиб олиб, ҳузур-ҳаловатини йўқотиши, йўлда ўтаётган маҳрам буни кўрди деб гумонга бориб, уни турли баҳоналар билан тергаши, кампирининг олтинларни тошга айлантириб қўйганидан бехабар тош тўла хумни хонга олиб бориши ва ниҳоят ўзини овсарликка солиб, зиндондан қутулиши, охир-оқибатда хум тўла олтинга боғлиқ учта туш сюжет асосини ташкил этади.

Бир асарда икки ёки ундан ортиқ тушларнинг келиши ўзбек халқ эртакларида ягона ҳодиса эмас. Жумладан, «Мусофирбек», «Ғуломбачча», «Маликаи Ҳуснобод», «Қирон ака», «Муркумом», «Давлатмирза» эртакларида ҳам иккитадан туш учрайди. Юқорида санаб ўтилган эртаклардаги тушлардан «Хон билан камбағал деҳқон» эртагидаги тушларнинг бир-бири билан ўзаро яхлит тизимда туришини нисбатан ягона ҳолат сифатида кўрсатиш мумкин. Яъни чол кўрган биринчи туш: «Бобо уйига қайтиб келиб ниҳоятда чарчаганидан ётиб ухлаб қолибди. Тушида у қирқта довучча еган эмиш». Кампири унинг бу тушини: «Довучча аччиқ нарса-ку, энди сиз хондан қирқ таёқ ейсиз», – деб таъбир қилади. Чол бу таъбирдан кўнгли тўлмай эшонга боради. Эшон: «Сен ҳеч вақт тушингни хотинингга айта кўрма, унинг йўйгани нотўғри бўлади. Энди қирқ таёқ оласан», – деб айтади. Чиндан ҳам кампирнинг айби билан чол хондан қирқ таёқ жазо олади.

«Маликаи Бирмисқол», «Қирон ака», «Воспирохун» (сўнгги қисми), эртакларида сюжет тугуни туш билан бошланишига кўра, биринчи гуруҳга мансуб бўлса-да, бу намуналардаги туш мотиви тўлалигича сюжетнинг

[73] Ибратли туш // Луқмони Ҳаким. / Айтувчи Нурали Нурмат ўғли. / Нашрга тайёрловчилар Т. Мирзаев ва З. Ҳусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 174–176.

бошқа ҳалқаларини ўз қарамоғида тутиб турмайди. Масалан: «Маликаи Бирмисқол» эртагида подшонинг яккаю ягона Аҳмадбек ўғли гўзал маликани тушида кўриб, ошиқ бўлиб қолади. Айни ҳолатни «Қирон ака» эртагида ҳам кўрамиз.

Ҳар икки эртакда ҳам тушнинг тафсилоти учрамайди. «Аҳмадбек ғам-ҳасратдан узоқда вояга етибди. Кунлардан бир куни тушида гўзал маликани кўриб, унга ғойибона ошиқ бўлиб қолибди. Шу кундан бошлаб Аҳмадбек бировга гапирмайдиган, бирон таомга қўл ўрмайдиган бўлибди»[74] тарзида статик ахборот берилган. Бу ҳолат «Қирон ака» эртагида ҳам деярли шундай. Эртакларда шаҳзодалар сирини бир хилда кекса кампирлар аниқлаб, уларнинг ошиқлиги ошкор бўлади. Аҳмадбекка ғайритабиий кўмакчилар, «Қиронхон»даги шаҳзодага эса Қиронхон ёрдам бериб, ошиқлар маъшуқасига етишади.

Ушбу эртаклардаги туш мотиви бошқа бир хабар билан алмаштирилса, эртаклар сюжетига деярли путур етмайди. Айни ҳолатни «Воспирохун» эртагининг учинчи қисмида, яъни Соҳибқуролнинг уч ўғил кўриб, отасидан қолган мерос мулк орасидаги ойнаи жаҳонномага қараб ухлаб, тушида кўрган қизга ошиқ бўлиб, унга ўғилларини жўнатиши ва кенжа ўғилнинг қийинчиликларни енгиб, ушбу қизни олиб келишида ҳам кузатамиз.

«Қирон ака», «Маликаи Бирмисқол», «Воспирохун» (сўнгги қисми) эртакларида сюжетнинг кўрилган туш билан боғлиқ бошланиб, якун топиши бу эртакларнинг биринчи гуруҳга мансуб эканлигини билдирса-да, қиз ҳақида маълумот берувчи тушнинг бошқа бирор «хабарчи» мотив билан алмашиши сюжет тизимига деярли ўзгартириш киритмаслиги бу намуналарни эртаклардаги биз алоҳида ажратилган иккинчи гуруҳга уйғунлаштиради.

Сюжетнинг маълум ҳалқаларини боғловчи гуруҳга кирувчи намуналарда туш мотиви эртак сюжет тизимидаги ҳалқаларнинг маълум бир бўғинларини ўзаро бир-бирига боғлаб туради. Энг эътиборли жиҳатлардан яна бири шундаки, бу гуруҳдаги тушлар эртак воқеалари баёнининг ривожида ёки сўнгида учрайди.

Айни гуруҳга кирувчи тушларни бирон-бир эртак сюжетидаги ўрни ва моҳиятига кўра қуйидагича ички қисмларга ажратиб тасниф этиш мумкин.

а) Қаҳрамоннинг тушига кирган бирон-бир ғайритабиий куч ёки ҳомий руҳ унга хавф-хатардан қутулиш йўлини, чорасини ўргатади: «Ғуломбачча» (биринчи туш), «Беш қиз», «Одилбек билан Хуррамбек», «Ҳаким балиқчи», «Эркенжа» ва ҳоказолар.

Мисол учун, «Ғуломбачча» эртагидаги биринчи тушни келтиришимиз мумкин. «Ғуломбачча ғаладон ичида ётиб туш кўрибди. Тушида бир одам: «Эй йигит, шу қишлоқнинг нариги чеккасида бир тепалик бор. Шу тепаликда аждарнинг макони бор. Бу аждар кундузи ухлайди, кечаси чиқиб ҳамма қишлоқларни айланиб, нима тўғри келса, тутиб ейди. Бу қишлоқнинг хароб

[74] Маликаи Бирмисқол // Олтин бешик. Эртаклар / Нашрга тайёрловчилар М. Афзалов, К. Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.82 – 85.

бўлишига шу аждар сабабчи. Сен эртага ўрмонга бориб, бир қанча ёғочларни йиғиб, шу аждар устига кўмма қилиб, ички томонини бир-бирига маташтириб қўй. Ёғочларнинг хар қайси учини ип билан боғла, ўртасига тош қўй. Илон чиқадиган вақтда ҳалиги ипларни бирданига кесиб юбор. Ёғочлар тегиб, аждарнинг боши яродор бўлади, ўлса ҳам ажаб эмас», – дебди. Ғуломбачча уйғониб қараса, олдида ҳеч ким йўқ, тонг отиб қолибди»[75]. Ғуломбачча ушбу маслаҳатга амал қилиб аждарни енгади.

Мотивларнинг асар структурасида тутган ўрни масаласини туш мотиви мисолида халқ оғзаки ижодида етакчи жанр ҳисобланган достонлар мисолида ҳам кўриб чиқсак юқоридаги фикрларимиз асосли эканига яна бир карра амин бўламиз.

«Алпомиш» достонининг барча вариантларида биз туш мотивига дуч келамиз. Достондаги воқеалар бошланишида, ривожида ва якунида келган бундай тушлар ўрнига қараб бир-биридан фарқланиб туради. Мисол учун, достоннинг Фозил Йўлдош ўғли вариантида туш мотиви воқеанинг бошида ва ривожида келади. Қаҳрамон, яъни Алпомишнинг дунёга келиши, улғайиши, уйланиши, ҳаёт қийинчиликларини енгиб, мурод-мақсадига етиши туш мотиви орқали очиб берилади. Агар достондаги туш мотиви тушириб қолдирилса, унда сюжет жиддий зарар кўради. Достондаги бефарзандлик, улғайиш, синов, сафар, уйланиш ва уйга қайтиш мотивлари бевосита туш мотиви билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келадики, туш бу ўринда воқеалар ривожи учун асосий пойдевор вазифасини ўтаганини кўрамиз.

Туш мотивига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири унинг кўпинча бошқа мотивларни ўзи билан бирга етаклаб келишидир. «Алпомиш» достонида Алпомиш, Барчин ва Қоражон бир вақтнинг ўзида айни бир тушни кўради: «Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди, саҳар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ туққан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин кейин, дўғулиш кўрди»[76]. Ана шу туш мотивида бутун достон воқеалари олдиндан башорат қилиниб, рамзлар тилида баён этилади. Яъни достон сюжетининг бутун кейинги воқеалари ривожи ана шу парчада кўрсатиб берилади. Ушбу мотивдан сўнг достон воқеалари тезлашиб, сюжетнинг кейинги ҳалқалари учун вазият яратилади. Қоражон ана шу туш туфайли Алпомиш билан дўст тутинади. Синовда ўзи туғишган акаларининг ёнида туриб эмас, Алпомиш томонда туриб даврага тушади. Алпомишнинг дўсти, сирдоши, яқин кўмакчисига айланади. Шунинг учун ҳам ана шу туш парчасини достон сюжетининг «ядроси» деб қараш мумкин.

Ўзбек достонларидаги туш мотиви синов, уйланиш, сафар, қайтиш каби кейинги мотивлар билан чамбарчас боғланган ҳолда келади. Достон

[75] Ғуломбачча // Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. II жилд. – Б.310 – 318.

[76] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 144–145.

сюжетининг кейинги «тақдири» ана шу туш мотиви билан бевосита боғликки, агар Алпомиш, Барчин ва Қоражон ана шу тушни кўрмаганларида, Қоражон Алпомиш билан дўст тутинмаган ва воқеалар тизими бошқача ривожланган, бу эса сюжет ўзгаришига олиб келган бўларди. Бу ҳолат барча вариант ва версияларнинг ичида энг мукаммали ҳисобланган Фозил Йўлдош ўғли вариантининг бадииятига ҳам салбий таъсир қилмай қолмасди.

Эпик ижодда мотивлар ҳамиша ранг-баранг бўлади. Шунинг учун ҳам сюжетда ҳар бир мотив ўзига хос «юк»ка эга. Мотивларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, сюжетдаги барқарорлиги доимо ҳам бир хил бўлавермайди. Шунинг учун уларни икки йўналишда олиб қараш мумкин. Биринчиси, бирон-бир мотивнинг тушиб қолиши ёки ўзгариши сюжетда ҳам туб ўзгариш бўлишига олиб келувчи барқарор мотивлар. Бундай мотивлар асар структурасида мустаҳкам ўринга эга бўлади. Иккинчиси, мотивлар ўзгариши ҳеч қандай сюжетнинг ўзгаришига олиб келмайди. Бундай мотивлар бошқа бир мотив билан алмаштириш мумкин бўлган нобарқарор бўлган мотивлар.

Фозил Йўлдош ўғли вариантидаги туш мотиви барқарор мотивларга тааллуқли бўлиб, бу мотивнинг ўзгариши бошқа мотивларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бироқ шу достоннинг Пўлкан ва Эргаш Жуманбул вариантидаги воқеа якунида келган туш мотивининг ўзгариши ёхуд тушиб қолиши сюжетда айтарли даражада катта ўзгаришларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам унга нобарқарор мотив намунаси сифатида қарашимиз мумкин.

Барқарор мотивлар ҳам ҳамиша ҳаракатда, ички ўзгаришларга мойил эканлигини ҳам унутмаслик керак. Мисол учун, «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Гўрўғлининг ўлими» каби достонларда ҳам туш барқарор мотив бўлиб келади. Лекин «Кунтуғмиш» достонида у сафар, «Рустамхон»да уйланиш, «Гўрўғлининг ўлими»да ўлим мотиви билан боғлиқ ҳолда келадики, бу боғлиқлик вазиятга қараб ўзгариши мумкин. «Кунтуғмиш»да қаҳрамон тушида ёрини, «Рустамхон»да она ўз қизини, «Гўрўғлининг ўлими»да Гўрўғли ўз пирини тушида кўради. Барқарор мотивдаги ана шу кичик ички ўзгариш кейинги мотивга таъсир қилади, шу сабабли кейинги мотив ана шу ўзгаришга қараб белгиланади.

Ўзбек халқ достонларида тушларни кимлар, қайси ҳолатда кўришларидан қатъи назар, достон сюжети ва воқеалар баёнига алоқадорлигига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Бутун асар давомида ўз тасдиғини топиб борувчи, қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдирини деярли тўла қамровчи тушлар.

2. Сюжет ҳалқаларининг маълум бўғинлари, қаҳрамонлар ҳаётининг у ёки бу даврига тааллуқли тушлар.

Биринчи гуруҳга мансуб тушларнинг ёрқин намунаси сифатида «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Шохдорхоннинг кўрган тушини келтириш мумкин.

Иккинчи гуруҳ достон воқеалари баёнининг деярли барча бўғинларида, кўпчилик ҳолатда, воқеа ривожи ва сўнгида келади. Ушбу гуруҳнинг ёрқин

намунаси сифатида «Алпомиш» достонининг Пўлкан ва Эргаш шоир вариантидаги воқеа якунида Бойбўри кўрган тушни келтириш мумкин.[77]

Достондаги туш мотивига улкан бадиий-эстетик вазифа юкланган. Улардаги рамзлар бош қаҳрамонлар тақдирини аввалдан башорат қилиб беради. Достоннинг Фозил Йўлдош ўғли вариантини туш мотивисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир варинтларидаги воқеа якунида келган туш мотиви сюжетда жиддий бир вазифа бажармайди. Ана шу жиҳатдан достонлардаги мотивларни вазифасига кўра барқарор ва барқарор бўлмаган мотивлар, дейиш мумкин. Барқарор бўлмаган мотивларни тушириб қолдириш ёки алмаштириш билан асар моҳиятига жиддий путур етмайди.

Худди эртаклардаги каби достонларда ҳам туш мотиви бошқа мотивлар билан алоқадорликда, асар зачини, воқеалар ривожи, якунида келиши мумкин. Бироқ достонлардаги туш мотиви халқнинг эътиқодий қарашлари, рамзлар орқали қаҳрамонлар руҳий ҳолати, тақдирини теран талқин қилиши, юксак бадиий-эстетик завқи, одатда, шеърий йўлда баён этилиши билан ажралиб туради. «Алпомиш»да Барчин ва Алпомиш руҳи тушларида учрашадиларки, бу халқнинг тушни илоҳий ҳодиса, деб тушунишини, тушнинг онг ости кечинмалари ифодаси эканлигини онгсиз, яъни ноилмий, анъанавий сезишини кўрсатади. Бунинг тарихий асоси бевосита тана ва жон ҳақидаги анимистик-мифологик тафаккурдадир. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида икки кишининг бир хил мазмундаги туш кўриши ҳам ўзбек достончилигидаги ноёб ҳодиса ҳисобланади.

Эртакларда туш етакчи мотив сифатида келиши билан бир қаторда, бевосита туш асосига қурилган эртак сюжетлари ҳам мавжуд. Масалан, «Мусофирбек», «Сирли туш», «Хон билан камбағал деҳқон», «Ибратли туш» каби эртаклар бунинг мисолидир. Достонларда туш сюжет воқелигини юзага келтирувчи асосий мотив сифатида иштирок этса-да, бироқ бутун сюжет тушдан иборат бўлган достон учрамайди.

Айни ҳолат ҳар бир жанр сюжет қурилишида у ёки бу мотивнинг мавжудлиги, уларнинг фаоллик даражаси бевосита ушбу жанр табиати билан алоқадор воқе бўлишини намоён этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мотив эртак, умуман эпик асарлар сюжети ҳамда композициясида асосий ўрин тутади. Фольклордаги типик ва халқаро шундай мотивлар борки, уларнинг тарихий асослари, ривожи, асар сюжети, бадиий вазифаларини тадқиқ этиш умумфольклорни тадқиқ қилиш билан тенглашиши мумкин.

[77] Алпомиш. / Айтувчилар Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б. 189–190.

ЭПОСДА ТУҒИЛИШ МОТИВИ

Достонларимиздаги ҳар бир сўз, ҳар бир мисра, ҳар бир образ ва мотивлар чуқур таҳлил қилинган ва қиёсий ўрганилгандагина унинг юксак бадиият намунаси эканига амин бўламиз. Қаҳрамонлик достонларимизда ана шу тур эпосининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи кўплаб мотивлар мавжуд. Шулардан бири туғилиш мотивидир.

«Алпомиш» достонида қаҳрамон – алпнинг туғилиши илоҳий хусусият касб этади. Илоҳий туғилиш фольклордаги етакчи мотивлардан бири бўлиб, бир неча босқичлардан иборат. Биринчиси: Алп – қаҳрамон туғилишидан олдин унинг ота-онасининг фарзандсизлиги ҳолати. Бу ҳолат энг аввало рамзий маънога эга. Бу бир томондан она уруғчилиги билан боғлиқ тасаввурларнинг достон қатламида сақланиб қолганлигидан далолат берса, иккинчи жиҳатдан, ҳокимиятни мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна қайта бирлаштирадиган янги авлод – янги қаҳрамоннинг туғилишини англатади. Иккинчиси: қаҳрамон туғилиши илоҳий каромат қилиниши. Учинчиси: қаҳрамон туғилгандаёқ унинг зиммасига юклатилган вазифа, яъни ўташи шарт бўлган синовларнинг олдиндан белгилаб қўйилиши.

Атоқли олим В. Жирмунский илоҳий туғилиш мотивини партогенезис, аёлларнинг сирли, илоҳий ҳомиладор бўлиши, яъни қадим тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлайди.[78]

Эпосда қаҳрамоннинг бирон-бир мева ёхуд тотем ҳайвон сабабли ёки ҳомий руҳ туфайли дунёга келиши ва уларнинг туғилаётган пайтида оталарнинг уйда бўлмаслиги олимнинг юқоридаги фикри асосли эканини кўрсатади.

В. Пропп ҳам илоҳий туғилиш мотивини матриархат даври билан боғлаб, унинг бир неча турларини санаб ўтади. Булар: 1) Мевадан туғилиш; 2) сўз – дуодан туғилиш; 3) руҳдан туғилиш; 4) печкадан туғилиш; 5) яратилиш (ёғочдан ёхуд бошқа бирон-бир нарсадан ясаш).[79]

В. Проппнинг бу таснифи анча баҳсли. Зеро, бу ердаги мевадан туғилиш билан ёғоч ёхуд бирон-бир дарахт новдасидан яратилиш айнан бир нарса. Шунингдек, сўз – дуодан туғилиш ва руҳдан яратилишни ҳам айро-айро ҳолда эмас, балки бир ҳолатнинг турли матнлардаги турлича кўриниши деб қараш лозим бўлади.

Ўзбек достонларидаги туғилиш мотиви эса асосан:

– тотемистик тасаввурлар;

– аждодлар культи билан боғлиқ тасаввурлар маҳсули эканини кўришимиз мумкин.

«Алпомиш» достонининг Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли вариантларида Бойбўрига фарзанд ато этилиши тушида аён бўлади.

---

[78] *Жирмунский В. В.* Тюрский героической эпос. – Ленинград: Наука., 1974. – С. 224–233.

[79] *Пропп В. В*. Мотив чудеснего рождения // Фольклор и действительность. – Москва, 1976. – С. 203–240.

Алпомишнинг бошқа вариантларидаги туғилиш мотивини ҳам чуқурроқ таҳлил қилсак, у бевосита туш билан боғлиқлигини кўрамиз. Фозил шоир вариантида «Алпомиш»нинг туғилиши Шоҳимардон пирнинг равзасида тунаб қолиш билан боғланади, яъни қаҳрамоннинг туғилиши уларнинг тушида илоҳий каромат қилинади.[80] Умуман туш ва туғилиш мотиви достонларимизда кўпинча ёнма-ён келади.

«Манас» достонида ҳам Манаснинг туғилиши тушда аён бўлади. Манаснинг отаси Жақипнинг тушини Бойжигитдан бошқа ҳеч ким таъбирлаб беролмайди. Жақипнинг тушидаги бургут ва йўлбарс туғилажак фарзанд нишонаси сифатида таърифланади.

Бойбўрининг фарзандсизлик ҳолати достонда рамзий бир маънога эга бўлиб, гап янги авлод – маданий қаҳрамоннинг туғилиши ҳақидадир. Қаҳрамоннинг туғилишидан олдин унинг юртида хаоснинг – парокандаликнинг ҳукм суриши бу барча архаик эпосга хос хусусиятдир.

Алпомишнинг достонда бобоси Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонга эгалик қилиши ва алп атаниши бизга ана шу рамзийлик калитини топиб беради. Камон эпосда, энг аввало космоснинг, салтанатнинг тимсоли бўлиб келади.

Алпомишнинг туғилиши хаоснинг космосга айланиши, тартибсизликларга тартиб берилиши, парокандаликнинг бирлашиши, қувватнинг жам бўлиши, эзгу адолатнинг тантана қилишидир.

Шоҳимардон пир билан боғлиқ ўринларни исломдан кейинги тасаввурлар маҳсули, деб қараш мумкин. Зеро, достоннинг асосий сюжет тизими, ундаги мазмун ва моҳият исломиятдан анча олдинги, қадимий тасаввурлар билан боғланади. Бизнингча, Шоҳимардон пир билан боғлиқ ўринлар, аслида, ўзида аждодлар культини тамсил этган Қултой образига тегишли деб қараш керак. Қултой достонда оддий бир чўпон эмас, Алпомишга ҳамиша кўмак берувчи ҳомий руҳдир. Достонда Алпомишнинг Қултойга тутинган ўғил эканлиги айтилади. «Билмаганлар Алпомишни Қултойнинг ули дер эди». Алпомишнинг елкасидаги беш панжа изининг бири Қултойга тегишли эканлиги ҳам, зиндондан қайтган, яъни қайта тирилган Алпомишнинг Қултой қиёфасига кириши ҳам бежиз эмас.

Алп – қаҳрамоннинг туғилиши ва унинг шажарасининг илоҳлар билан боғланиши жаҳон эпик ижодиётида кўплаб учрайди.

«Гилгамиш» достонида Гилгамиш ва Энкиду ҳам ярим одам – ярим илоҳ: «Сен бир хилқат Энкиду, мисоли тангри каби»[81].

«Маҳабҳорат» достонида ҳам пандавилар Панд шоҳининг ўғиллари. Бироқ, шоҳ Панд тавқи ланъатга учраган, хотинлари тангри иноятн билан фарзанд кўради.[82]

---

[80] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 16.

[81] Эпос о Гильгамеше. – Москва-Ленинград, 1961. – С. 12.

[82] *Гринцер П. А.* Эпос древного мира. Типология и взаимосвязы литературы древного мира. – Москва: Наука, 1971. – С. 134–205.

«Одиссея» достонида ҳам Одиссей Лаэртнинг ўғли. Шунинг билан бир қаторда у Зевснинг ўғли ҳам. «Зевс ато этган Лаэртнинг ўғли»[83].

Қаҳрамон – алпнинг илоҳий туғилиши мотивида бир томондан, унинг илоҳлар билан боғлиқлиги эътироф этилса, иккинчи томондан у ўз шажарасининг давомчисидир. Шунга кўра Алпомиш Бойбўрининг боласи, Добонбий ва Алпинбийларнинг авлоди. Иккинчи томондан у фарзандсизлиги туфайли Бойбўрига Шоҳимардон пир, яъни Қултой томонидан ато этилган илоҳий фарзанд. Шунинг учун ҳам у Қултойга ўғил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам етти йиллик зиндондан сўнг айнан Қултой қиёфасига киради. «Дада Қўрқут китоби»да бу ҳолат очиқроқ баён қилинган, яъни Бомси байрак, ўзига исм берган, ўзига ҳомийлик қилган ўзон – Қўрқут ота қиёфасига киради. «Алпомиш» достонидаги Қултой ҳам, «Дада Қўрқут китоби»даги Қўрқут ота ҳам аждодлар культини ўзида тамсил этган бадиий образлардир.

Кўпчилик олимлар илоҳий туғилиш мотивига эпик қаҳрамоннинг хислатларини бўрттириб кўрсатувчи восита сифатида қарашади. Бироқ бу қаҳрамоннинг эпосдаги функциясига киради. Мотивнинг мифологик асосларини бу ҳол изоҳлай олмайди. Чунки, эпосда функция ва генезис бошқа-бошқа масала. Илоҳий туғилиш мотиви архаик эпосга хос бўлиб, у эпос қонуниятларини, унинг структурал тузилиши, эпос ва миф муносабатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, биргина мотив билан эпос ва миф муносабатини ёритиб бериш мушкул. Шунинг учун эпосдаги бошқа етакчи мотивларни ҳам ўзаро қиёслашни талаб этади. Шундагина биз эпос ва миф муносабатидаги ўзаро боғлиқликни, эпосда ҳам мифда ҳам битта тизимга риоя этилганини кўрамиз: Фарзандсизлик – илоҳий туғилиш – улғайиш, – сафар-синов – қайтиш. Шунинг учун илоҳий туғилиш мотиви достондаги бошқа етакчи мотивлар билан қиёсий ўрганилгандагина, эпоснинг мифологик асослари ва бадийяти янада чуқурроқ очилади. Худди миф ёхуд эртакдаги каби эпосдаги қаҳрамон тез ва ғайритабиий улғаяди, ёшлигидаёқ ўз қаҳрамонликларини намойиш этади. Алпомиш етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган «ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёйини отиб алп аталади: «Охири Алпомишбек Алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш оти қўйилди»[84].

Алпомишнинг барча вариант ва версияларида ҳам ана шу ҳолат такрорланади. «Дада Қўрқут китоби»да Бомси байрак карвонга ҳужум қилган ёғийларни енгиб жасорат кўрсатади.[85] Манас ҳам етти ёшида ўз жасоратини намойиш этади.[86]

---

[83] Одиссея. – Москва, 1985. – С. 133.

[84] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 18.

[85] Ergun Muharrem. *Dede Korkut Kitabı-I (Giriş-Metin-Faksimile).* Ankara: TDK Yayını, 1994. – S. 116 153.

[86] Манас. Сагимбой Ўрозбек ўғлининг варианти. Биринчи китоб. – Фрунзе: Киргизтан. 1978. – Б. 22–72.

Қаҳрамоннинг жасорат кўрсатгандан сўнг унга ҳақиқий исм берилиши қадимги битик, яъни Култегин ёдномасида ҳам учрайди. «Отам Хоқон ўлганда иним Култегин етти ёшда қолди. Ўн ёшда Умайдай онам бахтига иним Култегин Эр деган ном олди»[87].

Кўпгина архаик эпосда қаҳрамон ёвузлик тимсоли бўлган аждарҳо – дев ва шунга ўхшаш бирон-бир маҳлуққа қарши курашади. Сигурднинг («Эдда»да) аждарҳони ўлдириши, Рамнинг ракшасларни, Гилгамиш ва Энкидунинг эса Хумбабуни ўлдириши, Алпомишнинг Сурхайл мастон ва унинг ўғиллари билан кураши худди ана шунинг мисолидир.

Эпосда гарчи ёвуз куч жуда кўп эврилишларга учраган, қаҳрамон энди маълум бир душман кучларига қарши курашса-да, аслида, бу ёвузлик ибтидоси ер ости дунёсининг ёвуз кучларига қарши курашни англатади.

Шунинг учун «Алпомиш» достонида Алпомишнинг рақиби Тойчихон эмас, Сурхайл мастон ва унинг ўғилларидир. Тўқсон қалмоқ алпнинг ғорда яшаши ҳам, ташқи тасвири ҳам бизга ер ости ёвуз кучларини эслатади.

«Алпомиш» достонининг бошқа вариантларида «Тойчихоннинг 90 та дев аскари, Мастон кампирнинг 5 та дев ўғли бор эди», – дейилади ва Алпомиш 90 газли девларга қарши курашади.[88]

П. А. Гринцер ёвузлик тимсоли мифологик маҳлуқларга қарши кураш қаҳрамоннинг жасоратини намойиш этувчи бир сифат бўлиб, бу жаҳон эпосидаги асосий мотивлардан бири эканлигини таъкидлайди.[89]

Ярим одам-ярим илоҳ бундай қаҳрамонларнинг ҳали ёшлик чоғиданоқ жасорат кўрсатиши қаҳрамонлик эпосига хос бир хусусият бўлиб, бу жасоратлар қаҳрамон туғилиши каромат қилинганда унинг тақдирига битилган, зиммасига юклатилган вазифалардир. «Гилгамиш» достонида Гилгамиш, «Одиссея» достонида Одиссей, «Дада Қўрқут китоби»да Бомси байрак худди ана шундай хислатлари билан ажралиб туради.

«Алпомиш» достонига ҳам хос бўлган бундай жиҳатлар эса уни жаҳон эпосининг дурдоналари билан қиёсий ўрганиш имкониятини беради.

Алп – қаҳрамоннинг ҳам илоҳларга хос бўлган хусусияти уларнинг ташқи бадиий тасвирларида ҳам яққол кўринади. Алпомиш, Гўрўғли ва бошқа қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши тасвирлари ҳам бизга дев ёки аждарҳо келбатини эслатади. Алпларнинг улканлиги, ғайритабиий куч-қудратга эгалиги, ташқи бадиий тасвирлари билан дев ва аждарҳо каби мифологик мавжудотларга қиёсланади.

«...Қадди қомати Ҳазрати Алига ўхшар, симбати Юсуф пайғамбарга ўхшар, келбати ўттиз икки газ, ...Баҳодирликда бекаму куст»[90] Алпомишнинг олти ботмон олтин соққани ўйнаб юриши, товушига ўн бир тоғ тебраниши, ҳар нонуштага тўқсонтадан жониворларни ейиши нафақат бадиий муболаға,

---

[87] Кул Тигин битиги. // Қадимги Ҳикматлар. – Тошкент: 1987. – Б. 27.

[88] Алпомиш. Бекмурод Жўрабой ўғли варианти. – Б. 56.

[89] *Гринцер П. А*. Эпос древного мира. Типология и взаимосвязы литературы древного мира. – Москва: Наука, 1971. – С. 157–158.

[90] Алпомиш. / Айтувчилар Пулкан ва Эргаш Жуманбул ўғли. / Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б. 21

балки маъбуд, илоҳлар ҳақидаги қадим тасаввурларнинг бадиий ифодаси ҳамдир.

Эпосда қаҳрамоннинг илоҳий куч қудратга эга бўлиши, уларнинг бадиий тасвиридаги бундай муболағали жиҳатларда биринчидан алплар илоҳийлаштирилса, иккинчидан халқнинг аста-секин илоҳий кучлар ҳақидаги тасаввурлардан ҳаётий кучларга, алпларга ўта бошлаганини кўрсатади.

Достонларимиздаги туғилиш мотивининг қиёсий таҳлили достонларимиздаги бошқа етакчи мотивларни тадқиқ этишда унинг поэтик хусусиятларини, мифологик қатламининг тарихий илдизларини, улардаги асл маъно ва моҳиятни янада чуқурроқ ўрганишда яқиндан ёрдам беради.

ЭПИК ИЖОДКОР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Эпик ижод ҳар бир халқнинг бадиий тарихидир. Шундай экан, унинг ижрочилари бўлмиш бахшилар ҳам миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асраб-аввайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Дада Қўрқут китоби», «Қобланди Ботир» каби улкан бадиий обидалар ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос бўлиб қолган. Бу достонлар, бошқа халқ оғзаки ижоди намуналари мутахассисларимиз томонидан кенг ва атрофлича ўрганилиб келинмоқда. Бироқ эпик асарлар ижрочисининг ўзи, яъни эпик ижодкор образи ҳали етарлича тадқиқ этилган эмас. Бунга сабаб, менинг назаримда, биринчидан, асосий эътибор эпик асарларнинг тарихий асослари, образлар тизими, бадиияти ва типологик таҳилига қаратилган бўлса, иккинчидан яхлит эпик ижодкор асосий қаҳрамон бўлган бадиий асар мавжуд эмас деб қараб келинганлигидадир. Бироқ, жуда кўплаб эпик асарларга сочилиб кетган Қўрқут ота, Соқибулбул, Ошиқ Ғариб, Ошиқ Албанд, Ошиқ Маҳмуд каби образларни қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, булар халқнинг бахши, ўзон, ошиқлар ҳақидаги қадим тасаввур ва эътиқодларининг синтези сифатида пайдо бўлганлигини, бахшичиликнинг культ даражасига кўтарилганини кўрамиз.

Қолаверса, шу кунга қадар тадқиқотчилар диққат эътиборидан четда бўлиб келган, бироқ ўзбек фольклорида муҳимга аҳамият эга бўлган «Оллланазар Олчинбек», «Кўр Ғойиб» каби эпик анъанада бахши, ижодкор образи асосий ўринда турадиган алоҳида эпик асарларнинг мавжудлиги ушбу мавзунинг янада чуқурроқ ўрганилишини талаб қилади. «Олланазар Олчинбек», «Кўр Ғойиб» достонларда бахши асосий қаҳрамон бўлганлиги учун эмас, балки унда халқнинг эпик анъана, устоз-шогирдчилик муносабатлари, бахшининг шаклланиш жараёни ва унинг ҳаёти, жонли оғзаки ижро жараёнининг яшовчанлиги ўзининг тўла бадиий ифодасини топганлиги билан ҳам аҳмиятлидир.

Маълумки, эпик ижодкорлар деганда биз Бахши (озан, оқин, жиров, соқи, созчи, юзбоши, санновчи ва ҳакозо)ларни,[91] Халфалар (якка халфалар, коллектив халфалар)ни, қиссахонларни, маддоҳларни, эртакчиларни тушунамиз. Бу ижодкорларга хос бўлган умумий жиҳат ижодкорлик бўлса-да, эпик асарларнинг авлоддан-авлодга сақланиб қолишида, бахшилар алоҳида ўрин тутади. Ўз навбатида бахшилар ҳам маълум бир ҳудуднинг локал хусусиятлари (Мисол учун Ўзбекистонда а) Жанубий ҳудуд – Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё; б) Марказий ҳудуд –

[91] ***Бу ҳақда қаранг:*** *Fuad Köprülü.* Edebiyat araştirmalari. – Istanbul: Ötüken, 1989. – S. 130–156; *Жирмунский В. М. Зарипов Х.* Узбекский народной героической эпос. – Москва, 1947. – С. 23–58; *Мирзаев Т.* Халқ бахшиларининг эпик репуртуари. – Тошкент. Фан, 1979. – Б. 150

Тошкент вилояти ва водий; в) Хоразм) ҳамда ижро асбоблари (1. Дўмбира. 2. Қўбиз. 3. Дутор (тор, ғижжак, бўломон), Ижро услуби (1. Ички овозда куйловчи бахшилар; 2. Ташқи овозда куйловчи бахшилар) Ижро имконияти ва поэтик маҳорати (1. Ижодкор бахшилар; 2. Ижрочи бахшилар)га кўра фарқликларга эга. Эпик ижодкор ҳақида сўз юритаётганда, ана шу жиҳатларни эътиборда тутмоқ лозим бўлади.

Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бўлган сўз санъати тарихи жуда қадимий бўлиб, унинг илк илдизлари жаҳон халқларининг фольклори тарихи, яъни сўз санъати тарихида ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисаларга айланиши масаласи билан боғлиқдир.

Сўз санъатининг илк ноэстетик илдизларини эса биз жаҳоннинг барча халқлари фольклори тарихида кўрамиз.[92] Халқнинг мифололик тафаккурдан поэтик идрок қилишга ўтиши ва унинг самараси бўлган бугунги маънодаги фольклор мероси шунчалар мураккабки, унинг айрим намуналарида ҳозиргача ибтидоий жамоа тузуми ва ундан кейинги илк маданий босқичларнинг изларидан то замонавий маиший турмуш ва қарашларнинг қайта-қайта поэтик мушоҳада қилинган бадиий ифодаларигача кўриш мумкин.

Оғзаки сўз санъатида энг кичик мақол жанридан, то энг йирик эпик жанрларигача мансуб асарларнинг тарихи, бадийяти, бадиий-эстетик аҳамияти, энг аввало, унинг ижодкори халқ ва унинг етук вакиллари, жумладан, унинг юксак ифодаси бўлган профессионал халқ бахшиларининг фаолияти билан боғлиқ.

Бахши сўзининг: терма ва достонларни ёддан куйловчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, устод, руҳоний, коҳин, маърифатчи, йўлбошчи, жарроҳ, котиб каби кўплаб маънолари мавжуд. Бадиий ижоддаги эпик ижодкор образида эса, юқоридаги кўпгина хусусиятлар қоришиқ ҳолда келади. Бу эса ушбу санъаткорлар ҳақидаги тасаввурлар тизими ўзининг қадим илдизларига эга эканидан далолат беради.

«Дада Қўрқут китоби»нинг ҳар бир ҳикоясида Қўрқут ота асосий образ сифатида гавдаланади:[93] «Dedem Korkut boy boyladi soz soyladi»[94], «Dedem Korkut geldi sadilik caldi boy boyladi soy soyladi? Gazi erenler basina ne geldigini soyladi»[95] ва ҳакозо.

Уруғбоши, йўлбошчи ва шунинг билан бир вақтда эпик ижодкор бўлган Қўрқут ота ҳақидаги мифлогик тасаввурлар бир нарсани: бахши ва шомон

---

[92] *Жирмунский В. М.* Легенда о призвании певца // Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Ленинград: Наука, 1979. – С. 397–407; *Гринцер П. А.* Дренеиндейский эпос. – Москва, 1974. – С. 15–31.

[93] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S.73–251.

[94] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 94.

[95] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 152.

аслида бир синкретик образнинг турли даврлардаги турлича кўриниши эканлигини исботлаб турибди.

Бундай эврилишлар халқнинг тарихи, қаҳрамонлик ўтмиши ва маънавиятининг сарчашмаси бўлган эпик онгнинг тараққий этишида муҳим роль ўйнаган. Эпосдаги магик жиҳатлар аста сўна бориб, шомон, табиб, бахши, йўлбошчи функциялари бир-биридан тобора фарқлана борган: «...Баёт наслидан Қўрқут ота деган эр дунёга келди. Ул киши Ўғузнинг тамом билгувчиси эди. Ўғуз ичида унинг бор каромати зоҳир бўлмиш эди. На деса бўларди, ғойибдан турли хабар суйларди»[96]. Демак у миллатнинг йўлбошчиси, донишманди, қаҳрамони. Лекин у биринчи галда патриарх шомон қиёфасини ўзида мужассам этган улкан эпик ижодкордир. Унинг каромтгўйлиги, ғойибдан сирлар сўйлашига ҳам бахшичилиги сабаб. «Dedem Korkut geluben sazilik caldi, bu Oguz-nameyi duzdi kosdi, boyle dedi»[97]. Демак: «geluben sazilik caldi» – эпик анъанани давом эттирди, «duzdi kosdi» – ўзининг ижрочи эмас, ижодкор бахши эканлигини намойиш этди, «boyle dedi» – келгуси авлодга мерос қолдирди.

Ўз тадқиқотларида Қўрқут отанинг бахшилик сифатларига алоҳида эътибор қаратган Муҳаррам Эргун шундай ёзади: «Bu ise Dede Korkutun Dede Korkut kitabindeki ozan ve gaipten haber verme sifatlarina bastanbasa uygundur»[98]

Яна: «Dede Korkut kitabi»даги: «Dede Korkut dilinden ozan aydur»[99] жумлалари, бир томондан мазкур ёдгорлик эпик анъана намунаси эканини ургулайдиган жиҳат бўлса, иккинчи томондан эпосда Қўрқут отани ўзига пир ва устоз деб билган бошқа бахшилар образини ҳам кўз олдимизда гавдалантиради.

Ўзбек фольклоридаги эпик ижодкорнинг архаик энг мумтоз намуналари «Гўрўғли» туркум достонлардаги Соқибулбул образи ва Гўрўғлининг ўзидир.[100]

Гўрўғлининг баҳодир енгилмас жангчилигидан ташқари худди Қўрқут ота каби ҳам маг, ҳам шомон, ҳам сўз устаси – бахши бўлганини, унга Хизр ва чилтонлар ҳомийлик килишини, Хизрнинг ўзи Соқибулбулни унга ҳам устоз, ҳам хизматкор қилиб тайинлаганини кўрамиз. Бир сўз билан айтганда яхлит образ сифатида Гўрўғли халқ эпик ижодкорларининг барча тарихий типларига хос хусусиятларни ўзида умумлаштирган.

Достонларда Гўрўғлининг шомонлиги ва бахшилигини исботловчи образлардан бири Соқибулбулдир. «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Соқибулбул Гўрўғлининг пирлар томонидан тайинланган ҳам устози, ҳам

---

[96] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 75.

[97] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S. 176.

[98] *Muharrem Ergun.* Dede Korkut kitabi. Giris.Tarihi kaynaklerda Dede Korkut. – Ankara, 1994.

[99] Dede Korkut kitabi. Geris-metin–faksimile. Prof. Dr. Muharram ergun. – Ankara, 1994. – S.76.

[100] Гўрўғлининг туғилиши. Достонлар. Айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967.

сайиси бўлади. Шу билан бирга у созанда, хонанда, яъни бахши ҳамдир. У синкретик куйчининг достондаги образи бўлиб, бевосита мифологик дунёқараш билан боғланади. Демак, у Гўрўғлига жанг қилишни ҳам, куйлашни ҳам ўргатган устоз деган хулоса чиқади.[101]

«Соқи» сўзи икки маънога эга бўлиб, ҳар икки маъно ҳам Соқибулбул образига мос келади. Биринчи маъно – «бахши» – «шоир» демакдир. Иккинчиси эса, «косагул», «даврабоши», «май сузувчи» мазмунини ифодалайди.[102] Соқибулбулнинг соқийлигига бахшилик, шомонлик қўшилиб келмоқда. Демак, у оддий, тор маънодаги бахши эмас. Достондаги «май», «майхона», «май ичиш», «сафар коса»ларини моддий май ичишдан кўра, қадимий диний маросимдаги рамзий сокрал мазмуни биринчи ўринда турганини унутмаслигимиз керак. «Майхона» – ибодат жойи бўлган ва «соқи» ибодатни бошқарувчи руҳоний шахс ҳисобланган. «Соқи» сўзининг бугун унутилган учинчи бир маъноси «руҳоний» сўзига мос келади. «Гўрўғли» достонларидаги Соқибулбул бош руҳоний, бош шомон сифатида барча маросимларни бошқарган. Қаҳрамонни сафар олдидан йўлга солар экан, «оқ фотиҳа» берган. Демак, Соқибулбул исломгача бўлган дунёқарашлар замирида шаклланган кўпқиррали образ. Мантиқан олганда ҳам Гўрўғли достонларини севиб куйлаган халқ бахшиларнинг бу образга ўзлари ва бахшичилик ҳақидаги мифо-поэтик тасаввурларга хос хусусиятларни сингдириши табиий бир ҳол эди.

Фақатгина Соқибулбул эмас, «Гўрўғлининг туғилиши достонидаги Урайхон ҳузуридаги Ханнон шоир ҳам бахши образидир. Достонда баён қилинишича, келган одамнинг кўнглини сўз билан хушлайдиган Ханнон шоирнинг яхши одоб билан Гўрўғлига қараб:

Оқшом қулоқ солинг чертган созларга!

Созни чертиб оқшом қўшиқ айтамиз,[103] –

деган мурожаатларида халқ бахшиларининг принциплари, яъни сўз билан кишилар кўнглини хушлаш, қўшиқ-достонни кечаси айтиш лозимлиги ўз ифодасини топган.

Булардан ташқари, ўзбек фольклоридаги эпик бахшининг мифо-поэтик талқини тарихида биз уларнинг ҳомийлари ва устозлари сифатида яна Хўжаи Хизр, Бобо Қамбар, Мулла Ғойиб, Ошиқ Ойдин, Олланазар Олчинбек образларини ҳам кўрамиз.

Хўжаи Хизр – ўзбек халқ достонлари ва афсоналари, халқ тасаввуридаги энг қадимий мифологик образлардан бири бўлиб, у тушда бахшилик иқтидорини беришдан ташқари, достон қаҳрамонлари ва кишиларга ризқ-рўз, давлат, бахт ато қилиб юради. Хизир пайғамбарни бахшилар устоз ҳисоблаган бошқа эпик образлар ҳам ўзларига пир ҳисоблашади. Жумладан, Фозил шоирнинг кўр Ғойиб ҳақида айтган ривоятида шундай мисралар бор:

---

[101] Ўша манба. – Б. 81–86.

[102] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. – Москва, 1981. Т.II. – Б. 73.

[103] Гўрўғлининг туғилиши. – Б. 81–86.

Мулла Ғойиб айтар: *Хизирим пирим, Ўн икки имом, чилтон эрур дастгирим, // Жаҳоннинг қуюни бўлганда бордир.*[104]

Бобо Қамбар – «Гўрўғлининг туғилиши» достонида баён қилинишича, Гўрўғли ҳомийлик қилган пирлардан бири Бобо Қамбардир.

Қозоқ фольклоршуноси А. Канратбаев Қамбар ботир ҳақида ўн икки версияда намуналар ёзиб олинганини, Қамбар исми туркий тилли халқлар биринчи шомон ҳисобланган, Бобо Қамбар ҳақидаги сюжетлар жуда қадимий эканлигини таъкидлайди.[105]

Ўзбек фольклоридаги Қамбар бобо биринчи дуторни ясаб, унда илк бор куй чалган афсонавий шахс, куйчилар ва шоирлар пири, жуда моҳир созанда сифатида талқин қилинади. Этнограф В. Б. Басилов Қамбарни мусиқа ва қўшиқчилик ҳомийси сифатида тасаввур қилишга асосланган асотирий қарашларнинг генетик илдизлари қадимги шомон мифологиясига бориб тақалишини кўрсатади.

Мулла Ғойиб – У ҳақида кўплаб ривоятлар, афсоналар ва тугалланмаган достон мавжуд. Агар Хизр пайғамбар, Дада Қўрқут, Бобо Қамбар, Гўрўғлилар эпик бахшиларнинг мифологик ҳомийлари ва устозлари бўлсалар, мулла Ғойиб ва Ошиқ Ойдинлар тарихий шахслардир, аммо ўзбек фольклорида эпик характер касб этган образлардир. Шу боис Ҳоди Зариф Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олган ривоятда у афсонавий шахс эмас, катта эпик билимлар эгаси, жуда моҳир халқ бахшиси сифатида кўринади.

Ошиқ Ойдин пир – Эпик анъанада афсонавийлашган Хоразм воҳаси бахшиларининг ҳомийси ва устози. Бу образ тарихий асосга эга бўлиб, унинг қабри ҳозирги Туркманистон ҳудудидаги Кўҳна Урганч шаҳридан олтмиш километр жанубий ғарбда жойлашган. Шеърият ва мусиқа билимдони бўлган бу шахс 1255 йилда вафот этган. Халқ орасида у ҳақида афсонавий ҳикоялар кўп. Аммо яхлит бир асар етиб келмаган. Умумий тасаввурга кўра, бахшичилик йўлига кирган одамлар достонларда сафарга йўл олган ошиқлар Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб кетишлари лозим ҳисобланган.

Олланазар Олчинбек ҳам Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги бахшиларнинг устози, пири ҳисобланади. Шу номли достоннинг тўртта варианти мавжуд. Булар Эсон ота Шомуродов,[106] Мардонақул Авлиёқул ўғли,[107] Нормурод бахши Поёнов,[108] Қаҳҳор бахши Қодир ўғли вариантлари[109] бўлиб, уларнинг ичида энг мукаммали, Қаҳҳор бахшиники ҳисобланади. Мазкур достонда бахши культи (топинчи) бахши ва соз, устоз ва шогирдлик, ижрочи ва тингловчи, бахшичилик мактаблари, ижро усуллари ва йўллари, репертуари ва бошқа масалалар қамраб олинган. «Оллоназар – Олчинбек» достонидаги бош қаҳрамон тарихий асосларига кўра мифо-поэтик

---

[104] Мулла Ғойиб. Қўлёзма. Инв. 1677.

[105] Канратбаев А. Древнетюркская поэзия и казахский фольклор. Автотреф. дисс. на соискание ученой степени док. фил. наук. – Алма-Ата, 1971. – С. 62–63.

[106] Қўлёзма. Инв. №932.

[107] Қўлёзма. Инв. №1268

[108] Қўлёзма. Инв. №7319.

[109] Қўлёзма. Инв. №3.

тафаккур натижаси бўлиб, Жанубий Сурхондарё достончилик мактаблари репертуарини пухта ўзлаштирган, қирқ бахшига устоз бўлган етук халқ бахшиси, комил инсон сифатида гавдаланади. «Оллоназар – Олчинбек» достони марказида халқ бахшиси образи тургани учун унда бошқа бахшиларнинг ҳам образлари борки, улар бош қаҳрамонни тўлиқ, мукаммал тасвирлашга, достоннинг асосий ғоясини ифодалаш, воқеалар ривожини таъминлаб, достон сюжетини шакллантиришга хизмат қилади.

«Оллоназар – Олчинбек» достонининг бош қаҳрамони Оллоназар анъанага кўра, эпик ижодкорликнинг тарихий йўлини босиб ўтган образдир. Шу сабабли туркий халқлар фольклоридаги эпик бахшилар талқинисиз бу образ моҳиятини тўла тушуниш қийин.

Юқорида номлари тилга олинган достонлар ҳамда «Дада Қўрқут китоби» ва бошқа эпик намуналаридаги ижодкор образлари ўзаро қиёс этилса, уларда қуйидаги бахши типлари алоҳида ажралиб туришини кузатишимиз мумкин.

1. Мифологик асосли, бахши инончлари билан боғлиқ образлар. Бу типга Хизр (Хизир), Дада Қўрқут, Соқибулбул образларини мисол тариқасида олиш мумкин.

2. Тарихий асосга эга, айни пайтда топинч типига уйғун образлар: Кўр Ғойиб, Ошиқ Ойдин, Олланазар Олчинбек образлари.

Тўғри, кўпгина тарихий манбаларда, мисол учун, Reseduddinin «Camiut-tevarih»ide Дада Қўрқут номи тўрт Ўғуз ҳукмдорлардан бири сифатида тилга олинган. Ёхуд Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ида, «Шажарайи Тарокима»да ҳам Қўрқут ҳақида маълумотлар бор. Бироқ, Қўрқут отанинг эпик ижодкорлиги билан боғлиқ тасаввурлар кўпроқ ўзининг мифологик заминига эга. Қўрқут ота ҳам устоз, ҳам пир ва мифологик ҳомий даражасига кўтарилган бўлса, Олланазар Олчинбек, Ошиқ Ойдинлар бу даражага кўтарила олмаган.

3. Бахши образининг бадиий тўқима талқинидаги типи. Ошиқ Ғариб, Ошиқ Маҳмуд, Ошиқ Албанд образлари. Бу туркум достонларда бахши (ошиқ) эпик асар қаҳрамони сифатида гавдаланади. Яна ҳам тўғрироғи, достон қаҳрамони мурод мақсади, яъни ўз севгилисига эришишида, мушкулларни енгиб ўтишида ижодкорлик қобилиятидан фойдаланади. Айниқса, бу ҳолат «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Албанд» достонларида яққолроқ кўзгаташланади.

Барча типларнинг умумий ва айни пайтда фарқли томонлари бор.

Умумий жиҳатлар:

– Барча образлар соз чалиб, достон ва қўшиқлар ижро этади.

– Эпос воқеаларида тўлақонли бадиий образ сифатида иштирок этишади.

Мазкур образларнинг хусусий томонлари:

Биринчи тип: Турк халқларининг қадим дунёқараши, мифологик тизимидаги бахши культи билан боғлиқ тасаввурларни ўзида мужассам этади. Улар мифологик ҳамда афсонавий шажара ва тақдирга эга. Бу тип образларнинг ҳар бирида тасаввурлар турли даражада акс этган. Жумладан, Хизр барча бахшиларга бахшилик қудрати ва бошқа жиҳатларни бериб,

уларга ҳомийлик қилади. Лекин унинг бевосита бахши сифатидаги ҳолати аниқ айтилмаган.

Қўрқут ота ва Соқибулбул эса қаҳрамон ва бошқаларга маслаҳатчи, устоз ва бахши сифатида тўлиқ намоён бўлади. Бу жиҳат Қўрқут образида айниқса янада мукаммал акс этган. Соқибулбул эранлардан бири, Гўрўғлининг сайиси ва маслаҳатгўйи деб айтилса-да, бахшилик унинг асосий фазилати ҳисобланади.

Иккинчи тип: Бахши образининг бу тип намояндалари аслида реал ҳаётда туғилиб, яшашган шахслар бўлиб, маълум ҳомий кучлар шарофати билан бахшилар санъатини эгаллашиб, бахшиларнинг карамотли устози, раҳнамоси даражасига кўтарилган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти эл орасида маълум ва машҳур бўлиб, турли нақл, афсоналарга айланган, достонлар тўқилишига асос бўлган.

Учинчи тип: Бу тип образлар бадиий тўқима образ бўлиб, муҳаббат шайдоси, ошиқ тимсолига айланган. Уларнинг муҳаббат ва ёр васлига етишида бахши шоирлиги муҳим роль ўйнайди.

Хуллас, **биринчи тип**даги бахши образи мифологик асосдан мифо-поэтик қатламга ўтган бўлса, **иккинчи тип** реал асосдан мифо-поэтик қатламга олиб чиқилган ва улар маълум достон ёки туркумга сингишиб, ўз бадиий, эстетик вазифасини бажаради. Бу типдаги бахшилар бошқа ижодкорларнинг пир, устози ҳисобланади. Бу ижодкорлар ҳақида алоҳида достон яратилган бўлса-да, улар фақат шу достон доирасида амал қилади.

Учинчи тип поэтик қатламда асосан бадиий-эстетик талқин этилган ва улар фақат ошиқ бахши сифатида қаралади. Бу типдаги бахши образи халқнинг бахши, умуман эпик ижодкорлар ҳақидаги қадимий тушунча ва тасаввурларининг сентизи ўлароқ юзага келган. Шунинг учун бундай туркум достонларда қаҳрамон энг қийин, мушкул вазиятлардан ижодкорлик қобилиятини ишга солиб чиқиб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мавзу бир мақола ёхуд бир тадқиқот доирасидаги иш эмас. У атрофлича, чуқур ва батафсил тадқиқ этилиши лозим. Биз эса ушбу улкан масаланинг айрим жиҳатларгагина тўхталиб ўтдик, холос. Халқ оғзаки ижодидаги эпик ижодкор образини талқини халқнинг бахши ва бахшичилик санъати ҳақидаги тасаввурлар тизимини янада тўлақонли англашда, турк дунёси фольклори табиати, унинг ўзига хос хусусиятлари, бахшилар ҳақидаги достоннинг эпик анъанада тутган ўрнини, унинг тарихий асослари ва бадииятини атрофлича тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

ЭПИК ИЖОДДА КЎМАКЧИ ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

«Кўмакчи қаҳрамон» деган терминнинг қўлланиши бир оз баҳсталабдек туюлади, албатта. Бироқ, халқ оғзаки ижодида: ҳоҳ у эртак бўлсин, ҳоҳ у достон асосий қаҳрамоннинг яқин йўлдоши, ҳамроҳи, унинг ишларига, кўрсатган қаҳрамонликларига қайсидир даражада шерик бўладиган қатор персонажлар борки, бу тип қаҳрамонлар алоҳида ном билан аталишни тақозо этади. Зеро эпик ижодда қаҳрамон атрофидаги жуда кўп образлар билан муносабатга киришади, ана шундай муносабатлар мотивларни юзага келтиради, асарнинг сюжет халқасини ташкил қилади. Бу образларнинг кўпчилиги ўз атамаларига эга: эпик шоҳ, эпик рақиб, севикли ёр ва ҳоказо. Ана шундай образлардан бири кўмакчи қаҳрамон образидир.

Атоқли фольклоршунос олимлар: Ҳоди Зариф ва Виктор Жирмунскийлар қаҳрамоннинг ёнидаги ёрдамчилар эпосда муҳим аҳмиятга эга эканлигини, бахшилар уларни фолкьлордаги кўп учрайдиган образлардан бири сифатида тасвирлашини таъкидлаб ўтишади.[110]

«Алпомиш»да Қоражон, Қултой, Қалдирғоч, «Гўрўғли» туркумлигида Соқибулбул, қирқ йигит, Ҳасан чопсон, Ҳасан Якдаста, Ҳасан кўлбар, Орзигулда Доно чўпон, «Қундуз ва Юлдуз»да Жанжал кал, «Равшан»да Ҳасан ва ака-ука каллар ана шундай образлар сирасига киради. Бундай қаҳрамонларнинг зиммасига юклатилган вазифа (миссия) бош қаҳрамонга кўмак беришдан иборатдир. Биз ўз мақоламизда биргина «Алпомиш» достони мисолида ушбу масалани таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Қаҳрамон ва кўмакчи қаҳрамон муносабати эпик ижоддан қандай ўрин тутиши ижодкорнинг салоҳияти, иқтидори ва у улғайган муҳит, яъни кенг маънодаги эпик анъана билан чамбарчас боғлиқ. Ижрочининг ижодкорлигини бор бўй-басти билан юзага чиқарувчи эпик анъана эса, Алберт Лорд таъкидлаб ўтгандек[111] ёзма асардан фақат оғзаки ижро этилгани ёхуд барқарор эпик формулаларнинг асар тизимидан жой олганлиги билан эмас, балки ундаги ҳар бир образ, мотив ва мавзулар эпос қонуниятига қатъий бўйсундирилганлиги билан ҳам фарқланиб туради. Анъаналарга риоя қилинмаган, эпик тизим бўшашган бадиий асарларда қаҳрамон ва кўмакчи қаҳрамон муносабати юзаки акс этган бўлади. «Алпомиш»нинг баъзи бир вариантларида ана шундай ҳолатни кузатсак, аксинча, достоннинг Фозил Йўлдош ўғли вариантида унинг мукаммал бир тизим кўринишини олганини кўрамиз.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кўмакчи қаҳрамонлар ҳақида гап кетганда, уларни ҳомий ва рақиб образлари билан биргаликда тадқиқ этиш талаб этилади. Чунки, кўмакчи қаҳрамон функциясида ҳам ҳомий, ҳам рақиб

[110] *Жирмунский В., Зарифов Х.* Узбекский героической эпос. – Ташкент, 1947. – С. 327.
[111] *Лорд А. Б.* Сказитель. – Москва, 1994. – С. 142–159.

образларга хос қатор хусусиятлар ўз ифодасини топганки, буни асло назардан қочирмаслик лозим.

Мисол учун «Алпомиш»да Қоражон дастлаб Алпомишга рақиб сифатида намоён бўлади. У ҳам эпик қалмоқ юртида Алпомишга душман бўлган қалмоқнинг тўқсон алпидан бири. «...Кенжатойини Қоражон дер эди. Шу етовига тир қилгани қалмоқшоҳ ҳар мамлакатлардан алпларни олиб келиб, тўқсон алп қилиб, Кашал ғоридан жой бериб, буларни тўқайистонда боқиб ётар эди»[112]. Демак Қоражон Алпмомишга рақиб бўлса, рақиб бўлгудек: ёйандоз мерган, тўқсон ботмон совут кийган, ҳар кунига тўқсон ширбознинг этини еган, ўн тўрт маҳрамли алплардан. Бунинг устига у ҳам Барчинга талабгор. Алпомиш билан дўст тутинишдан олдин, унинг кураш тушиши бу образнинг замирида рақиб образи ҳақида тасаввурлар ётади дейишимизга асос бўлади. Достоннинг бошқа вариантларида[113] унинг дўст эмас, чинакам рақиб сифатида намоён бўлиши ҳам бу фикримизнинг исботидир. Бироқ, бу образнинг замирида шундай хислатлар бўртиб туришига қарамай, унда рақибликдан кўра кўпроқ, кўмакчи қаҳрамон функцияси устунлик қилади. «Алпомиш» достонининг аксарият вариантларида ана шу ҳолатни кўрамиз.

Нега бошқа алплар эмас, айнан Қоражон зиммасига шу вазифа юклатилди деган саволнинг туғилиши табиий, албатта. Чунки, у алпларнинг энг кенжаси эди. Кенжатойлар эса бошқа эртак ва достонларда ҳам бизга маълумки, акаларидан айрича йўл тутадиган ва ҳамиша ноанъанавий фикрлайдиган персонаж. Эпик ижодда кенжа ўғилнинг оғир синовларга йўлиқиши ва охир-оқибат муроду мақсадига етишиши ҳам ўзининг тарихий асосларига эга. Жаҳон фольклоршунослигида кенжа ўғил энг кўп ишланган ва яна чуқур тадқиқ этилиши керак бўлган образлардан биридир.

А. Н. Афанасьевнинг фикрича, қадим тасаввурлар қаҳрамон ва эртак олдига қўйилган ғоя ҳамда мақсадни амалга оширишда восита бўлиб хизмат қилади, ҳамда эртакни илк тафаккур босқичи билан боғлаб туради.

Эпик ижодда халқнинг нафақат тафаккур тарихи, балки ҳаётий тажрибалари ҳам ўз ифодасини топган. Катта ака образи эртакларда кўпинча мавжуд тажриба тимсолида келади. Шу сабабли у одатда синалган йўлларни танлайди. Тажриба бир томондан одамни аниқ мақсадларга олиб борса, иккинчи томондан инсон фаолиятини маълум бир қолипга солиб қўяди. Бир қолипдаги фаолият ҳаракат, исён, ҳаяжон, таваккалчиликдан холи бўлади. Бундай фаолият одамни инерт, қўрқоқ ёки худбин қилиб қўйиши мумкин.

Ҳаётий тажрибасида жабр-ситам, машаққатлар кўрган, қайси йўлни тутса, хавф-хатардан узоқ бўлишини билган одам тажрибалидир ва у одатда тажрибасига таяниб иш тутади. У танлаган йўл қолипга ўхшайди. Шу сабабли катта ака бехавотир йўлга кетса ёки худбинлик ва хоинлик қилса ажабланмаймиз, чунки у ҳаётий, стереотип тажрибаларга таянган. Тажриба

---

[112] Алпомиш. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев. Тошкент: Фан, 1999. – Б. 90.

[113] Алпомиш. / Айтувчилар Пулкан ва Эргаш Жуманбул ўғли. Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, 1999.

ҳамиша тўғри йўл бўлавермайди. У тўғридан кўра, барқарор, хавфсиз, худбин одам учун жуда маъқул бўлган тинч йўлдир. Ўртанча ака эса мавжуд имконият тимсолидир. Имконият ҳам кўпроқ тажриба асосида келиб чиқади. Шу сабабли ўртанча ака катта акага яқин йўлни танлаши табиий ҳолдир. Имконият ҳам тажриба каби ҳамиша тўғри бўлавермайди. Одам одатда ўз тажрибаси ва имкониятидан келиб чиқиб яшайди. Агар халқ оғзаки ижоди фақат тажриба ва имкониятнинг бадиий ифодаси бўлганда, оддий жўн ҳикоялардан фарқ қилмас эди. Орзу-истак эса ҳар қандай тажриба ва имкониятдан юқоридир. У инсонда азал-абад туйғуларини уйғотади. Азал-абад туйғулар ҳар қандай санъатнинг юрагидир. Шу сабабли халқ ўз тажриба ва имкониятларидан ташқари ҳамиша орзу-умид қилади. Халқ ўзи енгиб ўтолмаган машаққатларни, етолмаган бахт-саодатини орзу зиммасига юклайди.

Ўзбек халқ ижодидаги кенжа ўғил, кенжа ботир маълум маънода орзу-умид тимсолидир. У ҳар қандай машаққатни, ёвузликларни, хавф-хатарни, қаршиликларни енгиб мурод-мақсадига эришади. У шу пайтгача ота-боболари танлаб келган йўлдан боришни истамай, янги йўлдан кетар экан, ўзининг исёнкорлик тимсоли эканини ҳам намойиш қилади

Кенжанинг ақл кучига ишониши инсоният онгидаги буюк юксалишлардан бирининг фольклордаги ифодасидир. Эпик ижоддаги аксарият кўмакчи қаҳрамонлар кенжа ўғил, ёхуд кенжа ботир бўлишининг сабаби ҳам шунда. Шунинг учун ҳам Қоражонни акалари тушунмайди, акаларидан фарқли ўлароқ у Ҳакимбек билан дўст тутинади ва унинг яқин кўмакчисига айланди. Барчинга ёрининг келганини хабар берган, от пойгасида тутинган дўсти номидан пойгада қатнашган, Алпомишнинг ори учун ўзининг элатдошлари билан курашга тушган ҳам айнан шу Қоражондир. Алпомиш етти йиллик зиндонга банди этилганда ҳам унга кўмакка фақат Қоражон келади.

Баъзи бир тадқиқотчилар «Алпомиш»даги кўмакчи қаҳрамонлар фаолиятига шунчаки бадиий шартлиликнинг натижаси ўлароқ қараши ҳам мумкин. Бироқ, эпосдаги ҳар бир образ синчиклаб таҳлил қилинганда, улар фақатгина бадиий шартлилик меваси эмаслигига амин бўламиз. Аксинча, қаҳрамонлар фаолиятини бўрттириб турган баъзи жиҳатларни биз бадиий шартлилик дея қабул қилишимиз керак. Пойгани кузатиб турган Алпомишнинг Бойчибор отини танимай беҳуш бўлиб йиқилиши, ўзидан ортда қолаётган Қоражоннинг акаси Кўкалдошга қарата:

Асли кўнглим, сенда эди, бек оға,

Бу Бойчибор жилов бермай боради,[114] –

дейишлари уларнинг айни пайтдаги ҳолатини шартлилик йўсинида асослашга хизмат қилади. Аслида эса, Алпомиш ҳар қандай вазиятда ҳам ўз оти Бойчиборни таниши шарт эди. Унинг ташқи таъсирсиз, ўзидан-ўзи беҳуш бўлиб йиқилиши, зиммасига юклатилган вазифасини бажараётган Қоражоннинг ноилож, «айб»ни отга ағдариши ижрочининг бадиий

[114] Алмомиш. 197-бет.

шартлиликдан унумли фойдаланганлигини урғуловчи бир унсур, холос. Достонда кўмакчи қаҳрамон нима учун зарур деган саволга жавоб берилмас экан, Алпомишнинг ҳам, Қоражоннинг ҳам юқоридаги каби ҳаракатлари тушуниксиз бўлиб қолаверади.

Худди шундай ҳолатни биз достонда Алпомишнинг Қалмоқ юртига отланиши билан боғлиқ лавҳаларда ҳам кўрамиз. Барчиндан мактуб олган Алпомиш ёрининг тақдирига бефарқдек кўринади. У «...хатни ўқиб кўриб: Олти ойчалик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз деб, сандираб ўламизми», – деб хатни тиззасининг остига босиб ўтирди»[115]. Бундан хабар топган Қалдирғоч синглиси унинг «жиғига тегиб», йўлга отланишга мажбур қилади. Бироқ Қултойнинг дўқ-пўписасидан кейин у яна фикридан қайтади. Фақат синглисининг маслаҳат ва йўл йўриқларидан кейингина у сафарга отланади. Эпос қонуниятидан бехабар одам бу парчани ўқиб, Алпомишга турли «ёрлиқлар», ёпиштириб, уни фаолиятсизликда айблаши турган гап. Эпосда анъанавий статик ҳолатда келувчи бундай парчалардаги юзаки «қатлам» шунга асос беради. Аслида эса Алпомишнинг имкониятлари достондаги кўмакчи қаҳрамонлардан яна бири Қалдирғоч орқали юзага чиқмоқда.

Биз юқорида кўмакчи қаҳрамондаги рақиб хусусиятлари ҳақида айтиб ўтдик. Кўмакчи қаҳрамондаги ҳомий руҳлар ҳақидаги тасаввурлар Қалдирғоч ва Қултой образларида ўз ифодасини топган.

Қултойнинг кўмакчилиги достонда гўёки кўзга ташланмайдигандек туюлади. Бироқ унинг кўмаги эпик от Бойчибор орқали амалга ошади.

Мутахассислар сеҳрли ҳайвонлар аждодлар культи, тотемистик қарашлар билан боғлиқ эканини ёзишади. Зиндонда банди бўлиб ётган Алпомишга Бойчиборнинг кўмакка етиб келишини, ажодлар культини ўзида мужассам этган Қултойнинг илоҳий тулпор қиёфасида қаҳрамонга ёрдам бериши деб тушуниш мумкин. Чунки, кўмакчи томонидан ҳадя этилган жисм (ойна, тароқ, қилич, камон, пичоқ ва ҳакоза) ёхуд бирон-бир илоҳий жонивор кўмакчи атрибутининг ўзига тенгдир. Шунинг учун ҳам достонда Қултой асосий кўмакчи бўлиб гавдаланади ва етти йиллик синовлардан сўнг Алпомиш айнан унинг қиёфасига киради.

Қалдирғочойим ҳам достонда оддий бир образ эмас, балки қаҳрамон, яъни Алпнинг ҳомийси, илоҳа сифатида гавдаланади. Буни биз Алпомишнинг Добонбий бобосидан қолган қўриқни уч марта ташлаб, уч марта ҳам ўзи унча кўнгли тўлмаган тулпорга тушганда, Қалдирғоч унинг оддий от эмас, илоҳий тулпор эканини биринчи бўлиб айтганида ҳам кўрамиз: «Хафа бўлма, бу отинг балки тулпор бўлиб чиқар, ёмон дема бул отинг назаркардадир. Буни минган одам кўп ерларни кўради. Мақсадини

[115] Алпомиш. / Айтувчилар Пулкан ва Эргаш Жуманбул ўғли. / Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, – Б. 122.

ҳақдан талаб қилади»[116], – деб акасининг кўнглини кўтаради. Алпомишнинг отига Бойчибор номини берган ҳам Қалдирғочойдир:

Қулли бўлсин, акажон, арғумоғинг
Ёмон дема, ака, Бойчиборингни...[117]

Бойчиборнинг илоҳий тулпор эканлигини биринчи бўлиб пайқаган, уни эгарлашда кўмаклашган:

Ой Қалдирғоч тортди отнинг белидан,
Сирти ипак, ичи майин айилди.. [118]

ва Алпомишни кийинтирган:

Ой Қалдироғоч олиб келган либосни
Кийгин, дейди, Ҳакимбекка беради..

Қалдирғоч оддий аёл эмас, Алпомишнинг илоҳий ҳомийларидан бири эканлигини кўрсатади. Зеро, алпга сингиллик қилиш, Алпомишдек алпнинг тулпорини эгарлаш, уни ўқ ўтмайдиган, сувда чўкмайдиган, оловда куймайдиган қилиб кийинтириш, яъни қаҳрамонни илоҳий асбоб-анжом ва от билан таъминлаш хомий образ ҳақидаги тасаввурларнинг кўмакчи қаҳрамондаги бадиий ифодасидир.

Қаҳрамон ҳамда кўмакчи қаҳрамон фаолиятлари мусбат ва манфий кўринишида бўлишига қарамай, бирининг ҳаракати иккинчиникисиз амалга ошмайди. Кўмакчи қаҳрамон фаоллашганда, асосий қаҳрамон фаолияти сустлашади ёхуд иккинчи планга ўтади. Айни пайтда асосий қаҳрамон ҳаракати фаоллашганда, кўмакчи фаолияти сустлашади. Бу ўзига хос эпик қонуният.

Бош қаҳрамон фаол ёхуд ҳаракатсиз ҳолатдами у барибир диққат марказида қолаверади. Чунки, у бош қаҳрамон. Унинг кучи, билими, иқтидори, таланти ва имкониятлари биринчи навбатда, ўзи, кейин эса кўмакчилар орқали намоён бўлаверади. Ёхуд фольклоршунос В. Пропп таъбири билан айтадиган бўлсак, оғзаки ижоддаги ёрдамчилар, қаҳрамоннинг салоҳиятини юзага чиқарувчи бадиий унсурдир.[119]

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, эпик асардаги кўмакчи қаҳрамонларни икки типга ажратиш мумкин: а) Фаол кўмакчи қаҳрамон; б) нофаол кўмакчи қаҳрамонлар. Фаол кўмакчи қаҳрамонларга достоннинг биринчи қисмида Қоражон ва Қалдирғоч фаолиятини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бироқ, айни пайтда Қоражон нофаол кўмакчи қаҳрамон ҳамдир. Достоннинг иккинчи қисмида унинг Алпомишни излаб, қалмоқ юртига келганини ҳисобга олмасак, у бутунлай фаолиятсиздир. Деярли Алпомишдек алп бўлган Қоражондек баҳодирнинг Ултонтоздан қўрқиб, мамлакат ишларига аралашмаслиги ва атрофдаги воқеларга бутунлай

---

[116] Алпомиш. / Айтувчилар Пулкан ва Эргаш Жуманбул ўғли. / Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи. – Б. 81.
[117] Алпомиш. / Айтувчилар Пулкан ва Эргаш Жуманбул ўғли. / Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи. – Б. 82.
[118] Алпомиш. / Айтувчилар Пулкан ва Эргаш Жуманбул ўғли. / Нашрга тайёрловчилар Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова. – Тошкент: Ёзувчи, – Тошкент, 1999. – Б. 84.
[119] *Пропп В. Я.* Исторические корни волшебной сказки. – Ленинград, 1986. – С. 166.

бефарқлиги анчайин тушунуксиздек туюлади. Фақат биз бу ерда у нофаол кўмакчи қаҳрамон вазифасини ўтаётганини инобатга олсак, масала ойдинлашади. Қоражоннинг нофаол ҳаракати бошланган жойдан, алпнинг, яъни асосий қаҳрамоннинг фаол ҳаракати бошланади. Алпомиш зиндонда ётган дамда уни қутгаргали келган Қоражоннинг ёрдамини рад этишининг асосий сабаби ҳам шу ерда.

Қаҳрамон бирон-бир кўмакчи билан муносабатга киришар экан, сюжет тизимида янгидан янги мотивларни юзага келтиради ёхуд унга ўзгачалик бағишлайди. Алпомиш зиндонда банди бўлиб ётганда унга Қайқубод кўмакка келади. Қайқубод билан боғлиқ лавҳалар достонга юмористик руҳ бағишлайди ва эпик саҳнанинг қизиқарли чиқишини таъминлаган. Лекин Қайқубоднинг энг муҳим «хизмати» сюжет халқасига бошқа бир кўмакчи қаҳрамон – Товка ойимни олиб «кириши»дир. Тасаввур қилайлик, Қайқубод саҳнага Товка ойимни олиб кирмаганда, достон воқеалари бошақача йўсинда ривож топган бўларди.

Сюжет тизимидан Товка ойим боғлиқ мотивлар жой олиши билан, Қайқубоднинг «фаоллиги» сустлашади. Унинг «фаол»лиги акс этган саҳналар орқа планга «чекиниши» билан эса, Товка ойим билан боғлиқ воқеалар юзага қалқиб чиқади ва достон тизимида асосий ўрин эгаллайди. Шу ўринда: «Алпомиш нега Товка ойим қазиган лаҳмдан озодликка чиқиб қўя қолмади. Ахир бунинг иложи бор эди-ку», – деган савол туғилади. Гарчанд, достонда Товка ойим қазиган лаҳм Алпомишга тўғри келмаслиги айтилса-да, гап бу ерда бошқа ерда. Энди эпик қаҳрамон фаоллиги кўмакчи қаҳрамонлар орқали эмас, балки бевосита Алпомиш орқали юзга чиқмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир кўмакчи қаҳрамон фаолияти эпик ижодда ўз вазифасига эга. Улар айри-айри ҳолда, кенг таҳлил этилмоғи лозим. Бундай образларнинг талқини, бадиий асар ва ундаги сюжет ҳамда мотивларнинг мазмунини янада чуқурроқ англашда бизга яқиндан ёрдам беради.

ХАЛҚНИНГ ЎЗИДАЙ ҚАДИМ ВА УЛУҒ АЙЁМ

Ҳар бир халқнинг ўзига хос шундай қадрият ва анъаналари бўладики, у миллатнинг борлигини, улуғлигини намоён этиб туради. Миллат билан бирга яшайди, бирга улғаяди, тараққий топади. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз ҳам қадимий бўлиши билан бирга, ҳар йили биз билан бирга янгиланиб, янгланиб бораётган улуғ ва навқирон бир байрамдир.

Ҳақиқатан ҳам Наврўз бизнинг ўзлигимизни, олис тарихдан то бугунга қадар қандай халқ эканлигимизни ўзида намоён этиб, халқимиз билан бирга яшаб, яшариб, бирга улуғланиб келинаётган байрамларимиздан биридир.

Тарихий манбаларда, жумладан Маҳмуд Кошғарий, Беруний, Умар Ҳайём, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг асарларида ва бошқа манбаларда Наврўз байрами, у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган асарида ҳам бу байрамга катта ўрин ажратади. Унинг келиб чиқиши, тарихи ҳақида фикр юритади. Алишер Навоий бу байрам ҳақида гапирар экан, «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» дейди.

Қайси бир даврни олиб қарамайлик, бу Қошғарий асрими ёхуд Амир Темур замони, Наврўз катта майдонларда, сайлгоҳларда зўр тантана билан нишонланганининг гувоҳи бўламиз. Фақат шўролар давридагина бу байрам қувғинга учради, миллат ҳаёти ва хотирасидан буткул ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Мустақилликдан сўнггина бу байрам ҳаётда яна ўз ўрнини топди, янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Чинакамига халқ сайли шодёнасининг тантанасига айланди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Шу маънода, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз»[120].

Наврўз аслида янги кун, янги фасл, янги йил демак. Халқимиз орасида уни йилбоши ҳам деб аташади. Наврўзни биз қайси ном билан атамайлик, у ҳақиқатан ҳам миллатнинг улуғ куни, тозариш, яшариш, янгиланиш, юксалиш байрами бўлиб қолаверади.

Наврўз шунчаки, бир байрам эмас. У миллатнинг тарихи, фалсафаси, бадийяти ва санъати, маданияти, мифологик, диний ва дунёвий дунёқарашини, илмий тафаккур тарзини ўзида мужассам этган қомусий бир айёмдир.

Наврўз кун билан тун тенг келган кундир. Қадимда йил тақвими, яъни фасллар алмашинуви, унинг қутбларини билиш кишилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз қуёш, ой, юлдуз каби осмон ёритқичлари ҳаракатини кузатиб улар ҳақида мукаммал билимга эга бўлганлар. Бу

[120] Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 253.

уларнинг кундалик, хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маданий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Аслида Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва қўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топгандир.

Бизнинг уч ўлчамли дунёмизда вақтни сония, соат, кун, ҳафта, ой, йил, аср, эраларга ажратиб белгилаш урф бўлган. Бу шунчалик ўз-ўзидан туғилиб, таомилга кирган эмас. Инсоният кўк ва ерда вақтнинг маълум бир босқич, ҳалқаларда узлуксиз айланиб қайтишини кузатиб, ана шу ўлчамларни белгилаган. Тўплаган билим ва тажрибаларини бизга мерос қолдирган. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврларда аждодлар табиат ва жамият ҳақидаги билимларини оғзаки ижоднинг қуйма шаклларида авлодларга етказишган.

Наврўз байрами билан боғлиқ маросим, урф-одатлар халқимизнинг бутун бир йил даврлари, ҳалқалари ҳақидаги яхлит тизимида туради. Ушбу «катта йил» тизимини аниқ тасаввур қилмай туриб, Наврўз маросимларини бутунлигича англаш қийин.

Дунёнинг барча халқларида йилни фаслларга, мавсумларга бўлишнинг ўзига хос тартиби бор. Аввало, кўпчилик халқлар ўртасида икки тартибдаги тақвим амал қилади, бири – қуёш тақвими, иккинчиси ой тақвими (бизда улар арабча шамсий (شمسی), қамарий (قمری) деб ҳам юритилади). Халқимиз ўртасида қадим-қадимдан мана шу иккита тақвим амалиётда кенг қўлланилган. Бу ҳолатнинг туб асослари нима билан боғлиқ, деган савол туғилади. Қамарий тақвим қуёш билан ер муносабатига боғлиқ. Фаслларнинг алмашиниб туриши, кундуз ва кечанинг тенг келиши, узун тун ва кун ўлчамлари қамарий тақвим учун мезон саналади.

Халқимизнинг кўҳна тасаввурларига кўра, қиш (куз-қиш) ва ёз (кўклам-ёз)ни бир-бирига посонги, доимий ўрин алмашиниб турувчи қутблар сифатида қаралган. Ҳар бир томоннинг ички бўлинмалари, кириш-чиқиш муддатлари аниқ белгиланган.

* * *

Ойнинг тўлишиб, ботиши ва маълум бир юлдузлар билан ўзаро муносабатига қараб қамарий тақвим тузилган. Бизда Ой тақвими ўлчанадиган юлдуз туркумининг Ой билан ўзаро муносабати инобатга олинган. Биттаси қишда чиқадиган Ҳулкар юлдузи туркуми, иккинчиси ёзги Қамбар юлдуз туркуми билан боғлиқ. Айтадиларки, Қамбар билан Ҳулкар ер атрофида шундай айланадики, бири иккинчисини ҳеч қачон кўрмайди. Шунинг учун ҳам Ҳулкарнинг чиқиши қишни, Қамбарнинг чиқиши ёзни ифодалайди. Йил давомида ой билан Қамбар муносабати қамбар-тўғал тақвимига, Ҳулкар билан ойнинг муносабати ҳулкар-тўғал тақвимига асос бўлади. Ой ва ушбу юлдуз туркуми муносабати қандай келишига қараб, чорвадорлар, деҳқонлар ўзларининг мавсумий юмушларини режалаштириб, қачон экин экиши керак ёки чорва тўли (қўзилаш мавсуми) қачон олиниши лозим ёки қайси вақтда чорвани яйловга чиқарган маъқул, ҳосилни йиғиб олиш муддати қайси вақтда амалга оширгани ўринли, деган долзарб масалаларни мана шу табиатдаги ишораларга қараб белгилашган.

Ҳулкар ва Қамбар билан боғлиқ туркум нақл, афсоналарнинг баъзи намуналари бизгача етиб келган. Айтадиларки, бир пайтлар Ҳулкар билан Қамбар бир-бирларини яхши кўрган экан. Ҳулкар – қиз, Қамбар – йигит экан. Уларнинг ўртасига Етти қароқчи (юлдуз) тушиб, Ҳулкарнинг бир юлдузини ўғирлаб олиб, Қамбар билан Ҳулкарнинг орасига совуқлик солибди. Булар ажралиб, юз кўрмас бўлиб кетишибди. То қиёматгача Ҳулкар билан Қамбар бир-бирларини кўрмас эканлар. Етти қароқчиларнинг ёнида турадиган юлдузча ўша Ҳулкардан ўғирлаб олган юлдуз дейилади. Охир қиёматда, яъни космик тартиб издан чиқиб, борлиқ хаосга эврилиб, самодаги тартибот бузилиб, улкан олам миқёсида ҳалокат юз берганда, Ҳулкар билан Қамбар бир-бири билан кўришади. Шунда кўкдан икки тарози юлдузлари – пой тарози, қўл тарози ерга тушиб, одамларнинг гуноҳ-савоблари ўлчаниб, ҳақ, ноҳақ ажрим бўлади, дейишади. Бу ой тақвими билан боғлиқ тимсолий нақл. Бундай олиб қаралганда, Ҳулкар ва Қамбар юлдуз туркумларининг самода жойлашуви, ҳаракат тартиби мавсумий алмашинувлар, табиатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ билимлар, тажриба, кузатишлар ҳосиласининг образ ва тимсоллардаги ифодасидир. Янада аниқроқ айтилса, бу хилдаги нақл ва афсоналар замирида қадим аждодларимизнинг ибтидо ва интиҳо, бугун ва эрта, фасл ҳамда мавсум билан боғлиқ тасаввурлар тизими, тажриба, билимлари акс этган. Яна ривоят қиладиларки, Ҳулкар юлдузи ернинг остига кириб кетганидан кейин, у жойда қанча кун турса, ҳайвонларга шунчалик яхши бўлар экан. Ана шундай кунларнинг бирида туя, от, сигир, эшак, қўй, эчки ўзаро келишиб, Ҳулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан Ҳулкар чиқадиган ерни беркитиб пойлаб турадиган бўлишибди. Эчкига пойлоқчилик етганида, унинг тоқати тоқ бўлиб, бу қачон чиқади, бир ўтлаб келай деб, ўйинга берилиб, Ҳулкарни унутибди. Бир пайт келиб қараса, Ҳулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келаётганмиш. Эчки шошиб туёғини туйнукка босибди. Ҳулкар унинг туёқларини тешиб осмонга учиб кетган экан. Агар эчки вақтида олдини олганида, Ҳулкар ер остида қолиб, ҳамиша ёз бўлар экан.

Нима учун эчки? Нақлда от, туя ёки бошқа ҳайвон эмас, нега айнан эчки Ҳулкарни қўйиб юборди? Аслини олганда, эчки ёки улоқ бизда кўклам тимсоли ҳисобланади. Халқнинг тасаввурлар тизимида турувчи маросимлар, жумладан, фольклорда ҳам ҳар бир нарсанинг ўз тимсоли бор. Масалан, кўкламнинг зооморфик тимсоли сифатида эчки олинган. Қишнинг зооморфик тимсоли эса бўри ҳисобланади. Маросим ва фольклорда иккаласи бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Маросим ва маросимий ўйинларда ҳар иккисининг ҳам ўз ўрни бор. Масалан, эчкини олиб қарайлик. Эчки қайси мавсумий маросимда муҳим деталь сифатида келган? Эчки образи фақат биздагина эмас, дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд. Эчкини қадимги римликлар, герман халқлари ҳам кўклам келганда қурбонлик қилиб, олма гулининг шохи билан биргаликда кўклам маросимининг асосий тимсоли сифатида алоҳида эъзозлашган. Қадимги римликларнинг Оғоч Диана шарофатига ўтказилган байрам(маросим)ида ҳам шундай. Бизда ҳам қадим-қадимда эчки кўклам тимсоли сифатида қаралиб, кўклам маросимида ёш

улоқни қурбонлик қилиш урф бўлган. Худди Оғоч Дианадек, бизда кўкламнинг аёл тимсоли сифатида Ал деган образ бор эди. Бу тасаввур изларини халқ қўшиқларида ҳам учратамиз. Болалар кўкка булут чиқиб, ёмғир ёғиши пайсалга солган вақтлари айтадиган кўшиқ бўлган. Қўшиқнинг ҳозирги ҳолати маросимдан бутунлай узилиб, худди етимга ўхшаб қолган:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ,
Бойнинг қизининг
Қорни юмалоқ…

Ёмғир ёғалоқ дегани – ёмғир ёғмоқчи эди. Эчки чақалоқ дегани – ҳали эрта кўклам, эрта кўклам бўлгани билан ёмғир негадир кечикяпти, бойнинг қизи – ҳайдалган ер эса бўлажак ҳосилга ҳомиладор. Уруғ тушган ердан майса униб чиқиши учун ёмғир керак, деб куйлашмоқда. Бу қўшиқ кечикаётган ёмғирни чақириш учун айтилмоқда.

Энди бу эчкининг муқобилидаги қиш тимсоли нима бўлган?

Қишнинг тимсоли бўри деб айтиб ўтдик. Бизда кўпкари деган ўйин бор. Мана шу ўйинда бўрилар – кўпкаритоз йигитлар улоқни тортишади. К. С. Толстов туркманларнинг «кўк бўри» маросимий ўйини билан кўпкарини бир тизимда баҳолайди. Қозоқларда «қизқувди» деган ўйин ҳам моҳиятан «кўк бўри»ига уйғун келади. «Кўк бўри» билан «қизқувди» ўйинининг илдизи битта бўлган. Яъни қиз йигитга турмушга чиқмоқчи бўлса, улоқни опичлаб отда қочган. Йигит унинг изидан қувлаб бориб, улоқни тортиб олиши шарт бўлган. Ўшанда қиз йигитга турмушга чиққан. Халқ дунёқарашига кўра, табиатдаги қутблар – кун-тун, ўнг-чап, совуқ-иссиқ, ёз-қиш, йигит(эр)-қиз(аёл), яхши-ёмон, эзгулик-ёвузликнинг ўзаро кураши ва бирлиги ҳаётнинг давомийлигини таъминлаган. Қиш ва кўклам(яъни ёз)нинг ўзаро курашини акс эттирган кўпкари маросимий ўйинида бир қутб иккинчисининг устидан маълум муддат ғолиб чиқиб, ўзининг ҳукмини юритишни ифодалаган. Маросимда улоқнинг бўрилар ўртасида талош бўлиши, қишнинг тантанасини ёки қиш келганини, энди улоқ даври ўтиб, бўрининг даври етди, деган маънони ифодалайди. Лекин бу ҳодиса ҳозирга келиб халқ ўйинига айланиб кетган. Халқнинг қадим дунёқарашининг излари, илдизлари, куртаклари қўшиқ, халқ ўйинлари ичида маълум маънода сақланиб турибди. Энг қизиқ ва кишини жалб этадиган томони шундаки, гўё улар бир-биридан узоқ, ўзаро яқин келмайдигандек айтимлар, қўшиқлар, халқ ўйинлари илдизига, моҳиятига назар ташласангиз, улар халқимизнинг кўҳна мифологик дунёқарашларининг ирмоқлари эканлигини англатади. Тафаккур нури билан ушбу ўзан изидан босангиз, кўҳна тасаввурлар тикланиб, бизнинг халқимиз ҳам оламни, одамни англашда, тушунишда дунё тамаддунлари бешигини тебратган халқ эканлигини англаймиз. Фақат биз ана шу изларни оламга бор бўй-басти билан кўрсата олишимиз керак.

Юқорида келтирган Ҳулкар ва Қамбар юлдузлар туркуми улоқ ва бўри, Ал образи ҳақидаги тизим бугун дунё фанида ўлиб-тирилувчи табиат ҳақидаги қадим мифологик таълимотнинг ўзбекона талқинлари ҳисобланади. Бизнинг халқимиз ҳам дунёнинг бошқа халқлари қаторида табиатни ўлиб-

тирилиб турувчи жонли мавжудлик деб қабул қилган. Қишда кўклам, ёзда эса, аксинча, қиш ухлайди деб англаган. Бу ҳодисани эса коинот ва юлдузларга боғлаб англанган. Яъни қишда Қамбар, ёзда эса Ҳулкар ернинг остига кириб кетади. Қиш келаётган пайтда ер тагидан Ҳулкар ўсиб чиқади деб тимсоллар билан тушунтиришган. Нимадан? Қандай ўсиб чиқади? деган саволга, образли тафаккур талқинида эчкининг туёғидан, деган жавоб бўлган.

* * *

Баҳорнинг, кўкламнинг ўсимлик тимсоли сифатида бойчечак олинган. Қадимда, айнан мана шу тасаввурларнинг барчасини бирлаштириб турадиган «Бойчечак» деган маросим ҳам бўлган. Баъзи бир қўшиқлар, маросимларнинг илдизлари (рудиментлари) ҳозирги кунларда ҳам деярли барча вилоятларда, баъзиларида маросим шаклида, баъзиларида эса фақат қўшиқ шаклида сақланиб қолган.

«Бойчечак» ҳақидаги дастлабки маълумотни улуғ шоир Абдулҳамид Чўлпон ижодида учратамиз. Унинг 1925 йилда Андижонда ёзилган бир шеъри «Бойчечак» деб номланади:

Бойчечакнинг боласи,
Очди юзини,
Сувга чиққан холаси
Кўрди қизини!

Бойчечакнинг боласи
Етимча бир қиз.
Унинг угай онаси
Жуда ёмон тез!

Бойчечакнинг боласи
Юлиб олинди.
Юртнинг қўзи оласи
Жуда севинди!

Бойчечакнинг боласи
Ҳар уйда кулди.
Гўдакларнинг халтаси
Нон билан тўлди![121]

Мазкур шеър бир қараганда анчайин жўн ва тушуниксиздек туюлади. Лекин бу фақат юзаки қараганда шундай. Шеърнинг охирги тўртлигида шоир Чўлпон ўзи гувоҳ бўлган «Бойчечак» маросими ҳақида хабар бермоқда. Бу маросим бугунги кунда деярли унутилиш даражасига келган. Фақат Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларидаги болалар фольклорида қолдиқ ҳолатда сақланиб қолганлиги бу маросим узвларни тўлиқроқ тасаввур этиш имкониятини беради.

[121] Чўлпон. Уч жилдлик. I жилд. – Тошкент. 1994. – Б. 81–82.

Ўзбекистоннинг Наманган вилоятидан ёзиб олинган маълумотда келтирилишича, бойчечак дастлаб чиққанда болалар қир-адирларга уни тергани чиқишган. Сўнг жўрабоши бошчилигида терилган бойчечакларни кўтариб хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир хонадон дарвозасига келганда:

Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Қучқордай ўғил берсин бешигингизга, –

дея бойчечак қўшиғини айтишган. Қолган болалар эса унга жўр бўлганлар:

Бота, бота бойчечак,
Уйингизга чоч тилло.
Илойим, ўғил берсин,
Отгинаси Раҳматулла.

Уй эгаси уларга пешвоз чиқаётганда эса:

Ўтириб чиқинг,
Ўтириб чиқинг,
Ёғоч товоқни тўлдириб чиқинг, –

дея бойчечак қўшиғининг давомини куйлашган. Уй эгаси болалар келтирган бойчечакни кўриб, кўкламга етказганига шукр келтирган, уни олиб кўзларига суртган. Бойчечак айтиб келган болаларга эса кўнглидан чиқарган ҳадяларини берган. Агар уй эгаси болаларни қуруқ қолдирса, болалар уни ҳазил сўзлар билан масхара қилишиб, кейинги хонадонга ўтиб кетишган. Болалар бойчечак қўшиғини айтиб, уйма-уй юришиб чиқишгач, йиғилган ҳадяларни жўрабоши ҳамма болаларга теппа-тенг бўлиб чиққан. Бу бойчечак маросими билан боғлиқ биргина саҳна. Бундан шу нарса англашиладики, Бойчечак маросими Чўлпон яшаган замон – XX асрнинг бошларида ҳам кўпчиликка маълум бўлган.

Бойчечак маросими таҳлили шуни кўрсатадики, қадимда бу маросим қиш ва кўкламнинг курашини ифодалаган. Тилшунос аллома Маҳмуд Қошғарийнинг қиш ва кўклам мунозараси ҳақидаги сатрларини эслайлик:

Қиш ёз билан тўқнашди,
Қаҳрга тўлиб қарашди.
Кураш учун яқинлашди,
Енгаман деб олишар.

Бу сатрлар биринчидан қиш ва кўклам кураши ҳақидаги тасаввурлар акс этган қадимий қўшиқлар Кошғарий замонида мавжуд эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан у Бойчечак маросим қўшиғига уйғун эканлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Қиш узоқ чўзилиб, кўклам келиши интиқлик билан кутилганда Бойчечак маросими ўтказилган. Бу маросим улус ҳаётида муҳим саналган ва унга махсус тайёргарлик кўрилган. Маросимда сўз компонентининг нисбатан тугал ҳолатда сақланиб қолганлиги шундан дарак беради. Даставвал катталар ижросида ўтказилган бу маросим кейинчалик болалар фольклори кўринишини олган. Зеро, унутилган кўпгина маросимларнинг излари айнан болалар фольклори таркибида сақланиб қолади.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,

Айронингдан бермасанг,
Қозон товоғинг вайронди.
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечак қўшиғини куйлаётган болакайлар бойчечакнинг қиш қўнжидан қандай қийинчилик билан чиққанини ҳикоя қилишмоқда. Яъни бойчечакни ер тагида ушлаб турган куч қиш эди. Қиш ҳукмдор пайти ҳаммаёқ қозон тўла айрондек қор билан қопланган эди. Бойчечаклар ниш уриб, кўклам келадиган вақт яқинлашди. Айрон – қорлар ерга сингиб, бойчечаклар юмалаб бош кўтарди.

Бойчечагим бойирон,
Гуллар ичра айирон[122].
Айронингдан ичмайман,
Баҳоримдан кечмайман.

Ижрочининг қишга ва кўкламга муносабати аниқ. У қишни ҳайдаб, кўкламга интилмоқда. Кўклам ҳукмга киргач, энди чиққан бойчечаклар толларнинг шохлари, бутоқларига осилиб, бойчечак қўғирчоғи ясалиб, қурбонлик маросимига шайланади:

Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар.[123]

Бойчечак тутган болалар уйма-уй юриб, хонадонлардан қишни ҳайдаганлар. Маросим қанчалик тантанали ўтса, унда куйланган кўкламни улуғловчи қўшиқлар қанчалик баланд куйланса, қиш шунчалик тез хонадонларни тарк этган. Кўклам чечаги Бойчечак эса хонадонларга шод-хуррамлик, бахт ва омад, тўкинлик ва барака олиб келади деб тасаввур қилинган. Хонадон эгалари бойчечак келтирган болаларга қишни қувиб ҳайдаб, уйига кўкламни олиб келгани учун совға салом улашмоқда. Бойчечакни кўриб қувониш, уни кўзига суртиш кўклам-бойчечакнинг ғалабасини, қиш тугаб, баҳор бошланганини англатган.

Маросим сўнггида қишнинг кўклам элчиси – Бойчечак томонидан тўлиқ мағлуб этилиши махсус тантана қилинган. Болаларнинг йиғилган ҳадяларни бир жойга тўплаб, ҳаммага тенг улашиб, биргаликда байрам қилиши, бугунги кунгача ҳам сақланиб қолган, Наврўзнинг қозон тўлди маросимини ёдга солади.

Маълумки табиатни жонлантириб тасаввур қилиш, бутун борлиқ қиш пайти ўлиб, кўклам келгач қайта тирилади деб тушуниш айни жараён қиш ва ёзнинг аёвсиз курашида ўтади деб талқин этиш дунёнинг барча халқлари тажрибасида учрайди. Шу асосида кўпчилик халқлар қиш ва кўклам курашини махсус театрлаштирилган ҳолда тасвир этувчи магик мазмунли

[122] Айирон – айрича, ўзгача маъносида.
[123] Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1984. – Б. 103–104.

маросимлар уюштиришган. Келаётган кўкламнинг бу курашда қишни енгиши табиатга таъсир қилади, деб англанган.

Ж. Фрэзер ўзининг «Олтин бутоқ» китобида айнан Ўзбекистондаги бойчечак маросимига ўхшаш маросимни эслатувчи европаликларнинг «биринчи май» одатини келтирган.[124] Фрэзернинг таъкидлашича, майнинг илк куни ёш қизлар майни улуғловчи қўшиқлар айтиб, уйма-уй юришган. Ҳар бир хонадон соҳиби уларга пул ёки бирор егулик нарса улашган.

Республикамизнинг жанубий вилоятларидан ёзиб олинган бошқа маълумотлар эса, Чўлпоннинг «Бойчечак» шеърига янада ойдинлик киритади. Яъни, бойчечак тергани чиққан болалар дастлабки, биринчи бойчечакни кўрганда уни оёғи билан босиб, топтаб ташлаганларидан сўнггина, бошқа бойчечакларни аввайлаб теришга тушганлар. Бошқа бир маълумотда эса дастлабки бойчечак юлиб олиниб, дарёга отилган.

Бу ўринда ҳар икки ҳолатда ҳам Бойчечак муқаддас саналиб, ҳам «қурбонлик» қилинмоқда.

Бойчечак маросимининг қандай ўтганлигини тасаввур этиш учун уни ўзимизда мавжуд бошқа мавсумий маросимлар билан қиёслаб ўрганиш зарур бўлади. Чунки кўпчилик мавсумий маросимларнинг мазмун моҳияти, ўтказилиш тартиби, унда ифода этиган символлар бир-бирига деярли уйғун келади. Бунга асосий сабаб табиатга магик муносабат, унинг ходисаларини жонли деб тасаввур қилиш ҳамда мавсумий маросимлар асосан икки фасл – қиш ва кўклам ҳақидаги қарашлардан келиб чиқади.

Ёмғир чақириш маросимининг юксак намунаси бўлган «Суст хотин» маросимини олиб кўрайлик. Бу маросим ҳам асосан баҳорда ўтказилган. Қадимда баҳор ойлари ёмғир ёғмай, йил қурғоқчил келса, «Сут хотин», «Сув хотун», «Суст хотун» каби номлар билан аталувчи ёмғир чақириш маросими ўтказилган.

Бу маросим «Бойчечак»нинг акси – қўрғоқчилик пайтида ёмғир чақиришга қаратилган бўлса-да, унинг қатор жиҳатлари: баҳор фаслида ўтказилиши, уйма-уй юриб, ҳадя йиғиш, қўғирчоқнинг сувга ташланишини ва маросим тантана билан якун топиши бойчечак маросимига яқин тўради.

Тахминимизча, ҳар икки маросимнинг юзага келишига қиш-баҳор(ёхуд ёз) ҳақидаги анимистик тасаввурлар асос бўлган. Бу ўринда Бойчечак маросими қадимийроқ бўлиб, у кейинчалик бошқа маросимларнинг ҳам келиб чиқишига ёхуд, унинг мазмун моҳиятига маълум даражада ўз таъсирини ўтказган.

Бундай таъсир айниқса яна бошқа бир маросим – рамазон қўшиқларида яққолроқ намоён бўлади. Бойчечак қўшиғидаги:

Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Қўчқордай ўғил берсин бешигингизга, –

деган бошлама Рамазон қўшиқларини ёдимизга солади: Рамазон қўшиғида ҳам:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,

[124] *Фрэзер Дж.* Золотая ветвь. – Москва, 1986. – С. 331.

Худойим ўғил берсин бешигингизга, –

деган бошлама мавжуд. Бу ҳолатда ҳам болалар кечқурун уйма-уй юришиб, рамазон қўшиғини ижро этишади. Ҳар бир хонадон эгаси уларга ҳадя улашади. Сўнгра эса йиғилган нарсалар ижрочиларга тенг тақсимланади.

Бугунги шароитда рамазон қўшиқлари ва ундаги оҳанг ислом ақидалари, рамазон ойи ва унда тутилувчи рўза билан боғлиқ бўлса-да, ушбу фольклор жанрининг пайдо бўлиши ислом дини кириб келишдан аввалроқ анъаналашганлигини кўрамиз. Бойчечак маросимининг ўтиш тартиби, унда айтилувчи бойчечак қўшиғи рамазон қўшиқларига оҳанг ва шакл жиҳатидан уйғун эканлиги, бугунги кунда ҳам ҳуйланувчи рамазон қўшиқлари орасида бойчечак маросими излари сақланиб қолганлиги бу фикрни тасдиқлайди:

Ё райбан, ё райбан, ё рамазон,
Садақа деб юрдик кечдан азон.
Қашшоқ бўб қақшаганлар донга тўлинг,
Бойчечакдай очилиб гулли бўлинг.
Келаси ойу йиллар биз келганга,
Қуш кокили қўшилган улли бўлинг![125]

Ушбу олқишда «Бойчечакдай очилиб гулли бўлинг» тилагининг сақланиб қолганлиги шунчаки тасодифий ҳол эмас. Одатда рўза ойи ҳар йили ўн кунда сурилиб турли даврларда айланиб ўтади. Бойчечак эса фақат эрта кўклам гуллайди. Бундан шундай хулоса чиқадики, даврлар ўтиши билан Бойчечак маросими тартиби ва қўшиқлари рамазон қўшиқларига эврилди. Нисбатан олганда Бойчечак маросими унутилиш даражасига келди. Шундай бўлишига қарамай ҳар икки маросим ҳам бир қатор жойларда ёнма-ён яшаб келмоқда.

Хўш, қадимда бойчечак маросими қандай ўтган?

Қадимда маросим шундай кечган: яъни, ҳар битта қишлоқ ёки шаҳарларда маҳаллалар иккига бўлинган. Бир томон кўкламни, иккинчи тараф эса қишни ифодалаган. Уларнинг орасидан йигитлар ёки қизлар ажратилган. Кўклам томон ўзларини кўклам каби гуллар билан безатган. Қиш томон эса пўстинларини тескари кийиб, худди бўри шаклида кийинган, юзларига ниқоблар тақишган. Кўклам томон хонадонма-хонадон бойчечак қўшиғини айтиб, уйлардан қишни қувиб чиқишган. Гўёки бу шаҳар, қишлоқ ёки маҳалладан бойчечак қиш – бўрини ҳайдаб қувган. Бу жараён осонликча кечмаган. Хонадон, маҳалла, қишлоқ, шаҳардаги ҳар бир қадим ерда қиш билан ёз ўртасида муросасиз кураш кетган. Қиш чекинмаслик учун қаршилик кўрсатган. Ёз томон эса хонадон эгалари ёрдамида барибир устун келган. Хонадон соҳиблари, қишни қувлаб чиқаргани учун бойчечакчиларни тақдирлаб тортиқлар беришган. Айни пайтда бу тортиқ келаси йил учун уруғдай қабул қилинган. Тортиқ қийматига кўра, бу йилги кўкламдан шунчалик кузги даромад кутилган. Маросим якунидаги оммавий шодиёнада,

[125] ЎзФА Ўзбек тили, адабиёт ва фольклори институти архиви. Инв. №10407. Айтувчи Қашқадарё Деҳқонобод тумани Кормана қишлоғидан Ҳусан Поёнов. Ёзиб олувчи Эшназар Раҳматов.

яъни қишнинг кўкламдан енгилиб, мағлуб этилгани рақс, қўшиқлар воситасида кўрсатилган. Бу қўшиқлар эндиликда маросим тизимидан буткул узилган ҳолда, лирик қўшиқ сифатида айтилади. Қадимда эса:

Қиш бир томон, кўклам эса иккинчи тарафда юзма-юз туриб, айтишув бошланган. Масалан,

Қиш:

– Қошингни қаро, дейдилар,
Қорақош укам, ёр-ёр,
Кўрсат қошингни, мен бир кўрай,
Доно укам, эй ёр-ёр.

Кўклам:

– Қошимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр,
Қалдирғочнинг қанотини
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр.

Бундай олиб қаралса, қиш сўроғига, кўклам ўзининг кимлигини тимсол белгиларда айтмоқда. Қалдирғоч келди, тол попуклар, чучмомалар чиққани, ер кўкарди, попук бўлди, энди сен кет, менинг даврим етганидан дарак, демоқда. Ушбу айтишув рақси ҳам маросим моҳиятини ифодалайди. Айни лапарнинг ўзига хос версияси Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида «Ашшадарози ўйини» шаклида бугунги кунгача сақланиб қолган. Бу маросим кўклам келганда сумалак пишириш маросими билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. «Ашшадарози» ёғоч оёқли, чиройли қилиб кийинтирилган аёл қўғирчоқ. Ёғоч қозиқ-оёқлар устига чиқиб, кийимлар ичига яшириниб олган ижрочи уни ҳаракатга келтириб сайлга-майдонга олиб кирган. Унинг рақиби эса бўйи нисбатан пастроқ бўлиб, эркак қиёфасида бўлган. Иккаласи майдонда туриб ўзаро айтишув-мунозора қилганлар.

Эркак:

Ашшадарози меварам,
Вақти намози беварам.
Бошингни кўрсат менга,
Рўмоллар олай санга,
Ман кетаман шаҳри Қўқон,
Мандан нишон қолсин санга.

Ашшадрози қиз:

Бошимни кўрсатмиман,
Рўмоллар олмиманам,
Маломатга қолмиманам,
Гетсанг бошим садоғаси.

Шу тахлит йигит қизни бошдан оёқ таъриф қилиб чиқади.

Айтишув якунида эса аёл қиёфасидаги қўғирчоқ ғолиб бўлган. Бу ўйиннинг айнан кўкламда, сумалак билан боғлиқ ҳолда уюштирилиши унинг қадимий эканлигидан далолат беради. Кўпгина тадқиқотчилар бу ўйинни Сиёвуш номи билан боғлашга ҳаракат қилишади. Аслида бу маросимнинг илдизлари бундан ҳам қадимийроқдир.

Ушбу маросимда қиз қиёфасидаги бўйи баланд аёл қўғирчоқ – Баҳорнинг тимсоли, эркак қиёфасидаги қўғирчоқ эса қишнинг тимсоли бўлиб, мунозара-тортишиув қиш ва ёз курашининг рамзий ифодасидир.

«Бойчечак» маросимида эса «Қиш» – эркак айтган «Қошингни қора...» лапаридан кейин Кўкламой ва унинг тарафдорлари биргаликда «Кичкинажон» қўшиғини куйлаган. «Қиш» эса рақсга тушган.

Кичкинажон, кичкина,
Туядан ҳам кичкина…

Навбат билан қиёс этилувчи образ кичиклашиб, тариққа навбат етган.

…«Кичкинажон, кичкина,
Тариқданам кичкина».

Қиш гўёки тариқдан ҳам кичкина бўлиб, уруққа айланади ва бу қиш уруғи ернинг тагига кириб кетади, дегани маъно англашилган. «Қиш» тимсолини ифодалаётганлар бу ҳолатни рақсда кўрсатиб беришган. Ҳаммаси яхлит тизим. Кўряпмизки, барчаси тимсол ва образ воситасида кўрсатилмоқда. Маросим якунида қиш ўрнини кўклам олганлиги катта тантана қилинган. Бу маросим ўтказиладиган вақт кун ва туннинг тенг келиши – Наврўзга тўғри келган.

* * *

Наврўз ҳақида оғзаки маълумотлардан ташқари ёзма манбалар ҳам бор. Булардан бири – Хитой манбаларидир.

Хитойлик савдогар ва сайёҳлар Самарқанд ва Фарғонада ўтган Наврўз, умуман Янги йилнинг кутиб олиниши ҳақида қизиқ таассуротларларни ёзиб қолдиришган. Уларнинг бирида айтиладики, Фарғонанинг одамлари қизиқ экан, улар Наврўзда иккига бўлиниб бир-бирлари билан уришар экан, – дейди. Сиртдан қараганда, бу урушувдек кўринган ҳолат аслида биз юқорида кўриб чиққан халқнинг кўклам билан қиш тимсолидаги маросимий курашидир. Хитойлик сайёҳ маросимни кузатиб, моҳиятини тўлиқ англамай, шундай фикрга борган. Яна бир ўринда Фарғона халқининг Наврўз маросимида турли ҳайвонларни уриштириб, фол кўришликлари айтилган. Бизда ҳозир ҳам Наврўз тантаналарида қўчқор, хўроз уриштиришлар бор. Аслида бу томошалар оддийгина кўнгилхушлик эмас. Қадимда томошабинлар уриштираётган ҳайвонларнинг бирини қиш, бошқасини ёз, деб олиб, уларнинг ҳолатидан йилнинг қандай келишини англашга интилганлар.

Самарқандда ўтган Наврўз байрами ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар ўқишимиз мумкин. Маълум бўлишича, Наврўз куни улар подшо сайлашган. Олтин қобиқ деган жанговор ўйин бўлган. Баланд ёғоч устунга олтин тангани қўйиб, ёйда отишган. Одатда, ушбу мусобақа ғолибини Наврўз подшоси қилиб сайлашган. Кейин улар даладан етти кун подшонинг ҳалок бўлган ўғлининг суякларини қидиришган, уни еттинчи кун топиб олиб келиб, қайтадан байрам қилишган, деган маълумот келади. Хўш, подшонинг ҳалок бўлган ўғли ким? Аслида, ҳалок бўлган бу шаҳзода кўклам ҳисобланади.

Сиртдан узуқ-юлуқ ҳолатда айтилган маълумотлар бир тизимга олиб келиб қаралса, тасаввур ойдинлашади.

Қадим Мисрда қуёш – Ра ва унинг ўғли Гор ҳақида миф бўлган. Бизда эса «Гўрўғли» достони мавжуд. Гўрўғли ер остида туғилиб, ўз вазифасини адо этгач, яна қайтиб ғорга кириб кетади. «Гўрўғли» эпоси ўзагини айнан ўлиб тирилувчи табиат ва қуёш, ой туркуми мифлари ташкил этади. Бир сўз билан айтилса, Гўрўғли образи ҳам билвосита Наврўзга алоқадор. Кўриб турибмизки, Наврўз халқимизнинг қон ёдига сингган байрам ҳисобланади. Хотиранинг қон ёдига кўчишига минг-минг йиллар керак. Бу эса ўз-ўзидан Наврўзнинг энг кўҳна байрамлардан бири эканлигини яна бир бор исбот этади.

* * *

Наврўз байрами қадимда анъанага кўра тозариш, покланиш, янгиланиш удумидан бошланган. Йилнинг охирги чоршанбасида кўчаларда, маҳалла куйларда улкан оловлар ёқилган. Ўтганларнинг руҳига бағишлаб ис чиқарилган. Одамлар ўрталаридаги гина-қудратларни унутганлар, бир-бирларига меҳр-мурувватли бўлишиб, яхши тилаклар билдиришган, гуллар ҳадя этишган, бева-бечораларнинг, беморларнинг ҳолидан хабар олишган, қабристонлар зиёрат қилиниб, ўтганлар руҳи шод қилинган, ҳашар уюштирилиб уй-маҳалла, юрт обод қилинган, боғларга-далаларга гуллар-кўчатлар экилган.

Бобо деҳқоннинг илк бор далага қўш чиқариши ҳам Наврўздан бошланган. Далага қўш чиқаришдан олдин у билан боғлиқ турли урф-одат, маросимлар ўтказилган. Қурбонликлар қилиниб, қўшга қўшиладиган ҳўкизларнинг шохи ёғланган. Бу «шох мойлар» маросимидан мақсад йилнинг қут-баракали келишига, тўкин-сочинлик бўлишига умид қилинган.

Қадимда Наврўз арафасида аждодларимиз етти хил экиннинг уруғини экканлар ва унинг ўниб чиқишига қараб йилнинг қандай келишини башорат қилган. Наврўз куни етти хил таом тайёрланган. Булар кўк сомса, кўк чучвара, ҳалим, кўк ош, дўлма, сумалак ва ҳакозолар. Етти рақамига урғу берилишининг ўз асоси бор. Чунки қадимда етти рақами муқаддас рақам ҳисобланган.

Сумалак, бойчечак, лола, гул сайллари ҳам Наврўз байрами тизимини ташкил этган. Наврўз куни одамлар кўм-кўк қирларга, адирларга тоғларга сайлга чиққанлар, табиат билан юзлашганлар, унинг гўзаллигидан, бетакрорлигидан баҳраманд бўлганлар.

Сумалак – баҳорнинг шифобахш, тансиқ ва шоҳ таоми ҳисобланади. Сумалакни, асосан аёллар тайёрлаб, қозон атрофида суҳбатлар қурганлар, чилдирма чалиб уйин-кулгу, ҳазил мутойиба қилганлар, ўз сўзлари, куй-қўшиқлари билан баҳорни – янги йилни алқаганлар. Сумалак тайёр бўлгач, уни тайёрлаганлар барчани сумалакхўрликка – сумалак сайлига таклиф этишган.

Наврўз билан боғлиқ маросимларни кўздан кечирар эканмиз, унда асосан икки жиҳат яққол кўзга ташланиб турганини кўрамиз. Биринчиси, Аждодлар руҳига бўлган ҳурмат ва эҳтиром, иккинчиси ўлиб-тирилувчи табиатнинг жонли ҳолда тасаввур қилиниши ва улуғланиши.

Наврўзда қабристонларнинг зиёрат қилиниши, олов ёқилиши, ис чиқарилиши, қурбонликлар қилиниши аждодлар руҳига бўлган ҳурматни ифодайлайди.

Наврўз пайти ўйналадиган «Оқ суяк» ўйинида ҳам аждодлар руҳига бўлган эҳтиромни кузатамиз. Бу ўйин ҳақида Алишер Навоий ҳам ўзи асарларида маълумот беради. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида бу ўйин бугунга қадар ўйналиб келинмоқда. У асосан эрта кўклам пайти, кечқурун ўйналган. Болалар ўртасидан сайланган бошлиқ қўлидаги сўнгакни узоққа отган. Бошқа болалар уни топишга ҳаракат қилган. Кимки суякни биринчи бўлиб топса, ўша бола ютган ҳисобланган. Оқ суяк ўйинининг айнан Наврўз пайти ва тунда ўйналишига сабаб, суяк-аждодлар руҳи ёрдамида қиш-тунни ҳайдаб, кунга-баҳорга интилиш бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айнан кўклам пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг қайта тирилиши, уни жонлантириш билан боғлиқ маросимлар, томошаларнинг ўтиши, ушбу маросимлар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қутлаб, унинг қут-баракали ўтишини Яратгангандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган.

Қадимда кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган халқ ўйинлари кўҳна тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша анъана тарзда яшаб келаётганлиги халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканлигидан далолат беради.

* * *

Ўзбекистонимизнинг турли жойларда Наврўз байрами турлича нишонланган ва бу шоду хуррамлик бир неча кундан, бир ҳафтагача, ҳатто бир ойга қадар давом этган.

Наврўз асосан махсус сайлгоҳларда, қир-адирларда нишонланган. Байрам куни эрта тонгдан карнай-сурнайлар чалинган, жарчилар одамларни байрамга таклиф этишган. Чавандозлар, полвонлар, қизиқчи масхарабозлар, бахшилар, қўшиқчи ҳофизлар, ўйинчи-раққослар байрам сайлига ташриф буюрганларга ўз томошаларини намойиш этишган. Наврўз куни одамлар сайлгоҳга, асосан қир-адирларга етиб келишган. Эрта тонгдан ҳамма уйидан олиб келган пиширик ва ширинликларини дастурхон ёхуд махсус қозонга солишган. Бу пиширикlар асосан сумалак, кўк сомса, патир нон, қатлама, чучвара, кескан ош, палов, қайнатилган гўшт ва ҳоказолардан иборат бўлган. Бу қадимдаги «Қазон тўлди» маросимининг шу кунгача сақланиб қолган бир кўринишидир. Қадимда бундай махсус қозонлар муқаддас саналган ва улар, асосан тоғлар этагида, ёхуд бир улкан дарахт остига қўйилган бўлиб, кўклам

пайти маросимларда илоҳ-маъбудлардан ҳосилдорлик ва қут-барака сўралиб, аждодларимиз томонидан қурбонлиқ қилиниб, пишириб келтирилган таом ана шу қозонларга қўйиб кетилган. Тарихчи Геродот ўзининг «Тарих» китобида скифларнинг ана шундай муқаддас қозони бўлганлиги ҳақида маълумотни келтиради. Унда келтирилган маълумотга кўра, скиф ҳукмдорларидан бири ўз аскарларининг сонини билиш учун, уларга камон ўқининг учини олиб келишни буюрган. Кейин эса тоғдай уюлиб кетган ана шу камон ўқининг учларидан улкан қозон ясалган. Кейинчалик эса бу улкан қозонда тангриларга қурбонликлар қилиниб, турли хил таомлар пиширилганини ёзади. Амир Темур даврида ясатилган улкан қозон ҳам бу идишнинг маросимларда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Бугунги кунда республикамизнинг турли бурчаклрида Наврўз куни пишириладиган «сумалак», «ҳалим», «дарвешона ош» каби махсус таомлар ҳам улкан қозонларда пиширилади. Қозон қанча катта ва унда пиширилаётган таом қанчалик кўп бўлса, йил яхши келиб, ҳосилдорлик, мўл-кўлчилик бўлишидан далолат беради деган тушунча мавжуд. Бу эса қозонтўлди маросими ҳақидаги қадим тасаввурларнинг ҳали-ҳамон яшаб келаётганлигини кўрсатади.

* * *

Наврўз куни бахшилар ўзларининг севимли достонларини куйлашган. Полвонлар кураш тушишган. Бундай курашлар, асосан томоша кураши бўлиб, ғолиблар учун махсус тобоқ(соврин, мукофот)лар қўйилган. Бизнинг назаримизда қадим маросимлардаги махсус қозонлар билан ана шу тобоқлар (қозонга ўхшаш, кўпчилик биргаликда таом ейдиган идиш) ўртасида ҳам қандайдир яқинлик мавжуд.

Кўпкари-улоқ гарчанд қишги мавусимий ўйинлар сирасига кирса-да, бугунги кунда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида Наврўз куни кўпкари улоқ, пойга мусобоқалари ҳам уюштирилади. Ғолиблар эса бутун йил давомида ўз ютуқлари билан фахрланиб юрадилар.

Наврўз куни ўйналадиган халқ ўйинлари ҳам кўпчилик иштирокида ўтказилган. Бундай ўйинлар орасида «Оқ теракми, кўк терак», «Чиллик» ўйинлари алоҳида эътиборга моликдир.

«Оқ теракми, кўк терак» ўйинининг келиб чиқиш тарихи ўйинларнинг бошқа турларига қараганда қадимийроқ эканлиги тарихий ва бадиий манбаларда қайд этилган.

«Оқ теракми, кўк терак» ўйини мавсумий ўйинлар таркибига кириб, дастлаб фақат кўклам, баҳор фаслида ўйналган. Бу ўйин баҳор маросимининг таркибий қисми бўлгани учун, фақат маросим пайтида ўйналиб, кейинчалик у катталар, сўнгра эса болалар ўйинига айланган.

Фольклоршунос олимлар бу ўйиннинг қадим изларини қабилачилик даврлари билан боғлаб, икки томонда турган болаларнинг ўз вакилларини сайлаб юборишлари ҳам қадимий жанг қоидаларига алоқадор, икки томон полвонларининг, қабила ботирлари бир-бири билан яккама-якка жанг қиладиган одатлари, улардан қайси бири енгса, ўзи мансуб бўлган қабила

енган ҳисобланган, енгилган томон эса товон тўлашлари мазкур ўйинда билинар-билинмас из қолдирганини ёзади.

Бизнингча, бу ўйин ўзида кун-тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақида қадим тасаввурларни ҳам ўзида мужассам этади. Қиш енгилса, баҳор ғолиб келади, тун чекинса, тун узаяди. Зеро, ўйин фольклори матнида асосий урғу шу нарсага қаратилган.

«Оқ теракми, кўк терак» деб аталишида бир томондан терак баргининг бир томони оқ (юмшоқ), бир томони кўк (қаттиқ) бўлса, иккинчи томондан у ўзида кун ва тун ҳақидаги тасаввурлар билан боғланади. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида, хусусан Хоразмда бу ўйин бошқача номда, яъни «Ой теракми, кун терак» деган номда ҳам учрайди.

* * *

Гарчанд Наврўз байрами халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутса-да, ушбу маросим билан боғлиқ халқ қўшиқлари ҳали етралича тадқиқ этилган эмас.

«Наврўз қўшиқлари» шартли атама бўлиб, бугунги кун фольклоршунослиги томонидан илмий адабиётларда қўлланиб келинмоқда. Аслида эса, Наврўз маросимларидаги ҳар бир қўшиқ ёки қўшиқ туркумларининг ўз номи мавжуд. Лекин ушбу ҳолат барча қўшиқларни умумлаштирувчи «Наврўз қўшиқлари» атамасини инкор этмайди.

Халқ ўртасида ўтувчи барча тантана, байрамлар каби Наврўз байрами ҳам анъанавий жарчи қўшиқларидан бошланади.

Бор-ҳо,
Кел-ҳо,
Ҳамалим, ҳа,
Амалим, ҳа,
Сайил бейда,
Тезда етиб кел,
Ўйнагани кел,
Кулгани кел,
Тортишгани кел,
Беллашгани кел.
Келмасанг ҳам кел-о-о-о.

Ушбу жарчи қўшиғида айтилгани каби «тортишув, беллашув»лар кенг маънога эга. Бу ўринда Наврўз маросимидаги «Олтин қобиқ», «Арқон тортиш», кураш ва бошқа беллашувлар тортишувларни ҳам ўз ичига олувчи энг асосий кураш қиш ва ёз беллашувидир. Ушбу кураш, қарама-қаршиликлар биринчи галда «Бойчечак» туркум қўшиқларида акс этган.

Бойчечагим бойланди,
Қазон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қазон-тавоғинг вайронди.
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечак қўшиғи бугунги кунга келиб болалар фольклорининг намунаси сифатида қаралса-да, ундаги маросим тафсилоти аниқ сезилиб турибди.

Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар.

Айниқса, бойчечак, яъни кўклам тимсолини уйма-уй юриб, қувиб чиқарувчилар ҳақида ушбу қўшиқда шундай куйланган:

Бойчечагим бойланди,
Кўчама-кўча айланди.

«Бойчечак» қўшиғининг иккинчи бир вариантининг ижро шакли айтишув кўринишида. Ушбу шакл бизнингча қадимийроқдир. Чунки Наврўз маросимлари ўзагида турувчи беллашув моҳиятига айтишув шакли мос келади:

Яккахон:
Қатиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Хор: Бойчечак,
Бойчечак.
Яккахон: Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.
Хор: Бойчечак,..
Бойчечак.
Яккахон: – Бойчечагим хиллодир,
Ҳамён тўла тиллодир.
Хор: Бойчечак,
Бойчечак.

* * *

Халқ лирикасида ҳиссий кечинма тўғридан-тўғри эмас, балки ишоравий тарзда акс этган бўлади. Бундай ҳолларда кўпинча, инсон ҳолати ва табиат манзараси ўзаро уйғун тарзда берилади.

Маълумки, биз воқеликни онгсиз равишда қабул қиламиз ва бу бирон-бир мантиқий кўринишда эмас, балки, тимсолий кўринишда бўлади. Тимсол деганда эса ўз маъносидан ташқари, қўшимча маъно ташийдиган, маъноси яширин бўлган сўз – образни тушунамиз. Тимсолга хос бўлган хусусият унинг кўп маъноликка эга эканлигидадир.

Ёмғир ёғалоқ,
Момом туғалоқ,
Ёмғир тинганда
Чиқар камалак.

Бу шеърий мисралар ва образлар худди тушдаги образ ва рамзлар каби ақлнинг маҳсули эмас. Уларни тўғридан-тўғри ўқисак, мантиқ кўрмаймиз. Балки улар оний лаҳзада туғилган онг ости кечинмалари, руҳият товланишларининг ҳаёлдаги сувратларидир.

Ишора, яъни «коса» тагидаги «ним коса» ўзбек халқ лирикасида асосий ўрин тутади. Мисралар сизга аниқ бир образнинг суратини чизиб бермайди, балки у сизнинг тасаввурингизда туғилади.

Санъат, айниқса шеърий санъат «тўғри» гапирмайди. У ҳамиша «коса»нинг тагидаги «ним коса»га ишора қилади. Образлар тайёр қолип ҳолатида кўрсатилмайди, балки у тасаввурда ҳосил бўлади, туғилади. Ана шундагина у ўқувчининг қалбига кириб боради, юрагини тўлқинлантиради.

Эътибор қилсак, қўшиқларимизнинг асосий қисми, табиат фасллари, энг аввало қиш ва баҳор ҳақида. Тун ва кун, баҳор ва қиш, эзгулик ва ёвузлик бу қадим аждодларимизнинг табиат ва ҳаёт ҳақидаги боқий тушунчаларидир. Тундан сўнг кун келишини, қишдан сўнг баҳор келишини эзгуликнинг тантана қилишини орзиқиб кутганлар, унинг тезроқ келишини алқаб қўшиқлар куйлашган. Чунки, келаётган янги фасл бу янги умидларнинг ҳам куртак чиқариши, яни бир авлоднинг ҳаётга кириб келишидир.

Ёмғир ёғиши бу – фасллар алмашиви – вақтнинг ўтишидир. Момо бу фасл – қиш чилласи. Қиш чилласи қаттиқ бўлади, қор-ёмғир кўп бўлади. Туғалоқлик шундан, қолаверса келётган янги фасл – баҳор фаслига ишора. Қиш ҳомиладор ва ундан янги фарзанд – баҳор туғилади. Ёмғирнинг тиниши бу алмашинув жараёнининг тўлиқ амалга ошиви, яъни баҳорнинг тантанасидир. Камалакнинг чиқиши бу баҳорнинг товланиши, ўз рақиби – қиш фасли устидан буткул ғолиб бўлганлигини англатади. Қолаверса, баҳор келиши билан она тупроқ турфа рангга бурканади, худди камалакдек жилоланади.

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ.
Бойнинг қизининг,
Қорни юмалоқ.

Эчки кўклам белгиси, у ҳам чақалоқ. Бу қиш охири, баҳорнинг бошланиши – шунинг учун у чақалоқ. Бой қизи – ер. Ундан энди турли туман кўкатлар, гиёҳлар ниш уришга шай бўлиб турибди, шунинг учун қорни думалоқ. Кейинги мисраларда бу очиқроқ баён этилган:

Ёмғир ёғалоқ,
Ям-яшил ўтлоқ.
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ.

* * *

Инсоният тафаккури ўз тарихига эга. Унинг қатламларида шу кунгача бўлган онгнинг эврилишлар жараёни ўз ифодасини топган. Наврўз байрамига хос урф-одатлар, қўшиқларда ҳам биз бу жараённинг бадиий кўриниш олганини кўрамиз. Хусусан турна ва ғоз баҳор хабарчилари ҳисобланади.

Наврўз келди, ёз бўлди,
Турна келди, ғоз келди.
Ям-яшил чорбоғлардан
Булбулдай овоз келди.

Албатта, ҳар бир маросимда бўлгани каби Наврўз маросимининг ҳам ўзига хос таомлари, пиширикlари мавжуд. Сумалак ана шундай маросим таоми ҳисобланади. Сумалак пиширишнинг ўзи қатъий анъаналар асосида маълум тартиб қоидаларга амал қилинган ҳолда бажарилади. Сумалак муқаддас таом сифатида қадрланади, алқанади. Сумалак ҳақидаги қўшиқлар ана шу алқов, олқишлар натижасида пайдо бўлган.

Баҳорнинг сен элчиси,
Яхшиликнинг белгиси,
Наврўзнинг сен синглиси,
Сумалакжон, сумалак.
Сумалакжон, сумалак.
Сумалакка йиғилар
Катта-кичик ҳамма ҳам,
Пишиб чиқса тотисанг,
Кўнгиллар қувнар бирам.
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Қўшиқ давомида сумалак пишириш жараёни ва ундаги кўтаринки кайфият тараннум этилади.

Дошқозонда сумалак,
Ковламаган армонда,
Бир-бирининг кўнглини
Овламаган армонда.
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Иримга кўра, ҳар бир киши яхши ният билан сумалак пишаётган дошқозонни ковлаши шарт. Кимда-ким қозон ковлаш бахтидан бенасиб қолса, у ўзини камситилган санайди. Айни пайтда Наврўз арафаси, сумалак пишаётган вақтлар жамики эски гина-кудратлар унутилиб, аразли кишилар ярашган ва бу ҳолатларнинг бари Йилбоши – Наврўз, сумалак шарофати деб англанган.

Қиз боланинг рўмоли –
Қизил гулли шойи,
Билсангиз, сумалакжон,
Барча овқатнинг бойи.
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Сумалак пишириш, шунчаки йиғилиб бир таом пишириш эмас, ёшу қари йиғилиб бир кечаю, бир кундуз давомида катта гулхан ёқиб, ўйин-улгу қилиш, турли қўшиқларни айтиш, халқ ўйинларини ўйнаш демак.

Қора кўзли қамарой,
Ўйин тушар мисли ой,
Сумалак бўп баҳона,
Ўйнадик ботгунча ой.

Сумалак билан бир қаторда Наврўз кунларида ҳалим, наврўз гўжа каби тансиқ таомлар ҳам пиширилган:

Наврўз келди бу кеча,
Пиширинг наврўз гўжа.
Гўжаси ширин момоларга
Берайлик бир жуфт жўжа.

Наврўз сайлларида қиз-жувонларнинг арғимчоқҳалинчак учиш одати вилоятларимизнинг барча жойларида кенг тарқалган. Қадим-қадимдан келаётган бу удум ҳалигача ўз жозибадорлигини йўқотгани йўқ. Арғимчоқ кўпинча тол, тут дарахтларига ўрнатилган. Ушбу одатнинг ҳам қўшиқлари мавжуд:

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак,
Салтлигини соғинган,
Келинчаклар куйинчак.
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Учавергин келинчак,
Кўзга сурма ярашар,
Қўш чеккага қўш чечак.

Ҳалинчак учиш шунчаки кўнгил хуши деб қаралмаган. Ҳалинчак учиш давомида ёш-яланглар бўлғўси ҳосилнинг мўл-кўл бўлишини, чорва туёғининг кўпайишини таъмин этишга ўз ҳиссаларини қўшаётгандек ҳаракат қилишган.

Бойга чапон бичдингми,
Тушда айрон ичдингми,
Бойни қўйга жўнатиб,
Ҳалинчакда учдингми?
Келинчак ҳо келинчак,
Уйқунг бузсин «инга»лар,
Эртами кеч беланчак,
Олиб келсин янгалар.
Ҳалинчак ҳо, ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак.

Қадим-қадимдан Наврўз деҳқончилик байрами ҳам ҳисобланади. Баҳорги экин-тикин бевосита Наврўз кириши билан бошланиб, барча деҳқон ҳисоб-китоби Наврўз асосида юритилади. Наврўзда илк бор ерга қўш чиқаришади. Қўш чиқариш билан боғлиқ турли урф-одат, иримлар ўтказилади. Далага қўш чиқаришдан олдин, қурбонликлар қилиниб, ҳўкизларнинг шохи ёғланган. Бу «шох мойлар» маросимидан мақсад йилнинг қут баракали келишига, тўкин-сочинлик бўлишига умид қилинган. Ушбу маросим ва меҳнат жараёнида ижро этилувчи қўшиқлар ҳам Наврўз қўшиқлари сирасига киради. Деҳқоннинг ўз ҳўкизларини алқаб айтган меҳр байтлари унинг кутаётган Наврўздан умидларининг ифодаси бўлиб янграйди:

Шохларинг бор чамбарак,
Кўзларинг мисли чироқ.

Қўшга қўшсам, меҳнатингдан
Элу юртнинг кўнгли чоқ.
Шохгинанг мулла давати,
Сенсан деҳқоннинг қуввати,
Сен бўлмасанг деҳқоннинг,
Қайрилади қаноти.

Қўш қўшиқларида деҳқоннинг машаққатли меҳнати ва бу меҳнатни оз бўлса-да осон қилган ҳўкизидан миннатдорлиги, ана шу ҳўкизини олқишлаб, мақташ давомида ўз ишидан мамнуният сезиш ҳам ифода этилган:

Эниб келдинг экишдан,
Тўрт оёғинг кумушдан.

Ёки

Тарлон таёғим ҳайда,
Темир туёғим ҳайда.
Ишни тамом қилмасанг,
Жонимга ором қайда.

Қўш ишларини якунлаб ерга барака уруғлари қадалгач, бу орада баҳор ҳам анча амалга кириб, гулу лолалар очилиб, Наврўз байрами, Лола сайли, гул байрамиларига уланиб кетади. Лола сайли ва қизил гул байрамларида айтилувчи қўшиқларни ҳам, кўклам пайтидаги соғин қўшиқларини ҳам кенг маънода Наврўз қўшиқлари туркумига киритиш мумкин. Чунки бу қўшиқларнинг барчаси баҳор қўшиқлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, баҳор байрами Наврўзи олам ҳақидаги ўйинлар, томоша санъати, маросим қўшиқлари халқимизнинг қадим тарихи ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, уларда табиатдаги ўзгаришлар, фасллар алмашинуви билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ва инсон кўнглидан кечувчи некбин ҳис туйғулар ўзининг бадиий ифодасини топганлигини кўрамиз.

Наврўз нафақат табиатнинг ўзгариши, яшариши, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккур тарзининг ҳам янгиланишидир. Табиатни англаш орқали, ўзлиги, «Мен»лигини кашф этган, қалбида ўзига ишонч, эртанги кун умиди уйғонган. Шунинг учун ҳам бу байрам ҳамма даврларда ҳам тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр муҳаббатнинг таронаси, ҳар инсоннинг ўз халқи, унинг тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматининг нишонаси бўлиб келган.

РУҲИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДИ

Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодини ўрганувчи кўплаб мактаблар мавжуд бўлиб, улар фольклоршуносликнинг у ёки бу томонини қамраб олади. Сўнгги икки асрда «Ритуализм ва функционализм», «Француз социологик мактаби», «Структурализм», «Символик назария», «Рус мифшунослик мактаби» каби мактаблар пайдо бўлди ва бу оқимлар ҳар бири фольклорга ўзига хос ёндашиши, олдига қўйган мақсадлари билан бир-биридан фарқланиб туради. Бироқ ҳеч қайси мактаб XIX аср охирида юзага кела бошлаган ва XX асрда ўзининг қиёмига етган психоаналитик мактабичалик шов-шувларга сабаб бўлган эмас. Психоаналитик мактаби немис олими И. Бахофеннинг 1861 йил эълон қилинган «Оналик ҳуқуқи» тадқиқотидан сўнг маълум бир назария сифатида шакллана бошлади ва немис олимлари В. Вундтнинг «Халқлар руҳияти», «Миф ва дин», З. Фрейднинг «Тотем ва табу», «Туш таъбири» каби асарлари ва К. Юнгнинг тадқиқотларидан сўнг XX аср адабиётида йирик мактаб сифатида шаклланиб бўлди. Асримизнинг йирик файласуфлари К. Юнг, Эрих Фромм, Ж. Кемпбелл, М. Элиаде, В. Одайник, Ж. Хоббек, Э. Сэмоэлс, М. Фордахмлар психоаналитик методнинг турли қирраларини, унинг мифшуносликдаги беқиёс имкониятини кўрсатиб бердилар, натижада аср бошида бу оқимга шунчаки вақтинчалик модернистик оқим сифатида менсимай қараганлар психоаналитиканинг мифшуносликдаги, нафақат мифшунослик, балки фалсафа, эстетика, адабиётшунослик, социолигия, сиёсатшунослик, этика, психология ва санъатдаги ўрнини тан олдилар.

Хўш, шунчалик шов-шувга сабаб бўлган ва мифшуносликда янги оқим сифатида баҳо олган ҳамда миф ҳақидаги антик даврдан бери ҳукм суриб келаётган қарашларни янги йўналишга буриб юборган бу оқим қанақа оқим ва қанақа назария? Унинг моҳиятида нима ётади ва унинг жаҳон фольклоршунослигидаги ўрни қандай? Бу назария миф тадқиқотида нимага суянади?

З. Фрейд, К. Юнг, Э. Фром тадқиқотларида энг аввало мифни инсон руҳиятининг ифодаси деган ягона қараш ётади. Тўғри, бу олимлар мифни инсон руҳиятининг турли ҳолатлари билан боғлашади: хусусан, Фрейд мифда шаҳвоний майл, К. Юнг оммавий онг ости ҳиссиётлари, Э. Фромм ташқи дунёни рамзлар орқали қабул қилган, бироқ онг даражасига ўсиб чиқмаган, инсон кўнглига ташқи дунёнинг рамзи бўлиб қолган кечинмалар

устуворлик қилади деган фикрни ўртага ташлашади.[126] Бир қарашда бу олимлар бир-бирига қарама-қарши фикр айтаётгандай туюлади, аммо гап шундаки, ҳар учала олимда ҳам бир нарса, миф инсон руҳиятининг инъикоси деган қараш мавжуд. Бу психоаналитик методнинг асосини ташкил қилади.

Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар икки хил шаклда ўзини намоён этади: биринчиси англанган, маълум мантиққа бўйсунган, ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий хулоса ва йўналишга эга туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва булар ҳақидаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифодалайди; буларнинг барчасини онг синтез қилиб беради, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд, ташқи дунё билан танимиз алоқа қилиб турувчи ҳислар. Бу ҳислар инсон ҳаракати, руҳиятининг асосини ташкил этади. Гарчи биз гапираётган гапларимиз фикрларимиз, ўзимизни тутиш ва ҳолатларимиз бизга англанган, маълум бир мантиққа бўйсунгандай туюлса-да, аммо шу ҳисларни юзага чиқарувчи, шу тушунчаларга туртки берувчи асосий нарса – онг ости ҳисларидир. Инсон руҳиятида онгли фаолият ва онгли ҳислардан кўра, англанмаган ҳислар кўлам жиҳатдан чексиздир. Гарчи биз кўчада ўтиб кетаётиб олдимиздан ўтган мушукни англамай қолсак-да, онг ости ҳислари уни ўзига қабул қилади ва маълум муддатдан сўнг ўзи қабул қилган рамзда тушимизга узатади. Шу сабабли тушимиз бизга ҳамиша ғайритабиий туюлади. Улардаги воқеа ва образларни онгимиз қабул қилолмайди. Бироқ тушдаги воқеа, ҳодиса ҳолат ёки образ айнан онг ости ҳисларининг ташқи дунёни қабул қилиш рамзлари бўлиб, одам онгли фаолиятдан тўхтаган, яъни уйқу пайтида бу ҳислар инсон миясига ўзи қабул қилган рамзларни тарқата бошлайди. Миф ва эртаклар ҳам дастлаб, ҳали инсон онгли фаолият даражасига кўтарилмасдан ёки дастлабки онгли фаолият босқичларида яратилган бўлиб, у пайтлар инсон руҳиятида онгли фаолият онг ости ҳислари даражасида эди. Мифлар қуруқ тушунча ёки аждодларимизнинг дунёқараши рамзи эмас, балки онг ости ҳисларининг дунёни қабул қилиш пайтдаги рамзларидир. Онг юксак тараққий этмаган у пайтлар онг ости ҳислари инсон фаолияти ва қарашини ўзида акс эттиради. К. Юнг айнан шу ҳолат мифларни яратди, айнан шу ҳолат бугунги онгли инсонни каттта фожиаларга дучор қилди дейди.[127] Онгли фаолият инсоннни ўзи яшаб турган давр сиёсати, аҳлоқи билан чегаралаб қўяди. Онг ости ҳислари инсонни ҳамиша поэзия билан, табиат билан яқинлаштириб туради, унда ижодий ҳиссиёт туғдиради. К. Юнг «Ҳозирги одам фан ва техникага сарфлаётган ижодий қудратини қадимда аждодларимиз мифларни яратишга сарфлаган эди» дейди.[128] Инсондаги ижод қилиш ҳисси, ижодий руҳ онг ости туйғуларига хос. Шу сабабли фольклорда, у қанчалак қадим бўлмасин, инсон

---

[126] *Фрейд З.* Введения в психоанализ. Лекции. – Москва, 1991; *Юнг К. Г.* К вопросу о подсознании // Человек и его символы. – Москва, 1997. – С. 13–103; *Фромм Э.* Душа человека. – Москва, 1992.

[127] *Юнг К. Г.* К вопросу о подсознании // Человек и его символы. – Москва, 1997. – С. 17.

[128] Ўша асар. – Б. 17.

руҳияти рамзлари ётади. Туш каби мифда ҳам мантиқий тафаккур изчиллиги бузилади. К. Юнг туш бу асли аждодларимиздан генлар орқали бизга мерос қолган мифик тасаввурлардир дейди. Тўғри, файласуф бу ерда туш фақат аждодлардан мерос қолган тасаввурлар оқимидан иборат демайди, балки замонавий одамнинг ўз туши, яъни ўзи яратган мифи ҳам бор. Туш бу – замонавий одамнинг мифидир. Гарчи юксак цивилизация даврида яшаётган бўлсак-да, ҳар бир одам ё англамай миф яратади, яъни онг ости ҳислари онг тараққиёти, мантиқий тафаккур ривожидан қатъи назар ўз мифларини ярataверади ва бу мифлар тушда мантиқий тафаккурга кўниккан, табиат олдида ҳайратга ҳам, қўрқувга ҳам тушмай қўйган бугунги одамнинг тушларида акс этади. Замонавий одамда мантиқий тафаккур билан онг ости ҳислари ораси минг йиллик онг тараққиёти натижасида узилиб қолганлиги сабабли ҳам бизга бугун тушлардаги ва мифлардаги кечинмалар, воқеалар ғайритабиий туюлади. Мифлар яратилган даврда бу узилиш деярли сезилмасди. Ҳатто бугун онгли фаолият бирламчи бўлган тафаккур даврида ҳам баъзан онг бирон муаммони ечишга ожиз бўлиб қолганда инсон фаолиятини онг ости ҳислари қўлга олади, яъни у бошқаришга ўтади. Баъзан «интиуция» билан сезди», «интиуцияси ёрдам берди» деган фикрларни эшитамиз-у, лекин айнан интиуция онг ости ҳислари эканига эътибор бермаймиз. Онг ости ҳислари инсоннинг ижодий қувватини белгиловчи ҳислар бўлиб, шеър ёки санъат асари яратаётганда, гўзаллик инсонни тўлиқ қамраб олганда, ё муҳаббат, ё нафрат кишида ҳайрат уйғотганда онг ости ҳислари юзага қалқиб, инсон тафаккурига бевосита ўз маҳсулини беради. Санъатдаги поэтик мушоҳада билан мифдаги рамзий мушоҳада айнан бир нарса.

Санъат ва мифнинг тили битта – рамзларга асосланади. Ҳар иккаласини ҳам рамзларни шарҳлаб ўрганиш мумкин. К. Юнг мифларни таҳлил қилишда кўпроқ оммавий онг ости ҳисларига (коллективной безсознательность) катта эътибор беради. Унинг фикрича, оммавий онг ости ҳислари мифлар яратилаётганда асосий ўринни эгаллаган.[129] Бу онг ости ҳислари мифларга рамз, тимсол, сурат сифатида кўчиб ўтади, тўғрироғи, ташқи дунёни рамзлари билан қабул қилади. Момоқалдироқни найза дея тушуниш бу мифларни яратган ибтидоий аждодларимиз учун ташбеҳ эмас, шундай тушунилган, қабул қилинган. Психоаналитика мактабининг катта хизмати шунда бўлдики, улар мифларни, халқ оғзаки ижодини рамзларни шарҳлаш ва инсон психологиясини тадқиқ қилиш билан бирга қўша олди. Гарчи метод ягона бўлса-да, мифлардаги рамзларни шарҳлашда ҳар хил қарашлар дунёга келди. Ана шу қарашлар ҳар хиллигидан Фрейд ва Юнг бир мактабга хос бўла туриб, К. Юнг мифлар асосида оммавий онгсизлик рамзлари ётади деган қарашни ўртага ташлагач, рақобатчи файласуфларга айландилар.

Психоаналитика назарияси «Шоҳ Эдип» трагедиясини шарҳлашда ўзининг мукаммал даражасига етди. Шуни айтиш керакки, биргина шу асарни психоаналитика назарияси намояндаларининг деярли барчаси

[129] Ўша асар. – Б. 339.

шарҳлаган, аммо бу шарҳ турличалиги билан диққатга сазовордир. З. Фрейд «Шоҳ Эдип»ни ота ва бола ўртасидаги англашилмаган майл, яъни шаҳвоний майл учун кураш деб баҳолади.[130] Онага боланинг муҳаббати, Фрейд фикрича, беғубор кўринса-да англашилмаган шаҳвоний муҳаббатдир, шу сабабли Шоҳ Эдип ўзи истамаган ҳолда, бироқ онг ости ҳиссиётлар – шаҳвоний майл таъсирида онасига билмай уйланади. Бу барча инсонларга хос, яъни инсон мавжуд аҳлоқ юзасидан онага майлни хаспўшласа-да, бироқ унинг онг ости кечинмаларида шаҳвоний майл устуворлик қилади. К. Юнг фикрича эса, «Шоҳ Эдип» оммавий онгсизликни рамзлаштиради, Э. Фром фикрича эса асар патриархал ва матриархал тузумларни ва шу даврга хос ота, она, боланинг ички кечинмаларини – таъбиийки, англанмаган, бироқ мияга рамз ҳолатида чўккан ҳиссиёт, кайфиятлар курашини акс эттиради. Психоаналитик мактаби намояндалари шу уч хил қараш таъсирида кейинчалик уч оқимга асос солдилар.

Шуни айтиш керакки, психоаналитика методи XX аср бошидан буён жаҳон мифшуносларининг қизғин баҳсига айланган. Бу методни ўрганиш фольклоршунослигимизни жаҳон фольклоршунослигининг илғор оқимлари билан таништирибгина қолмай, миф, асотир, эртак ва достонларимизни ўрганишда, улардаги рамзларни шарҳлашда жуда зарур. Зеро, миф ва эртакларни рамзлар билан шарҳлаш бизнинг фольклоршунослигимизга ҳам бой материал беради.

«Шоҳ Эдип» трагедияси шарҳидаги Фрейд назарияси маълум маънода тушунарли. Юнг «Оммавий онгсизлигини» изоҳлаб ўтишга тўғри келади. Шахсга хос хусусият шаклланмаган, онг ҳали шахс бўла олиш даражасида ривож топмаган, кўп нарса оломонга хос кайфият ва тушунчалар билан аталадиган ҳолатни Юнг оммавий онгсизлик деб атайди. Оммавий онгсизликнинг онг даражаси оломончиликдир. Ҳар бир киши каби маълум гуруҳ, оломонда ҳам уларнинг ҳолати, кайфияти, ички дунёсини ифодаловчи бир хил онг ости ҳислари мавжуд. Гитлер олий ирқ дея немисларни кўкка кўтаришда айнан ана шу оломоннинг онг ости ҳисларидан фойдаланди, яъни у немис халқига хос онг ости ҳисларини оловлантириш ва уларни ўз ғоясига бўйсундириш билан бутун бир халқнинг кўр-кўрона ишончига сазовор бўлди.

Тафаккур тараққиётида шахс хусусиятлари намоён бўлмаган, барча нарса омма нуқтаи назари ва омма тушунчаси ҳамда савиясидан келиб чиқиб баҳоланган, бошқача айтганда, тасаввур қилинган руҳий ҳолат оммавий онгсизлик деб аталади. Оммавий онгсизлик оломон кайфиятини ифодалайди. У бошқарилиши ва йўналишига қараб ёвуз ёки эзгу куч касб этиши мумкин. Гитлер оломон психологиясига суяниб, немис халқи онг ости туйғуларини қўзғади ва одам руҳиятида мавжуд бўлган ёвузликни уйғотиб юборди. Одам руҳияти шундай мураккаб системаки, унда ёвуз кучни уйғотиш жуда осон. Бир халқни бошқа халқдан устун қилиб кўрсатиш немис халқи табиатида ухлаб ётган онг ости шовинистик ва ирқчилик ҳисларини уйғотиб юборди,

[130] *Фрейд З.* Введения в психоанализ. Лекции. – Москва, 1991. – Б. 131.

бундай ҳодиса хоҳлаган халқда содир бўлиши мумкин. Оломон кайфиятини текширган Фромм унинг кўр-кўрона сиғинишини ва ҳамиша раҳнамога, йўлбошчига ташна туришини, натижада раҳнамо, худо ёки йўлбошчига ишончи мифик тарзда тушунилишини таъкидлайди. Бунда онг ости ҳислари иштирок этади. Илк космогоник қарашлар оммага, оломонга хос қарашлардан ташкил топган. Уруғчилик тузуми оломон кайфияти ва инон-ихтиёри ҳукмрон давр эди, яъни ҳамма нарса «биз» ёки «бизники» тарзда ифода этиларди. Бу даврда табиат ҳаммага бир хил иқтидор, салоҳият ато этганди. Кейинчалик жисмонан кучли ёки турмушда бошқаларга қараганда кўпроқ тажриба тўплаганлар шахс сифатида ўзини намойиш қила бошладилар, уларда «мен» пайдо бўлди. Шу тарзда мантиқий тафаккур билан онг ости ҳислари ўртасида бўлиниш бошланди. Мантиқий тафаккурнинг бугунги тараққиёти даврида ҳам онг ости ҳислари йўқолиб кетгани йўқ, у ҳамон инсон руҳиятининг асосини ташкил қилади. Психологик мактаб руҳиятнинг шу қисмини ва мифлардаги руҳий ҳолатларнинг рамзларини ўрганади.

Психоаналитик биринчи марта мифни замонавий одам билан бирга қўйишни ўргана бошлади. Бу метод асосчиларининг фикрича, миф – инсоннинг фақат ўтмиши, аждодларнинг хаёлпарастлиги эмас, балки уларнинг кайфияти ва ўзи англаб етмаган, бироқ мияда сингиб ётган кайфият, кечинма ва таассуротларидир. Мифга аждодларнинг жўн хомхаёллари ёки чўпчаклари сифатида эмас, инсон руҳиятининг инъикоси сифатида қараш зарур, шу сабабли ҳам миф ўтмиш садоси эмас, у кеча, бугун ва эртанинг мужассами, инсон руҳиятининг манзарасидир. Миф одам билан бирга яшайди, одам яшар экан у ўзича миф яратади. Бироқ ҳамма ҳам ўз мияси яратган мифни «ўқийвермайди».

Мия яратган мифни, яъни инсон ҳаёти давомида бошидан кечирган кечинмалар, ҳиссиётлар, кайфиятлар, таассуротларни бугунги цивилизация ахборотлари билан тўлган онгимиз бирдан юзага чиқара олмайди: бу таассуротлар кўпинча онг ости қатламларида ётади ва одам ахборот олишдан, кундалик онгли кечинмалардан тўхтаган пайти, яъни уйқу ҳолатда туш сифатида юзага чиқади. Агар тушларимизга кирадиган «даҳшат»лар, ғайритабиий воқеаларни миф билан солиштирсак кўп жиҳатдан ўхшаш эканлигига гувоҳ бўламиз. Тушларимиздан, шу жумладан, мифлардан ҳам воқеалар ёки махлуқлар «даҳшатли» бўлгани учун эмас, биз бу воқеа ва «даҳшат»нинг тилини билмаганимиз, унинг шарҳлашга бугунги «юксалган» онгимиз қодир бўлмаганлиги учун даҳшатга тушамиз. Психоаналитик методнинг вакилллари ана шу ўхшашликдан келиб чиқиб туш ва мифнинг айни бир нарса, яъни ҳар иккаласи ҳам инсон онгига рамзлар билан қабул қилинадиган ва рамзлар билан шарҳланадиган ҳолатлар деб баҳо берганларида миф ўрганишда янги метод юзага келганини бутун дунё эътироф этгандилар. Туш ва мифни ўрганувчи, шарҳловчи тилни Фромм «рамзлар тили» деб атайди ва бу атама ҳозир жаҳон фалсафа ва фольклоршунослигида кўп такрорланадиган атамага айланди.

«Рамзлар тили» мифларни ва тушни шарҳлашда энг зарур ва ягона восита эканлигини айтиб ўтдик. Аждодларимиз бугун ибтидоий давр деб баҳо бериладиган пайтларда бизга қараганда юз карра шоирроқ эдилар. Улар албатта, поэзияни тушунмасдилар, бироқ бугунги тил билан айтганда, ўша минглаб йиллар аввал уларнинг тафаккур тарзи «поэтик мушоҳада» тарзида эди: улар ҳаётлари ва табиатдаги ҳар бир нарсани тасаввур қилган тушунчаларнинг рамзи сифатида қабул қилардилар. У пайтлар Осмон, сув, кўкат, қуёш, ой, ёруғлик ва зулмат – Тангрилар эди; қуёш ўрнини тун эгалларкан эзгулик ва ёвузлик кураши кетяпти деб ўйлашарди. Ҳайвонлар ҳам тангрилар эди, уларнинг ичида ҳам ёвуз ва эзгу ниятлилари бор эди. Эзгулик тангрилари осмонда, ер юзида ёруғлик билан бирга яшашади, ёвузлик тангрилари ер остида, зулмат билан бирга яшашади деб ўйлардилар. Олтой мифларидан бирида ҳатто дарахт тангри – ҳаёт дарахти ҳақида ҳам афсона бор. Атроф ва табиатда кўп нарса ҳали исмсиз эди; аждодларимиз ҳар бир нарсага исм бераркан, бу исм ўз тасаввур ва тушунчаларининг рамзи эди. «Аждарҳо» деган сўз товуш ва лингвистик жиҳатдан улкан илонга ҳеч алоқаси йўқ эди, бироқ «аждарҳо» сўзи аждодларимизнинг назарида олов пурковчи, учиб юрувчи улкан илонга ўхшаш махлуқни рамзлаштиради: бу тушунча энг қадим тушунча бўлиб, ўзида динозаврлардан тортиб, улкан қушларгача ва ёвуз одамларнинг феъл-атворигача бўлган тушунчани рамзлаштирар, аждарҳо гапирар, учиб юрар, улканлиги билан бутун бир қишлоқни ҳаплаб ютарди. Аслида буларнинг бари маълум тушунчаларнинг рамзи эди; бу рамзлар аждодларимизнинг ҳиссиёти, тасаввури, онг босқичи, ички кечинмалари ва кайфияти билан боғлиқ эди. Ёвузлик белгиси бўлган аждарҳо ёвузликка хос барча нарсани ўзида мужассам этарди: исмсиз ва номсиз, улкан ва офатгўй стихияларга бой табиат олдидаги оммавий қўрқув ўша давр мифларига бутунлай сингиб кетган. Одам табиат олдида ожиз эди-ю, бироқ борлиқ, жисмлар, коинот, наботат ҳақида шундай тасаввурлар қилардики, бу тасаввурлар мутлақо рамзлар тили билан баён этиларди. Эртакларда учрайдиган кўпдан-кўп образлар қатори дев ҳам ҳар хил эди. Биз эртакларда Япроқ дев, Қўнғир дев, Оқ дев, Сариқ дев каби рангларга боғлиқ девларни учратганимизда девларга зарб этилган рангларга унчалик эътибор бермаймиз, ваҳоланки, Япроқ дев – ўсимлик культини, Сариқ дев – олов культининг, Қўнғир дев – тоғ ва ғорлар, тошлар культининг, Оқ дев – осмон ва ёмғир культининг рамзлари сифатида эртакларда кезиб юради. Бундан ташқари, девлар ўзларида яна хилма-хил рамзлар ташийдики, бу рамзларни шарҳлаш бизга аждодларимизнинг поэтик мушоҳадаси ғоят кенг ва чуқур бўлганидан дарак беради. Мифлардаги рамзларга мурожаат қилиш бизга ғоят кенг бадиий олам эшигини очади. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, мифлардаги ҳар қандай рамз шу рамзни яратган аждодларимизнинг маълум бир кайфиятини, ички дунёсини акс эттиради. Шундай миф, эртак, достонлар борки, улардаги маълум эпизодлардаги рамзларни психоаналитик шарҳлаш бизни аждодларимизнинг тафаккур босқичлари, онг жараёнлари, интилиш ва кечинмалари билан таништиради. «Рустамхон» достонида деярли эътибор берилмайдиган, барча эртакларга ўхшаб кетадиган шундай эпизод бор:

онасини излаб юрган Рустамхон шоҳ қизини ейиш учун келаётган аждарҳони ўлдиради ва сал вақтдан сўнг шу достоннинг ўзида Рустамхон зиндондан бўшаган дев билан дуч келади: девни мастон кампир Рустамни ўлдириш учун зиндондан бўшатган эди, бироқ дев Рустамни ўлдирмай мастон кампирнинг ўзини ўлдиради.[131] Бу эпизод деярли барча эртак ёки достонларда учрайди, лекин бу хил психологик эпизодлар ўзбек фольклоршунослигида ё тарихий нуқтаи назардан ёки маросим нуқтаи назардан ўрганилган. Бу ерга, бизнингча, психоаналитик метод бўйича ёндашиш зарур бўлади.

Аввало, шуни айтиш керакки, энг қадим эртакларда, инсоният онгли ҳаётининг илк босқичида тангрилар ҳайвон қиёфасида тасаввур қилинар эди. Биз ҳайвон, қуш қиёфали тангриларни: Тиамат, Опсу, Улген, Эрликхон ва ҳакозоларни туркий халқлар қадим мифологиясидан ҳоҳлаганча топишимиз мумкин. Худди шунингдек ёвузлик тангриларининг кучлари ҳам ҳайвон шаклида тасаввур қилинган. Аждарҳо шундай ёвузлик кучи бўлиб, кейинчалик онг маданийлашган сайин аждарҳо қиёфаси ҳам маданийлашиб борган. В. Пропп шаҳарлар пайдо бўлиши билан худолар ҳам ҳайвоний қиёфасини йўқотиб, одам қиёфасини олдилар дейди. Ёвузлик кучи аждарҳо ҳам онг маданийлашгани, инсон табиат сирлари ва кучларини англагани сайин одам қиёфасини олди: у энди одам каби юрадиган, қўлли оёқли девга айланди. Бироқ у одам қиёфасини олгандан сўнг ҳам аждарга хос олов пуркаш, учиб юриш, ямлаб ютиш, ғорларни макон қилиш каби белгиларни сақлаб қолди, яъни ёвузлик тангриси ва ёвузлик кучлари қиёфаси ўзгарди-ю, бироқ вазифалари ўша-ўша ёвузлик бўлиб қолди. Юқоридаги «Рустамхон» достонида худди ана шу жараён ўз ифодасини топган. Ушбу шарҳдан кўриниб турибдики, достондаги воқеа эмас, балки унда сақланиб қолган қадим эпизодларнинг тарихий ва ижтимоий маъноси ҳатто достондаги кейинчалик бахшилар томонидан киритилган воқеадан ҳам кенгроқдир. Бу эпизод тўқима бўлмай, айтувчининг онг ости қатламларида англашилмаган тарзда мавжуд бўлган. Англашилмаган ёки онгга тўлиқ қалқиб чиқмаган ҳиссиётлар мифларнинг асосий маъносини ташкил қилиши Юнг ва Фрейд томонидан исботланган ва бу онг ости ҳиссиётлари психоаналитик методнинг асосини ташкил қилади. «Рустамхон» достонидаги эпизод ҳам ана шу онг ости ҳиссиётлари маҳсулидир. Чунки тангриларнинг ҳайвон қиёфасидан одам қиёфасига ўтишини бир миф қилиб қўяй деб ҳеч ким уринмаган, ижод қилиш ва достон тузилиши жараёнида бу эпизод ўз-ўзидан онг ва шуур оқими сифатида достонга сингиб кетган. Онг ости ҳиссиётлари воқеликнинг рамзий кўриниши бўлиб, шу пайтгача ўзбек фольклоршунослигида бунга жуда кам эътибор берилган. Достондаги Рустам ва аждарҳо жанги унчалик паҳлавонлар жангига ўхшамайди: Рустамнинг наърасини эшитиб, аждарҳо ҳушдан кетади ва Рустамга бор-йўғи беҳуш аждарҳони чопиб ташлаш қолади. Кўриниб турибдики, наъра тортиш ва беҳуш аждарҳони ўлдириш унчалик ҳам катта ботирлик талаб қилмайди. Биз бу эпизодда жангни эмас, қадим тангрилар ўлиб, янгилари пайдо бўлиш

[131] Рустамхон., 169-бет.

жараёнини кўрамиз ва Рустам бу ерда ана шу янги майл рамзи сифатида иштирок этяпти. Бу хил мисолларни халқ оғзаки ижодидан кўплаб келтиришимиз мумкин. Психоаналитик метод фольклоршунослигимизни бойитса бойитадики, унга зарар етказмайди. Шу сабабли фольклоршунослигимизни дунё мактаблари билан муқояса қилиб ўрганиш тадқиқот методини ранг-баранглаштиради.

МИФ ВА РОМАН

Адабиётда мифологик тасвирга эҳтиёж ҳеч қайси замонда пасаймаган. Алишер Навоий асарларининг асоси мифга қурилган. Буюк шоир мифга ўз ғояларини, инсон ҳақидаги тадқиқот ва таълимотини сингдирди. Европада XIX асрда бунёдга келган мифологик назариялар адабиётни яна мифга юз буришини бошлаб берди. Ницше биринчи марта миф ва инсонни яхлит ҳолда тадқиқ этди.

Фрейд, Юнг, Адлер мифшуносликнинг, мифга бўлган муносабатнинг янги назариясига асос солдилар. Бу назария миф билан адабиёт алоқасини мустаҳкам боғлаб берди: бу назарияга кўра, миф аждодларимизнинг тимсоллар тилига асосланган онг ости ҳис-кечинмалари инъикосидир. Фрейд «мифга «онг ости шаҳвоний майлларнинг», Юнг «Оммавий онг ости ҳисларининг», Фромм «ақлий фаолиятга бўлган онг ости ҳисларининг» намоён бўлиши деб баҳо бердилар. Шу жиҳатдан миф билан тушнинг фарқи йўқ эди ва бу баҳо мифни адабиётга мутлақо яқинлаштирди. Адабиётни услубий янгилашни мақсад қилган модернистлар мифга мурожаат қилдилар; тушга асосланган услуб сюрреализм шу назария асосида пайдо бўлди. Фрейд, Юнг, Адлер мифнинг тимсолий тилини шарҳлаб бериши оқибатида мифга бўлган талаб кучайишига олиб келдики, поэтик инсон мушоҳадаси тимсолий тилга асосланар экан, миф ва адабиёт поэтик мушоҳада маҳсули сифатида бир-бирини тўлдириши мумкин деган қарашни ўртага ташлаган модернистлар мифик сюжет, рамз, тимсолларни адабиётга олиб кира бошладилар. Лекин бу «олиб кириш» шунчаки сюжетни қайтариш эмас, балки XX аср инсон руҳий дунёсини мифологик мушоҳада билан тадқиқ қилиш шаклида бўлмоғи керак эди.

Аслида, миф ва адабиёт мавзуси ёзма ижод пайдо бўлгандан буён файласуфлар, олимлар, шоирларнинг энг қизғин мунозара майдони бўлиб келган. Мифнинг адабиётга таъсирини аниқловчи, таҳлил қилувчи турли туман оқимлар пайдо бўлди; бу оқимларнинг бир қисми адабиётни реал ҳаётга, реал тасаввурларга яқинлаштириш, ундан мифологик тасаввурларни суриб чиқариш тарафдори бўлса, бир қисми адабиётни мифга яқинлаштириш масаласини кўтардилар. Инсоният ақли мифдан, мифологик оламдан аждодларнинг илк хаёлий дунёсидан қанчалик узоқлашиб ва тараққиёт зиналаридан кўтарилган сайин бу мавзу яна ҳам қизғинроқ тус олди. Атом, космик кема асри бўлган XX асрда ҳам физика ва химиянинг ютуқларига қарамай, мифология яна адабиётнинг асосий мавзусига айландики, оқибатда «неомифологизм» деган оқим пайдо бўлиб, миф ва адабиёт алоқаларини

биринчи марта илмий ўрганишга киришди. XX аср илғор адабиётининг йирик намуналари бўлмиш «Улисс», «Сеҳрли тоғ», «Доктор Фауст», «Қўрғон», «Жараён», «Вабо», «Педро Парома», «Ёлғизликнинг юз йили», «Сарторис», «Ғазаб ва шовқин» каби асарлар миф адабиётдаги янгилашни, унинг имкониятларини кенгайтириш, янги поғонага кўтариши мифсиз содир бўлмаслиги аён бўлгач, миф ва адабиёт алоқаларини энди қуруқ сюжетлардан эмас, инсон психологиясидан излайдиган фан – психоаналитика юзага келди. Бу фан миф – аждодлар дунёсининг яралиши, олам ва худолар ҳақидаги жўн ва чўпчакона онгсиз тасаввурларнинг йиғиндиси эмас, балки у инсон психологиясининг бир қисми, инсон руҳиятининг ажралмас бўлаги эканлигини исботлаб бера бошлади. Қизиғи шундаки, XVIII–XIX асрдаги танқидий, романтик реализмларни ўзлаштирган, инсонни ўрганишда ўзигача бўлган бой тажрибадан унумли фойдаланган XX аср адабиёти инсон дунёси ва руҳиятини таҳлил қилар экан, яъни у ўзигача бўлган адабиётлардан ҳам кўра инсон руҳияти ва қалбига кўпроқ яқинлашар, уни тадқиқ этар экан, ана шу руҳият ва қалбда илк инсонлар дунёси каби мифологик тимсолларга дуч келди. Шундагина мифни фақат ифода усули, бадиийлаштириш воситаси сифатида эмас, балки инсонни тахлил ва тадқиқ қилувчи поэтик тил сифатида қабул қилиш бошланди. Шу сабабли миф ва адабиёт алоқаси хақида гап кетганда, бу алоқани фақат сюжетлаштириш ва тасвир усули, бадиийлик воситаси сифатида эмас, инсон руҳиятини акс эттирувчи поэтик тил сифатидаги ўрнига катта аҳамият бериш керак, зеро, Франц Кафка асарларида «Улисс», «Доктор Фауст» каби параллел мифик сюжетлар эмас, балки ички ва ташқи оламдаги мифологик жараён моделининг яратилиши муҳимдир.[132] Чунки инсоннинг ўз-ўзига ва ташқи оламга ётлашуви ва муносабати жараёни илк инсоннинг табиат ва худоларни культлаштириш жараёни ҳамда муносабатидан кам фарқ қилади. Инсон илк аждоди табиат, «худо»лар олдидаги ожиз бўлгани каби бу ерда ҳам ўз тақдирини ўзгартиришга ожизлик қилади, ташқи ва ички олам жараёни мифологик модел устига қурилади. Шу сабабли ўз ихтиёридан ёт, олдиндан жараёнга маҳкум этилган ҳамда қўрғонни излаб йўлга чиққан ва уни тополмаган XX аср одамининг руҳияти, тақдири худолар қўлида бўлган, тақдир тақозасига қарши қанчалик курашмасин, барибир унинг қули бўлиб, ўз онасига уйланган, қанчалик истамасин, ҳеч бир воқеа ўз ихтиёри билан содир бўлмаган Эдипдан кам фарқ қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам одам ихтиёрсизлик қурбонидир ва ҳар иккала ҳолатда ҳам инсон ўз-ўзига ҳамда ташқи оламга бегонадир, демак турли даврларда яратилган асар ва қаҳрамонлар муҳити мифик муҳитдир. Мифнинг бундай кенг имконияти ва инсонни таҳлил қилишдаги ролининг беқиёслиги унинг адабиётнинг ажралмас қисми сифатида яшаб қолишини кўрсатдики, XX асрдан эмас, умуман инсоният шу пайтгача яратган ёзма адабиётнинг бирон улкан намунасини мифсиз, миф иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хўш, бу нимадан дарак беради? Адабиётга нега миф

[132] *Кафка Ф.* Мастера современной прозы. – Москва: Радуга, 1989.

шунчалар «ёпишиб» олган? Адабиёт ва миф таъсирини қандай илмий асослаш мумкин? Умуман, нега адабиёт мифсиз яшолмайди? Нега мифсиз адабиётнинг умри қисқа? Бу саволга жавобни, бизнингча, икки нарсадан излаш зарур бўлади. Булардан биринчиси, инсоннинг ташқи олам билан муносабати ва уни қабул қилиш жараёнидир. Илк аждодларимиз ҳам худди шу ҳолатда мифларни яратган, яъни мифлар аждодларимизнинг ташқи оламга муносабати, уни жонли, ҳаракатда дея тасаввур қилишлари, ана шу муносабатда инсоннинг тутган ўрнини белгилашлари, макон ва замон ҳақидаги тушунчалари оқибатида юзага келади. Тайлорнинг аниқлашича, Африкада ҳанузгача қабила сифатида яшаётган ибтидоий қавмларни ер, осмон, фалак, табиат кучлари, олам ҳақидаги қарашлари ҳамон ўша – олис замонлардаги каби ўзгармай қолган, яъни уларнинг бутун тасаввурлари ҳам мифологик тасаввурлардан иборат. Ташқи олам билан муносабат масаласи ва ундан туғиладиган тушунча ва тасаввурлар, бошқача айтганда, инсоннинг ташқи олам олдидаги ожизлиги оқибатида туғиладиган тасаввурлар йиғиндисидан миф яралади. Инсон беҳад кучли ва сирли ташқи олам олдида кичкина бир жонзотдир, унинг барча хатти-ҳаракати, ҳаёти, қисмати ана шу ташқи оламдаги кучлар қўлида ва у ана шу кучларнинг инон ихтиёрини ифода этиб ҳаёт кечиради. Ана шу жойда эзгулик ва ёвузлик бўлинади, ташқи оламдаги қудратли кучлар эзгу ва ёвуз худоларга бўлинади. Олам ана шу эзгу ва ёвуз худоларнинг мувозанатидан, курашидан иборат. Бу кураш инсон ичкариси – руҳиятида ҳам акс этади. Агар одам руҳиятида ёмонлик пайдо бўлса, ёвузлик тангриси унинг ичкарисига кириб олиб, инсонни фақат ёмон ишлар қилишга ундайди. Ёки аксинча бўлиши мумкин. Бизнингча, XX аср адабиётида инсоннинг ана шу ожизлиги, ихтиёрсизлиги мавзуси асосий ўрин тутади. Шу сабабли «Улисс», «Сеҳрли тоғ», «Қўрғон», «Жараён» ёки бошқа асарларда инсон ихтиёрсизлиги бўртиб тасвирланган.[133] Хусусан, бу асарларнинг ҳар бирида ўзига хос мифик олам яратилган. Бу оламда инсон ихтиёрсиз, ожиз қилиб тасвирланади; яъни шу мифик оламдаги ташқи, сирли кучлар инон-ихтиёрининг оддий ижрочилари, улар ихтиёрсизлик ва ана шу ихтиёрсизликдан туғиладиган маънисизлик қурбонларидир. Бу қурбонлик жараёни Ф. Кафка асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шуни айтиш зарурки, Кафка асарларида бирорта миф эслатилмайди, мифлар келтирилмайди, бироқ асарлардаги образлар ўз ҳолати, ташқи оламга ёки ташқи оламнинг уларга муносабатига кўра, мифологик образлардир. Кафкашунос М. Брод бу образларни худолардан адолат ва шафқат ҳамда эътироф сўраётган мифологик образларга ўхшатади. Бошқа тадқиқотчилар эса асар Фрейд-Юнг назарияси асосида қайта талқин қилинган Нуҳ пайғамбар ҳақидаги мифнинг таъсирида юзага келган дейишади, хусусан, Нуҳ отасининг мустабидлиги остида яшаган айбсиз айбдор ситамгир сифатида асар руҳига сингиб кетган. Бироқ бу талқин «Жараён»дан кўра «Ҳукм» новелласига кўпроқ мос тушади. Новеллада отанинг ўғлига муносабати ҳамда «Жараён»да ҳам қонуннинг Йозеф К. га муносабати ана

[133] *Кафка Ф.* Мастера современной прозы. – Москва: Радуга, 1989. – Б. *23–150; 151–329.*

шу мифни эсга солади, бироқ Кафка асаридаги мифологик талқин бевосита эмас, билвосита, яъни асарда яратилган тасаввур ва тушунчалар моделига сингдирилгандир. Шу сабабли бу асарларни хоҳлаган мифологик нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин бўлади. Бадиий олам мифни қайтариш эвазига эмас, балки ўша мифдаги олам моделини яратиш эвазига бунёдга келади ва асар қаҳрамони бутун инсониятни ўзида тимсоллаштиради. Мифик олам моделида ҳаракат қилаётган қаҳрамон мифдаги қаҳрамонлар каби ҳаракат қилади ва айбсиз айбдорга, худоларнинг қурбонига айланади. Йозеф К. ўзини нима учун суд қилишаётганини билмайди, бироқ унга тинимсиз қонуннинг адолатли томонларини («илоҳ»ларнинг адолати каби) уқтиришади, уни суд қилишади, бироқ айбининг нималигини айтишмайди, судялар суд пайти турли суратлар чизиб ўтиришади, суд ҳам одатий бинода эмас, эски бир уйнинг томида, исқирт ва ташландиқ, жойда бўлиб ўтади; турма руҳонийси К. га ўз тақдирига кўниши кераклигини, агар гуноҳи бўлмаганда иш қўзғатилмаслигини айтиб, уни ўзини қурбон қилишга кўндиради ва шу хизмати билан мифдаги коҳин вазифасини ўтайди; асар охирида К. ни ташландиқ, тор, исқирт қоп-қоронғу кўчада қатл этишади – бу ҳолат қатлдан кўра оддий каллакесарликка ўҳшайди: Йозеф К. асар давомида адолат излаб тополмайди ва унинг қандай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди, оқибатда у ўзини қурбон қилишларига кўникади. Унинг қурбон бўлиши худоларга қилинган қурбонликни эслатади: Эдуард Тайлор қадим замонларда одамларни ҳар хил худоларга қурбонлик қилишларини ва буни қурбонлик қилувчи худоларнинг марҳамати сифатида қабул қилгани тўғрисида гувоҳлик беради. «Қўрғон»да қаҳрамон қўрғондан ўзини ер қазувчи сифатида эътироф этишларини истайди: Қўрғоннинг энг паст амалдорлари ҳам ўзини худолардай тутади. «Қўрғон» юнон мифологиясидаги Зевс макони Олимпни, амалдорлар эса унинг атрофидаги худоларни эсга солади. Мифик олам модели асардаги ғайриоддий ҳодисаларга кенг имкон беради: К. қишлоққа келгач, меҳмонхона хўжайинининикидан қўрғонга телефон қилиб, ер қазувчи чақирилган-чақирилмаганини аниқлашади. Қишлоқдагилар қўрғон билан шу телефон орқали гаплашиб туришади ва ҳар хил кўрсатмалар олинади. Бироқ асар давомида маълум бўладики, Қўрғон билан меҳмонхона ўртасида ҳеч қандай сим йўқ, алоқа ўрнатилмаган. Асарнинг мифологик модели асарни хоҳлаган мифга нисбатан талқин қилиш имконини беради, шу сабабли тадқиқотчилар Кафка асарларини христиан, яҳудий мифларидан ташқари шумер мифларига, хусусан Билгамеш (Гилгамеш)нинг, «мангу ҳаёт» сувини излаб, унга эришолмай ҳалок бўлгани ҳақидаги мифга ҳам қиёслайдилар. Кафканинг бевосита бирон мифни эмас, балки, мифик олам моделини асарига сингдириши ва асарни ана шу модел асосига қуриши бевосита бирон параллел мифга асосланган, «Улисс» ёки «Сеҳрли тоғ» асарлари «Жараён» ва «Қўрғон»га нисбатан ўзининг қурилмасини тезроқ фош қилиб қўяди. Жойс мифга инсоният ҳаётининг давомийлиги сифатида ёндашади, Т. Манн XX аср ҳаётини тимсоллаштиришда мифдан фойдаланади, Кафка эса мифнинг

асл моҳиятини очиб беради; бизга мифни келтирмайди, балки шу мифологик олам моделига олиб киради.

«Эврилиш»да биз бевосита мифологик маросимга – бир мақомдан иккинчи мақомга ўтишга, яъни одамни ҳайвонга айлантирган сеҳргарликка дуч келамиз ва бу «сеҳргарлик»ни энди жамият амалга оширади, инсонни ҳашаротга айлантириб ташлайди: мифология қадамма-қадам ҳайвон қиёфасидаги худоларни одамга қиёфасига айлантирган бўлса, «Эврилиш»да биз одамнинг ҳайвонга айланиш жараёнини кўрамиз. Умуман, XX аср адабиёти мифологияга янги муносабатни шакллантирди. Бу мифологияни тушуниш учун мифологияни талқин қилишда янги назарияни яратган психоаналитикларнинг инсон ва ижод жараёнлари ҳақидаги қарашларининг ўзиёқ мифологияни адабиётга, санъатга яқинлаштиради.

Психоаналитиклар ижодни онгсиз ҳисларнинг онг қатламига қалқиб чиқиши деб баҳо берадилар. Илҳом ақл бўғиб қўйган, ақлий фаолият тўхтатиб қўйган онг ости ҳисларининг бирдан юзага қалқиб чиқишидир. Буюк ижодкорлар онг ости ҳис-кечинмаларининг юзага қалқиб чиқишини оддий кўникмага айлантирган, онгли фаолият ва онг ости кечинмалари мувозанатини сақлай олган кишилардир. Психоаналитика фани инсон ичидаги «мен»ни излар экан, у руҳий дунёдаги шу руҳиятга хос бўлган «миф» ларга дуч келди. Бу «миф»лар ўзининг инсон руҳий дунёсига таъсири жиҳатдан илк аждодларнинг мифларидан деярли фарқ қилмайди.

Руҳий дунёда «мен» шаклланмаган экан, у ерда культлар мавжуд бўлади ва бу культлар инсонни маънан мутеликда ушлаб туради; мифлардаги қаҳрамон мақсадга эришишда худолар, ёвуз руҳлар, деву жинлар тўсиқ бўлгани каби унинг «мен»га интилишини ҳар хил жимжима, сароб, умидсизликлар билан тўсиб туради, ўз кучига бўлган ишончни емириб ташлайди. Инсон ичидаги культ ўзларига худо ясаб олган илк аждодларнинг руҳий дунёсидан кам фарқ қилади. Гарчи унинг ақли, онги илк аждодига нисбатан кескин фарқ қилса-да, унинг ақлий дунёси илк аждодига нисбатан қиёслаб бўлмас даражада эса-да, Йозеф К. нинг ичидаги культнинг илк аждодининг ичидаги культдан фарқи йўқ. Инсонни маънавий тараққиёти ва юксалиши фақат онг ва ақлнинг яшин худонинг найзаси эмаслигини ёки ерни ҳўккиз кўтариб турмаслигини билиш билан ўзгармайди, балки руҳий дунёдаги культларни енгиб, комил «мен»ни қай даражада ярата олганлиги билан ўлчанади. Маданий қаҳрамон одамхўр дев ёки циклоп йўқлигини жуда яхши англайди ва бундай чўпчакка ишонмайди, бироқ унинг руҳий дунёсидаги культлар олдида ожизлиги, заифлиги ички мутелиги одамхўр жамиятнинг соясидан, ўзига тушиб турган аксидан қўрқиб, қул бўлиб яшашга мажбур қиладики, бу икки ҳолат ҳам фан нуқтаи назаридан миф деб аталади. Атоқли адиб У. Фолкнер асарларида «полковник»ларнинг шарпаси (арвоҳи эмас. – ***Ж. Э.***) кезиб юради ва шу шарпа қаҳрамонларни бошқаради, Кафка асарларида инсоннинг ожизлиги ва мутелиги, унинг ўз «мени»дан ётлашуви, ихтиёрсизлиги қаршисида турган Жараён ва Қўрғон культларининг охирига етиб, ўз йўриғига юрдириб бўлмаслиги ҳақидаги маҳкумлик хулосаси туради; Томас Маннинг асарларида инсон руҳининг

алдамчи эгизаги – ёвузлик ва мубталолик культи ҳукмронлик қиладики, инсон ниманики яратмасин, ҳатто эзгулик номидан қилган ишлари ҳам охир-оқибат шу культга қилинган қурбонлик бўлиб чиқаверади. С. Бэккет ёки театр обсурднинг бошқа намояндалари мантиқсизликка асосланган ҳаётларини культ қилиб, шунга сиғиниб яшашади, Камю асарларида инсоннинг ҳаёти охир-оқибат барибир бемаъниликдан, маъносизликдан иборатдир деган ақл культининг соялари ётади. М. Пруст асарларида сония, лаҳзани культ қилиб олиб, шундан маъни ва гўзаллик излаётган қаҳрамонлар кезиб юради. Биз «неомифологизм» оқимига мансуб хоҳлаган ёзувчининг асарида инсон ҳақидаги қайси даражададир «миф»ни учратамиз. Бу миф антик даврдаги мифларга параллел мифлар эмас, балки ўша мифларнинг такрори бўлмиш, XX аср инсон руҳиятидаги мифлардир. Шу сабабли ҳам бизнинг асримизда адабиётда мифлар маълум маънода янгиланди ва инсон руҳиятига кириб борилган, унинг онг қатламлари кашф этилган, адабиёт ҳақиқий инсоншуносликка айланган сайин цивилизация янги бир чўпчак деб қараган мифга эҳтиёж шунчалик кучайди.

Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» асарларида параллел мифлар шу бугунги инсон руҳиятида миф билан қиёсланиб ҳар иккала мифдаги ўхшаш жиҳатлар кўрсатиладики, ёзувчи мифлар яратган аждодларидан кам фарқ қилади. XX аср адабиётини кузатар эканмиз, Достоевскийнинг «Одам жумбоқдир» деган фикрига яқинроқ тарзда шартли қилиб айтиш мумкинки, «Инсон бу – миф» бугунги адабиётиимизда пайдо бўлаётган, «Жажман», «Қора кун», «Кўк кўл», «Чодир хаёл», «Қадимдан бўлган экан» каби асарларида биз ана шу инсон ҳақидаги мифга яқинлашувни кўрамиз. Бу асарлардаги ўзларидан илгариги ҳикоялардан, А. Қаҳҳор мактабидан фарқли жиҳатлар, ғайриоддийликлар, ақл мантиғига зид, бироқ идрок ва руҳият мантиғини тўлдирувчи ҳолат ва фантасмагориялар ана шу мифологик тасвирга бўлган интилиш натижасидир. Бироқ, бу инсоннинг миф шаклида таҳлил қилиш масаласининг бир жиҳати. Унинг бошқа бир томони ҳам борки, бу услубга доир жиҳат. Мифологик тасаввур ёки мифологик ижод инсонни макон, замон, илоҳият тушунчаларига яхлитлаштиради, уни қайсидир макон, замонга тегишли ғоянинг ёки мафкуранинг маҳсули эмас, макон, замон, илоҳият тушунчаларидаги яхлит бир умумийлик маҳсулотига айлантиради. Кези келганда шуни айтиш керакки, социолистик реализм шу маънода инсонни сохталаштиришга, уни маълум бир ғоянинг маҳсули сифатида баҳо беришга уринди, – бу эса инсонда мужассам бўлувчи яхлит тушунчани юзакилаштирди, уни ишлаб чиқариш воситалари каби бир ускунага айлантирди. Инсон ғоя инъикоси эмас, у ўзликнинг, ички менинг, ички культнинг инъикосидир. Миф, айтиш мумкинки, услуб имкониятларини кенгайтирди, поэтик мушоҳадага эркинлик берди, уни фалсафий кўлам билан тўлдирди. Маълумки, миф оламнинг яралиши, худолар, уларнинг ўрни, вазифаси, умуман дунёнинг ва инсонни яралиши ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисидир. Хўш, бу тасаввурларнинг поэтик тасаввурга, асар поэтикасига қандай алоқаси бор?! Бу шу билан ифодаланадики, асарда ҳам мифдаги дунё каби ёзувчи дунёси

яралади; яъни кенг олам ҳақида асарда фақат шу ёзувчига хос маълум ғоя сингдирилган ва маълум ғоясини ифода этган дунё яралади. Ана шу кичик олам ёзувчининг катта олам ҳақидаги мифологик мушоҳадасининг маҳсули ўлароқ пайдо бўлади; асарда ўз оламини яратаётган ёзувчи билан олам ҳақида миф яратаётган аждоди ўртасида фарқ йўқ. Ч. Айтматовнинг «Оқ кема»си асаридаги мифология она буғу ҳақидаги афсонада эмас, балки ёзувчи бола қалбида яратган олам – Она буғу ишонч – культда ўз аксини топади. Мифни шунчаки қайтариш, баён қилиш – бу ҳали ижод эмас. Европада ҳам, Америка қитъасида ҳам илғор адабиёт туғилишидан илгари мифларни шунчаки қайтариб ёки озгина ўзгартиришлар киритиб, мифологик руҳдаги асарлар эълон қилган ёзувчилар кўп бўлган, бироқ бу мифологик адабиётнинг илк босқичидир. Унинг юқори босқичи ёзувчи асарида, у яратган дунё модели акс этади. Қадимги одамнинг дунёнинг яралиши, илоҳият, атрофни ўраб турган кучларнинг таъсирида туғилган тасаввури билан ёзувчи яратган дунё тасаввури ўртасидаги мантиқий боғлиқлик мифологияни поэтикага айлантиришдаги энг муҳим жиҳатдир.

«РУСТАМХОН» ТУРКУМЛИГИ ҲАҚИДА

«Рустамхон» туркумлиги бугунга қадар энг кўп нашр этилган, бироқ етарли даражада тадқиқ этилмаган достонлар сирасига киради. Гарчанд бу туркумликнинг кўплаб достон, эртак вариантлари мавжуд бўлса-да, бугунги кунга қадар бу туркумликка кирувчи иккитагина: «Рустамхон» ва «Муродхон» достонлари нашр этилган, холос. Шунинг учун олиб борилган тадқиқотлар асосан шу икки достон ҳақида.

«Муродхон» достони атоқли бахши Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йили Муҳаммад Исо Эрназар ўғли томонидан ёзиб олинган. Мазкур достон ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 9-инвентарь рақами остида сақланади. Қўлёзма араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида ёзилган. Достон сўнгида: «Муродхон»нинг биринчи достони тугади. Фозил шоир Йўлдош ўғли айтди, Муҳаммад Исо Эрназар ўғли ёзиб тугатди», деган ёзув илова қилиниб, 1928 йил 12 январь санаси кўрсатилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 168 саҳифани ташкил этади.

Фозил Йўлдош ўғлининг «Муродхон» достони бугунги кунга қадар ёзиб олинган ягона вариант ҳисобланади.

Туркумликнинг кейинги достони «Рустамхон»нинг Фозил Йўлдош ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Маллавой Ҳошим ўғли, Мелаш Эрмат ўғли, Алим Ҳаққул ўғли, Абдуназар Поён ўғли каби достон ва бир қанча эртак вариантлари мавжуд.

«Рустамхон» достонининг Фозил Йўлдош ўғли (1875–1955) варианти 1937 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов томонидан ёзиб олинган. Қўлёзма лотин имлосида бўлиб, жами олти дафтардан иборат бўлиб, улардан бештаси 20х28, биттаси 17х22 см ҳажмда. Шеърий мисралар сони 2093, насрий қатор сони эса 2060 ни ташкил этади. Фозил Йўлдош ўғлининг ушбу варианти ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архивида №12-инвентар рақами билан қайд этилган.

Яна бир вариант қиссахон бахши Раҳматулла Юсуф ўғлига тегишли. Бу ҳақида ҳеч бир илмий манбада маълумот учрамайди. Чунки «Рустамхон» достонини тадқиқ этган биздан олдинги тадқиқотчилар ҳам достоннинг ушбу вариантидан бехабар бўлишган.

Юқорида номи тилга олинган фольклор архивида 1702-инвентарь рақами остида сақланаётган «Рустамхон» достонини 1975 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманидаги Қоракиса қишлоғида яшаган қиссахон-бахши Раҳматулла Юсуф ўғли ўз қўли билан ёзиб топширган.

Қўрғон достончилик мактаби анъаналарининг давомчиси ҳисобланган Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги бу достон қўлёзма араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида ёзилган бўлиб, умумий ҳажми 274 саҳифани ташкил этади.

«Рустамхон» достонининг Маллавой Ҳошимов вариантини 1935 йилда Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги Косон қишлоғидан Буюк Каримов ёзиб олган. Бу достоннинг 13х20 см ҳажмдаги уч дафтарга

кўчирилган қўлёзмаси 392 шеърий мисра, 608 насрий қатордан иборат бўлиб, лотин имлосида 135 саҳифани ташкил этади. Маллавой Ҳошимнинг ушбу варианти ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 594-инвентарь рақами остида сақланади.

Фольклор архивида 802-инвентарь рақами остида сақланаётган бахши Мелаш Эрмат ўғли (1890–1945) варианти Бойқул Шербўтаев томонидан 1940 йилда Самарқанд вилоятининг Зомин туманидан ёзиб олинган. Қўлёзма лотин имлосида бўлиб, ҳажми 27х36 см ли битта дафтарга қайд этилган. 38 саҳифадан иборат ушбу достон 483 шеърий мисра ва 1026 насрий қатордан иборат.

Таниқли бахши Алим Ҳаққуловдан ҳам «Рустамхон» достони 1962 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманига уюштирилган фольклор экспедицияси чоғида ёзиб олинган. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 1552-инвентарь рақами остидаги ушбу вариантнинг ҳам аудио варианти, ҳам фольклоршунос олим Тўра Мирзаев томонидан кирилл алифбосига кўчирилган нусхаси мавжуд. 112 саҳифадан иборат нусха 18х22 см дан иборат дафтарга кўчирилган бўлиб, 1200 шеърий ва насрий қаторни ташкил этади.

«Рустамхон» достони сурхондарёлик ижодкор, Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёновдан 2013 йил Тошкент шаҳрида ёзиб олинди. Гарчанд мазкур достонни куйлаш воҳа достончилик анъанасига хос бўлмасада, бахши ушбу достонни устозларидан эшитганини ҳамда китобдан ҳам ўқиганини эътироф этади. Абдуназар Поёнов вариантидаги барча воқелар, сюжет йўналиши Фозил Йўлдош ўғли вариантига ўхшаш кетма-кетликда деярли айнан такрорланади.

Абдуназар бахши варианти икки жиҳати билан эътиборлидир. Биринчидан, маълум бир ҳудудга хос эмас, деб қаралган достоннинг бахшилари ижросида мавжудлиги воҳа ижодкорларининг эпик репертуари қайта ўрганилишини тақозо этади. Иккинчидан, бахши ўзи эътироф этгандек, ҳам устозлар анъанасини давом эттирган ҳолда, китобдан ҳам фойдаланиб достон яратиш бу сўнгги давр бахшичилик анъанасига хос хусусиятдир. Мана шу жараённинг ўзи бу ҳолатнинг бошқа достонлар мисолида ҳам янада чуқурроқ ўрганилиши, тадқиқ этиш лозимлигини уғулайди. Бу ҳолат бугунги жонли жараён ҳақидаги тасаввурларимизга ойдинлик киритади.

«Рустамхон» достонининг эртак варианти ҳам мавжуд бўлиб, у эртакчи-айтувчи Оқдарё тумани марказида яшовчи олтмиш олти ёшли Сайдамин Зубаевдан Райҳона Насруллаева ёзиб олган. Мазкур эртак вариантидан шу нарса ойдинлашадики, у достоннинг Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган матнидаги воқеалар билан айнан бир хил. Фольклорда бирон-бир эпик асарнинг ҳам достон, ҳам эртак варианти бўлиши достончилик анъаналарини тадқиқ этишда муҳим факт бўлиб хизмат қилади.

«Рустамхон» туркумлиги ва унинг ижрочилари ҳақида дастлаб Ҳоди Зарифов ва Виктор Жирмунскийлар ўзларининг «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси»

номли китобида батафсил маълумот берадилар.[134] Бу олимлар «Рустамхон» достонига қаҳрамонлик-романик, «Муродхон» достонига эса соф романик эпос намунаси сифатида қарайдилар. Бугунга қадар «Муродхон»га нисбатан «Рустамхон» достони нисбатан кўпроқ тадқиқ этилган. Бунинг албатта ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Шу ўринда туркумлик масаласига ойдинлик киритиб олиш зарур бўлади. Туркумлик бу – маълум бир эпик қаҳрамон, унинг авлодлар ва сафдошлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи достонлар силсиласидир. Туркумликка кирувчи достонлар бир-бирининг изчил давоми бўлмай, ҳар бири алоҳида-алоҳида воқеалар асосига қурилиши ҳам мумкин. Бу ўринда эпик қаҳрамонлар, эпик макон ва замон умумийлигига амал қилинади. Эпик асарлар туркумлиги Туркий халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган. Мисол учун, «Гўрўғли» туркумлиги, «Рустамхон» туркумлиги ва ҳоказо.

Эпосдаги туркумлик ўз табиатига кўра икки хил бўлади. 1. Генеалогик ёки наслий туркумлик. Бундай туркумлик таркибига кирувчи асарларда бир авлод ва наслнинг пайдо бўлиши, насл-насабидан тортиб кейинги авлодларнинг қисматига қадар барчаси мустақил асарларда акс этади. Мисол учун, «Гўрўғли» наслий туркумлиги Гўрўғлининг туғилишидан тортиб ғорга кириб ғойиб бўлганга қадар бўлган даврни, унинг фарзандлари ҳаётини қирқдан ортиқ мустақил достонларда акс эттиради. Бу туркумга кирувчи достонлар асосий ғоядан ташқари, Гўрўғли, Юнус пари, Мисқол пари, Ҳасанхон, Авазхон, Аҳмад сардор ва Соқибулбул каби образлар; Чамбил шаҳри, Ғирот (Ғиркўк) оти орқали бир-бирига боғланиб туради ва мантиқий жиҳатдан кетма-кетликни ташкил этиб, Гўрўғли авлодининг ҳаётини тугал ёритади. 2. Биографик туркумлик. Одатда генеалогик туркумликлар ўзидан кичикроқ туркумликлардан ташкил топади. Бундай туркумликлар қаҳрамонлардан бири атрофида юзага келади. Масалан, «Гўрўғли» наслий туркумлиги «Гўрўғли», «Ҳасанхон», «Авазхон», «Нурали» каби биографик туркумликлардан ташкил топган.

«Рустамхон» туркумлиги эса ана шундай ўзбек халқ достонлари туркумларидан биридир. Бу туркумликка кирган «Рустамхон» достони Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиниб, нашр этилган. Туркум беш достон («Султонхон», «Муродхон», «Офтоб пари», «Рустамхон», «Рустамнинг яраланиши»)дан иборат.

«Муродхон» достонида Муродхоннинг бошига давлат қуши қўниб, Оқтош элига подшо бўлиши, гўзал Орзигулга ошиқ бўлиб, уни излашидаги саргузаштлари, Орзигулни олиб, юртига қайтиши воқеалари тасвирланган. «Муродхон»да мардлик, ватанпарварлик, адолат ва ҳақиқатгўйлик ғоялари куйланади. Муродхон ёрини излаб, сафарга отланар экан, ўз ўрнига қўйган оталиқ – бек ва амалдорлардан мамлакатни адолат билан бошқаришни, бева-бечораларнинг ҳолидан доим хабардор бўлишни тайинлайди. Бу нарса

[134] *Жирмунский В., Зарифов Х.* Узбекский героический эпос. – Москва: ОГИЛ, 1947. – С. 151–165.

достонда халқ ижодига хос демократик руҳ янада ёрқин намоён бўлганлигини кўрсатади.

Бу туркумликда «Муродхон» соф ишқий романий, «Рустамхон» эса қаҳрамонлик-романик достон намунаси сифатида талқин этилади. Хўш, бир бахши томонидан куйланган, мавзу жиҳатдан деярли бир-бирига яқин икки достоннинг икки хил таснифланишининг сабаблари нимада?

«Муродхон» достонида мотивлар, асосан қаҳрамоннинг ишқий саргузаштларга қурилган. Бир пайтлар отаси шоҳлар авлодидан бўлиб, кейин йўқсилликка учраб, ўтинчилик билан кун кўриб юрган Муродхоннинг бошига бахт қуши қўниб, у юртга подшо бўлиб сайланади. Достондаги бахт қуши билан боғлиқ саргузаштлар худди сеҳрли эртаклардагидек фантастик элементларга бой, қизиқларли қилиб тасвирланади. Муродхоннинг овга чиқиши, овда бир парини кўриб ошиқ бўлиши ва унга билмасдан уйланиши ва парининг аразлаб кетиш ҳолатлари бу сеҳрли эртакларга хос воқеалардир. Достоннинг мифологик қатлами қадимий эканлигига қарамай, бунда асосий урғу Муродхоннинг ошиқ ҳолатига қаратилади. Шу тахлит бахшичилик анъанасида мавжуд бўлган, романик достонларга хос соф-севги, чин муҳаббат улуғланади.

Туркумликнинг кейинги достони деб ҳисобланган «Рустамхон» достонидан ҳам қаҳрамоннинг ишқий саргузаштлари жой олган. Бироқ бошқа романик достонлардан фарқли ўлароқ урғу бу ерда севги можароларига эмас, балки Рустамхоннинг қаҳрамонлик саргузаштларига қаратилади. Унинг бу қаҳрамонликлари «Алпомиш» ёки «Гўрўғли» достонларини ёдимизга солади. Рустамхонннинг отаси томонидан юборилган жаллодлар қўлидан онасини озод қилиши, дев билан жанги, Офтоб пари юртига хавф солиб келаётган аждарҳони енгиши билан боғлиқ саҳналарда Рустамхоннинг жасорати, қаҳрамонлиги улуғланади. Соф романик достонларда урғу ишқий саргузаштларга қаратилган бўлса, бу достонда урғу қаҳрамоннинг ботирлиги, мардлиги, жасоратига қаратилади. Шунинг учун мотив ва сюжет қурилиши нуқтаи назаридан ҳам «Муродхон» ва «Рустамхон» достонлари бир-биридан фарқланиб туради.

Айрим тадқиқотчилар «Рустамхон» достони сюжетини Фирдавсийнинг «Шоҳномаси» билан боғлашга уринадилар. Тўғри, паҳлавон Рустам ҳақида Шарқ халқларида кўплаб ривоят ва афсоналар мавжуд. Бу афсона ва ривоятлар қайсидир даражада «Шоҳнома»да ҳам ўз аксини топган. Бироқ, бизнинг назаримизда ўзбек халқ достони бўлган «Рустамхон»нинг «Шоҳнома»га ҳам, Рустам ҳақидаги афсона ва ривоятларга ҳам мутлақо боғлиқлик томони йўқ.

«Рустамхон» ҳам анъанавий қаҳрамонлик (албатта, худди «Алпомиш» сингари архаик эмас) достонининг, ҳам романик достонининг энг гўзал намуналаридан биридир.

«Рустамхон» достони нафақат Фозил шоир ижодида, балки ўзбек достонлари орасида мотивлар ранг-баранглиги, сюжет қурилиши ва юксак бадийяти билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун бу достон кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган.

Кидайш-Покровская эса Москвада чоп этилган «Рустамхан» номли китобнинг сўзбошисида[135] достон ва унинг вариантлари ҳақида фикр билдириб ўтади. Шу ўринда шуни айтиб жоизки, Кидайш-Покровская достонни имкон қадар тўла чоп этишга ҳаракат қилган бўлса-да, биз тайёрлаган мазкур мукаммал вариантдан анча фарқликларга эга. Зеро, мазкур нашрда достоннинг кўпгина ўринлари ташлаб кетилган, хато ўқилган, айрим ўринлар эса умуман хато таржима қилинган. Шундай бўлса-да, ушбу нашр ўзбек эпосини дунёга танитишда муҳим рол ўйнади десак, хато қилмаймиз. Бундан ташқари, олиманинг ўзи ва бошқа муаллифлар билан биргаликда ёзган мақолалари ҳам мавжудки, улар бевосита «Рустамхон» достони таҳлилига бағишланмаган бўлса-да, ундаги мотив ва сюжет қурилиши хусусияти, бошқа достонлар билан типологик ўхшашликлари ҳақида боради.[136]

М. Обидова эса «Рустамхон» туркуми достонлари мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган. Муаллиф худди шу номдаги илмий рисола ҳам чоп эттирган.[137]

Ҳолид Корогли ўзининг «Ўзбек адабиёти» номли рисоласида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмуш» эпослари билан бир қаторда «Рустамхон» туркумлигига кирган достонларни ҳам тилга олиб ўтади.[138]

Тадқиқотчи А. Ғаффорова эса ўзининг «Рустамхон» достонида синонимларнинг ишлатилиши» номли мақоласида достоннинг тил хусусиятларини, матн бадииятида синонимларнинг тутган ўрни ҳақида фикр юритади.[139]

Бундан ташқари, «Рустамхон»ннинг турли йилларда чоп этилган нашрларидаги сўзбошиларда достон хусусиятлари тўғрисида мулоҳазалар билдирилган.[140]

Юқорида айтганимиздек, достон турли йилларда бир неча маротаба чоп этилган. Нашр жараёнларининг ўзи бизга кўплаб қизиқарли маълумотларни беради. Достон даставвал Ҳоди Зарифов томонидан 1939 йилда тайёрланган

---

[135] *Покровская К. Н.* Рустамхан. Узбекский героический эпос. – Москва: Наука, 1972.

[136] ***Қаранг:*** *Кидайш-Покровская Н. В., Мирбадалова А. С.* Тардиционное элменты стиля в эпическом тексте // Текстологические изучения эпоса. – Москва: Наука, 1971. – С. 65–96; *Кидайш-Покровская Н. В.* К проблемам жанравой диферансации эпоса и сказки Тюркоязычных народов // Типология народного эпоса. – Москва: Наука, 1975. – С. 235–249 ва ҳоказо.

[137] *Обидова М.* «Рустамхон» туркуми достонлари. – Тошкент: Фан, 1982.

[138] *Корогли Х.* Узбекская литература. – Москва: Высшая школа, 1976. – С. 54– 59.

[139] *Ғаффорова А.* «Рустамхон» достонидан синонимларнинг ишлатилиши / Тил ва адабиёт масалалари. Илмий тўплам. – Ленинобод, 1964. – С. 123–144.

[140] ***Қаранг:*** *Каримов З.* Сўзбоши // «Рустамхон» достони. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи З. Каримова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1950; *Муродов М.* Достонлар гулдастаси // Алпомиш. Рустамхон. Ўзбек халқ достонлари. Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси серияси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б. 3–7; *Ғозибоев Т.* Фозил Йўлдош ўғлининг жоди. – Тошкент: Фан, 1955; *Ғозибоев Т.* Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Фан, 1968 ва бошқалар.

«Ўзбек фольклори» номли антологиядан жой олади.[141] Бу антологиядан жой олган барча халқ оғзаки ижоди намуналари лотин имлосида бўлиб, Ҳоди Зарифов томонидан саралаб танлаб, чоп этилганлиги билан қимматлидир. Мазкур нашрда «Рустамхон» достонининг катта бир бўлаги китобхонлар ҳукмига ҳавола илинган.

Болалар адабиётнинг етук намояндаларидан бири Зафар Диёр 1942 йилда достоннинг қисқартирилган бир вариантини ўқувчиларга тақдим этади.[142]

Фозил Йўлдош ўғлининг 1949 йилдаги «Сайланма»сидан бахшининг бошқа асарлари қатори «Рустамхон» достони ҳам жой олган.[143]

1950–1958 йиллар орасида Ҳоди Зарифов, Зайтуна Каримова, Ҳолид Расул, Мансур Афзаловлар томонидан бир неча марта қайта нашр этилади.[144]

1985 йилда фольклоршунос олим Малик Муродовнинг сўзбошиси билан биргаликда «Рустамхон» достони қайта нашр этилади.[145]

«Муродхон» ҳам, «Рустамхон» ҳам қанчалик кўп чоп этилган бўлмасин, собиқ шўро тузими даврида унинг мукаммал нашри амалга оширилмади. Ҳар бир нашрда достоннинг у ёки бу жойи қисқарган, қўлёзмадан хато ўқилган ҳолатда чоп этилган. Мисол учун, «Рустамхон» достонининг фольклор архивида сақланётган қўлёзмасида Султонхоннинг фарзандли бўлиш олдидан туш кўргани шундай тасвирланади:

«Султонхон ул кеча ётиб туш кўрди. У тушида шундай аён бўлди. Бу худой берган фарзандинг, Қурудум мамлакатига сафар қилсанг, ўн тўрт жил деганда бориб келсанг шу боланг туради, бўлмаса нобуд бўлади»[146].

Бу туш мотиви Султонхоннинг Қурудум мамлакатига сафарга чиқишининг сабабини ҳамда туғилаётган фарзанд Рустамнинг оддий фарзанд эмас, илоҳий фарзанд, аждодлар культи билан боғлиқлигини кўрсатувчи муҳим бир жиҳатдир. Айтиш мумкинки, достон ана туш мотиви билан бошланади ва достон сўнгидаги воқеалар шу туш билан боғлиқ ҳолда кечади. Бироқ «Рустамхон» достонининг 1965 йилги ва 1985 йилги нашрларида бу

---

[141] Ozbek Folkloru. Antologiya. – Toşkent: Devlet Oquv-Pedagogik Neşriyatı, 1939. – B. 166–181.

[142] Рустамхон. Достон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи Зафар Диёр. – Тошкент: бадиий адабиёт, 1942.

[143] Рустамхон. Достон // Фозил Йўлдош ўғли. Танланган асарлар. / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов. – Тошкент: бадиий адабиёт, 1949. – Б. 286–290.

[144] ***Қаранг:*** Рустамхон. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрлаган З. Каримова. – Тошкент: бадиий нашриёт, 1950; Рустамхон. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчилар: З. Каримова ва Ҳ. Расул. – Тошкент: Бадиий нашриёт, 1955; Рустамхон // Ўзбек халқ достонлари. Биринчи жилд. / Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. – Тошкент: Фан, 1956. – Б. 155–232; Муродхон. Рустамхон. Достонлар. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. / Нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов ва Ҳолид Расул. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Бадиий нашриёт, 1965.

[145] ***Қаранг:*** Алпомиш. Рустамхон. Ўзбек халқ достонлари. Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.351-445.

[146] Рустамхон. Достон. Қўлёзма. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архиви. Инв. №112. – Б. 6–7.

мотив тушириб қолдирилган. Оқибатда Султонхоннинг сафарга чиқиши сабаблари ҳам ноаён бўлиб қолади. Ёхуд қулёзмада:

Кўролмайсан, билдим ёлғиз қўзингди,

Келгин, сарсон опа, энди бирга жилайик, –

дея Химчаойим Хуройимга мурожаат қилади. Бу мурожаатда «Сарсон-саргардон, яъни оввора бўлган опа, келгин, бирга йиғлайлик», – дейиляпти.

Достоннинг 1985 йилги нашрда эса охирги мисра: «Келгин, чопсон, опа, энди бирга йиғлайлик» тарзида берилганки, оқибатда «чопсон» сўзининг мисрадаги маъноси ноаниқ бўлиб қолган.

Баъзан достонни ёзиб олишда ёхуд нашрга тайёрлашда шева хусусиятларига эътибор бермаслик оқибатида матндаги сўзни нотўғри ўқиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бошқа достонларнинг нашрларида ҳам бундай тушириб қолдирилган, қисқартирилган, асоссиз таҳрир қилинган ўринлар кўплаб учрайди. Зотан, бебаҳо мулк – халқ достонлари – аждодларимизнинг минг йиллардан буён аввайлаб-асраб келаётган муқаддас меросидир. Улуғ алломалар бекорга халқ оғзаки ижодини халқнинг «Олтин бешиги» деб атамаган.

Халқ достонларидаги ҳар бир мисра, ҳар бир сўз тугал фикр ташийди. Агар ундан бир сўз ўзгарса ё тушиб қолса ҳам достон бадииятига путур етади, аждодларимиз аввайлаб асраган азалий қадриятнинг бир томони кемтик бўлиб қолади.

Ҳар қандай достон нашри уни нашрга тайёрловчидан билим, савия ва текстологик тадқиқотни талаб қилади. Бундай текстологик тадқиқотдан мақсад эпос талабларига жавоб бера оладиган ўзига хос ва анъанавий сюжет тизимига ҳамда қурилишига эга энг яхши вариантларни мукаммал нашр учун танлаб олишдан иборат. Текстологик тадқиқотда қулёзма вариантларга тартиб бериш ва тасниф қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Достонларни нашр этаётганда матнларни саралаб олиш, нашр учун бадиий бўш вариантни танламаслик зарур. Ҳар бир нашрни аслиятдаги қўлёзма билан солиштириш, шу пайтгача мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан тушириб қолдирилган парчаларни тиклаш лозим бўлади.

Нашр этиладиган достонларнинг асоссиз таҳририга йўл қуймаслик. Нашрда достон бадииятини тўлалигича беришга ҳаракат қилиш керак. Шундагина биз қўлёзмадаги шеърий форма, оҳангга жиддий эътибор бера оламиз. Нашр этилган ва қўлёзма ҳолида сақланаётган достонларни турли шеваларда куйлагани учун шевадаги ҳар бир сўзга эътибор бериш, жоиз бўлса уни изоҳлаш зарур бўлади. Хусусан, достонларда тушунилиши қийин, маънолари унутилган, истеъмолдан чиқиб кетган сўз ва ибораларни ўз ўрнида тўғри изоҳлаш керак. Бироқ бундай изоҳлашларда хатоликларга, чалкашликларга ва юзакиликка йўл қўймаслик лозим.

Аслият тилига ва бахши услубига зарар етказмаслик, қўлёзма матнни сохталаштиришга йўл қўймаслик даркор. Шунинг учун аслиятдаги қизиқарли, буёқдор жиҳатларга, анъанавий ифода усули ва қоидаларига риоя этган ҳолда ҳар бир достон тилига эътибор билан ёндашиш, ҳар бир мисра,

ҳар бир сўзни ўз ўрнига қўйиш, бадиий матннинг барча хусусиятларини тўла намоён этишга ҳаракат қилиш лозим.

Ўзбек эпик ижод намуналарида тилимизнинг диалектологияси, лексикологиясига оид жуда кўп қимматли сўз ва иборалар мавжуд. Бу сўз ва ибораларни, умуман достонларимиз тилини ўрганиш, нафақат ўзбек тили, балки умумтуркий тил учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, эпик ижод тилининг луғат бойлиги қадимги ва ҳозирги туркий тил таркибини ташкил этади. Шундай экан достонларимиз тили нафақат фольклоршуносларимиз учун, балки тилшуносларимиз учун ҳам муҳим манба ва тадқиқот объекти бўла олади.

Халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган тил лексикасининг ривожланиш ва ўзгариш, шаклланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда «Рустамхон» туркумлигига ўхшаш эпик ижод намуналари алоҳида ўрин тутади.

Бахшиларимизнинг қадимги туркий луғатдан унумли фойдаланиши, ҳар галги ижрода бу қадим сўзлар янгича мазмун ва маъно кашф этиши эпик ижод тилини билмасдан туриб, унинг бадиияти ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, «Рустамхон» туркуми борасидаги изланишлар ҳали яна давом этиши лозим. Туркумликнинг барча: эртак ва достон вариантлари, шунинг билан бир қаторда унинг сюжет тизими бошқа достонларга қиёсан тадқиқ этилиши бизга эпоснинг юзага келиш ва яшаш қонуниятлари ҳақида янгидан янги талқинларга келиш имконини беради.

«ХОН ДАЛЛИ» ВА «РАВШАНХОН» ДОСТОНЛАРИ ҲАҚИДА

«Хон Далли» ва «Равшан» достонлари Эргаш Жуманбулнинг «Гўрўғли туркумлигига кирувчи энг сара достонларидандир. Маълумки, «Гўрўғли» туркум достонларининг тарқалиш географияси Ўрта Осиё, Кавказ, яқин Шарқ мамлакатлари каби жуда катта ҳудудни қамраб олади. Неча асрлардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бу эпик ижод намунасининг ўзбек, озарбайжон, турк, туркман, қорақалпоқ, татар, қозоқ, тожик, арман версиялари анчайин машҳур бўлиб, бугунги кунда ҳам бахшилар томонидан севиб куйланиб келинмоқда.

«Хон Далли» достонининг қўлёзмаси араб имлосида бўлиб, у 1926 йилда ёзиб олинган. Қўлёзма матни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида №1 [175 бет қўлёзмада] инвентарь рақамлари остида сақланади. «Далли» достони сюжети романик эпосга хос мотивларга бой ва ранг-барангдир. Ёрга ғойибдан ошиқ бўлиб, олис сафарга отланиш, сафар давомида турли қаҳрамонликларни кўрсатиб, ёрнинг синовларидан ўтиб, уни олиб қочиш, сўнг ортидан душман келиб, улар билан жанг қилиш, яраланиб, отасининг ёрдамга келиши «Гўрўғли» туркумлигининг бошқа достонларида ҳам учрасада, «Хон Далли»да ўзига хос тарзда, кўтаринки пардаларда куйланади. Ушбу достон тили, юксак бадийяти билан ажралиб туради.

Эргаш Жуманбулбул ижодига назар ташлайдиган бўлсак, у асосан «Гўрўғли» туркумлигидаги достонларни куйлаганини кўрамиз. Буларнинг орасида Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Хон Далли» достони юксак бадийяти, образларнинг мувафаққиятли талқини, мифологик мотивларнинг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Энг аввало, достон номига тўхталиб ўтсак. Бахши достонни тугатар экан, ўз тили билан:

Ана энди тўйимни ҳам тарқатдим,
«Хон Далли»ни яхши сўзман ўхшатдим.
«Яхшидан от, ёмондан дод», ёронлар,
Яхши эди, яхши таърифин этдим, –

дея достонга таъриф беради. Бироқ достон шу пайтгача «Далли» номи билан чала ҳолда кўп марта нашр этилган, бошқа тилларга таржима ҳам қилинган. Достон номида «Хон» сўзининг олиб ташланиши, албатта, шўро тузуми мафкурасининг талабидан келиб чиқиб тушириб қолдирилган бўлиши, табиий.

Достон муқадиммасида қаҳрамонга шундай таъриф берилади:

«Хон Даллининг ўзи шундай уҳдали, зўр қиз экан. Отасидан сўраб, ўз олдига бир бозор юргизиб, бир бўлак юртни ўзи сўраб, саришта қилиб ўтирибди, – дейди».

«Оға Юнуснинг олиб қочилиши» достонидаги «оға» сўзи каби бу ўринда ҳам исмдан олдин келаётган «хон» қадимий туркий подшо оиласига мансуб насл-насабли аёллар исмига унвон сифатида Даллининг насаби, мартабасини

урғулаб келаётгани учун ҳам биз ушбу нашрда бахшининг ўз сўзларидан келиб чиқиб «Хон Далли» деган номда тўхталдик.

Маълумки, «Хон Далли» қўлёзмаси бахшининг ўзига тегишли, шу маънода бу эпик ижоднинг энг нодир намуналаридан бири ҳисобланади. Бироқ, араб имлосидаги достон қўлёзмасига берилган изоҳда «Достон бошдан-оёқ дин билан суғорилган» деган сўзлар ҳам ёзиб қўйилган. Шунинг учун бўлса керак, гарчанд «Хон Далли» достони бадиий жиҳатдан юксак, деб эътироф этилишига қарамай, ундаги кўплаб шеърий ва насрий парчалар олдинги нашрларда тушириб қолдирилган. Оқибатда достон структураси ва бадииятига путур етган.

Достон: «*Бурунги ўтган замонда, дин мусулмон омонда Урганч элдан тубанда, ўзи қибла томонда, Чамбилнинг белинда, Така-Ёвмитнинг элинда, Гўрўғлибек гурлаб, бек бўлиб, овоза кўтариб ўтди*», – деб бошланади ва Гўрўғлининг ғайб – эранларга дуч келиб, ундан «От тилайсанми ё зот тилайсанми», дея сўрашганида отга ишқибоз Гўрўғлининг от тилагани, шу сабабли фарзандсиз ўтиш тақдирига битилгани, Юнус ва Мисқол парига уйланиши, Ҳасанхон ва Авазни фарзанд қилиб асраб олиш тарихи қисқача баён этилади. Зеро, муқаддима ёхуд бошлама бадиий асар структурасида муҳим ўрин тутади. Ёзма адабиётдан фарқли ўлароқ, оғзаки ижодда муқаддималар қатъий, барқарор шаклга эга бўлиши билан бир қаторда ўзига хос тарзда намоён бўлади ва ижрочининг иқтидорини белгилаб берувчи муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Мисол учун, эртакларда бошламалар: «Бор эканда, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан; бўри баковул экан, тулки ясовул экан; қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан; тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан...» – деб бошланади. Эртаклардаги бундай бошлама ўзининг бадиияти, мажозий мазмуни билан қизиқарли бўлиб, тингловчи диққатини ўзига жалб этади ва уни асосий қаҳрамонлар билан таништиради.

«Хон Далли» достонига ўхшаш эпик асарларнинг бошламаси гарчанд эртакларникига ўхшаб кетса-да, фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатларга ҳам эга. Бу ўзига хослик биринчи навбатда эртакка нисбатан анча кенг қамровли, эпик ижодкор, яъни бахши маҳорати билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Шунинг учун айтиш мумкинки, достонлардаги насрда саж билан келувчи бошламаларнинг пишиқ-пухталиги, мазмунан бойлиги, бадииятига қараб достон ижрочисининг санъаткорлик даражасини белгилаб бериш мумкин бўлади.

Ўзбек халқ достонлари борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бироқ достон муқаддимаси ва унинг асар структурасида тутган ўрни масалалари етарли даражада тадқиқ этилган эмас.

«Хон Далли» достони мисолида эпик ижоддаги муқаддиманинг ўрганилиши, энг аввало, достон структурасининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Эпик асар сюжетининг кейинги ривожини таъминлаб беради. Достонда кечаётган жой, асосий образлар, эпик асар моҳиятида турган воқеликнинг моҳиятини тушунтиради. Муқаддимада кўпинча қаҳрамон шажарасига урғу берилади, унда тилга олинган қаҳрамон шунчаки, оддий

бир қаҳрамон эмас, балки бевосита кўк билан, илоҳиёт билан боғланиши урғуланади. Муқаддималар ҳар матнда, қаҳрамонлик, романик достонларда ўзига хос тарзда берилади. Бу бошламалар, бир-биридан фарқланиб турса-да, уларда умумий жиҳатлар мавжуд. Муқаддималар:

1. Тингловчини воқеликка тайёрлайди, яъни уларни достоннинг асосий қаҳрамонлари ҳамда воқеа бўлиб ўтадиган жой билан таништиради.

2. Достон қамраб олган воқеликнинг кўлами нақадар кенг эканлигини урғулайди.

3. Бадиий асардаги мотив ва сюжетларнинг ривожига туртки беради ҳамда улар ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлайди.

«Хон Далли» достонининг муқаддимаси ҳам: «Бурунги ўтган замонда…» деб бошланиши бежизга эмас. «Бурунги ўтган замон» бу мифологик тушунчага кўра, ибтидонинг бошланиши, хаоснинг космосга айланишидир. Гап бу ерда нореаллик, ҳаётий асосга эга бўлмаган бадиий тўқима ҳақида гап кетмаяпти. Балки, ярми афсона, ярми ҳақиқат, мифологик қобиққа ўралган ўтмиш, тарих ҳақида ҳикоя қилиняпти. Эртакдан фарқли ўлароқ достонни ижро этувчи бахши ҳам, тингловчи ҳам ундаги воқеалар чин ҳақиқат эканига ишонади. Қолаверса, достон аждодларнинг муқаддас хотираси, шонли тарихи ҳақида. Бу шонли воқеалар бир неча авлодлар томонидан куйланиб келинган, авлодларга етказилган ва ижро этилаётган замонда ҳам давом этмоқда.

Достон муқаддимасининг илк жумласидаёқ аждодларимизнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ тасаввурлар мустаҳкам ўрин олган. Демак, мазкур ҳолат достоннинг мифологик қатлами, юзага келиш даврига ҳам маълум даражада аниқликлар киритади. Бошқача айтадиган бўлсак, халқнинг кўп минг йиллик тарихи, тафаккур тарзи ҳақида жуда бой ва қимматли маълумотлар беради.

Муқаддима тингловчини эпик воқеликка олиб киради. Достон кечаётган жой, асосий қаҳрамонлар билан таништиради. Эпик асар воқеаларини яхлит, бир бутун ҳолда жамлаб туради. Достоннинг мазмун моҳиятини очиб беради, унинг яратилиш даврига қайсидир даражада аниқликлар киритади.

Достон муқаддималарининг ўрганилиши эпик асарларнинг асрлар оша яшаб келиш сабаблари, оғзаки ижро санъатининг ўзига хослиги, тараққиёт босқичлари, ижро ҳолати ҳақида тасаввурларни мукаммаллаштиради, эпик санъатдаги мифологик тасаввурларнинг поэтик тасаввурларга айланиш жараёни ҳар бир жанрда ўз талаб ва мезонларидан келиб чиққан ҳолда такомил топишини урғулайди.

«Хон Далли» достонидаги муқаддимада асарнинг асосий қаҳрамонлари, макон билан таништириш билан бир қаторда кейинги воқеалар ривожи учун замин ҳозирланганини кўрамиз. Унда Гўрўғли карвонлардан Арзирум элидаги Хон Далли ҳақида эшитгандан кейин косага май сузиб, ким шу майни ичиб, мен айтган топшириқни бажариб келади, дея мурожаат қилади. Достоннинг кейинги воқеалари ана шу лавҳадан бошланади. Қирқ йигитнинг ичидан ҳеч ким журъат қилолмагандан кейин майга Ҳасанхон талабгор бўлади ва отасидан Ғиротни сўраб олиб, олис сафарга отланади.

Гарчанд, достон муқаддимасида такрор келтириб ўтилганидек, Ҳасанхон ҳам, Авазхон ҳам Гўрўғлининг асранди фарзандлари бўлса-да, ўзбек Гўрўғли достонлари орасида Ҳасанхонга нисбатан Авазнинг анча машҳур эканлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу туркумликнинг кўпгина достонлари Аваз номи билан боғланади. Бу ҳолни мутахассислар турлича изоҳлашади. Аваз Гўрўғлининг энг суюкли асранди фарзанди эканини айтишади. Бу фикрлар қайсидир даражада ўзини оқлайди. Бироқ бу туркумликда шундай достонлар борки, уларда Ҳасан бош қаҳрамон. Ана шундай достонлардан бири бу «Хон Далли» достонидир. «Хон Далли» достони Ҳасанхоннинг тенгсиз жасоратини мадҳ этган энг гўзал романик достонлардан бири сифатида алоҳида ажралиб туради.

Хон Даллини олиб келиш учун олис сафарга отланган Ҳасанхон йўлдаги кўпдан-кўп саргузаштлардан сўнг, ниҳоят Арзирумга етиб боради. Шу юртнинг одамларидан Хон Даллининг отга ишқибоз эканлигини билгач, Ғиротни бозорга солади. Хон Даллининг кўса синчиси унинг отининг зотдор от эканлигини пайқаб, Ҳасанхонни алдаб, арзон-гаровга сотиб олмоқчи бўлади. Бироқ Ҳасанхон унинг алдовларига учмай саройга отни ўзи олиб боришини айтади ва синчини шунга кўндиради. Саройга келиб, Ғирот ёрдамида ажойиб томошалар кўрсатади. Бир имконини қилиб, Хон Даллини олиб қочади. Шоҳнинг аскарлари унинг ортида тушиб, ўртада қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Жангда яраланган Ҳасанхонни Ғирот тоғга олиб бориб яширади. Ҳасанхоннинг ярадорлигини билдирмаслик учун хон Далли эркак либосини кийиб, ўзи жангга киради. Шу ердан учиб ўтган турналар Чамбилга Ҳасанхоннинг оғир ярадор ҳолда тоғда ётганлигини етказади. Гўрўғли йигитлари билан ёрдамга шошилади. Йигитлари билан етиб келган Гўрўғли душманни енгиб, Ҳасанхон ва Хон Даллини олиб, Чамбилга қайтади. Ҳасанхон ва хон Далли турмуш қуриб, мурод мақсадига етишади.

«Гўрўғли» туркумлигининг кейинги асари «Равшан» эса хон Далли ва Ҳасанхоннинг фарзанди Равшаннинг кўрсатган жасорати ҳақидадир.

«Хон Далли» достони сюжети романик эпосга хос мотивларга бой ва ранг-барангдир. Ёрга ғойибдан ошиқ бўлиб, олис сафарга отланиш, сафар давомида турли қаҳрамонликларни кўрсатиб, ёрнинг синовларидан ўтиб, уни олиб қочиш, сўнг ортидан душман келиб, улар билан жанг қилиш, яраланиб, отасининг ёрдамга келиши «Гўрўғли» туркумлигининг бошқа достонларида ҳам учраса-да, «Хон Далли»да ўзига хос тарзда, кўтаринки пардаларда куйланади. Ушбу достон тили, юксак бадийяти билан ажралиб туради.

«Равшан» достонини Эргаш Жуманбулбул отаси Жуманбулбулдан ўрганган. Жуманбулбул эса ўз навбатида устози Кичик Бўрондан ўрганган. Мазкур достоннинг араб имлосидаги қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архивида №40 [404-бет қўлёзмада] сақланади. 1927–1928 йилларда устоз фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов томонидан ёзиб олинган ушбу достон Эргаш Жуманбулбулнинг номини эл орасида танитган энг етук эпик асарлардан биридир. Ушбу достон ҳақида сўз кетар экан, «Равшан» достони – Жуманбулбулнинг уч ҳайдаган шудгори» деган гапни айтишади. Демак,

XIX асрдаёқ бу достон жуда машҳур бўлган. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов мазкур достонни «Эргашнинг бадиий жиҳатдан энг яхши асаридир», деб баҳо беради. Дарҳақиқат, достоннинг сажда келган насрий ҳамда юксак бадиият намунаси бўлган шеърий мисралари олимнинг бу фикрни тасдиқлайди.

Узоқдан келаётибман,
Ғамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!
Мен ёримни йўқотибман.
Э ёронлар, биродарлар, халойиқ!
Мен ёримдан адашибман.

Сиртдан қараганда бахши шеърий вазнга асло риоя қилмаётгандек кўринади. Бироқ бу ердаги ички оҳанг, вазият, қаҳрамоннинг ҳолати шуни талаб этган. Бахшига бу мисралар худди селдай қўйилиб келгандек, гўё. Бу мисралар дўмбира куйига қўшилиб, бахши ижросида тингланса янада жозибадор ва таъсирли чиқади.

Гўрўғлининг асранди ўғли Ҳасанхоннинг ўғли Равшан ёрни излаб узоқ сафарга отланади. Сафар давомида жуда кўп саргузаштларга дуч келиб, алалоқибат ўз орзу-умидига эришади. Отаси Ҳасанхоннинг кўмаги билан ўз юртига эсон-омон қайтиб келади. Она юртга бўлган меҳр, инсонлар ўртасидаги севги-муҳаббат, адолат ва инсонпарварлик ғоялари достонда юксак пардаларда куйланади. Достон Равшаннинг мардлиги, ботирлигини тараннум этиш билан бирга, унинг отаси Ҳасанхоннинг бошқа достонлар орқали бизга номаълум бўлган қирраларини, ўз фарзанди, юртига бўлган меҳру муҳаббати ҳамда довюраклилигини очиб беради. Тингловчи, китобхон Ҳасанхонни яна бир карра кашф қилади.

Достондаги Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак номи билан машҳур каллар образи, уларнинг бадиий тип даражасига кўтарилганлиги ушбу асарнинг юксак бадиият намунаси эканлигини урғулайди.

«Равшан» достони биз учун ҳамиша тарихий, бадиий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга асар бўлиб қолади. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг икки буюк асарининг қиёсий тарзда тадқиқ этилиши бир томондан бахшининг салоҳиятини яна бир намоён этса, иккинчи томондан ҳар иккала достондаги воқелик ҳамда образлар тизимини ёрқинроқ тасаввур этишга яқиндан ёрдам беради.

ЭПОС ВА РОМАН

Сўнгги пайтларда роман ҳақида яна баҳс-мунозарлар авжига чиқа бошлади. Бу табиий, албатта. Чунки, кейинги ўн йил ичида шунчалик кўп роман чоп этилдики, бу китобхонларни ҳам, адабиётшуносларни ҳам бироз шошириб қўйди. Шу пайтгача энг «мураккаб» деб ҳисобланиб келинган бу жанрда ёзувчиларнинг бунчалик самарали ижод қилиши, албатта, ноодатий ҳодисадир. Энг ачинарлиси, сохта кечинма, майда-маиший масалаларни юмалоқ ёстиқ қилиб, атайлаб шиширириб, уч-тўрт юз бетга келтирилган ёки кичик бир ҳикояга ҳам арзимайдиган кечинмалар тасвирланган қораламани ҳам «роман», «мини роман» деб эълон қилаётганлар ҳам учрамоқда. Шунда ўз-ўзидан савол туғилади: наҳотки жанрлар ўртасидаги тафовут, фарқ, чегара шунчалик мўрт бўлса?! Ҳар бир жанрнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари йўқми?!

Таассуфки, бу романларнинг аксарияти элга танилган, ҳикоя ёхуд қисса ёзиб суяги қотган тажрибали адиблар эмас, балки ҳали ҳаваскорлик даражасидан ҳатлаб ўтолмаган қаламкашлар томонидан яратилаётганлиги кишини, албатта, ўйлантириб қўяди.

Тўғри, адабиётшуносларимиз бу «роман»ларга ҳам ўз муносабатини билдиришяпти, ҳатто уларнинг айримларини носирчиликдаги улкан воқеа сифатида баҳо ҳам беришяпти. Бироқ, бу баҳолар қанчалик тўғри ва холис экан? Бу баҳолар тўғри бўлса, аллақачон адабиётимизда роман инқилоби юз бериши керак эмасмиди? Энг муҳими эса бу романларни ўқиганингизда қониқиш ёхуд ёки оддийгина ҳаяжонланиш у ёқда турсин, бу қораламаларни «роман» деб чоп этган ёзувчига ҳам, уни кўкка кўтариб мақтаб, тақриз ёзган адабиётшуносга ҳам ачинасан, холос. Хўш, роман деганлари истаган ҳаваскор қўл уриб кетаверадиган шунчалик осон жанрми? Ўзи роман деганда биз нимани тушунишимиз керак?

Биз қайси асосга кўра, насрий асарнинг жанрини белгилашимиз керак? Ҳажмига кўрами ёки бошқа хусусиятларига қарабми? Нега Николай Гоголь ўзининг машҳур «Ўлик жонлар» ини роман эмас, поэма деб атаганди? Ёки романнинг юки бор бўлган, унга қўйиладиган талабларга ҳар томонлама жавоб бера оладиган «Саодат соҳили» қиссасини муаллиф роман, катта бир қиссанинг юки бор бўлган «Дашту далаларда» ҳикоясини ёзувчи «қисса» деб чоп этмади? Таниқли адибларимизнинг бундай камтарлиги «романчи» қаламкашлар учун ибрат бўлиши керак эмасмиди?!

Адабиётшунос олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилганига, таърифлар берилганига қарамай, роман жанри ҳақидаги қарашлар ҳамон бир хил эмас.

Адабиёт назариясини билимдонлари ҳисобланган А. Н. Веселовский, М. Бахтин, М. Шродер ва бошқалар бу жанр Европа учун ўгайлигини урғулашади. Ортега де Гассет эса романни ўз умрини яшаб бўлган бир жанр сифатида баҳолайди.

Адабиётшунос олимларимиздан бири романнинг юзага келиш тарихи ҳақида фикр юритиб: «Агар инсоният тарихининг шу даврига қадар бадиий

асарлар неъматларга эгалик қилувчи ва тақсимловчиларнинг дидларига мос яратилган бўлса, XII асрдан эътиборан ишлаб чиқарувчиларнинг дидларига мос асарлар ҳам яратиладиган бўлди» **(Роман ва бугунги ўзбек романчилиги // Шарқ юлдузи. 2011 йил, №4. – Б. 131–136),** – дейди. Бундан келиб чиқиладиган хулоса шуки, эпос юқори табақа вакилларининг, роман эса қуйи табақа вакилларига эстетик эҳтиёжлари асосида юзага келган. Ёхуд бошқача айтадиган бўлсак, «Алпомиш», «Гўрўғли» каби эпик ижод намуналари романдан фарқли улароқ бой-зодагонларнинг эстетик талабларини қондириш учун юзага келган ва бу асарларда уларнинг орзу умидлари куйланган.

Бундай чалкашлик илдизлари, албатта, Ғарб адабиётшуносларининг қарашларига бориб тақалади. Ғарб олимларининг бу чалкаш фикрлари кейинчалик рус ва бошқа қардош халқлар олимларининг ишларига ҳам кўчиб ўтган. Оқибатда адабиётшуносликда романни эпосга қарама-қарши қўйиш, романни қуйи омма талаблари ва диди асосида юзага келган бадиий асар деб баҳолаш қатъий ҳукмрон фикрга айланди.

Бу хил ёндашув фақат бизда эмас, ҳатто хориж адабиётшунослигида ҳам мавжуд. Ҳанузгача роман жанри қандай жанр деган саволга жавоб изланяпти. Бироқ, аксар жавобларнинг ҳеч бирида бу жанрга тўлақонли таъриф берилганича йўқ. Ҳамма тадқиқотчиларнинг фикрини бир жойга жамлаштирадиган бўлсак, уларнинг фикри шундай: роман ўта мураккаб, бироқ, ҳали тўла шаклланмаган жанр. Ҳатто рус адабиётшуноси М. М. Бахтин ҳам романни «шаклланаётган, лекин тўлалигича шаклланиб улгурмаган» жанр, деб тилга олади. Олим бу фикрларни роман энг кўп ёзилган рус адабиётининг олтин даври таҳлилидан келиб чиқиб айтганини назарда тутмоғимиз лозим.

«Роман» атамаси ўрта асрларда юзага келди. Бунга қадар ҳар қандай санъат асари ўша пайтгача урф бўлган лотин тилида ёзилиб келинган. Дастлабки тажриба сифатида роман тилларида ёзила бошлаган бадиий асарлар роман номи билан машҳур бўла бошлади. Лотин тилида ёзилган илгариги бадиий асарлардан фарқлаш учун бу асарларни «conte roman» – роман тилида ёзилган қисса, ҳикоя деб атай бошлашди. «Conte roman», яъни айнан бирон-бир эпик асар эмас, балки, асарнинг роман тилидаги қисқа бир шакли, иккаламчи ҳолати ҳақида сўз кетяпти. «Conte» сўзининг изоҳида ҳам айнан унинг қисса, ҳикоя эканлигини ойдинлашяпти. Кейинчалик эса бу сўзнинг асл маъноси унутилиб, насрда ёзилган ҳар қандай йирик бадиий асарга нисбат берила бошланди. XVII–XIX асрга келиб эса роман энг етакчи жанрга айланди. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, бу жанрга берилаётган таърифлар ўз ниҳоясига етаётгани йўқ.

Романга берилган таърифларда икки хил ёндашувни кўрамиз. Биринчиси, эпик ижод моҳиятини тушунмаслик ва бунинг оқибатида эпосга романни қарама-қарши қўйиш, иккинчиси, романга ҳамон социалистик реализм методи қолипидан келиб чиқиб баҳо бериш ҳамда унга буржуа жамиятини фош этувчи бир жанр сифатида қараш.

Социалистик реализм методи вакиллари ҳам бу фикрни осмондан олганлари йўқ. Улар Гегелнинг : «роман – буржуазия эпоси» деган қарашларидан келиб чиққанди.

Романни ўз даврининг эпоси, деб атаганида Гегель ҳақ эди. Фақат унинг бу фикрлари маълум бир табақанинг дунёқарашини эмас, балки роман юзага келган даврни назарда тутилиб айтилган. Унинг бу фикрини Белинский ҳам қўллаб-қувватлайди. Бироқ Лукач ва бошқа шўро олимлари Гегелнинг бу фикрига қарши туриб, социалистик реализм методидан келиб чиқиб баҳо беришга уринадилар. Бундай ёндашув бошқа олимларнинг ишларида ҳам давом этди.

Ғарбда эпик санъат сўниш палласида бўлгани учун бу ижод намуналари фақат бир йўналишда, яъни тарихий мавзуда бўлади деб тушунилган. Ваҳоланки, туркий халқлардаги эпик ижод намуналари қаҳрамонлик, романик, жанговар, тарихий ва китобий достонлардан иборат эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Қаҳрамонлик ва романик достонларидаги сюжет, мотив ранг-баранглигига дуч келамиз.

Ғарбдаги эпик ижод намуналарининг якуни кўпинча фожиали тугаган. Биздаги мавжуд достонларнинг аксарияти эса яхшилик, эзгуликнинг тантанаси билан якун топади.

Албатта ҳар бир жанрнинг юзага келиши жамиятдаги ўзгаришлар ва бунинг оқибатида инсонлар тафаккурида юз берадиган эврилишлар билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, бадиий сўз санъати азалдан учта катта: эпос, лирика, драма турларига ажратиб келинади. Бадиий ижод асосан уч катта гуруҳга ажралишини Аристотелдан анча илгарироқ Суқрот урғулаган бўлса-да, «Поэтика»да бу фикр янада чуқур асосланиб, маълум бир тизим ҳолатига келтирилди ва орадан шунча вақт ўтганига қарамай адабиётшуносликда унинг ана шу қарашларига суянилиб келинмоқда.

Шеллинг лирикани эркин руҳ, эпосни табиий зарурат, драмани эса юқоридаги ҳар иккаласининг қоришиғи (синтези) сифатида талқин этади. Гегель эса бадиий ижод намуналарини «объект» ва «субъект»га муносабатига қараб турларга ажратади.

Немис олими Э. Штайгер эпик, лирик, драматик турларни ижодкор услубининг бир кўриниши сифатида тасаввур, кечинма ва ҳиссий-жўшқинлик ҳолатлари билан боғлайди.

Тадқиқотчи олимлар, жумладан, адабиётшунослик илмида ўзига хос мактаб яратган А. Н. Веселовский адабий турлар қадим замонларда маросим қўшиқларидан келиб чиққанини урғулайди. Бошқача айтадиган бўлсак, бадиий санъатнинг асоси фольклорда экан, кейинчалик юзага келган ҳар қандай жанрни фольклор намуналарига қарама-қарши қўйиш, ўз номи билан умумхалққа тааллуқли мулкни маълум бир табақа эҳтиёжи билан боғлаш мантиқсизликдир.

Воқеликни қабул қилиш ва ифода тарзи, йўсинлари, усуллари ҳар даврда ўзига хос тарзда кечади. Маълум бир даврда устувор бўлган қонуниятлар, бошқа бир даврда сусайиши, унутилиши, ўрнига янгилари кириб келиши

мумкин. Шундай экан, янги даврда эпос ижрочилари билан бир қаторда янги ижодкорларнинг пайдо бўлиши ҳаётий зарурат эди. Бироқ бу дегани эпик ижод тамоман унутилди, унинг ўрнини роман эгаллади, роман ўз-ўзидан пайдо бўлган, бадиий адабиётда эпоснинг инкори ўлароқ юзага келган мутлақо янги бир ҳодиса дейиш ҳам у даражада тўғри бўлмайди. Роман эпосдан андоза олган ҳолатда, унга тақлид тарзда юзага келди. Бироқ энг муҳими, бу жанр биз учун тамомила бегона ёхуд том маънода, кутилмаган бир янгилик эмасди.

М. Бахтиннинг эпосга берган таърифини кўриб чиқайлик: 1) эпос учун миллий эпик ўтмиш, Гёте ёхуд Шиллер таъбири билан айтганда, мутлақ ўтмиш дастуруламал бўлиб хизмат қилади. 2) халқ афсоналари эпос учун манба вазифасини ўтайди; 3) эпик вақт, яъни эпосда куйланаётган замон билан бахши куйлаётган, тингловчилар тинглаётган замон ўртасида улкан масофа мавжуд **(М. Бахтин. Эпос и роман. – Санкт-Петербург: Азбука, 2000. – 204 б).**

Юқоридаги икки фикр фақат қаҳрамонлик ёки тарихий эпосга хос бўлиши мумкин. Эпик ижодкор ёзма адабиётдан ёхуд ўз ҳаётидаги бирон-бир воқеликдан таъсирланиб достон яратиши мумкинлигини ҳам ҳеч ким инкор эта олмайди. Бунда у достонни, албатта, эпик анъанага амал қилган, эпик қолипларга суянган ҳолда яратади.

Романнинг эпосдан фарқли томони бу оғзаки эмас, ёзма қонуниятлар асосида яратилиши ҳамда тадқиқотчилар таъкидлашгандек, урғу ҳозирги замонда кечаётган воқеликка берилишидадир. Маълумки, ҳар қандай эпик ижод намунаси ақалли бир ёки икки авлод томонидан оғзаки ижрода куйланган бўлиши шарт. Бироқ шундай эпос намуналари ҳам мавжудки, фақат бир бахши репертуарида учрайди, бошқа бахши репертуарида учрамайди. Шундай экан, эпосда фақат олис ўтмиш воқелиги акс этган бўлиши шарт деган тушунча ҳам у даражада ўзини оқламайди.

Ғарбда эпик ижод тамомила сўниб бўлгани учун бу ижод қонуниятлари ҳақида билдирилган фикрлар тўлақонли бўлмаслиги табиий эди. Шунинг учун бўлса керак Бахтин эпосни бизгача ўз умрини яшаб бўлган, тамомила «ўлик бир жанр» сифатида баҳолайди.

М. Бахтин романга қуйидагича таъриф беради: 1) кўп тилли тафаккурга чамбарчас боғланиб, унда ўз ифодасини топган услубий уч қатламликка асосланиши; 2) романдаги адабий образнинг вақт йўналиши тамомила ўзгарганлиги; 3) романда адабий образ яратишда ҳозирги вақт (замон) билан муносабатини белгилаб берувчи янги маконга урғу берилиши мавжуд **(М. Бахтин. Эпос и роман. – Санкт-Петербург: Азбука, 2000. – 204 б).**

Олим фақат романгагина хос деб урғулаган кўп қатламлилик, замон ва маконга муносабат масалаларини биз бемалол эпик ижод намуналарига ҳам татбиқ этишимиз мумкин бўлади. Демак, романга берилаётган таърифлар ҳам тўлақонли эмас, деб айта оламиз.

Романнинг Европа адабиёти учун «ўгай»лигини кўпгина адабиётшунослар тан олишади. Бу ўгайлик нималарда кўринади? Бахтин ҳам

романнинг бус-бутунлигини, жанрлар гармониясида иштирок этмаслигини урғулайди.

Роман аслида бу эпик асарнинг замонавий кўриниши эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жанр Европада эпик ижодга тақлид сифатида пайдо бўлди. Бироқ, афсуски, роман урф бўлганда Европада эпик ижод деярли сўниб бўлган эди. Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони эса адабиётшунослар, хусусан, Европа адабиётшунослиги ўз қарашларини исботлаш учун, биринчи навбатда, юнон адабиётига, хусусан, Ҳомер ижодига суянган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ҳомернинг шоир эмас, бахши бўлганлиги, у яратган «Илиада» ва «Одиссея» достонлари оғзаки ижод намунаси эканлиги фанда ойдинлашди. Бу янгилик хорижда қанчалик шов-шувларга сабаб бўлмасин, хорижлик олимлар адабиётшунослик борасида Ҳомер ижодига суяниб келган хулосаларини қайта кўриб чиққанлари йўқ. Бу, жумладан, роман жанрига ҳам тегишлидир.

Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар қандай йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш достончилиқ, рўмончилиқ ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришға, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зуҳра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришка ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», – деб ёзганди **(Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1980. – Б. 6).**

Бир қарашда, адиб бу сўзларни камтарлик учун айтгандай туюлади. Бироқ роман жанрининг келиб чиқиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, адиб сўзлари чин ҳақиқат эканини илғаб оламиз.

Роман жанрида алоҳида из қолдирган Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэле»сини оламизми ёки Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳати», Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо»сини оламизми, биз барчасида эпосга тақлидни кўрамиз. Зеро, Гегелнинг роман ҳақида гапира туриб унда воқеликнинг эпик тасвири бўлиши шартлигини урғулаши, В. Г. Белинский эса «роман шахс ҳаётининг эпоси»дир деган хулосага келиши бежизга эмас.

Роман жанри эпосга тақлид ўлароқ пайдо бўлиб, мустақил жанр сифатида шаклланиш жараёни ҳамда бугунги ҳолатида ҳам (Жойс, Маркес асарларида мисолида) фольклордан ҳеч қачон узоқлашиб кетмаганлигини, мазкур жанрнинг яна янгича тамойиллар асосида фольклорга яқинлашувини, кузатамиз. Умуман, XX аср насрида авангард адабиёт намояндалари романни фольклорга қайтаришга уринганлиги билан романнинг янги босқичи бошланди.

Хорижлик Игнас Кунос, Эдмонд Соусси, Эдит Фицдик каби олимлар эса халқ достонига нисбатан роман атамасини қўллаганини кузатамиз. Улар роман ва достоннинг фарқига бормаганлиги учун эмас, балки ҳар иккала жанр хусусиятларини ўрганиб, Европа ўқувчиларига тушунарли бўлиши учун айнан шу атамани қўллашади. Бу ҳолат романни эпосга қарама-қарши қўйиш зарурати йўқлигини урғулайди. Ҳатто Бахтин ҳам ўз тадқиқотларининг айрим ўринларида ўзининг илгариги фикрларига қарши

бориб, «Роман ҳам аслида эпосдир» деган фикрга келади. Романнинг шаклланишида фольклор асос бўлганини урғулайди.

Дилмурод Қуроновнинг «Роман муаллифи учун қаҳрамон восита, – дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси, қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи мақсад (воқеа-ҳодисалар восита), ҳикоянавис учун воқеанинг ўзи мақсад бўлиб қолади», деган фикрлари бир мунча асослидек кўринса-да, жанрга хос бўлган етакчи тамойилларни кўрсатиб бера олмайди. Жумладан, романга берилган таърифни, эпосга ҳам татбиқ этиш мумкин бўлади, яъни халқ достонларида ҳам воқеликни англатишда қаҳрамон восита бўлиб хизмат қилади. Достоевскийнинг «Кулгили одамнинг туши»га ўхшаш ҳикоялар борки, унда фақат воқеанинг ўзигина мақсад эмас, балки ҳар учала ҳолат ҳам бирлашиб келганини кўрамиз. Ёки бўлмаса Томас Вулфнинг «Ўлим мағрур эгачим» қиссасида, олим айтгандек, қаҳрамон мақсад бўлиб келмайди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, романга қисқача қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади: мотив ва сюжетлар талқинида кўп қатламлиликка эга, худди халқ достонларидаги **каби мавзу ва ғояси эпик кўлам касб этган, айни пайтдаги эпик тафаккур тарзига амал қилинган, халқнинг маънавий, жисмоний, ижтимоий эпик шароитини бор бўйи басти билан қамраб олган, бироқ эпик ижоддан фарқли ўлароқ индивидуал ижодкор томонидан** яратилган, турли мураккаб вазиятларда гавдалантирилган қаҳрамонлар ҳарактерининг шаклланиш жараёнини тасвирлаб берган, ранг-баранг образлар галереяси ҳамда наср ёки назмда ўзига хос услуб ҳамда бадиий тасвир воситалари билан ажралиб турувчи ёзма ижод намунаси роман деб аталади. Албатта, бу таъриф ҳам сўнгги ёки охирги таъриф бўлолмайди. Энг муҳими, романга таъриф берилар экан, уни эпосга қарама-қарши қўймасдан, бадиийлик мезонларидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқ лозим.

Романни қисса ёки ҳикоядан фарқлантириб турадиган энг асосий жиҳат бу халқ достонларига хос бўлган эпик кўламдир. Мотив ва сюжетлар қурилиши, воқеа баёни, образлар талқинида ҳам ана шу эпик кўлам сезилиб туриши шарт. Бирон-бир асарда ана шу яхлитликдаги эпик кўлам йўқ экан, ҳажми қанча катта бўлишидан қатъи назар уни роман деб атай олмаймиз. Қиссада эса эпик кўлам маълум даражада чегараланган. Бу чегараланиш албатта воқеа талқини, қаҳрамонлар тавсифида ҳам ўз аксини топган бўлади. Ҳикояда эса қаҳрамоннинг маълум бир вақт ёхуд вазиятда юз берган ҳолати, кечинмалари ўз аксини топади. Эпик кўлам бўлиш ҳикоядан талаб этилмайди. Бироқ бу дегани эпик кўлам ҳикояга бегона дегани ҳам эмас. Айрим ҳикояларда худди роман ёки қиссадаги каби эпик кўлами залвори сезилиб туриши мумкин, албатта.

Германиялик тадқиқотчи М. Шродерга кўра роман тажрибасизликдан тажрибага, жаҳолат саробидан ҳаётнинг ҳақиқатлари томон бориш машаққатларини қаламга олади. Лионел Триллинг фикрича эса роман воқелик ва хаёлот, тасаввур орасидаги фарқдан иборатдир.

Роман ҳам худди эпос каби турли хил воқеа-ҳодисилар, тақдирлар, кўплаб характерларни ўз ичига қамраб оладики, бадиий ижоднинг бошқа ҳеч бир турида бундай кенг кўламлилик, эркинликни кўрмаймиз. Тасвир имкониятининг кенглиги инсон руҳиятини чуқурроқ ёритиб беришга ёрдам беради.

Роман – воқеликни идрок этиш ва ифода этишнинг ўзига хос бир шаклидир. Роман – воқеликка тамомила янгича бир муносабатдир. Эпосда воқеликка муносабатда оғзаки ижро анъаналарига риоя этиш, воқеликни эпик формулалар асосига қуриш, вариантлилик муҳим ҳисобланса, романда халқнинг тақдири, тафаккур тарихи ва ҳаёт ҳақидаги умумлашма хулосалари индивидуал ижодкорнинг фантазияси, салоҳияти, бадиий имконияти, том маънодаги санъаткорлиги орқали эпик планда акс этганлигини кўрамиз.

Романга хос тафаккур, тил, услуб, қаҳрамон ва характерлар талқини ҳамда энг муҳими, воқеликни поэтик идрок этишда бошқа жанрлардан тамомила фарқлилик, яъни эпик кўлам бўлмас экан, ҳар қандай «салмоқли» қоралама ҳам роман талабига жавоб бермайди.

Роман қандай бўлиш керак, деган саволга «Ўтган кунлар» ҳар томонлама, матн, структура, қаҳрамон ва воқелик, турфа хил образлар талқини мисолида тўла жавоб беради. Эпик кўлам, эпик шароит, образ, тақдир, характерларнинг эпик талқини бўлиши шартлиги романга қўйиладиган асосий талаблардир. Роман жанри худди эпос каби халқнинг тарихи, тақдири, тафаккур тарихи билан бевосита алоқадордир. Халқнинг тақдири билан боғлиқ масала бир ёки кўплаб қаҳрамонлар ҳаёти орқали очиб берилиши мумкин. Фақат бунда ҳар жабҳада: воқелик, образ, характерларда, тил ва услубда кўпқатламлиликка асосланган, етакчи жанрга хос хусусиятлар бўртиб туриши шарт.

Албатта, биргина мақолада роман жанри билан боғлиқ масалаларга тўлақонли ойдинлик киритиш анчайин мушкул. Шунинг учун биз кейинги мақолаларимизда роман ва эпос муносабати, эпик кўлам ва воқелик, характерлар талқини, мазкур жанрдаги услуб, замон ва макон муаммоси, тил ва бадиият масалаларини имкон қадар атрофлича ёритишга ҳаракат қиламиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ФОЛЬКЛОР

Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди ҳақида гап кетганда, икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Биринчиси, фольклорнинг Навоий ижодига таъсири масаласи, ёхуд бошқача айтганда, Навоий асарларидаги фолкьлоризм ҳодисаси. Бу мавзуда В. Жирмунский, Ҳ. Зарифов, Н. Маллаев, И. Султон, С. Эркинов, А. Ҳайтметов, И. Ҳаққулов, Ғ. Акрамов ва бошқа олимларнинг қатор тадқиқотлари мавжуд.[147]

Иккинчиси, Навоийнинг халқ оғзаки ижодига таъсири масаласи. Бу борада ҳам айрим тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, бу мавзу ҳар томонлама чуқур ва атрофлича ўрганилишни тақозо этади. Айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижодида бир қатор китобий достонларнинг юзага келишида Алишер Навоий ижодининг ўрни беқиёс.

Навоийдан олдин ҳам, ундан кейинги даврлардада ҳам, икки севишган қалб Фарҳод ва Ширин тақдирига бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Низомий, Ҳисрав Деҳлавий, Маҳзун ҳамда Умар Боқий асарлари бунга мисол бўла олади. Бу асарларнинг яратилишига халқ орасидаги афсона ва ривоятлар ҳамда мумтоз адабиётдаги анъаналар асос бўлган.

XIX аср насри намунаси ҳисобланган Умар Боқийнинг «Фарҳод ва Ширин» асари халқона услуби, баённинг ҳам насрда, ҳам ўрни билан назмда берилиши билан халқ достонларига яқин туради. Шундай бўлса-да, халқ китоблари деб аталган бу асарлар билан эпик ижод намунаси ҳисобланмиш китобий достонлар орасида фарқликлар мавжуд. Бу фарқликлар биринчи навбатда ҳар бир ижод намунасига хос бўлган тафаккур тарзидан келиб чиқиб белгиланади.

Маълумки, ўзбек халқ достонлари олимларимиз томонидан асосан беш гуруҳга бўлиб тасниф этилган. Булар: қаҳрамонлик достонлари; жангнома достонлар; тарихий достонлар; романик достонлар; китобий достонлар.[148]

Бу ўринда бизнинг эътиборимиз китобий достонларга қаратилади. Ушбу туркум достонларга хос бўлган энг асосий хусусиятлардар бири: бирон-бир классик поэзия намунасининг эпик ижодкорлар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши, яъни ёзма ижод намунасининг халқ ижоди қонуниятларига мос равишда ижро этилиши, ёхуд яратилишига у ёки бу даражада ёзма адабиёт таъсиридир.[149]

Ўзбек фольклорида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайҳо», «Вомиқ билан Узро», «Санобар», «Зевархон» каби достонлар ёзма адабиёт таъсирида юзага келган асарлар ҳисобланади. Юқорида номи тилга олинган достонларнинг дастлабки учтаси бевосита Алишер Навоий асарлари таъсирида юзага келган. Бундан ташқари, «Тоҳир ва Зуҳра» ҳамда Хоразм достончилигидаги кўпгина намуналарда

---

[147] *Жирмунский В., Зариов Х.* Узбекский героической эпос. – Москва, 1947; *Маллаев Н.* Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974; *Афзалов М.* Сўзбоши. Фарҳод ва Ширин. Достон. – Тошкент: Фан, 1966;

[148] Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

[149] Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 208.

оғзаки ва ёзма адабий анъаналарнинг ҳамда ранг-баранг мураккаб поэтик шаклларнинг ўзига хос равишда бир-бирига чатишиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Мутахассислар гарчанд китобий достонлар унга асос бўлган манбаларга қараб, қаҳрамонлик ёки романик достонларга хос хусусиятларни ўзида мужассам этади дейишса-да, бироқ бу ижод намуналари асосан романик достонлардан ташкил топганлигини қайд этиш жоиз. Яъни бу туркум достонларда асосий мавзу қаҳрамоннинг ишқий саргузаштларидир. Бироқ улар соф романик ҳисобланмиш «Равшан», «Кунтуғмуш», «Далли» каби достонлардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб туради.

Бирон-бир бахши ёзма адабиёт намунасини оғзаки тарзда ижро этар этишга ҳаракат қилар экан, А. Лорд таъбири билан айтганда, бу ўринда бахшининг эпик ижод қонуниятларига зид равишда иш тутганини кўрсатади. «Турғун матнни ижро этишга ҳаракат қилган бахши, бу унинг оғазки ижро анъаналаридан мосуво бўлганини англатади», – дейди у.[150]

Бундай номувофиқлик юқорида таъкидлаганимиздек, икки хил – оғазки ва ёзма адабиётга хос бўлган тафаккур тарзидан келиб чиқиб, белгиланади.

Ёзма адабиёт таъсирида шаклланган асарларга айрим олимлар оралиқ намуналар сифатида қарашади. Бироқ, А. Лорд бундай бўлиши мумкинлигини тамомила инкор этади. Унинг назарида асар ё тамомила оғзаки ижод намунаси ёки ёзма адабиёт намунаси бўлиши мумкин. Бундай асарларни тўлақонли бадиий асар сифатида баҳолаб бўлмайди, ҳатто уларни оғазки ижод намунаси деб атагуликка ҳам арзимайди.

«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби халқ достонларининг «Алпомиш», «Гўрўғли» сингари юксак бадиият намунаси даражасига кўтарила олмаганлиги А. Лорд қарашларида жон бордек таассурот уйғотади. Бироқ шу билан бирга биздаги мавжуд китобий ва Хоразм туркум достонлари масалага бошқача ёндашувни талаб этади.

Туркий халқлар эпик ижод намуналари таҳлили А. Лорд қарашларини ҳамма халқлар достончилик анъаналарига бирдек татбиқ этиб бўлмаслигини кўрсатади. Яна ҳам тўғрироғи, биздаги мавжуд материаллар – «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби асарлар ва Хоразм достонлари ёзма адабиёт таъсирида шаклланланган, бироқ тамомила оғзаки ижод қонуниятлари асосида яратилган достонлар мавжудлигини урғулайди. Фақат бу ўринда бу асарларни оралиқ шакллар сифатида қаралмаслиги зарур.

Фозил Йўлдош ўғли «Фарҳод ва Ширин» достонини устози Йўлдош бахшидан ўрганганини айтган. Демак, Фозил шоир буни китобдан ўқиб ўрганмаган, балки оғзаки ўзлаштирган. Қолаверса, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби достонлар бошқа бахшилар томонидан ҳам мунтазам ижро этилиб турилган. Шу фактнинг ўзиёқ бу достонларга ёзма адабиёт намунаси деб эмас, халқ достони сифатида қарашни тақозо этади.

Ўзбек бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг «Фарҳод ва Ширин»и билан Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ўртасида ўзаро ўхшашлик

[150] *Лорд А.* Сказитель. – Москва: Восточная литература, 1994. – С. 157.

ва фарқликлар ҳам мавжуд. Бу ўхшашлик ва фарқликлар нималардан кўринади? Булар:

- Сюжетдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар;
- образлардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар;
- шеър тузилишидаги фарқли жиҳатлар.

Эпик асарнинг юзага келиши, сюжет билан чамбарчас боғлиқ экан, мотивнинг бирламчи эканига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Ҳар бир мотивнинг эпик асар сюжетида қандай ўрин тутишига қараб, улар барқарор ва нобарқарор мотивларга бўлинади. Фозил шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам қаҳрамонлик ва романик достонларга хос бўлган фарзандсизлик, туғилиш, улғайиш, сафар, синов мотивлари барқарор мотивлар қаторида келади. Айниқса, фарзандсизлик ва сафар мотивлари достонда айрича ўрин тутади. Биргина сафар мотивининг ўзи етти ўринда келади. Ва ҳар гал достон воқеаларини янги узанга буриб юборишга хизмат қилади. Достондаги ов, шарт каби мотивлар нарбарқарор мотив сифатида келиб, матндаги воқеалар занжирини бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Барқарор мотивлардан фарқли улароқ достонда уларни истаган бир мотив билан алмаштирилса, асар бадиияти ва структурасига зиён етмайди.

Достон сюжетида Алишер Навоий асарига уйғунлик мавжуд. Фақат Шопур ва Ширин билан боғлиқ сафар мотиви, достон воқеалари яхшилик билан тугаши, яъни Фарҳоднинг Ширинга уйланиши мумтоз адабиёт намунасидан тамомила фарқ қилади. Достон якунида қаҳрамонларнинг мурод ва мақсадлариига етиши барча эпик асарларга хос хусусиятдир.

Образлар масаласига келсак, Фозил Йўлдош ўғли вариантида Алишер Навоий достонида учрамайдиган образлар ҳам мавжуд. Булар подшо Жўрамис ва унинг ўғли Шаҳзода. Аввал бошда Ширинниng шаҳзодага ошиқ бўлиши, уни излаб сафарга отланиши, сўнг эса Фарҳоднинг жасоратларини кўриб ошиқи беқарор бўлишида бахши «Гўрўғли» туркумлигидаги романик достонларга хос услубга яқинлашганини кузатамиз.

Достоннинг насрий қисми сажда («Ҳеч насиҳат ишлар **поримас.** Қандай бўлса мени йўлдан урмоқ **даркор эмас**. Бу мамлкакатлар ҳеч **кўринмас.** Менга ҳеч нима **даркор эмас**. Ишқ савдоси тушибди, мен бормасам ҳеч **бўлмас**»), назмий қисми эса 8 ва 11 буғинлик шеърий мисраларда берилган:

(Очилган гулим сўлдими,
Ё, паймона гулим сўлдими,
Бу дарёда жудо бўлдими,
Суянган қўзим ўлдими?
Амалдорлар, қулоқ солинг,
Бир сўз тайинлайин сенинг ўзингга,
Ҳар тарафдан мардикорни йиғдиринг,
Душман бўлса ёнган ўтда куйдиринг).

Энг муҳими эса, бахши ёзма адабиётдан тамомила фарқ қилувчи эпик формулаларга суянган.

Маълумки, вариантлилик, жамоавийлик, анъанага содиқлик, устозлардан оғзаки ўзлаштириш, оғзаки ижро этиш ва уни оғзаки тарзда кейинги авлодга

мерос қолдириш эпик ижодни ёзма адабиётдан фарқлантириб турувчи энг муҳим қонуниятлардан бири ҳисобланади.

Ёзма адабиёт билан оғзаки адабиётни бир-биридан ажратиб турадиган белгилардан бири бу халқ достонларининг эпик формулага асосланганлигидир. Бошқача айтганда, эпик формула бу эпоснинг ядросидир. Бу ижоднинг оғзакилигини, анъанавийлигини таъминлайди. Эпик формула бу эпоснинг қурилмаси, суягидир.

Ижодкор, бахши ўз «уйи»ни, яъни достон куйлар экан у ана шу «суяк»ка, асосга суянади. Шунга асосланиб у ўз достонини куйлайди. Эпик формула бу тайёр қолип. Бахши ўз достонини ана шу эпик қолипга мослайди. Бироқ бу дегани бахши фақат такрорлайди, яъни ҳеч бир янгилик яратмайди дегани эмас. Бахши ҳар бир бахши эпик формулага ўзича ёндашади, бу ижодий ёндашиш унинг новаторлигини, нечоғли иқтидорли эканини намойиш этади. Эпик формулалар қонуниятини билмасдан туриб, эпос қонуниятини ҳам билиш мумкин эмас.

А. Лорд: «Халқ оғзаки ижоди ижро учун яратилмайди, балки ижро этилаётганда яратилади», – дейди. Бахши куйлаётганда эпос яна бир марта янгиланади, янгича мазмун, янгича оҳанг, янгича моҳият касб этади. Эпик формула маълум бир тизим, маълум бир қурилмага эга. Эпик формула деганда бирон-бир фикрни ифодалаш учун маълум бир шаклда, яъни шеърий шаклда такрор ва такрор учрайдиган сўзлар тизими, қуйма сатрлар назарда тутилади.

Бирон-бир шоирнинг шеъридаги маъно ва моҳиятни англаш учун шу шеърни яратаётгандаги шоирнинг ҳолатига эътиборимизни қаратамиз. Айнан шоирнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолати шеърнинг юзага келиш жараёни, ундаги поэтик тафаккурнинг тўғри талқин қилишимизга олиб келади. Шоир бу шеърни кейинчалик турли давраларда турли кайфият ва турли ҳолатларда такрор ва такрор ўқиши мумкин. Бироқ биз учун муҳими бу унинг шеър яралаётган пайтдаги ҳолатидир. Бу ёзма адабиётга хос бўлган хусусиятдир.

Оғзаки ижод, яъни эпик анъана – достон ижросига хос бўлган хусусият эса мутлақо бошқа. Бу бахшининг айнан ижро пайтидаги ҳолатидир. Зеро оғзаки ижод мана шундай ижро пайти яралади, юзага келади. Бу оғзаки ижод қонуниятидир.

Эпосдаги мана шу эпик формулалар бир-бирига туташгандагина у маълум бир кўриниш, яъни достон кўринишини олади. Эпик формула қотиб қолган, ўзгармас тизим эмас. У ўзгарувчан, ҳар гал янгиланиб турувчи формуладир. Бахши ўзида анъанавийликни ва индивидуалликни ўзида жамлай олган ижодкордир. Бахши бу шунчаки ижрочи эмас, у анъанавийликка асосланиб, ўз санъатини яратаётган том маънодаги ижодкордир. Формулаларнинг ранг-баранглиги эпик мавзуларнинг ранг-баранглигидан келиб чиқади. Бахши ижрочига нисбатан, бахши шоирларнинг тажрибалари ҳам катта, куйлаётган мавзулари чегаралари ҳам кенг, шунга яраша эпик формулаларни қўллаш салоҳияти ҳам ўзгача бўлади. Бир бахши репертуаридаги эпик формулалар бошқа бахшиларда ҳам учраса-да, ижрода у айнан бир хил бўлмайди.

Бахшининг эпик анъанага амал қилиб, ўз формуласини яратиши бу бахшининг иқтидорига ва оғзаки ижро маҳоратига боғлиқ. Оғзаки ижро деганда бу асарнинг шунчаки ижро этилишигина эмас. Бирон-бир шоир ёзган достонни ёхуд бирон-бир ёзма адабиёт намунасини ёдлаб олган ҳолда ижро этса ҳам бўлади. Бироқ бу оғзакилик дегани эмас. Яъни А. Лорд айтгандек, гап фақат ижрода эмас, балки эпоснинг оғзаки ижро этилаётган пайтда юзага келишидадир.

Эпик формулаларнинг юзага келиш жараёни бевосита тил қонунияти билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб Фозил Йўлдош ўғлининг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги эпик формулаларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1. **Қаҳрамоннинг таърифи:** Қарайман тарзингга бир лочин шунқор; 2. **Бирон-бир ҳаракат ёки ҳолат:** Мавж уриб дарёдай тошиб, Кўрган халқнинг ақли шошиб; 3. **Бирон-бир макон ёхуд эпик вақт тавсифи**: Ҳар алвонда қушлар сайрар чаманда.

Худди мана шундай формулалар тизими занжир ҳосил қилиб, шеърий сатрларни яхлит достон ҳолатига олиб келади. Эпик формула бу бахши хотирасидаги қуйма мисраларнинг тайёр захираси эмас, балки ана шу қуйма мисраларнинг ҳар гал, яъни ҳар галги ижрода янгича мазмун ва оҳанг билан такрор ва такрор жаранглашидир.

Эпос оғиздан-оғизга ўтиб келаётган жараён. У мана шу жараёнда юзага келади. У мана шу жараёнда яратилади ва ҳар гал янгича мазмун, янгича моҳият касб этиб, янгиланиб бораверади. Диққат қилсак, Фозил Йўлдош ўғли «Алпомиш» ёки бошқа достонларда қўллаган айрим эпик формулалардан бу достонда ҳам фойдаланганини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг «Фарҳод ва Ширин» достони фарқликларга эга бўлишига, оғзаки ижод намунаси эканлигига, ундаги сюжет ва мотивлар, образлар талқини, шеърий тузилиши эпик ижод қонуниятлари асосида яратилганлигига қарамай, унга Алишер Навоийнинг таъсирини инкор этиб ҳам бўлмайди.

«Фарҳод ва Ширин»нинг қиёсий таҳлили, биринчидан халқ достонлари таснифи масаласини қайта кўриб чиқиш заруратини талаб этса, иккинчидан фольклорда формула назарияси асосчилари деб ҳисобланган М. Пэрри ва А. Лорд (Albert Bates Lord) назарияларининг таҳрирталаб эканлигини ҳам кўрсатади. Бундан ташқари мазкур достонни уйғур, ўғуз версияларига қиёслаб ўрганиш фольклоршунослик учун келгусида муҳим хулосалар беришига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

«ЎТКАН КУНЛАР» ВА ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ[151]

Кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий маданият, адабиёт ва санъатга бўлган эътибор янги бир босқичга кўтарилди, тамомила ўзгача мазмун ва моҳият кашф этди. Китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган фармойишлар, ижод аҳлига яратилиб берилаётган шарт-шароитлар, халқаро бахшилар фестивали, турли аллома ва ижодкорларнинг юбилейларининг кенг миқёсда ўтказилиши бунинг ёрқин далилидир.

Ҳар бир даврнинг ўз адабиёти бўлганидек, даврнинг ҳам адабиётга муносабати бўлади. Ҳар бир давр адабиёти ранг-баранг бўлганидек, унга муносабатлар ҳам ранг-баранг ва турличадир. Абдулла Қодирий мисолида бугун адабиётга бўлган муносабат мезонларини белгилаб олишимиз мумкин.

Абдулҳамид Чўлпон бир пайтлар: «Адабиёт яшаса – миллат яшар»[152], деган шиорни ўртага ташлаганди. Бугун Ўзбекистонда барча соҳада бўлаётган ўзгаришлар, юксалишлар замирида маънавиятга, адабиётга, илм-фанга бўлган эътибор турганлиги алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Абдулла Қодирий нафақат ўзбек ва қардош халқлар, балки дунё адабиётида ўз ўрнига эга адиб ҳисобланади.

«Жаҳон адабиётида услуб жиҳатдан фарқ қиладиган бешта романчилик мактаби сайқалланиб кўзга ташланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус, ҳинд романчилик мактабларидир. Эндиликда олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир», деб ёзган эди ўз даврида Е. Э. Бертельс.[153]

Ёхуд нафақат қозоқ, балки бутун туркий халқларининг буюк мутафаккирларидан бири Мухтор Авезов тили билан айтадиган бўлсак[154], юксак асар яратган Абдулла Қодирий романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан пайдо бўлган Помир тоғларини эслатади.

Абдулла Қодирий дастлаб ижодини шеърлар ёзишдан бошлаб, ўзининг кўплаб мақолалари, публицистик ва саҳна асарлари, ҳажвий ҳикоялари билан ҳам ном қозонди, эл оғзига тушди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан эса ўзбек адабиётида романчиликка асос солди.

Унинг «Ўткан кунлар» романи Туркистон ўлкасидаги барча қўшни давлатлардан тортиб, узоқ ўлкачаларга етиб борди. Абдулла Қаҳҳор ўзининг хотираларида ўтган асрнинг 30-йилларида «Ўткан кунлар» татар қардошларимизнинг энг севимли асарларидан бири бўлганини, адибни «Абдулла оби» деб эъзозлашганини қайд этади.

---

[151] 2019 йил 13 май куни Туркия жумҳуриятининг Анқара шаҳрида Абдулла Қодирий таваллудиннинг 125 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжмунда қилинган маъруза.

[152] *Чўлпон.* Адабиёт надур? // Тўрт жилдлик асарлар тўплами. IV жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 4.

[153] *Бертельс Е. Э.* Қодирий ҳақида // Адибни хотирлаб. – Тошкент: Info Capital Group, 2017. – Б. 520.

[154] *Мухтор Авезов.* Қодирий ҳақида // Адибни хотирлаб. – Тошкент: Info Capital Group, 2017. – Б. 520.

«Ўтган кунлар» романининг шу қадар шуҳрат топишининг сири-синоати нимада? Бизнинг назаримизда, бу саволга жавобни романнинг ўзидан, адибдан қолган хотиралардан излашимиз зарур.

Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар қандай йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш достончилиқ, рўмончилиқ ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришға, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зуҳра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришка ўзимизда мажбурият ҳис этамиз», – деб ёзганди.[155]

Бир қарашда адиб бу сўзларни камтарлик учун айтгандай туюлади. Бироқ роман жанрининг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, адиб сўзлари чин ҳақиқат эканини илғаб оламиз. Яъни, «Ўткан кунлар» «Алпомиш», «Гўрўғли», «Тоҳир ва Зуҳра», «Баҳромгўр» каби халқ достонлари, қиссахонларимизнинг халқ китобларидаги анъаналарининг давом эттирилиши билан боғлиқ.

«Алпомиш» достони билан «Ўткан кунлар» романи сюжет воқелари ҳамда Алпомиш ва Отабек, Барчин ва Кумуш, Қултой ва Ҳасанали каби образлар талқинида ўзаро яқинлик масалалари алоҳида бир тадқиқот мавзуси.

Роман жанрида алоҳида из қолдирган Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэле»сини оламизми ёки Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳати», Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо»сини оламизми, биз барчасида эпосга яқинлигини кўрамиз. Зеро, Гегелнинг роман ҳақида гапира туриб унда воқеликнинг эпик тасвири бўлиши шартлигини урғулаши, В. Г. Белинский эса «роман шахс ҳаётининг эпоси»дир деган хулосага келиши бежизга эмас.

Роман жанри эпос замирида юзага келиб, мустақил жанр сифатида шаклланиш жараёни ҳамда бугунги ҳолатида ҳам (Жойс, Маркес асарларида мисолида) фольклордан ҳеч қачон узоқлашиб кетмаганлигини, мазкур жанрнинг яна янгича тамойиллар асосида фольклорга яқинлашувини, кузатамиз. Умуман, XX аср насрида авангард адабиёт намояндалари романни фольклорга қайтаришга уринганлиги билан романнинг янги босқичи бошланди.

Абдулла Қодирий замонида роман – воқеликни идрок этиш ва ифода этишнинг ўзига хос бир шакли, воқеликка тамомила янгича бир муносабат эди. Эпосда воқеликка муносабатда оғзаки ижро анъаналарига риоя этиш, воқеликни эпик формулалар асосига қуриш муҳим ҳисобланса, «Ўткан кунлар» мисолида биз романда ижодкорнинг қуввати, бадиий имкониятидан келиб чиқиб воқеликка тамомила янгича бир ёндашувни кўрамиз.

Романга хос тафаккур, тил, услуб, қаҳрамон ва характерлар талқини ҳамда энг муҳими, воқеликни поэтик идрок этишда бошқа жанрлардан тамомила фарқлилик, яъни эпик кўлам уни бошқа насрий жанрлардан тамомила фарқлаб туради.

[155] *Абдулла Қодирий.* Ўтган кунлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1980. – Б.6.

Роман қандай бўлиш керак, деган саволга «Ўтган кунлар» ҳар томонлама – матн, структура, қаҳрамон ва воқелик, турфа хил образлар талқини мисолида тўла жавоб беради. Эпик кўлам, эпик шароит, образ, тақдир, характерларнинг эпик талқини бўлиши шартлиги романга қўйиладиган асосий талаблардир. Роман жанри худди эпос каби халқнинг тарихи, тақдири, тафаккур тарихи билан бевосита алоқадордир. Халқнинг тақдири билан боғлиқ масала бир ёки кўплаб қаҳрамонлар ҳаёти орқали очиб берилади. Фақат бунда ҳар жабҳада: воқелик, образ, характерларда, тил ва услубда кўпқатламлиликка асосланган, етакчи жанрга хос хусусиятлар бўртиб турилади.

Адиб «Ўткан кунлар» романида қадимдан келаётган шарқона достончилик анъаналарига суянган ҳолда, XX аср арафасида турган инсоннинг тафаккурига, шаҳдига, шижоатига мослаб Шарқу Ғарб бадииятини синтез қилган янги бир ижод намунасини яратди. Бу бир эксперимент эди. Шу илк экспериментнинг ўзидаёқ адиб ўзининг иқтидори, бадиий салоҳиятини тўла намоён эта олди.

Роман гарчанд, 1925–1926 йилда эълон қилинган бўлса-да, «Инқилоб» журналида эълон қилинган дастлабки варианти сўзбошисида адиб, 1920 йил тарихини муҳрлайди. Демак, ёзувчи бу асарни 1920 йиллардан олдинроқ, яъни шўро тузими ҳали тўла оёққа турмаган, тоталитар мафкура зуғмидан холи бир даврда қоралай бошлаган.

Ўз халқининг ўтмиши, миллий маданияти ва қадриятларига бўлган собит муносабат, миллатнинг келажагини унинг эркида, озодлигида, маърифатида кўриш, ўзбекона урф-одат, ўзбекона характер, образ, ўзбекона менталитет, ўзбекона тафаккурни бетакрор бадиий тасвир воситалари орқали тасвирлаб бериш ёзувчининг бош мақсади бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарни ўзбек халқи қадриятларининг бадиий «қомуси» дейишимиз мумкин.

Адиб ҳақидаги хотиралардан биз шуни биламизки, у бу романни ёзиш учун пухта тайёргарлик кўрган, тарихий фактларни тўплаган, одамларни, ҳаётни яхши кузатган, яхши ўрганган.

Романнинг эпик кўлами ниҳоятда кенгки, икки севишган қалбнинг саргузаштлари тасвирланган халқ достонлари намунаси каби Отабек ва Кумушнинг соф, тиниқ, илоҳий бир севги қиссаси мисолида бутун халқнинг «кир ва қора» кунлари тарихи, жамиятда юз бераётган маънавий буҳрон, ахлоқий таназзул илдизлари шафқатсиз реалистик услубда тасвирланади. XIX асрдаги Туркистон тарихини кўз олдимизда аниқ ва тиниқ гавдалантиради.

Бадиий сўз санъатидаги азалий мавзу: эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва эзгулик, зоҳир ва ботин ўртасидаги кураш романда Отабек ва Ҳомид, Кумуш ва Зайнаб, Юсуфбек ҳожи ва Азизбек, Мусулмонқуллар ўртасидаги кураш сифатида бадиий тимсолий тарзда шу даражада инжа акс этганки, ҳар саҳифасида биз қаҳрамонларнинг руҳиятига янада яқинроқ кириб борамиз, бу ҳолат туйғуларимизга таъсир қилади ва асар воқеларини, қаҳрамон кечинмаларини ич-ичимиздан ҳис этамиз.

Романда иштирок этган ўттизга яқин образлар ўз қиёфаси, ўз характери, ўз нутқига эга. Бири иккинчисини такрорламайди. Асардаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим, Ҳасанали, Офтобойим каби ижобий, Ҳомид, Жаннат каби салбий образларнинг ташқи қиёфа тасвиридан тортиб, уларнинг нутқигача табиий, ўзига хос, маҳорат билан ёритиб берилган.

Бугунги дунё адабиётининг энг етакчи насрга хос воқеликка полифоник ёндашув, ички монолог, психологик таҳлил изларини биз илк аввал «Ўткан кунлар»да кўрамиз. Роман бош қаҳрамони Отабек ва Кумушларнинг руҳий ҳолати тасвирлари фикримизнинг яққол далили бўла олади.

«Ўткан кунлар» структураси шу даражада пухта ўйланганки, ҳар учала бўлимда воқелик бир-бирига жуда маҳорат билан боғланади, асар динамикаси саҳифа сайин кучайиб, ҳар бир образ тиниқлашиб, ҳар бир характер тип даражасига кўтарилади.

«Ўткан кунлар»дан сўнг салкам бир асрга яқин вақт ўтяпти. Бугунги қадар кўп ва хўб романлар ёзилди. Бу романларнинг юзага келишида, шубҳасиз, Абдулла Қодирий таъсирини сезиб турамиз. Уларнинг айримларини мазкур жанрга қўшилган улкан ҳисса, деб баҳолаш ҳам мумкин бўлар, бироқ, ҳеч бир роман ҳали Абдулла Қодирий романчалик шуҳратга эришгани йўқ. XX аср бошида илк тажриба ўлароқ юзага келган бу роман эгаллаган довонни ҳали ҳеч бир асар ошиб ўта олмади. Ошиб ўта оладими? Буни вақт кўрсатади.

Абдулла Қодирий устозларимиз, ҳамкасб адабиётшунос олимларимиз томонидан кўп ва хўб ўрганилди. Бироқ, бу ўрганиш, изланишлар ҳали яна ва яна давом этади.

Бугунги глобал жамиятда, миллатнинг миллий қиёфасини ўзгартиришга, минг йиллик одоб-ахлоқ, эзгу анъаналари, инсон қалби, руҳиятига бўлган тажовуз кундан-кунга ортиб бораётган бир даврда миллий қадриятларнинг қомуси ҳисобланган Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ига ўхшаш асарларга эҳтиёж ҳамиша сақланиб қолаверади. Бундай асарларни ўқиш, ўрганиш, халқимиз тарихи, тафаккур тарзи, руҳияти, ўзлигини ўрганиш сари ташланган дадил қадамдир.

Бугун биз туркий халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликнинг янги бир даврини яшаяпмиз. Бу янги даврда битта халқнинг эмас, балки барча туркий халқларнинг бирдек маънавий мероси ҳисобланган «Алпомиш», «Гўрўғли», «Дада Қўрқут китоби», «Манас», «Қобланди Ботир», «Жангар», «Олонхо» каби асарларни, Абдулла Қодирий, Абай, Тўқай, Чингиз Айтматов, Нажиб Фозил Кисакурак каби адибларимизнинг меросини ҳам ягона маънавий бойлиги сифатида ҳамкорликда ўрганишимиз, ҳамкорликда тарғиб этишимиз зарур бўлади. Зеро, янада жипслашиш, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун янги бир макон, янги бир восита излаш шарт эмас. Бу макон, бу восита шубҳасиз маданият, санъат ва адабиётдир.

ОММАВИЙЛИК МЕЗОН ЭМАС

Бугунги адабий жараёнда биз қандай асарларни ҳақиқий адабиёт, деб баҳолаяпмиз? Кенг ўқувчилар оммасига мўлжаллаб ёзилган, бир ўқишдаёқ ҳамма сиру асрори ойдинлашадиган, ўқувчини қийнамайдиган турли қизиқарли воқеалару олди-қочдиларга бой китобними ёки ҳамма ҳам қийналмай ўқий олавермайдиган, мағзини чақавермайдиган, лекин дидни, савияни, фикрни ва Инсон ҳақидаги билимни янгилайдиган асарними? Шуни айтиш керакки, XX аср жаҳон бадиий тафаккури чўққилари бўлмиш Фолкнерни барча америкаликлар, Камюни эса барча французлар ўқийвермайди ва ўқий олмайди ҳам. Улар ўз ватанида оммавий ёзувчи саналмайди. Бироқ, биринчиси Америка, иккинчиси Франция маданияти ва бадиий тафаккурининг фахри саналади. Шундай экан, оммавийлик бадиийлик мезони эмас ва менимча, оммавийлик маълум маънода бадииятдан четлашиш, мавжуд дидга бўйсуниш ҳамдир. Бадиият эса диднинг бетиним ўсишига хизмат қилади, уни доимо ҳаракатга, ўсишга, изланишга чорлайди. Ҳазрат Навоий асарлари худди ана шундай юксак бадиият намунасидир. Узоққа бормай, 50-йиллар Абдулла Орипов шеърлари бадиий савиямизни янги босқичга кўтарганини эслашнинг ўзи кифоя. А. Орипов шеърларини ҳамма тушунади-ку, деган фикрга мен унча қўшилмайман. Сабаби шоир асарларидаги ташбеҳларни англаш ва тушуниш, гарчи шеърлари оммага тушунарлидай туюлса-да, ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Фақат оҳанг ва ритмикагина кўпчиликни ўзига жалб қилиши мумкин. «Тилла балиқча» шеъри атрофидаги баҳслар фикримизнинг далилидир. Бу шеърга келажакда ҳам турли хил баҳолар берилиши табиий, биров бу баҳсда омма барибир иштирок этмайди. Шу сабабли адабий жараён деганда қайси жараён кўзда тутилаётганини аниқлаш олиш зарур. Бугун китоб жавонларини тўлдираётган, адабиётимизни сон жиҳатидан бойитаётган асарлар жуда кўп. Бироқ бадиий дидни тарбиялайдиган, инсон ҳақидаги билимни чуқурлаштирадиган асарлар саноқли. Ана шу бармоқ билан санарли асарлар эртага келиб бугунги адабий жараённинг маҳсули сифатида баҳоланиши тайин. Бошқа томондан эса адабий жараён кўп жиҳатдан бугунги чинакам бадиий изланишларга боғлиқ.

Чинакам бадиий янгиланиш, бадиий инқилоб инсонга янгича қарашдан, унинг қалбига, ҳасратига, мусибатига, нафрат ва муҳаббатига, унинг оғриғига чинакам яқинлашишдан бошланади. Инсоннинг қалбини кашф қилмасдан туриб, адабиётда янгилик яратиш мумкин эмас. Адабиётнинг бош мавзуи инсондир. Унга бориладиган, яқинлашадиган йўл услубдир. Услуб, Фолкнер сўзи билан айтганда, ёзувчининг ўзи. Ёзувчи ўзгармас экан, услуб ҳам ўзгармайди. Шаклланмаган услуб – шаклланмаган шахснинг ифода тарзидир. Бизда узоқ йиллар ёзувчи шахси ҳақида, шахс ва истеъдод яхлитлиги ҳақида лом-мим дейилмади. Ваҳоланки, чала жамият чала шахсни, чала шахс чала истеъдодни, чала истеъдод чала адабиётни пайдо қилади. Чала адабиёт ўз навбатида чала дидни, чала маънавиятни юзага келтиришга

хизмат қилади. Менимча, бугунги адабий жараён энг аввало ана шу шахс ва истеъдодни таниб олиши керак, чунки чала, чучмал адабиёт дидни ўтмаслаштиради. Жамиятнинг эстетик диди бу – давлат ҳудуди каби қаттиқ муҳофаза қилиниши ва муттасил ўстириб борилиши лозим бўлган маънавий мулкдир.

Дид жамиятнинг бадиий тафаккурини ўзида акс эттиради. Америкада, дейлик, Фолкнерни ўқийдиган, тушунадиган 200 киши бор экан, демак америкаликларнинг бадиий диди ёмон эмас, чунки ана шу 200 киши эртанги дид ва адабиёт юзага келадиган муҳитни, майдонни пайдо қилади. Шахси шаклланмаган, ички «мен»и қул қилинган, ҳар қандай замонга ва сиёсатга ўзини тез мослай биладиган ёзувчи ҳур, озод инсон руҳини тасвирлай олармикан?

Модомики, ҳаракатдаги адабий жараён изланиш йўлидаги мағлубиятдан чўчир экан, чинакам ғалабани ҳам билмайди. «Мағлубият лаззатини билмаган, – дейди Фолкнер, – ғалаба лаззатини ҳам ҳис қилмайди. Чинакам мағлубият лаззати ғалаба нашидасининг бошланишидир». Шу фикрга таяниб мен жиддий изланаётган ҳозирги ёшлар ҳикояларини уларнинг ўз услубларини топиш учун йўлидаги мағлубиятлари, деб биламан.

Ёзувчи даврлар алмашгандагина ўзгармайди, у ҳар бир асарида ўзгариб, ҳар бир асарида шаклланиб боради. Гўзаллик ва сўз қудрати томон ташланган ҳар бир қадам ёзувчидан янги ижодий қувватни, янги ижодий кашфиётни талаб қилади.

Бугунги адабиётшунослик ёзувчининг гўзаллик ва сўзни бўйсундириш йўлидаги матонати ва мағлубиятини эмас, балки асарга ўзининг маҳлиёлигини ифода этяпти. Аслида адабиётшунослик фақат илм эмас, ижод ҳам. Адабиётшунослик тақдирига ҳам ёзувчи ҳис этган оғриқ, ҳасрат, матонат ва мағлубият, боқий гўзаллик ва боқий сўзга ошуфталик хос бўлмас экан, у ёзган асарлар илм либосини кийган жимжимадан иборат бўлиб қолади. Зеро, ижод фақат илмий мушоҳадани эмас, мангу гўзалликка шайдоликни, мангуликка дахлдор машаққатни талаб этади. Шу сабабли адабий жараён иштирокчилари, унга баҳо берувчилар ҳам ижод фарзандларидир. Шу нуқтаи назардан, муайян асарни таҳлил қилаётганда ёзувчи билан бирга асарда тасвирланаётган воқеа ичига кира олмаслик, ёзувчи билан бирга хаёл суролмаслигимизнинг сабаби битта: биз ҳамон ўзимизни ижодкор деб эмас, тадқиқотчи деб биламиз. Тадқиқотчи эса, кўпинча, умум тан оладиган мантиққа бўйсунади. Адабиёт эса ўз мантиғини яратади. Умум мантиғи билан ёзувчи мантиғини бир-бирига яқинлаштирган истеъдодли танқидчилар эса ҳамиша ҳам туғилавермайди. Балки бугунги адабий жараёндаги эврилишлар эртага майдонга келадиган истеъдодларга замин ҳозирлар? Балки. Ҳатто шу вазифада ҳам шон-шараф мавжуддир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси

ВОҚЕЛИК ВА ҲАЁЛОТ УЙҒУНЛИГИ

Тарих ғилдираги ҳамиша олдинга қараб айланади. Уни ҳеч қачон ортга буриб бўлмайди. Бироқ маълум бир жамиятда юз берган воқеа ёхуд фожиалар бошқа бир даврда, бошқа бир жамиятда қайсидир кўринишда такрорланиши мумкин. Тарихда бунга кўплаб мисоллар бор.

Исони чор михга тортган оломон билан Мансур Халложни дорга осган оломон ўртасида унчалик катта тафовут йўқ. Тафовут фақат вақт деб аталмиш улкан сарҳаднинг кенглигида.

Санъат ва адабиётга ҳам турли даврларда турлича муносабатда бўлиб келинган. Баъзан санъатдаги ранг-баранглиқка тараққиётнинг асоси деб қаралган бўлса, баъзан уни инкор этганлар. Буюк аллома Албер Камю «сенсимончи»лар билан нигилистларнинг ёхуд марксчиларнинг санъатга муносабатида унчалик катта фарқ йўқ дейди. Улар битта ақидага, яъни санъатни суд қилишга, унинг устидан ҳукм юргизишга ҳаракат қиладилар. Шўро тузуми даврида эса бунга сўзсиз амал қилинди.

Мустақилликдан сўнг санъат ва адабиётга муносабат тубдан ўзгарди. Илгари фақат бир хил қолипда тадқиқ этилган асарлар турлича нуқтаи назарлардан туриб таҳлил этила бошланди. Турлича метод ва йўналишлар ҳақидаги тадқиқотлар пайдо бўлди. Муҳими, адабиёт яна ўзининг азалий ранг-баранглигини кашф этди. Бу борада Озод Шарафуддинов, Иброҳим Ҳаққул, Умарали Норматов, Аҳмад Отабоев, Баҳром Рўзимуҳаммад ва яна бошқа кўплаб олимларимизнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз деб ўйлайман.

Бироқ, адабиётшунослигимиз ҳали ҳам аксарият ҳолларда, бадиий ижодга бир хил муносабатдан нарига ўтишни истамаётгандай. Адабиётни яна бир хил қолипдаги мезонлар билан ўлчашга, бадиий асар устидан узил-кесил ҳукми ҳозиқ юргизишга мойиллик ҳали ҳам устундай. Бу эса, менинг назаримда, адабиёт ва санъат борасидаги назарий билимларимиз ҳали ҳам социалистик реализм даражасида қолиб кетаётганлигидадир.

Бирон-бир бадиий матнни фақатгина мазмун ёхуд услубий жиҳатидан тўлалигича ёритиб бериб бўлмайди. Ҳар қандай бадиий асар комплекс ёндашувни талаб қилади. Асарнинг тили, услуби, методи ва мазмуни яхлит олингандагина таҳлил объекти бўла олади.

Бироқ биз эса ҳали у ёки бу услуб, метод, тил қонуниятларидан яхши хабардор бўлмасдан, аниқ бир тўхтамга, хулосага келмасдан улар ҳақида ҳукм хулосаларни айтишдан ўзимизни тия олаётганимиз йўқ. Айниқса, абсурд ва модерн адабиёт борасида билдирилаётган фикр-мулоҳазаларда биз буни янада яққолроқ кўришимиз мумкин.

Модернизмга бир пайтлар Совет Энциклопедияси ва адабиётшунослик терминлари луғатида бир ёқлама ва мутлақо асоссиз баҳо берилган эди. Ҳар иккала манбада ҳам модернизм «нореалистик йўналишдаги», «шаклбозликдан иборат, халққа ёт» бир оқим сифатида таърифланади.

Мана орадан салкам ўттиз йилга яқин вақт ўтибдики, ўша фикрлар бизнинг онгимизда ҳукмронлик қилиб келмоқда. Устоз Озод

Шарафуддиновнинг суҳбатининг инобатга олмаганда, бу борада ҳали шу пайтгача тузукроқ, асосли бир ижобий фикр билдирилган эмас. Аксинча, модернизмнинг «халққа ётлиги» тўғрисидаги тоталитар тузум пайтидаги мағзаваси чиққан фикрлар эса ҳалигача ўз «мева»сини беряпти.

Модернизм ҳақидаги билдирилаётган кўпчилик фикрларни ўқиб шундай хулосага келиш мумкин. Бундай бир ёқлама фикр билдираётганларнинг кўпчилиги ё модернизмни мутлақо тушунмайди, ё реалистик методни социалистик методдан фарқлай ололмаяпти.

Модернистик методнинг туб моҳиятида воқеликка ўзига хос реалистик ёндашув ётганлиги кундай равшан-ку! Ахир модернистик адабиётнинг энг сара асарлари билан ҳали яқиндан танишмасдан, мазмун моҳиятини тушунмасдан туриб нега энди биз уни инкор этишимиз керак?

Ёхуд энг реалистик асарларда ҳам воқеликка модернистик, яъни ноанъанавий ёндашувни кўрмаймизми?

Инсонлар қанчалик бир-бирига ўхшаш бўлмасин, иккита айнан бир хил фикр ва ҳис туйғуларга эга инсонни топиш амри маҳол. Шундай экан нега инсонга муносабат ҳам ранг-баранг бўлмаслиги керак?

Умуман инсонни қайси бир услуб буткул ёритиб беришга қодир?

Санъаткорлик воқеликдан нусха кўчириш эмас, балки уни хаёл, кечинма орқали қайта идрок этиш, воқелик ва хаёлотни уйғунлаштиришда намоён бўлади.

«Ҳеч қайси санъат, – деб ёзади Албер Камю, – воқеликдан буткул узилиши мумкин эмас. Шаклпарастлик қиёфасиз ижодни дунёга келтиради. Шунингдек, ҳаёлот иштирокисиз қуруқ реализм ҳам тубанликка айланиб қолади. Ҳатто энг яхши фотосурат ҳам қуруқ реализмдан қочади, ҳатто у ҳам воқелик ва ҳаёлот қоришиб кетган манзарани излайди».

Шу маънода абсурд маънисизлик эмас, аксинча, маънисиз воқеликдан қочиш, воқелик ва ҳаёлотнинг уйғунлигидир. Франц Кафка, Албер Камю, Ж. П. Сартр, Бэккет, Э. Сабота ва яна бошқа ўнлаб дунё адабиётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган адибларнинг ижодида ана шундай уйғунлик намоён бўлганини кўрамиз.

Хўш, уларнинг асарларини тузукроқ ўрганмасдан, етарлича билимга эга бўлмасдан туриб «пуф сассиқ» деб бурнимизни жийиришга бизнинг қандай маънавий ҳаққимиз бор? Наҳотки, социалистик реализм балосидан бир умр қутулолмасак? Ақалли бугун, дунё ҳамжамияти билан теппа-тенг муносабатга киришган, ўз тафаккуримизни дунё тафаккурига мослаётган бир пайтда, эҳтимол, бундай бир томонлама ва биқиқ эътирофлардан ўзимизни тийишимиз керак эмасмикан?

Модернистик услуб эмас, биз ҳали реалистик услубда ёзилган асарларнинг мазмун моҳиятини тўлалигича ёритиб бера олганимизча йўқ. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»ини ҳар томонлама мукаммал тадқиқ қилдик деб айта оламизми? Ушбу икки асар ҳақида қанчалик кўп ёзилган бўлмасин, уларни тўлақонли ёритиб берган тадқиқот ҳалигача амалга оширилган эмас. Биргина «Кеча ва Кундуз»нинг тили ҳақида кўплаб рисолалар ёзилиши керак. Бироқ, биз

адабиётшуносларнинг тил борасидаги билимимиз чала. Тилшуносларимизнинг эса бадиий таҳлили ночор. Хўш, тилни яхши билмасдан туриб, бирон-бир асар тилини қандай таҳлил этиш мумкин? Тилини тушунмасдан туриб бирон-бир асарнинг бадиияти ҳақида сўзлаш мантиқсизлик эмасми? Савол кўп, жавоб эса йўқ.

Шундай бир қадим латифа бор: табибнинг ҳузурига бир киши келиб ошқозонидан шикоят қилибди. Табиб унга кўзини даволашни буюрибди. Шу оддийгина латифада инсонга ҳам биологик, ҳам психологик, ҳам фалсафий ёндашув мавжуд. Унда юмор ҳам, фожиа ҳам, фалсафа ҳам, бадиият ҳам бор.

Бугунги кун эса биздан мукаммал тадқиқотни талаб қиляпти? Бугунги тадқиқотчи учун фақат адабиётшунос бўлишнинг ўзи камлик қилади. У ҳам адабиётчи, ҳам тилчи, ҳам тарихчи, ҳам файласуф ҳам психолог бўлиши лозим.

Бугунги адабиётшунос албатта ё Fарбчи, ё Шарқчи. Шарқни улуғлаш лозим бўлса, албатта Fарбни қоралаш лозим. Fарбни мақташ лозим бўлса, албатта Шарқни «калтаклаш» зарур бўлади. Бу бир ёқламалик шу даражада оммалашиб кетдики, бугун у анъанага айланди. Ҳақиқат эса Шарқ ва Fарб деган тушунчаларнинг бирлигида. Шунинг учун ҳам Чўлпон адабиётни Шарқ ва Fарбни туташтирувчи «олтин кўприк» деб атаган эди. Дарҳақиқат, Шарқ ва Fарб қайси давр бадиий тафаккурида синтез бўлган бўлса, ўша давр санъатида албатта ривожланиш бўлган. Навоий ва Чўлпон ижоди фикримизнинг далилидир.

Бадиий дид ва тафаккур ҳақидаги тушунчаларимиз ҳали ҳам оломончилик тафаккуридан нари ўта олмаяпти. Ҳали-ҳамон совет даврига хос оломончилик бизнинг тафаккуримизда ҳукмрон. Оломонга маъқул келадиган асарларни мақтаймиз, бадиий дидни шакллантирадиган, тафаккурни устирадиган асарлар ҳақида ё ҳеч нарса гапирмаймиз, ё уни ғарбчиликда айблаймиз. Fарбга тақлидчилик ва ундан эҳтиёт бўлишлиги лозимлиги ҳақида шунчалик кўп ёзилдики, бундан ҳатто устоз адибларимиз ҳам четда турмади. Устоз адибларимиздан бири эса аллақандай Карпентерларни ўқиб ўтиришга вақти йўқлигини ёзиб чиқди. Наҳотки, бизнинг вақтимиз зиқлиги ёки унинг асарларини тушунмаганимиз, биз кўниккан бир хил қолипдаги асар ёзмагани учун ёзувчи айбдор бўлса? Бир марта ўқиб тушунмабмиз, қайта ва қайта ўқиш лозим эмасмикан? Ахир Карпентер бутун Лотин Америка адабиётининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Карпентернинг асарлари билан яқиндан танишмай туриб, унинг ижоди ҳақидаги бир ёқлама ва чучмал фикрларимизни айтишга бизнинг қандай маънавий ҳаққимиз бор?

Fарбга тақлид қилмаслик керак деймиз-у, аммо бирон-бир тадқиқотчи қайси ҳикоя қайси ғарб ёзувчисининг асарига тақлидан юзага келганини таҳлил қилгани йўқ. Бу борада фақат бир хил умумий гаплар такрорланяпти, холос.

Таъсир ва тақлид тушунчалари бошқа-бошқа тушунчалардир. Бирон-бир асар ҳақида фикр юритишдан олдин, у тақлид доирасида қолиб кетдими ёки

таъсир туфайли бошқа бир етук бадиий асар яратилдими дея ўйлаб кўришимиз лозим бўлади.

«Гулзор четидаги қуёш», «Хароба шаҳар сурати», «Бевақт чалинган бонг», «Шамолни тутиб бўлмайди», «Муолажа», «Ўлик мавсум», «Алвон мато остидаги ҳаёт», «Суратдаги аёл» ва ўнлаб ҳикояларнинг юзага келишида Ғарб адабиётининг таъсирини кўришимиз мумкин. Бироқ булар тақлид даражасида қолиб кетган ҳикоялар эмас. Аксинча, Шарқ ва Ғарб адабиётининг синтези ўлароқ юзага келган, бадиий жиҳатдан юксак асарлардир. Зеро, бирон-бир адабиёт фақат ўз қобиғига уралиб қолар экан, унинг эртаси албатта таназзул билан якун топади. Шу маънода бугунги насрда Шарқ ва Ғарб адабиётининг қайсидир даражада синтези мавжуд экан, бундан фақат қувонмоқ даркор.

Адабиётдаги янгиланиш жараёни мазмун ва шакл бирлигида юзага келади. Уларнинг бири иккинчисиз юз бермайди. Бугун бирон-бир асар янгича шаклга эга экан, энг аввало бунинг объектив сабаблари бор. Шакл янгиландими, демак мазмунда ҳам ўзгариш юзага келган. Биз эса ҳали ҳам асардан анъанавий мазмун излаймиз.

Миллийлик борасидаги фикрларимиз ҳам шу даражада тор ва биқиқки, бирон-бир асар қаҳрамони дўппи киймаган, белига белбоғ боғламаган бўлса бўлди, у албатта «Ғарб» таъсирида юзага келган бўлади. Зотан, санъаткор ўзи мансуб халқнинг вакили бўлгани учун унинг тафаккурида ва онгида кечган ва кечажак воқеалар шу халққа мансуб бўлади. Бирон-бир образнинг юзага келиши ва бадиий воқеликнинг яратилишида ёзувчининг қайси халққа мансуб эканлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Хаёл, яъни бадиий идрок ижодкорга қанчалик куч бағишлаган бўлса, у ўқувчи тафаккурига ҳам шунчалик куч бағишлайди. Ҳар қандай ижодкорнинг қалбига йўл биринчи навбатда хаёл ва кечинма орқали борилади. Ижодкорнинг бу кечинма ва хаёллари эса биринчи навбатда миллий тафаккурга асосланган бўлади.

Шарқ халқлари, жумладан туркий халқлар мифологияси дунё бадиий тафаккурида алоҳида ўрин тутади. Буни жаҳоннинг кўплаб илғор ёзувчилари эътироф этишган. Фолкнер, Борхес, Гессе, Жойс ва Маркес каби адибларнинг бу борадаги мулоҳазалари фикримизнинг далилидир. Бироқ, бугун биз «модерн» ёки ғарбга тақлид таъсирида юзага келган дея таъкидлаётган ҳикояларнинг асосида халқимизнинг қадим мифологик тасаввурлари ётганлигини кўпам илғайвермаймиз.

«Сотилган туш» номли ўзбек эртагини олиб қарайлик. Бу эртак туркий халқларнинг деярли барчасида учрайди. Унда эртак қаҳрамони ўртоғининг тушини сотиб олади-да, ана шу тушдаги бахтни излаб йўлга тушади ва ўз мақсадига эришади. Эртак бошдан-охир туш талқинига қурилган. Бу эртак ҳам шаклан ҳам мазунан ғарбдаги «модернистик» ҳикояларига шу даражада ўхшаб кетадики, кишини ҳайртга солади. Ёхуд қаҳрамоннинг турли қиёфа касб этишини олайлик. Бу ҳолат деярли барча эртакларимизда учрайди. Бироқ, «Аҳмадлар» эртагида у янада гўзалроқ, таъбир жоиз бўлса «модерн» услубида намоён бўлади. Унда эртак қаҳрамони Аҳмад бир неча Аҳмадларга

бўлиниб кетади. Ва бу бадиий шартлилик деб аталувчи ўта жўн тушунчалардан анча баланд турувчи ҳолатлардир. Демак, воқеликка ўзгача ёндашув, уни акс эттиришда бадиий тасаввур, хаёл, фантазиянинг устувор қонуният кашф этишининг илдизларини фақат Ғарбга тақлидчиликдан изламаслик лозим.

Аждодларимизнинг қадим мифологик тасаввурлари замин бўлган миф, эртак, достонларимиздаги бадииятни чуқурроқ илғасакгина жаҳон адабиётининг энг мураккаб бўлиб туюлган энг сара асарлари ҳам бизга тушунарли, янгича усулда ёзилаётган асарларнинг илдизлари эса, энг аввало, миллий тафаккуримиз билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яхшироқ англаб етамиз.

Биз эътиборимизни кўпроқ қайси адабий «изм» бизга маъқулу, қайсиси бизга ёт эканлигига, санъат ва адабиёт устидан кескин ҳукми хулосалар юргизишга эмас, аксинча, бадиий дид ва савияни юксалтирадиган, тафаккуримизни чархлайдиган асарлар таҳлилига қаратмоғимиз даркор.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси

КИТОБ НИМА УЧУН ЁЗИЛАДИ ЁХУД «АЛПОМИШ»НИ ЖЎНЛАШТИРИШДАН МАҚСАД НИМА?

Аслида бу мақолани ёзиш ниятим йўқ эди. Зеро, фақат олифталик, ўзини кўрсатиб қўйиш учунгина нашр этилган китобга ёзилган ҳар қандай сўз, фикр, ҳатто, танқидий руҳда бўлса ҳам манманликдан бошқа нарса бўлмаслигини яхши тушунаман. Лекин, филология фанлари доктори Нурилла Аҳмедовнинг аввал «Фидокор»[156], сўнг эса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасидаги[157] «Алпомиш» талқинлари» китоби ҳақидаги фикрларини ўқиб кўнгилдаги гапларни ёзиш керак деган қарорга келдим. Негаки, бу тадқиқот фан докторимизнинг фикрига шунчалик «таъсир» қилибдими, талаба ва ўқувчилар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Тўғри, «Алпомиш» халқимизнинг қомусий достони. У ҳақда чўпон ҳам, деҳқон ҳам ўз фикрини билдиришга ҳақли ва бу фикрлар турли даражада бўлиши табиий. Лекин, айнан шундай улуғ достон ҳақида чалкаш ва чучмал тасаввурлар баёни жамланган китобнинг илмий рисола шаклида нашр этилишининг ўзига яраша жавобгарлиги бўлиши керак.

Кейинги пайтларда бизда хавотирли бир ҳолат пайдо бўляпти. Ўзимиз ҳали у ёки бу соҳани чуқурроқ ўрганмасдан, меҳнат ва заҳматини тортмасдан, жилла қурса, фикр юритаётган соҳамиздаги устоз олимларнинг изланишлари билан тузукроқ танишмасдан туриб, ўзимизни ҳамма жабҳанинг «даҳо» билимдони, «қомусий» олими деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдик.

«Ҳаракатдаги руҳият» мақоласи мени юқорида номи зикр этилган китобни яна бир бор ўқиб чиқишга мажбур қилди. Хўш, «Алпомиш» талқинлари» Нурилла Аҳмедовнинг ҳар иккала мақоласида таъкидланганидек, бизни «Алпомиш»га қанчалик яқинлаштиради?! Менинг назаримда бундай талқинлар миллий достонимиздан китобхонни ўзоқлаштирса ўзоқлаштирадики, асло яқинлаштирмайди. Китобни ўқиб, наҳотки, «Алпомиш» эпоси унинг муаллифи талқин қилгандай жўн бўлса деб ўйлаб қоласиз?! Қолаверса, «Алпомиш»ни ўқувчига яқинлаштириш эмас, ўқувчи савиясини «Алпомиш» даражасига кўтариш керак. «Алпомиш» талқинлари» китобида аёвсиз танқид қилинган Ҳоди Зарифовга ўхшаш фольклоршунослар эса китоб муаллифидан фарқли уларок ана шу даражага интилганлар.

Эпосни қандай ўрганиш, қандай тадқиқ этиш керак? Бу саволга албатта турлича жавоб бериш мумкин. Ушбу ўринда бугунга қадар бизда фольклорни ўрганиш борасида махсус мактаблар юзага келганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Устоз Ҳоди Зарифовнинг фолькорни қиёсий тадқиқ этиш борасидаги изланишлари аллақачон дунё олимлари эътиборини ўзига жалб

---

[156] *Нурилла Аҳмедов.* «Алпомиш»нинг янгича талқини // «Фидокор» газетаси. – Тошкент, 2003 йил, 5 июнь, №46-47, 4-бет.

[157] *Нурилла Аҳмедов.* Ҳаракатдаги руҳият ёхуд Алпомишнинг қайтиши // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. – Тошкент, 2003 йил 18 июл, №29, 4-бет.

этди. Дунёнинг турли бурчакларида унинг фикрларига суяниб, янгидан-янги тадқиқотлар яратилаётгани бағоят қувонарли ҳолдир. Шу ўринда АҚШ, Германия, Япония ва Туркияда яратилаётган энг сўнгги илмий изланишларда ҳам ўзбек олимларининг тадқиқотлари алоҳида қизиқиш уйғотаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Бу нимадан дарак беради? Энг аввало, ўзбек фольклоршунослигининг илмий ютуқлари хорижлик олимлар томонидан тўла эътироф этилишидир. Энг муҳими, фақатгина эътироф эмас, янгидан-янги яратилаётган тадқиқотларга ўзбек олимларининг изланишлари назарий асос бўлаётганлигидир. Бундан «Алпомиш» талқинлари» китобининг муаллифи ва бу китобни кўкка кўтариб мақтаётган тақризчиларнинг хабари бормикан?

Мен бу билан олимларимиз фольклоршуносликнинг ҳамма масалаларини тўла ёритиб берган ва уларнинг фикрлари сўнгги, ягона назарий хулоса деган қарашдан мутлақо йироқман. Бирон-бир асар ҳақида турли хил фикрлар бўлишига қарши ҳам эмасман. Аслида, «Алпомиш»дек эпосимиз турлича нуқтаи назарлардан, турлича методлар билан талқин этилиши жоиз ва бу зарурат ҳам, албатта. Бироқ, ҳар қандай фикр ҳам биринчи навбатда манманликка эмас, холис ва мантиққа асосланмоғи керак.

«Алпомиш» талқинлари» муаллифи ўзини фолькорнинг зукко билимдони эканини кўрсатиб қўйиш учун танқидни ўзбек фолькоршунослигининг асосчиси устоз Ҳоди Зарифовдан бошлайди. Муаллиф Ҳоди Зарифовнинг: «Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош» деб такрор-такрор айтади. Бундай маслаҳат мажлисларининг қарори қабила ёки уруғнинг ҳар бир аъзоси учун мажбурийдир. Бу ҳол уруғ кенгашларининг қолдиғини эслатади», – деган фикрини келтириб шундай ёзади: «Олим (Ҳоди Зарифов назарда тутиляпти – ***Ж. Э.***) бугунги кунга қадар давом этиб келаётган оддий туркона одат бўлмиш оқсоқоллар маслаҳатини рус мужикларининг қишлоқдаги хўжалик юритиш тарзи – «община» билан тенглаштиришга (???) уринади».

Биринчидан, Ҳоди Зарифов бундай демоқчи эмас. Бугунги кунгача ҳам халқимиз орасида сақланиб қолган бирон-бир уруғ маслаҳати ёки кенгаши (ҳатто тўй оши, тўй маслаҳати ҳам шунинг бир кўриниши) билан «обшина»нинг фарқи бор. Бироқ, муаллиф учун бунинг фарқи йўқ. «Ҳолбуки, туркийлар тарихида ҳеч қачон уруғ жамоалари тушунчаси бўлган эмас (???)». Энди профессорга буни тушунтириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Зеро, халқимиз тарихида қатъий уруғ жамоа тартиби бўлганлигини ўрта маълумотга эга ўқувчи ҳам яхши билади. Ҳоди Зарифовнинг «айби» шундаки, у «Алпомиш» достонини ўқиган «ўқувчи»нинг савияси шунчалар «баланд» бўлишини, албатта, билмаган.

Н. Аҳмедов «Алпомиш талқинлари» китобида «Алпомиш» достонининг ҳали шу пайтгача фольклоршунослар назаридан четда қолган жиҳатларини кенг ёритиб берганини таъкидлайди. Фольклоршуносликдан озгина хабари бор одам бунинг ғирт ёлғон эканлигини яхши билади. Мисол учун, китобнинг **«Алпомиш» ҳайрати ва достон илдизи»** қисмини олайлик. Бу қисмда муаллиф фақат бир нарсани, достон эртакдан яратилмаган деган

фикрни айтмоқчи бўлади. Афсуски, бу фикр фольклоршунослар учун янгилик эмас. Биринчидан, бирон-бир ўзбек фольклоршуноси ҳали шу пайтгача достон эртакдан яратилди дегани йўқ. Фақат В. Жирмунский «Алпомиш» достонининг «бобосюжет» ҳақида фикр юритар экан, «богатирская сказка» деган атамани қўллайди. Олим бу атама асосида достоннинг архаик қатламини назарда тутади. Қолаверса, анча баҳсли бўлган ушбу масала хусусида фольклоршунос Б. Саримсоқов бир қатор мақолаларида мазкур китоб муаллифга нисбатан ўз хулосаларини ишончлироқ баён этган этганди.

Кейинги йилларда фольклор асарларини илмий баҳолашда фольклоршунослар ҳар қандай назарий хулосаларни четдан эмас, балки бевосита матннинг ўзидан келиб чиқиб тадқиқ этиш лозимлиги ҳақида «Ўзбек тили ва адабиёти», «Тафаккур» ва бошқа нашрларда қатор мақолалар эълон қилишди. Бу мақолалар мазкур китобдан анча йиллар олдин ёзилган. Ҳурматли профессоримиз эса китобнинг **«Сунъий талқинлар ва тасвир ҳақиқати»** бўлимида ана шу фикрларни бошқача талқин қилиб, гўё ўзича фольклоршуносликда янги «Америка очаётган»дай бўлади. Китобнинг **«Халқ ҳаёти, сўз ёғдуси ва тасвир жилоси»** қисми ҳам бор-йўғи Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаевнинг китобларида айтилган фикрлар бошқача, юзаки тадқиқ этилган кўриниши, холос.

Бутун ҳаётини «Алпомиш»дек эпосимизни ўрганишга бағишлаган Ҳоди Зарифовдек аллома ҳам бу достон ҳақида жуда эҳтиёт бўлиб фикр юритганди. Шунинг учун устоз фольклоршунос «Алпомиш» достони ҳақида асосий хулосани унинг барча версия ва вариантлари ўзаро қиёсий, мукаммал ўрганилгандан сўнггина айтиш мумкин деган фикрни ўртага ташлайди. «Алпомиш» талқинлари» рисоласининг муаллифи эса ақалли Ҳоди Зарифовнинг тадқиқотлари билан яхшироқ танишмасдан, ўзининг кескин «ҳукм»ларини баён қилади.

Бир ўринда муаллиф шундай деб ёзади: «Одатда оталар гуноҳи учун фарзандлар жавоб беришади, қусурли (???) оталар касри болаларга уради, асар қилади. Достон шулар ҳақида (???)». Наҳотки достон фақат шу ҳақида бўлса? Ахир «Алпомиш» достонида айнан шажарага катта эътибор берилган ва у муқаддас саналган эмасми? Достонни бундай юзаки ва жўн тушуниш кимга керак бўлиб қолди? Умуман, бу ва яна «...ҳаракатдаги руҳият, амалдаги эстетика» каби қачонлардир рус адабиётшунослигида «чайналган» гаплар билан ҳурматли олимимиз кимни ҳайратга солмоқчи?!

«Элатнинг бирлиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бизнингча, достонда Алпомиш образига бирлаштирувчилик эмас, балки аксинча, булувчилик вазифаси юклатилган дейилса, тўғри бўлади» (20-бет.) У ҳолда «Алпомиш» достонининг яратилишига на ҳожат бор эди? Алпомиш образида ифодаланган энг катта ғоялардан бири ҳам айнан юрт бирлиги учун кураш эмасми? Бошқача бўлганда Алпомиш Барчинга уйланиш билан кифояланиб қолган бўлмасмиди? Фозил шоир варианти қаҳрамонлик эпосининг мумтоз намунаси эканлиги ва у фольклоршунослигимизда таянч манба сифатида

олинганлиги сабаби ҳам айни шу ғоянинг мукаммал бадиий ифода топганлигидадир.

Достондаги Алпомиш образига «бўлувчилик вазифаси юклатилган» деб жўн тадқиқ этиш ким учун керак бўлиб қолди? Бу муаллифнинг шунчаки «доно»лигими ёки бошқа мақсадлари ҳам борми?

Китобнинг «**Достондаги миллий руҳият тадқиқи»** бўлимида олимнинг ҳақиқатан шу пайтгача ҳеч бир фольклоршуноснинг ҳаёлига келмаган «талқин»ларини кўриб ҳайратингиз ошади. Муаллиф наздида Алпомиш «ичи пўк бола» (43-бет), «чумчуқ юрак» (41-бет), «гўл одам» (42-бет). Бунинг устига у «овсарбашара, бефарқ, қадрбилмас...» (46-бет). Китобдан жой олган бундай кесатиқлар ортидан келадиган «мақтов»ладан сўнг беихтиёр: Алпомиш ростдан ҳам «ғалати» образ экан-да, деган хаёлга борасиз.

Фақат Алпомиш эмас, достондаги бошқа образлар ҳам худди ана шундай «ўзига хос талқин» қилинган. «Ҳакимбекка довдирроқ (Ким довдир?) бўлсада, Кайқубоддай покиза одамни шоҳ қилиб кўтариш энг тўғри йўл эди» (26-бет). Бойсарини эса «…ҳар томонни ўйлайдиган бағрикенг одам деб айтиш ҳам душвор» (67-бет), Бойбўри «беҳисоб бойлик, катта ҳокимият эгасию юксак маънавий фазилатлар соҳиби эмас» (35-бет), Қоражон эса «имонсиз одам» (58-бет), Қултой – «ўз кунини кўролмаган довдир, лақма» (117-бет). Бундай «кашфиёт»ларини ўқиган ўқувчи: бахшиларимиз нуқул «довдир»ларни йиғиб достон қилган экан-да, деган тасаввурга бориши табиий. Менимча, биз бундай «довдир» фикрлардан, уларни урчитадиган китоблардан қанча узоқроқ юрсак шунча яхшироқ бўларди.

«Алпомиш талқинларида» достондаги закот билан боғлиқ ўринлар таҳлилга тортилиб, муаллиф шундай хулосага келади: «Ўзбек... ўзига яқин кишини тан олишдан, унга бўйсунишдан кўра, бегонага сиғинди бўлишни афзал билади. Ўзбекка хос руҳият – бу (???)» (20-бет).

Ўзбек руҳиятининг «билимдони» бўлган профессоримизга энг аввало шуни айтмоқчиманки, достондаги закот масаласи бу шунчаки сўнгги талқин. Достоннинг бошқа вариантида «араз»га сабаб қовун бўлади. Бойсарининг юртни ташлаб кетишига сабаб бўлган «можаро» закот ҳам, қовун ҳам, истаган бир нарса бўлиши мумкин. Бу моҳиятан ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Фақат Алпомишнинг ёри бўладиган Барчин бошқа «олам»дан бўлиши керак эди. Бу эпос қонунияти. Бунинг учун ҳиссиётга берилиб, ўзбек руҳиятидан «кир» қидириш шарт эмас!

Китоб ҳиссиёт билан ёзилган. Бу яхши албатта. Лекин ана шу ҳиссиёт достон мазмунига ҳам, муаллифнинг «оргинал» фикрлари ҳам мос, мантиқли бўлиши керак эди. Китобни ўқиб муаллиф нафақат руҳиятшунос, матншунос, фольклоршунос, балки бошқа соҳаларнинг «етук» билимдони эканига амин бўласиз. Ҳурматли олимимиз достонда Барчин қўйган шартлардан бири – от пойгаси ҳақида фикр юритиб: «Негаки, отда туйғу кучли» (58-бет) деб ёзади. Албатта, китоб муаллифининг яхши зоолог эканига шубҳа қилмайман. Лекин бу «янгилик»нинг Алпомиш достонига қанчалик алоқаси бор?

Ҳурматли олимимиз тасаввуф адабиётини ҳам яхши билишига, бу соҳанинг етук билимдони эканига ишонгимиз келади. Лекин, дабдурустдан

бунақа «суфиёна» қарашларини эпосга татбиқ этади деб сира ўйламаган ҳам эдим. «Алпомишнинг муҳаббати Аллоҳга (???), сўнггина бу дунёдаги яратиқларга. Шу боис у ҳадеб ёниб кетавермайди, кўтарилавермайди. Барчинга ҳам севикли ёр, гўзал қиз, ўртанаётган соҳибжамол, изтироб чекаётган асира деб эмас (???), шунчаки бўлажак хотин деб қарайди, холос (???) (37-бет)» Бу билан муаллиф Алпомишни гўё суфийга чиқармоқчи бўлади. Бунга ўхшаш фикрлар рисолада бот-бот такрорланади: «Шу боис Алпомиш ёнгинасида турган бўлса-да, ўғлига ёрдам бермади. Ўрнига илоҳдан имдод сўради (???). Имонли киши юрадиган йўл мутаваккул босадиган қадам шундай бўлади» (127-бет).

Китобда «Алпомиш» достонидан бир минг етти юзга яқин мисра келтирилади. Уларни кўздан кечира туриб, олим томонидан эълон қилинаётган бир илмий рисолага бу мисоллар кўплик қилмасмикан деган ўйга борасиз? Бу ҳам майли, лекин унга берилган талқинлар ҳам иддаога яраша бўлганда эди, мунозарага ўрин ҳам қолмасди.

Энг қизиқ жойи шундаки, муаллиф нафақат фольклоршунослар, балки бахшилар ва эпик анъаналар тепасида туриб, «даҳо»ларча шундай фикр билдиради: «Ҳовлиқмалиги, кўтармачилиги туфайли Қултой оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетган бу ҳазил (Алпомишнинг елкасида Қултойнинг ҳам панжаси изи борлиги ҳақидаги – ***Ж. Э.***) гап фольклоршуносларнинг ажабтовур чуқур илмий хулосалар чиқаришига олиб келган» (117-бет). Демак асардаги истаган матнни муаллиф ўз ҳоҳишича ўзгартириб, баҳолаб, ҳукм чиқаришга ҳақли ва уни мутлақ тўғри деб тақдим этади: «Асарнинг бирон жойида Алпомиш баданида Қултой панжасининг изи қолганлигига ишора ҳам йўқ» (118-бет).

«Алпомиш» достонини янада синчиклаб ўқиганда, бундай хулосага бормасди. Достоннинг айнан китоб муаллифи «таҳлил» қилган вариантида бу очиқ-ойдин ёзилган: «Қўлтой айтди: – Алпомишнинг белгиси шул эди, ўнг эгнида Шоҳимардон пирнинг беш панжасининг доғи бор, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди. Эгнини кўрсатди. Сийпалаб панжанинг доғини билиб, фарзанддим сен экансан, деб айрилмай қолиб, бу сўзни айтиб, иккови топишиб ётир» («Алпомиш» достони, 365-саҳифа). Биринчидан, бу парчада панжа изининг муаллиф таъкидлаётгандай айнан Шоҳимардон пирга тааллуқлилиги ҳақида гап йўқ. Парчада «панжа доғи» дейиляпти. У нафақат Шоҳимардон пирга, балки Қўлтойга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Чунки, бахши-шоир достонга ҳеч бир нарсани шунчаки олиб кирмайди. Иккинчидан, Шоҳимардон пир билан боғлиқ қатлам достоннинг юза қатлами эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Достондаги мифологик қатлам жуда қадимий тасаввурлар билан боғлиқ эканлигини аллома Ҳоди Зарифов ва бошқа фольклоршунос олимларимиз ўз тадқиқотларида яхши асослаб беришган.

«Бадиий матн маъсуляти» номли ўн саҳифадан ошиқроқ бўлим ушбу китобдаги эътиборли саҳифалар дейиш мумкин. Бироқ, бу ерда айтилган гаплар фольклоршуносликда кўп йиллардан буён такрорланиб келинаётган фикрлардир. Қолаверса, муаллиф ёзма адабиёт билан оғзаки ижоднинг кўп

ҳам фарқига боравермайди. Достонда Барчиннинг руҳий ҳолатини ифодалайдиган гўзал бир парча бор:

Мунғайиб йиғлайди мендайин санам,
Ўйилмайин куйди бу кулбахонам.

Маълумки, янги ўтов тикиш учун аввал жой танланиб, у ер айлана шаклда ўйиб-белгилаб чиқилган. Қадимда янги оила қураётганлар учун бунга алоҳида эътибор берилган ва бу махсус маросим даражасига кўтарилган. Барчин шунга ишора қилиб: ҳали оила қурмай, янги ўтов тикишга улгурмай, турмушим вайрон бўлди, орзу-умидларим сароб бўлди демоқда. Китоб муаллифи эса бу сўзни «ўйнамайин» деб ўта жўнлаштиришни таклиф қилади. Достондаги яна бошқа сўзлар ҳам муаллиф назарида ана шундай таҳрир қилиниши керак. Муаллиф фольклоршуносликдан озгина бўлса-да хабардор бўлганда, бунақа шошма-шошарлик билан ўз таклифларини ўртага ташламаган бўларди. Чунки, гарчи хато бўлган тақдирда ҳам бахшида ёзиб олинган матнни таҳрир қилиш, ўзгартириш ўзини мутлақо оқламайди. Бундай ҳолатда изоҳ ўринли бўлади. Агар олим таклиф қилаётгандай ҳар нашрда эпосга бунақанги ўзгартиришлар киритилганда эди, «Алпомиш»га ўхшаш эпос бугунги кунга қадар етиб келмаган бўларди.

Ҳоди Зарифов бундан қирқ йиллар муқаддам (!) ўзининг «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигига кирадиган асарларни нашрга тайёрлаш принциплари» деган фундаментал тадқиқотини эълон қилган эди. Унда фольклор асарлари матнини сақлаш, нашрга тайёрлаш, қўлёзма тилига эътибор бериш, ножўя таҳрирга йўл қўймаслик каби муҳим масалаларга тўхталиб: «Нашрга тайёрловчи ўзига мақбул бирон-бир услуб ёки ўзи ўрганган грамматик талаблардан келиб чиқиб, асар текстини ўзи истаганча қолипга солиб ишлаши, тўғриси ўзига мақбул кўринмаса, ағдар-тўнтар қилиб, бошқатдан тузиб чиқиши умуман хатарли ва зарарлидир... Чунки бу тур «тузатиш» фақат «сохталаштириш»га олиб келишидан огоҳлантирган эди.

Фольклор ҳақида катта иддао билан китоб ёзишга киришган олим, албатта, Ҳоди Зарифов ва бошқа олимларимизнинг халқ достонларининг нашрга тайёрлаш ва уни чоп этиш муаммоларига бағишланган фикрлари билан яхшилаб танишиб чиқса фойдадан холи бўлмасди. Шунда муаллифнинг ўзи ҳам фольклор асарларининг илмий таҳлили эмас, балки уни жўнлаштириб талқин қилиш хавотирли эканини англаб етарди.

Китоб гарчи, «Алпомиш» талқинлари» деб номланган бўлса-да, негадир муаллиф «Рустамхон», «Малика айёр», «Машриқо» достони ҳақидаги фольклоршунослар билдирган фикрларга асоссиз ёпишади. Бу билан фольклоршуносларни «фош» қилиш ўрнига, ўзини «ошкор» қилади. Яъни, китобдан мақсад: муаллиф ўзининг нақадар «қомусий» олим эканини кўрсатиб қўймоқчи эканлиги аён бўлади.

Муаллиф китобида такрор ва такрор бизни «кунботиш» «хавфи»дан эҳтиёт бўлишга чақиради. Бу «чақирув»ларни ўқиб, беихтиёр шўро замони ёдингизга тушади. Зеро, шўро салтанати қулаб, «совуқ уруш» даври тугади. Биз янги даврда яшаяпмиз. Кўзимизни каттароқ очайлик! Шўро замонидагидай четдан «душман» излаш эмас, нарсаларни ўз номи билан

аташни ўрганайлик. Ахир, қачонгача ўз билимсизлигимизни, тор ва биқиқ фикрлармизни «Океан орти», «кунботиш» деган «олабўжи» ортига яширамиз?

Аслида санъат, адабиёт чегара билмас, барча миллат учун ҳам бирдек тушунарли ва қадрли эмасми? Алберт Лорд, Карл Райхл каби «кунботиш» олимларининг ўзбек эпосига қизиқиб қолишларининг, уни кўкларга кўтариб мақола, жилдлаб китоблар ёзишларининг боиси нимада? В. Жирмунскийга ўхшаган олимлар умрини «Алпомиш»га ўхшаган туркий халқлар эпосини ўрганишга бағишлашига нима мажбур қилган экан? Ўзбек эпосининг дунёга танилишида В. Жирмунский, Ҳ. Зарифовга ўхшаган олимларнинг ҳиссаси катта эмасмикан? Ҳоди Зарифов биринчилардан бўлиб ўзбек фольклоршунослигига асос солмаганмиди? Биз унинг ижодини қанчалик биламиз? Унга таъна тошларини отишдан олдин, улкан тадқиқотларини қўя турайлик, ақалли бу олимнинг битта мақоласига арзигулик иш қилолдикми, деб ўйлаб кўришимиз лозим эмасмикан?

Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Ҳайдаганинг бир эчки, қичқириғинг юрт бузар». Кимларнингдир аллақачон «чўнтагидан тушиб қолган» гапларни китоб қилиб ёзиб, иддао қилишдан аввал, бир оз ўйлайлик...

Китоб нима учун ёзилади? Ҳар бир муаллиф биринчи навбатда ўзига шу савол билан мурожаат қилмоғи керак. У манманлик ёхуд ўзини кўрсатиб қўйиш учун ёзилмайди. Агар шу мақсадда ёзилса, демакки у китоб эмас. Китоб бу биринчи галда муаллифнинг ўзини англашга бўлган интилиши, «мен»и томон ташланган қадамидир. Бунда у бировларга иддао қилмайди, «керил»майди. У фақат сидқидилдан ўзини ўзи кашф қилишга, «кўнглини тўкиб солиш»га ҳаракат қилади, холос.

Китоб қурол эмас, мақсаддир. Мақсад эса фақат эзгу ва улуғ бўлгандагина қадрли ва йиллар оша яшаб қолишга ҳақлидир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси

КЎНГИЛДАН КЎНГИЛЛАРГА

I

Япон шеърияти қиёфасини биринчи навбатда хоккулар белгилаб беради. Шунинг учун япон шеъриятини хоккуларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Уч сатрдан иборат ихчам ва гўзал бир жанр бўлган хоккулар япон миллий руҳиятини бадиий жиҳатдан мукаммал акс эттира олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Хоккуларнинг яратилиш тарихи ўзининг қадим илдизларига эга. Бу давр нафақат поэзияда, балки санъат ва маданиятда ҳам чинакам инқилоб даври ҳисобланади.

Япон шеърияти бевосита дзэн маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Зеро бу қадим таълимот япон турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олган. Япон олимларининг фикрича фалсафага қараганда, дзэн маданиятининг шеъриятга бўлган таъсири жуда кучли. Бир томондан бу маданият япон анъаналарига уйғун бўлса, иккинчи томондан худди поэзия каби дзэн ҳам энг аввало ҳиссий кечинма ва туйғуларга асосланганлигидир. «Хайкай» сўзи «Кокинсю» ёдгорлигида учрайди. Хайкай беш сатрдан иборат бўлиб, биринчи қисми «маэку», иккинчи қисми эса «цукэку», деб номланган. Бунда топқирлик ва ҳозиржавоблик алоҳида ўрин тутган.

Дастлаб хайкай (хокку) комик шеърларни англатган. «Кокинсю» тўпламида «Моньёсю»даги анъаналарга амал қилинган ҳолда комик вака (танка)лар алоҳида бир бўлимга ажратилган бўлиб, унга «хайкайка» (кулгили шеърлар) деб ном берилган.

Рэнки яратиш борасида поэтик мактаблар юзага келди. Илова сатрнинг дастлабки мисраларни энг иқтидорли шоир битган бўлса, кейингиларида ҳар бир ижодкор ўз имкониятини синаб кўрган.

XV аср охирига келиб эса «хайкай-рэнга» (илова комик шеърлар) ёки қисқача қилиб айтганда хайкайлар бутун адабий жараёнга, бадиий ижод ва санъат оламига ўзининг улкан таъсирини кўрсатди.

Хокку узоқ вақт илова сатрлар – рэнки номи билан атаб келинган бўлсада, кейинчалик ундаги уч мисра алоҳида жанр сифатида шакллана бошлади.

XVI аср охири XVII аср бошида Тэймон ва Данринларнинг поэтик мактаблари жуда машҳур эди. Тэймон мактабининг асосчиси Киотолик Мацунага Тэйтоку (1571–1653) эди. Унинг отаси рэнкида ижод қилган. Тэйтоку яхши маълумотга эга бўлди. У ўз замонасининг энг етук олимлари ва ижодкорлари билан ҳамкорлик қилди. Ўз уйида болалар учун мактаб очди.

Тэйтоку ҳар хил жанрларда ижод қилган. Унинг вака(танка)лари, кёка(телба шеър)лари ўз даврида анчайин машҳур эди. Бироқ у ўзининг хайкайлари билан донг таратди. У 1651 йилда хайкай жанрига бағишланган «Госан» тўпламини нашр қилди. У бу китобида илк бор хайкуга хос бўлган фаслга оид сўзларни аниқлаб, бўлажак шоирларга йўл-йўриқлар кўрсатди.

Табиб оиласидан бўлган Китамура Кигин (1624–1705) эса Тэйтокунинг шогирди эди. Ўз навбатида унинг ўзи ҳам Басёга устозлик қилган.

Данрин мактабининг асосчиси эса асли самурай бўлган Нисияма Соин (1605–1682)дир. У классик услубда рэнкилар машқ қила бошлагач, Киотога келади. Умрининг сўнгида эса монахликни қабул қилиб, дзэн маданиятини тарғиб қила бошлайди. У Ихара Сайкакудек кўплаб шогирдлар етиштирган.

Тэймон ва Данрин мактаблари ўртасида тўхтовсиз адабий баҳсу мунозаралар бўлиб турган. Бу мунозаралар шубҳасиз адабиётнинг ривожланишига ўзининг улкан таъсирини кўрсатди.

XVI аср бошларида фақат хоккулардан иборат шеърий тўпламлар пайдо бўлди. Хоккулар алоҳида жанр сифатида тан олингандан кейин, рэнкилар татэку деб атала бошланди.

Хоккуларда ҳар иккала ҳам танка ҳам рэнки жанрига хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Танкага хос бўлган оний кечинма ифодаси, рэнкидаги табиат, борлиқ билан узвийлик хоккуда ҳам сақланиб қолди.

Хокку тасаввурни қитиқлайдиган, унга туртки берадиган, ҳар бир ўқувчи қалбида ўзгача кечинма уйғотадиган шеърий жанрдир. Унда ўқувчи шунчаки ўқувчи эмас, хоккудаги ҳар бир образ ва кечинмани ўзича қабул қилиб, ўзи ҳам унинг яратувчисига айланади. Яъни, хоккудаги шоир кечинмалари ўзга қалбга кўчиб ўтади, янги кечинма ва туғёнлар ҳосил қилади.

Япон хоккулари ритмик жиҳатдан асосан икки қисмга бўлинади.

Хоккудаги «кирэдзу» (кесувчи, ажратувчи сўз маъносида) шеърни икки қисмга ажратиб, унга граматик жиҳатдан тугалланганлик, интонацион бир бутунлик бағишлаб туради. Мисол учун:

Ҳузуримга кел, дўстим,
Дийдор ҳам бир ғанимат.
Учиб тушди илк япроқ.

Басёнинг бу машҳур сатридаги кирэдзу «Дийдор ҳам бир ғанимат» сатридир. Ёхуд Бусоннинг:

Болтани урар-урмас,
Қотиб қолдим... хушбўй ҳид
Қоплади қиш ўрмонин.

Ёхуд:

Саллагулни узиб олиб,
Турибман, гўё беҳуш.
Саратоннинг оқшоми.

Ҳар иккала хоккуда ҳам бу «кесувчи» сатр шеърга ўзгача мазмун юкламоқда.

Хоккуга хос бўлган яна бир жиҳат ундан «киго» (фаслга тааллуқли сўз)нинг жой олишидир. Юқоридаги мисолларда япроқ – куз, саллагул – ёз, ўрмон – қиш билан боғлиқ ҳолда келмоқда.

Хоккулар асли вака(танка)лардан келиб чиққан бўлишига қарамай, хоккунинг бу жанр билан уйғун ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Вакада атроф-муҳит, жонли ва жонсиз борлиқ шоир ҳиссиётларини ифода этиш учун бир восита, тўғрироғи тимсол вазифасини ўтайди. Вака ижодкорининг кўз ўнгида реал борлиқ эмас, балки тасаввур биринчи ўринда туради. Мисол учун Сётэцунинг:

Қариб қолдим мен буткул
Мусаффо совуқ тунда!
Агар ўлсам танамни,
Чўғлари мўл-кўл бўлган
Олов тагига қўйинг.

танкасида бирон-бир реал олов билан боғлиқ воқелик эмас, кўнгил кечинмалари акс этган.

Хоккуда эса ижодкор оламга бошқача нигоҳ билан қарайди. У биринчи навбатда, табиатни кўрмоғи, сезмоғи, ҳис этмоғи, уни янгидан кашф этмоғи лозим. Танкада шоир ўзи тасаввурида жонлантираётган муҳитда бўлиш шарт бўлмаса, хоккуда тасвирланаётган борлиқ биринчи планга қалқиб чиқади. Танкада шоир ўзида туғилган кечинмаларни ифода этиш учунгина борлиққа юзланса, хоккуда ижодкор ўзини қуршаган оламдан туғилган қалбидаги илк туғённи ифода этишга ҳаракат қилади. Яъни танкада қалбдаги кечинма муҳим бўлса, хоккуда борлиқ биринчи ўринда туради. Шу боисдан ҳам хокку ижодкорлари учун сафарга отланиш, юрт кезиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Гўзал ва бетакрор хоккулар ана шу сафарлари давомида ёзилган.

Танкада ижодкордаги кечинма «мен» ва «табиат» шаклида берилса, хоккуда бу «табиат» ва «мен» шаклида бўлади.

Тушумми ёки ўнгим?
Муштимнинг орасида,
Типирчилар капалак?

Бусон

Кўзимдан ёш тийилмас,
Ёстиқдан ҳидинг келар..
Эрта баҳор оқшоми.

Оницура

Иккала учлик ҳам турлича талқинларга туртки берадиган аниқ бир ҳолатга қурилган. Бусонда бу муштининг орасидаги капалак. Бироқ бу муштга қисилган капалак оддий капалак эмас, балки янада кенгроқ маънога эга. Бу ерда у инсон умри, ҳаёти билан тенглаштирилган. Шу ўринда Чжуанцзи ҳақидаги афсона эсга тушади. Унга кўра, Чжуанцзи бир куни тушида ўзининг капалакка айланганини кўради. Эрталаб уйғониб у ҳақиқатан ҳам Чжуанцзи капалак унинг тушига кирганми ёхуд ҳақиқатда у капалагу, ҳозирги ҳолатимни туш кўряпманми деб ўйланиб қолади. Бу афсонадан хабардор бўлгандан кейин Бусон хоккусининг ҳам маъноси янада кенгаяди.

Оницурада эса аниқ жисм бу ёстиқнинг ҳидидир. Ёстиқни ҳидлаб, ўлган хотинини қўмсаб азобланаётган эрнинг ҳолати кўз олдингизга келади.

II

Хокку жанри ҳақида гап кетганда Басёгача ва Басёдан кейин деган ибора тилга олинади. Бу бежизга эмас. Чунки Басё хокку тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, хоккулар Басёгача ҳам ёзилган. Бироқ бу жанр айнан Басё ижодида ўзининг энг мукаммаллигига етди.

Басё 1644 йилда Ига вилоятидаги кичик бир шаҳарчада дунёга келган. Унинг асл исми Мацуо Манэфуса бўлиб, отаси Япониядаги энг нодир касб эгаси – хаттот эди. У ёшлигидан шеъриятга қизиқиб қолади.

Уэно қасри ҳукмдорининг ўғли Тодо Ёситада Мацуо билан тенгдош бўлиб, дўстининг Киотога бориб, Китамура Кигиндан сабоқ олишга имконият яратиб беради.

1664 йилда Мацуонинг икки шеъри чоп этилади ва бўлғуси шоирга катта шуҳрат олиб келади. 1666 йилда унинг яқин дўсти ва кўмакдоши Ёситада (Сэнгин) кутилмаганда вафот этади. Бу шоирга қаттиқ таъсир қилади. Ҳам дўсти, ҳам хомийсидан айрилган Мацуо билан қасрда ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади.

Басё ўзининг «Каиои» (Чиғаноқ ўртук) китобини эълон қилгандан кейин олис сафарга отланади.

Эдо шаҳри Басё ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Унинг кўпгина хотиралари ва шеърлари ана шу шаҳар билан боғлиқ. Бир бурда нон топиш учун у турли ишларда ишлаб кўрган. Бироқ охири, 1677 йилда у шеъриятдан сабоқ бера бошлайди. Бироқ унинг шогирдлари ҳам ўзига ўхшаган қашшоқ бўлиб, фақат бой савдогарнинг ўғли Сампу бундан истисно эди.

У кўл қирғоғидаги кичкина уйни Басёга тортиқ қилади. Бу кўл бўйига ва уй атрофига банан экилгани учун у Басё-ан (Бананли уй, чайла) деб аталган. Шоир буни ўзига тахаллус қилиб олган. Бу чайла ва унинг атрофидаги пейзаж Басё хоккуларида кўп бор тилга олинган.

Басё жуда қашшоқликда кун кечирса-да, у бундан сира ҳам афсусланмаган. Чунки қашшоқликни руҳий эркинликнинг асоси деб тушунган. Шунинг учун ҳам дарвеш шоир Сайгёни жону дилдан яхши кўрган.

Узоқ йиллик тўхтовсиз изланиш ва оғир меҳнатдан сўнг, қирқ ёшга етганда Басё ўз услуби (сёфу), ўз мактабига эга бўлди.

Басё ижодига Тэймон ва Данрин мактабларининг ҳам таъсири бор. Бироқ Басё ҳар иккала мактабнинг ютуқларини ўзлаштирган ҳолда, япон ва хитой классик шеърияти анъаналарини ўзида уйғунлаштира олган улкан санъаткордир. У Ли Бо, Ду Фу каби шоирлар ижодига катта ҳурмат билан қараган.

Яп-яланғоч новдада
Қарға ёлғиз ўтирар.
Кеч кузакнинг оқшоми.

Басёнинг бу хоккуси худди япон миниатюрасига ўхшаб кетади. Кеч кузак кунида ёлғиз қарғанинг яланғоч новдада ўтириши ва шитоб билан оқшом қоронғуликка чўлғанаётганлиги кишида қайғули бир кайфият уйғотади. Бу хоккудаги ҳар бир сатр: кеч кузак оқшоми, яланғоч новда, ёлғиз қарғага олам-олам маъно юклатилган. Буни ўқиган ўқувчида турли кечинмалар уйғониши табиий.

Эски кўлмак.
Қурбақа сакрар сувга.
Чайқалади сукунат.

Бу шеърда мангулик, абадият билан лаҳзалик, оний кечинма ўзаро уйғунлашиб кетгандек туюлади. Эски кўлмак бу тарихнинг, абадиятнинг бир бўлаги. Унга айланиш, уни ҳис этиш, ана шу абадиятни илғаш учун эса оний ҳаракат – қурбақанинг бу эски кўлмакнинг сувини чайқатиши лозим бўлади. Бу ҳолатни дил-дилдан ҳис этган ўқувчи қалбида ҳам бу оний лаҳза кечинмаси абадиятга муҳрланади. Демак, хоккуда икки нарса лаҳзалик ва абадият ўзаро уйғунлашиб кетган бўлади.

Басёнинг шогирди Хаттори Дохо бу шеърни шундай шарҳлайди: «Эски кўлмак қирғоғидаги ўтлар орасидан қурбақа сувга сакрайди. Сукунатни бузиб, сувнинг чайқалган товуши эшитилади. Мана шу: кўрган, эшитган ва ҳис қилинган нарса айнан хоккудир»

Басё дзэн фалсафасини ўрганаётган кезда у билан устози орасида шундай суҳбат бўлиб ўтади: «Шу кунларда қандай иш билан банд бўлдингиз?» Басё унга: «Ёмғир тугади, пўпанаклар ям-яшил бўлибди». Буттё: «Қайсиниси олдин – Буддами, яшил пўпанак» Басё: «Эшитдингизми, қурбақа сувга сакради». Шогирд устозининг саволларига пойинтар-сойинтар жавоб беради. У ақл билан, онгли тарзда эмас, онгсиз тарзда, қалб билан жавоб қайтаргани устозига маъқул келади.

Кўлмакка сакраган қурбақа нафақат сукунатни чайқатади, балки шоир қалбидаги кечинмаларга ҳам туртки беради, қалбда ажиб ҳиссиёт уйғонади. Кутилмаганда ҳаёлига ажиб фикрлар келади. Ҳаётнинг мангу ва шунинг билан бир қаторда ҳар лаҳзада ўзгарувчан эканлигини ич-ичидан англайди.

Хоккулар 5-7-5 лик тарзда ёзилган бўлса-да, унинг аниқ бир формаси йўқ. Зеро хокку бу – эркин шеърият. У биринчи навбатда ҳолат ва вазиятдан туғилади. Шоир билан табиат ўртасида ҳеч қандай парда йўқ. Улар бир бутунликнинг икки палласи, уйғунликнинг асосидир. Басё шогирдларини оддийликка, табиийликка интилишга ундайди. Қарағайдан, бамбукдан ўрганиш, уни англаш орқали тирикликнинг, ҳаётнинг моҳиятини тушуниш кераклигини уқтиради. Бирон-бир кўкат бўш ерда кўкариб чиқади. Инсон онги ҳам, хаёли ҳам дунё ташвишларидан холи бўлмас, яъни ҳам ботинан, ҳам зоҳиран эркин бўлмас экан шеър туғилмайди.

Хоккуларнинг тарихий асослари япон анъаналари, урф-одатлари, мифологик тафаккури билан боғланади. Мутахассислар япон миллий характери биринчи навбатда хоккуларда намоён бўлганлигини ёзишади.

Тушга кирди қадим афсона.
Йиғлар тоғда ташлаб кетилган кампир.
Ойдир унинг ёлғиз дардига шерик.

Басё ўзининг бу хоккусини «Ташландиқ кампир тоғи»га дуч келганда ёзган. Бу тоғнинг номи қадим афсона билан боғлиқ. Афсонага кўра, бир киши хотинининг бўҳтонларига ишониб, худди онасидек бўлиб қолган, уни болаликдан катта қилган ўзининг кекса холасини олис тоғга олиб келиб, ўша ерга бир ўзини ташлаб кетади. Бироқ тоғ узра кўтарилган тўлин ойга кўзи тушгач, у қилган ишларига пушаймон бўлиб, холасини қайтариб уйига олиб кетмоқчи бўлади. Шунга ўхшаш ўзбек афсонаси ҳам мавжуд. Унда кексайиб қолган ота ёки она ўғил томонидан тоғга ташлаб кетилади. Бу афсонада

дунёнинг қайтар дунё эканлиги уқтирилган. Ҳар иккала афсона бир-бирига шу даражада яқинки, гўёки бу хоккуни япон шоири ёзганига ишонгингиз келмайди. Бироқ Басё хоккусидаги ой детали унга ўзгачалик бағишлайди. Ундаги икки жиҳат: қадим афсонага Басёнинг ўзига хос тарзда ёндашгани ва япон миллий характерини маҳорат билан берганлигини кўрамиз.

Хоккуларда асосан табиат (баҳор, ёз, куз, қиш) фасллари манзаралари ҳақида сўз юритилса-да, ундаги ҳар бир унсур инсон қалби кечинмалари билан уйғунлашиб кетганини, шоир қуруқ воқеликни эмас, балки оний туйғуни, шуур оқимини, ўзбекча қилиб айтганда «коса» тагидаги «ним коса»ни акс эттиришга ҳаракат қилганини кўрамиз. Бу ўринда хоккуга хос бўлган икки унсур ярқ этиб кўзга ташланади; яъни лаҳзалик ва абадият ёхуд онийлик ва мангулик қалбга кўчмоғи, воқелик таассуротидан туғилган кечинма абадиятга муҳрланмоғи лозим. Қиш шунчаки қиш бўлгани ёхуд баҳор фақат чечаклар униб чиққани учун эмас, табиатдаги ҳар бир ўзгариш инсон қалбидаги ўзгаришлар, янгиланишлар билан уйғунликда юз бераётганлиги учун ҳам гўзал ва бетакрордир.

Шунинг учун ҳам Басёнинг шогирдлари бўлган Кикаку, Рёкан, Масаоки Сики, Кобаяси Исса, Кагамо Сико, Гонсўй Икэнаси, Надзиво Бантё, Мукай Кёрай каби қирққа яқин ижодкорларининг хоккуларида моддият ва руҳият, лаҳзалик ва мангулик, табиат ва инсон қалби каби мавзулар бирлашиб, ажралмас, бир бутун олам бўлиб гавдаланади.

Ўзининг бетакрор миллий хусусиятларига қарамасдан айнан япон хоккулари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган ва кўплаб ижодкорларнинг ҳавас ва ҳайратини уйғотган.

ЯСУНАРИ КАВАБАТА

I

Одатда, ҳаётдаги дастлабки таассурот алдамчи бўлади. Бирор воқеа ёхуд шахс ҳақидаги қарашларингиз вақти келиб тамоман тескари тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Санъатда эса, кўпинча, бунинг акси юз беради: дастлабки танишувдаёқ кўнглингизда ҳавас уйғотган бирон-бир санъаткорнинг «қўрғони» томон яқинлашиб борар экансиз, янада жозибали ва сирли жиҳатларини тобора кўпроқ кашф этиб, бу «илоҳий мўъжиза»нинг буткул асирига айлана борасиз.

Япон адиби Ясунари Кавабата билан танишув ҳам менда шундай таассурот уйғотган. Адибнинг мен ўқиган илк ҳикояси «Шафтоли гули» деб номланарди.

Ҳикоядаги воқелик, миллий анъана ва қадриятларнинг соф японча талқини, шарқона руҳият ва ғарбона психологик тасвир, рамз ва метафораларга кўмиб ташланган жумлалар ўқувчини ўзига тамоман асир қилиб қўярди: «...Унинг тасаввурида гуриллаб ёнаётган гулхан ичида жуда катта оқ нилуфар очилгандай бўлди. Туссиз баҳор осмони ҳеч қандай жиҳати билан гуриллаб ёнаётган алангани эслатмасди…шундай бўлса ҳам… қуриган қарағай тепасида ўтирган қудратли қушдан осойишталик, оппоқ нилуфарга хос осойишталик таралар эди…»[158]

«Шафтоли гули» Кавабатага жуда катта шуҳрат келтирган. Бу ҳикоя биргина Ясунари Кавабата ютуғи эмас, минг йиллардан буён давом этиб келаётган қадим япон маданиятининг ҳам ютуғидир. Бу соф санъат асари эди. Унда инсон кечинмалари табиат гўзаллиги билан шу даражада уйғунлашиб кетадики, кечинмаларнинг ўзи ҳам табиат инъом этган ноёб гўзаллик каби товлана бошлайди. Бу ҳикояда инсон умрининг гўзал қирралари ўз аксини топган.

Ҳикояда қуриган қарағайга келиб қўнган лочин муносабати билан олам ва яралиш, инсон ва гўзаллик ҳақида умрининг сўнгги дақиқаларини бошидан кечираётган чолнинг кечинмалари баён қилинади. Ҳикояда ҳар бир сўз қаҳрамон қалбидан шуълаланиб чиқаётган нурлар каби ўқувчини кечинмаларнинг гўзал гулзори томон етаклайди.

Ҳикояда инсон умри бир дақиқалик гўзал лаҳзадан иборат эканлиги тўғрисидаги фикр яна ҳам чуқурлашади, теранлашади Ўзида туйғуларнинг ажиб гулзорини акс эттирган бу ҳикоя ўқувчидан маълум бир тайёргарликни талаб қилади. Жўн ва воқеавий адабиётга ўрганган ўқувчи бу асардан ҳеч нарса топа олмайди.

---

[158] *Кавабата Ясунари.* Шафтоли гули. Ҳикоя // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1987. №43. – Б. 4.

«Ҳар қандай гул ҳам кўнгилга қувонч бахш эта олади, – деб ёзади Кавабата ўз қаҳрамони тилидан. – Ҳамма гап унга қай мақсадда ва қандай қарашга боғлиқ»[159].

«Шафтоли гули» инсон кечинмалари ва ҳиссиётлари ҳақидаги энг гўзал асардир. Ҳикояда ҳар бир сўз маъно ифода этмайди, балки нафосат ҳам кашф этади. Асардаги ҳар бир жумла эмас, ҳар бир сўз, ҳар бир товуш мусиқий оҳангга эга: «Қачондан бери у бамбук садоси билан шафтоли гулини ўз вужудида ҳис қила бошлади?

Эндиликда бамбук садосини эшитибгина қолмай у бу товушни кўряпти ҳам. Шафтоли гулидан баҳра олибгина қолмай, балки латиф гул юрагининг қат-қатларида қулф урмоқда»[160].

Мабода Кавабата шу биргина ҳикоядан бошқа ҳеч қандай асар ёзмаганда ҳам унинг адабиётда қолишига ҳеч шубҳа қилмасдингиз. Бугун Ясунари Кавабатанинг ўнлаб романлари, қиссалари ва юзлаб ҳикоялари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган, жаҳон адабиётининг нодир дурдонасига айланган. Унинг ҳар бир асари ўз ўрни ва бетакрор бадиий қимматига эга.

Ясунари Кавабата миллий «замин»да туриб, дунёга бўй чўзган, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бирдек «гўзаллик мусаввири» деган шарафли номга сазовор бўлган улкан санъаткордир[161].

II

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки,[162] Япониянинг Осака вилоятидаги кичик бир қишлоқда шифокор оиласида дунёга келган Кавабатанинг болалиги қийин ва оғир кечади. Уч ёшида отасидан, бир йилдан кейин эса онасидан айрилади. Шундан сўнг у бобоси ва бувисининг қўлида тарбиялана бошлайди. Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай олдин бувиси, сўнг эса бобоси ҳам қазо қилиб, Кавабата буткул қаровсиз қолади. Ёшлигида рассом бўлишни орзу қилган Ясунари ўн беш ёшга тўлгач, унда адабиётга бўлган қизиқиш кучлилик қилади. Унинг «Ўн олти ёшлининг

---

[159] *Кавабата Ясунари.* Старая столица // Избранные произведения. – Москва: Радуга, 1986. – С. 259–351.

[160] *Кавабата Ясунари.* Шафтоли гули ёхуд бамбук садоси // Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1987. №43. – Б.4.

[161] ***Қаранг:*** *Григорьева Т.П.* Читая Кавабата Ясунари // Иностранная литература. – Москва, 1971. – №8. – С. 181–190; *Рехо К.* Дзэнские реминисценции в творчестве Кавабата Ясунари // Современный японский роман. – Москва, 1977. – С. 3–24; *Федеренко Н.* Ясунари Кавабата – художник слова / Кавабата Ясунари. Старая столица. – Москва: Известия, 1984. – С. 5–16; *Федеренко Н.* Кавабата Ясунари. – Москва: Советский писатель, 1970; *Герасимова М.* Бытие красоты: Традиции и соременность в творчестве Кавабата Ясунари. – Москва: Наука, 1990.

[162] Ўзбекистонда тадқиқот олиб борган хорижлик олима Хоанг Лиенннинг номзодлик ишини истисно қилганда Ясунари Кавабата ҳақидаги изланишлар бизда деярли йўқ ҳисоби. ***Қаранг:*** *Хоанг Лиен.* Психологические мастерство и своеобразие избражения в творчестве Кавабата Ясунари. Автотреф. дисс. на соискание ученой степени канд. фил. наук. – Ташкент, 2001. – С. 24..

кундалиги» автобиографик характердаги дастлабки насрий асарлари 1925 йилда чоп этилади.

Дастлаб ўрта мактабда, кейин эса Токио университетида таҳсил олади. Талабалик пайтида «Синейте» (Янги оқим) журналида чоп этилган мақолалари билан ёзувчи ва адабиётшуносларнинг назарига тушади. Шу туфайли «Бунгэй сюнджю» (Давр адабиёти) журнали таҳририяти аъзоси бўлади. Кейинчалик эса Кавабата ёш япон адиблари билан биргаликда «Бунгэй дзидай» (Замон адабиёти) номли янги модерн адабиётни тарғиб қилувчи адабий журнални ташкил этади. Ушбу журналда япон тилига таржима қилиниб чоп этилган Жеймс Жойс, Гертруда Стайн каби Ғарб ёзувчиларнинг асарлари ёшларда катта қизиқиш уйғотади.

Унинг дастлабки йирик насрий асари, талаба йигит ва раққосанинг кўнгил кечинмалари акс этган «Идзулик раққоса» (1925) ёзувчига катта шуҳрат олиб келади. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига келиб, Кавабата ижодида миллий руҳ тобора кучая боради.

Кавабата ижодининг шаклланишида япон миллий маданияти қанчалик асос бўлган бўлса, шу билан бирга жаҳон адабиёти ҳам шунчалик таъсир кўрсатди. Кавабата ўз миллий адабиётидан руҳни, шакл ва усулни эса Ғарбдан олди. Бунга мисол тариқасида «Минг турна» қиссасини олишимиз мумкин. Бу қиссада қадим япон маданияти ўзгача тарзда намоён бўлади. Турна японлар наздида умид тимсоли. Бироқ ҳаётни чуқурроқ тасвирлаш учун Кавабата Ғарб адабиёти усулларини қўллади, тўғрироғи биз фрейдизмни, яъни, психоанализ услубини асарда яққол кўришимиз мумкин.

Кавабата ўз асарларида асос эътиборни қаҳрамон ўй-кечинмаларини унинг ҳиссиёти орқали очиб беради. Инсон қалбида ухлаб ётган, тўғрироғи, унутилган ҳиссиётларни бир-бир уйғотаётгандай туюлади. Кавабата асарларининг тили, оҳанги қаҳрамон ҳиссиётларини теран ифодалашга хизмат қилади.

Кавабата япон маданиятига доимо муҳаббат билан ёндашади. Япон маданияти Хитой маданияти билан узвий боғлиқдир. Хитой империясида пайдо бўлган дзэн маданияти олтинчи-еттинчи асрларда Японияга ҳам ўтади. Дзэн, умуман, Шарқ маданиятининг моҳияти шундаки, унга кўра инсонни табиатнинг ажралмас бир қисми деб қараш керак. Шу сабабли ой, гул ва қор ҳақида ёзиш Шарқ шоирларининг асосий мавзуси бўлган. Кавабата ана шу оқимнинг асосий моҳиятини Ғарб адабиётининг янги оқимлари билан қўшди. Натижада ўз йўлини топди. Кавабата инсонни табиатнинг бир бўлаги эмас, балким табиатнинг ўзи деб қарай бошлади. Унинг назарида инсон ҳам бу дунёда очилган гулдир. Санъаткорнинг вазифаси инсоннинг гул эканлигини кўрсатишдир. Инсон фақат гўзаллик орқалигина покланиши мумкин. Гўзалликка мафтун бўлиш покликнинг бошланишидир. Гўзал бўлиш эса покланишдир.

Япон маданияти ва Кавабата назарида табиат билан учрашув бу туйғулар билан учрашувдир. Ҳар қандай табиат гўзаллиги тагида инсон қалбининг бениҳоя гўзаллиги ётади. Гул, қор, ойни ҳис қилиш бу инсоннинг гўзалликка томон кўтарилиш зиналаридир. Шунингдек инсон гўзалликнинг бир

қисмидир. Ғарб адабиётида ақл кучи, тафаккурнинг кенглиги бўртиб турса, Шарқ адиблари, жумладан, Кавабата ижодида гўзал туйғулар, гўзал ҳиссиётлар қалбда кечадиган гўзал манзаралар бўртиб туради. Демак Шарқ адабиётида ҳиссиёт санъатнинг биринчи асосий омили ҳисобланади. Кавабата асарларини ўқиган киши туйғу ва ҳиссиётларнинг гўзал гулзорига кириб қолгандек ҳис этади ўзини. Кўнгилдан кўнгилларга улашиладиган туйғу ҳам гулдир. Инсон қалбида гул қанча кўп ва турфа хил бўлса у шунча гўзалдир. Демак ҳаёт гулзор, инсон эса гулдир.

Ҳар қандай жамият таназзули инсонни хаста – маънан мажруҳ қилиб қўяди. Адабиёт эса уни даволайди. Даво бу гўзалликдир. Инсонни фақат гўзаллик қутқариши мумкин. Инсонни нафратланишга эмас, севишга ўргатиш зарур. Булар Кавабата асарларидаги ғоялар. Агар биз энди шу ерда Достоевскийнинг «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур шиорини эсласак, бу икки адиб айнан бир ғояга урғу берганини сезишимиз мумкин. Лекин Достоевский гўзаллик деганда эзгуликни, Кавабата эса гўзалликнинг ўзини айнан тушунади. Бироқ бу гўзаллик ҳам инсонни эзгуликка олиб боради. Икки буюк адиб ҳам инсон ва гўзаллик тушунчалари бир-бирига уйғунлашишини истайди.

Кечаётган туйғуларнинг барчаси инсон кечинмаларидир. Сиёсат ҳам, сиёсатдан туғиладиган жамият ахлоқи ҳам моҳият эътибори билан инсоннинг гўзаликка бўлган ташналигини, ҳаёжон, эҳтирос ва муҳаббатини сўриб олади, пайҳон этади. Охир-оқибатда инсон қалбида на гўзалликка шайдолик, на табиатга муҳаббат қолади. Унинг ўрнини бурчга содиқлик эгаллайди. Инсон қалби эса туйғуларсиз, меҳр-муҳаббатсиз ғижимланган қоғозга ўхшаб қолади. Жамият инсондан гўзал бўлишни эмас, кўпроқ бурчга садоқатли бўлишни талаб қилади. Бу инсонни гўзалликдан ажратади. Гўзаллик энг аввало севиш ҳиссидир. Севиш эса гўзаллик уйғотади. Адабиёт инсонни гўзаллик билан уйғунлаштиради. Табиатнинг битмас-туганмас гўзаллик эканлигини ҳис этишнинг ўзи инсон гўзалликнинг бир бўлаги эканлигини келтириб чиқаради.

Жамият инсон қалбидан ҳаётга муҳаббат туйғусини тобора суриб, инсон эса жамиятга табора мослашиб бораверади. Охир-оқибат шу даражага етадики, инсон жамият талаби билан табиатни пайҳон қила бошлайди. Буни кўр-кўрона амалга оширади. Даҳшатли томони ҳам шунда: инсон жамиятнинг қуролиги айланади. Жамият фақат табиатни эмас, санъат, адабиёт, фанни ҳам ўз ҳукмига бўйсундиради, ўзи учун хизмат қилдиради. Аслида санъат ҳеч қандай тузумга хизмат қилмаслиги керак. Инсоннинг турмуши ҳар қандай тузумдан устун туради. Гўзаллик эса биринчи навбатда инсон қалбига хизмат қилади. Унга ҳаёт шарбатини тутади, уни гўзаллаштиради, уйғунлаштиради, ҳайратга солади. Турли хил муҳит ва турли даврда яшаган икки буюк адиб гўзалликка мафтун бўлиши ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўк. Мана шу сабаблар учун улар инсоният қалбини гўзаллаштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Кавабата асарларининг қаҳрамонлари бекорга ҳаётдан ҳамиша гўзаллик изламайдилар. Гўзаллик орқали улар эзгулик ахтарадилар. Гуллар, кўзгу, қуш, лочин, ёмғир,

қизил ёмғир, туман, очилаётган цириус, келинчак қўлидан тўкилаётган гулбарг ва ҳоказолар аслида инсон гўзаллиги ҳақида. Кавабата ўқувчини қойил қолдирмайди, аксинча мафтун этади.

«Кўзгудаги ой акси» ҳикоясида хаста – шол бўлиб қолган эр ва ёш аёл муносабати кўзгу орқали очилади. Биз юқорида дзэн маданиятида ой, гул ва қор гўзаллик унсури сифатида акс этади деб айтдик. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ой, гул ва қор ҳаётнинг ҳам символларидир. Ҳикояда бу рамзлар ҳаётнинг кичик бир парчаси сифатида намоён бўлади: парчаланган, синган кўнгилга кўзгу воситасида ҳаёт акси туширилади. Шол эр тўшагидан туролмай ётганда хотини унга кўзгу беради. Эр ётган жойида кўзгуни тутиб деразадан боғни, гулни, осмонни, ойни кўриши мумкин бўлади. Бутун ҳикоя мана шу тариқа кечади. Эр ва аёл кечинмалари мана шу тариқа очилади. Эр шол – ҳаётдан умид узган, қалбдаги умид гуллари сўлган, энди у фақат ўлимни ўйлайди. Гуллари сўлган қалб – ўлган қалбдир. Ана шу ўлган қалб аёл берган кўзгу туфайли умрининг сўнгги дақиқасигача кўзгуда акс этаётган гўзалликдан ҳайратланиб яшайди. Ҳайратланиш эса ўлим эмас, тирикликдир. Эрнинг сўлган қалб гуллари яна қайта жонланади, қайта очилади. У ўлим ва ҳаёт ўртасида тургандагина ҳаётнинг гўзал ва мафтункор эканлигини англайди. Кавабата мана шу усул – ўлим тўшагида ётган қаҳрамоннинг кечинмалари орқали ҳаётнинг гўзал қатламларини очади. Инсонга умр том маънода яшаш учун берилган. Яшаш эса гўзалликни кашф қилишдир. Гўзаллик эса инсон умрининг мазмунидир. Хаста қалбнинг ҳаёт ҳақидаги кечинмалари гарчи қаҳрамон жисмонан ўлса ҳам унинг ғалабаси билан тугайди. Асардаги ҳаёт, гўзаллик ҳақидаги кечинмалар ўқувчи қалбига кўчиб ўтади.

III

Ясунари Кавабата тиллар оша ўзбек адабиётига ҳам кириб келди. Ёзувчи Олим Отахонов Кавабатанинг ўнга яқин ҳикояларини ўзбекчага ўгирди. Ўгириш шунчаки содир бўлгани йўқ. У олдин мафтун этади, кейин муҳаббат туғилади. Зеро, таржима ҳар қандай адабиётнинг қон томиридир. Бир адабиётдаги анъана иккинчи адабиётга ўтиб, машъаладек ҳаётнинг маълум қисмини ёритади. Олим Отахонов ўзбек адабиётида энг изланувчан ёзувчилардан бири. Биз унинг асарларида Достоевский, Фолкнер, Лотин Амекрикаси адабиёти таъсирини кўришимиз мумкин. Бу таъсир кўр-кўрона таъсир эмас, ўзлаштирилган – ўзбекчалаштирилган таъсирдир.

Хаста қалбнинг ҳаёт ҳақидаги кечинмалари акс этган Ясунари Кавабатанинг юқоридаги ҳикояси гарчи қаҳрамон жисмонан ўлса ҳам унинг ғалабаси билан тугайди. У ҳаётдаги хунуклик, ожизлик, мутъеликдан устун келиб, ҳаёт учун курашиб, ҳаётни севиб ўлади. Асардаги ҳаёт, гўзаллик ҳақидаги кечинмалар ўқувчи қалбига ҳам кўчади – қаҳрамон энг сўнгги дақиқада ҳам ҳаётни севиб, гўзаллашиб, яъни покланиб дунёдан ўтади.

Ҳикояда кўзгу қаҳрамоннинг азоб-уқубатга, лекин гўзалликка тўла ҳаётининг табассумидир. Гўзаллик кўзгуда эмас, қаҳрамоннинг қалбида акс этади. Худди ана шу мотив Олим Отахоновнинг «Гулзор четидаги қуёш»

ҳикоясида ўзининг аксини топади.[163] Шуни айтиб ўтишимиз керакки, ҳикоя бутун мазмуни, оҳанги билан Кавабатанинг «Кўзгудаги ой акси»га жуда яқиндир. Биринчидан, танланган мавзу бир бирига ўхшаш: хаста одамнинг ҳаётга ташналигию ҳаётнинг гўзал эканлиги. Иккинчидан, тасвир ва ифода усуллари.

Олим Отахонов ҳикоясида шифокорлар энди умид узиб уйига олиб келинган шол одам ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳамма қаҳрамоннинг ўлимини кутади. Фақат унинг ўлими ҳақида ўйлай бошлашади. Унинг ташқи кўриниши ҳақиқатан ҳам тирик мурдадан фарқи қолмаганди. Бироқ унинг ичида – қалбида чароғон бир нур бор бўлиб, бу нур ҳаётга муҳаббат туйғуси эди. Қаҳрамон эртага ўлимини билса ҳам ҳаётга муҳаббат туйғусини йўқотмайди. Уни тоза ҳаво олиш учун курсиси билан ҳовлига чиқариб қўйишади. Шунда у гул билан ўйнашаётган, сўнг эса гулни ортмоқлаб кетаётган мушукчани кўриб қолади. Бу манзара унинг ҳаётга ташна бўлиб ётган туйғуларининг қопқасини очиб юборади. У гул ва мушук орқали ҳаётнинг нақадар гўзал ва бир лаҳзалик эканини, инсон шу бир лаҳзани бекорга эмас, эзгуликка, гўзалликка буркаб ўтказиши кераклигини англайди. Ҳаёт бир лаҳзалик экан уни гўзаллик билан безаб ўтказиш керак. Чунки у саноқли дақиқаларга берилган. Ҳаёт ҳам, инсон ҳам ғанимат. Худди Кавабата ёхуд Франц Кафка асарларида тасвирланганидек инсон ҳаёти қурт мисоли судралиб ўтмаслиги керак. Умр инсонга кун кечириш учун берилмаган. Инсонга умр том маънода яшаш учун берилган. Яшаш эса гўзалликни кашф қилишдир. Гўзаллик эса инсон умрининг мазмунидир. Бу мазмун бўлмаса – инсон ҳаётдан беиз, бенишон ўтадиган бўлади.

Гул ва мушук, яъни бу гўзал манзарани кўриб қаҳрамон ўзининг хасталигини эсдан чиқаради. У гўзалликни ташналик билан кузатади: «Муайятнинг шуурида бирин-сирин гўзалликка тобе туйғуларнинг қопқалари очилиб бормоқда эди. Энг муҳими, шу лаҳзаларда унинг бутун вужуди дарддан фориғланаётганга ўхшарди» дейилади ҳикояда.

Гўзаллик – ҳаётнинг мазмунидир. Қаҳрамон буни яхши ҳис қилади ва доимо гўзалликка ташналик билан интилади. Хаста ҳолига қарамай ҳаётдан мазмун ахтаради, топади ва гўзал тўйғуларга чўмилади: «…Атиги бир неча дақиқагина чўзилган бу манзара бениҳоя гўзал эди, жажжигина мушукча бир даста гулни орқалаб кетаётганга ўхшарди. Унинг назарида тун қўйнида жажжи фонус шуъла сочаётгандек бўлди. Малла мушукча ҳеч бир жиҳати билан парвонага, ним пушти гул эса базинҳор тун қўйнида ёғдуланиб турган фонусга ўхшамасдию, лекин шунга қарамай, барибир малла ранг мушукча муттасил келиб суйкалаётган ним пушти гулдан тун қўйнида пор-пор ёнаётган фонус сингари бир зиё таралаётгандек туюларди»[164]. Қаҳрамон ана шу тариқа ўзининг ҳаётга муҳаббатини намоён этади. Англанган, ҳис этилган ҳаёт энг гўзал ҳаётдир. Балким фақат бир мартагина ана шундай гўзаллик кечинмаларини бошдан кечириш учун бир умр яшаб ўтишса арзир?! Зотан бу

[163] Отахонов О. Гулчор четидаги қуёш // Озод қушлар. – Тошкент: Бадиий нашриёт, 1987.
[164] *Отахонов О.* Гулчор четидаги қуёш // Озод қушлар. – Тошкент: Бадиий нашриёт, 1987.

бир дақиқалик гўзаллик ростдан ҳам тун қўйнида пориллаб ёнаётган фонус каби умрга мазмун ва тароват бахш этиб туради. Инсоннинг гўзалликка ва ҳаётга ташналиги ҳикояга шу тариқа сингдирилган.

Ушбу ҳикояда ҳаётга ва инсонга муносабат масаласида Кавабата ва Олим Отахоновнинг қарашлари яқин эканини, яна ҳам тўғрироғи, адиб Ясунари Кавабатадан таъсирланганини кўрамиз. Зеро, таржима бор экан адабий таъсир бўлади. Таржима бошқа тилдаги усуллар, анъаналар, метафорик кенглик, турфа ранг ва янгиликларни олиб келади.

Таржимашунослик назарияси бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш учун фақат тил билишнинг ўзи кифоя қилмайди деб ўргатади. Бунинг учун таржимон ёзувчи ҳис этган нарсаларни ҳис этиши, руҳан, маънан яқин бўлиши шарт. Олим Отахонов бу мураккаб вазифани бажара олди. Зотан Олим Отахонов қалбан Кавабата руҳига яқин эканлигини кўрамиз. Йўқса, у бу улуғ ёзувчини маҳорат билан ўгира олмаган бўларди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги япон адабиётида амалга оширилган энг гўзал таржималарни шеъриятда Хуршид Даврон, насрда Олим Отахонов томонидан амалга оширилди. Олим Отахонов ижодида Кавабата ва жаҳон адабиётининг энг гўзал анъаналари ўзига хос тарзда мужассамлашди.

Ясунари Кавабата таъсирини бошқа адибларимиз, жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул ижодида ҳам кузатамиз. Бироқ бу энди бошқа бир мақола мавзуидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч бир адабиёт фақат ўз ички имкониятлари ҳисобига, ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожланмайди, тараққий топмайди. Қардош ва бошқа халқлар адабиётидан таъсирланади, уларга муттасил таъсир этиб туради. Таъсир ва акс таъсир туфайли адабий жараён ҳамиша ҳаракатда бўлади. Ҳамма гап қайси асарларни қандай таржима қилиш ва тақлид доирасида қолиб кетмасдан, қай даражада таъсирланишга боғлиқ. Зеро, яхши таржима дид ва маънавиятни тарбиялайди, мушоҳада иқлимларини кенгайтиради, чуқурлаштиради ва ўз навбатида акс садо қайтаради. Бундай акс садолар эса ҳамиша миллий тафаккурнинг янгиланишига, бадиий диднинг юксалишига хизмат қилади.

ИЖОД БУ – ИБОДАТДИР

(Франц Кафга ижодига чизгилар)

1

Биз Кафкани қанчалик биламиз? Бу саволга жавоб бериш Кафканинг ижоди каби анчайин мушкул ва мураккаб. Кафкани англашнинг бир қанча муаммолари бор. Биринчидан, айрим кичик ҳикояларини ҳисобга олмаганда унинг асарлари ҳали она тилимизга тўлақонли таржима қилингани йўқ. Иккинчидан, Кафка ижоди махсус ўрганилмаган ва умуман унинг асарлари таҳлилига бағишланган мақолалар деярли йўқ ҳисоби. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Кафка бизга ҳамон «бегона»лигича қолмоқда.

Кейинги пайтларда бошқа бир хавотир ҳам пайдо бўляпти. Кафка сингари ёзувчиларнинг ижодини ўрганиш шарт эмас, бизнинг ахлоқимизга ёт ва улар ўрганишга арзимайди деган «ҳукм»лар ҳам янграмоқда. Менинг назаримда, арзимаслигини аниқлаш учун ҳам аввал уни ўрганиш зарур. Ростини айтганда, биз ҳамон илғор Ғарб адабиётига нисбатан «совуқ уруш» муносабатидан нарига ўта олмаяпмиз. Буни шундай ҳолат билан изоҳлаш мумкин: биз ҳамон социалистик реализм деган тафаккур исканжасида яшашда давом этяпмиз. Ҳалигача илғор Ғарб адабиётини яхшироқ билмаймиз ва билишга ҳаракат ҳам қилмаяпмиз. Савол туғилиши табиий: ўргансак кимга фойдаю кимга зиён? Кафка ёхуд бошқа Ғарб ёзувчиларини ўрганиш биринчи навбатда бизнинг ўзимизга керак.

2

Кафка тадқиқотчиларидан бири – К. Вагенбах Кафка гимназияда ўқиб юрган давридан бошлаб унинг дунёга бўлган муносабати шакллана бошлаганди деб ёзади. Аслида унинг дунёқараши анча эртароқ, болалик чоғлариданоқ бошланган эди, деб айтсак тўғрироқ бўлади. Унинг «Отамга мактуб»ида биз болакай Францнинг одамларга, жамиятга ўзига хос муносабатда бўла бошлаганининг гувоҳи бўламиз.

Франц Кафка 1883 йил 3 июлда Австрияда туғилиб вояга етади. Онаси ўқимишли оиладан бўлиб, отаси эса кичикроқ бир фабрикага хўжайинлик қиларди. Табиатан қаттиққўл инсон бўлган отаси болаларидан ҳам шуни талаб қилган. Бироқ, аксига олиб унинг уч қизи, айниқса ўғли Франц жуда камсуқум ва меҳрибон эди. Отаси Францдан келажакда тижоратчи бўлишни талаб қилган бўлса-да, у кўпроқ адабиётга меҳр қўйганди. Бу ва шунга ўхшаш кўплаб сабаблар Францнинг отаси билан бўлган муносабатига совуқлиқ солади ва кейинчалик адиб ўзининг «Отамга мактуб» эссесида буни батафсил ёритиб беради.

Гимназияни тугатгач, 1901–1905 йилларда Прагада ҳуқуқшунослик бўйича таҳсил олади. Санъат ва тил тарихи бўйича лекцияларга қатнайди. 1906–1907 йилларда Прагадаги адвокатлик ташкилотида амалиёт ўтагач, 1907 йилдан бошлаб суғурта жамиятида хизмат қила бошлайди. Яхши хизматлари учун у Прага академиясида таҳсилни давом эттиради ва докторлик даражасига эришади. Докторлик даражасига қарамай, унга

тўланадиган иш ҳақи ҳаминқадар, зўрға тирикчилиги кечарди. 1917 йилда у зотилжам касалига йўлиқади ва 1922 йилда ана шу касаллиги туфайли бутунлай нафақага чиқишга мажбур бўлади. 1923 йилда эркин ижодкор сифатида яшаш учун Берлинга келади. Бироқ касали оғирлашиб яна Прагага қайтишга мажбур бўлади ва 1924 йил 3 июнда қирқ бир ёшида бевақт вафот этади.

Шу қисқа умри давомида ундан улкан ижодий мерос қолди. Кафка ҳаётлик пайти унинг асарлари деярли чоп этилган эмас. Фақат маълум бир вақт, тўғрироғи инсоният фашизм балосини бошдан кечиргандан кейингина кенг жамоатчилик Кафка асарларига эҳтиёж сезди.

3

Биз унинг ижодини ўрганар эканмиз у яшаган давр ва у мансуб оқим ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз шарт. Қийин оилавий шароит, жамиятдаги парокандалик, маънавий таназзул – булар барчаси ёзувчининг бадиий дунёсига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун Кафка асарларида инсонларининг жонсиз, ҳиссиз жониворларга айланиб қолиш хавотири биринчи даражали аҳамият касб этади.

Кафка ижодини ўрганишда икки жиҳатга эътибор қаратиш зарур: булар ёзувчининг кундаликлари ва афоризмлари. Кафканинг йирик асарлари калити аслида унинг кундаликлари ҳамда афоризмларида сақланиб қолган. Нега? Чунки Кафканинг афоризмлари унинг йирик асарларининг юзага келишига замин бўлган. Янаям тўғрироғи, Кафка олами унинг афоризмларидан бошланади.

Унинг афоризмлари ҳаёт ҳақидаги кескин хулосаларидир. Бу хулосалар қанчалик аччиқ бўлмасин, у ҳақиқатдир. Кафка ўз асарларида гўё динни инкор қилаётгандай туюлади. Роман ва новеллаларида гуноҳга ботган инсон қисматини бор бўй-басти билан тасвирлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар Кафкани атиест сифатида тадқиқ этишга ҳаракат қиладилар. Бу фақат юзаки қараганда шундай. Кафка афоризмларида Илоҳий сўзга ишонч бор. У сўз инсонни халос қилишига ишонади. Бу йўлда эътиқод муҳим эканига алоҳида урғу беради.

Инкор ва Иқрор. Кафка ижодини мана шу икки тушунча бирлаштириб туради. Ҳатто бунинг «Отамга мактуб»ларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзига бўлган ноодил муносабатдан қанчалик азият чеккан бўлмасин, Кафканинг отасига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳис этасиз. У ўзининг бошқа асарларида ҳам алалоқибат Инкордан сўнг Иқрор келишини таъкидлайди. «Ҳамма ҳам ҳақиқатни кўра олмаслиги мумкин, бироқ ҳар бир инсон ҳақиқатга айлана олади» дейди у. «Ижодкорлик, – деб ёзади бир ўринда у, – эътиқодда синалишдир».

Ибодат – ижодга чоғланган инсон бу энг аввало ўзини ўзгартиришга, биринчи навбатда қалб ва руҳият мусаффолигига шайланган инсондир. Ижод-ибодатдан сўнг у ўзгармас, қайсидир даражада янгиланмас экан, демак унинг ибодати самимий эмас, қолган барча гаплар беҳуда ва ортиқча гаплар бўлиб қолаверади.

Кафка сўниб бораётган ишонч ва умидлар харобасидан чинакам эътиқод излайди. Ўзидаги иккиланишлардан, шубҳа-гумонлардан, ожизликдан азият чекади. Бироқ у: «Ижод бу – ибодатдир» деган қатъий бир хулосага келадики, бу унинг ижодининг ядросини ташкил қилади.

Кафка ижоди, бадийяти, тилда, услубда ўзига хослиги, мазмун-моҳияти билан исбот талаб қилмайди.

Кафка фашизм балосини кўришга улгурмади. Бироқ у шундай хавф борлигини олдиндан ҳис этди. Ҳар қандай ёвузлик замирида эгоизм – манманлик туришини у бадиий тасвирлаб берди.

Кўпчилик уни пессимист сифатида таърифлашади. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Бу ўринда Шарқ мутасаввуфларининг таълимоти ёдга тушади. Хўш, уларнинг асаларини ҳам биз пессимистик кайфият маҳсули дея оламизми? Йўқ, албатта. Менимча, улар чуқур руҳий жараённинг кўринишларидир.

Кафка асарларида Зулмат, Қўрқув, Бўшлиқ ва Номаълумликнинг манзаралари тасвирланади. Мақсад инсонни даҳшатга солиш эмас, балки инсоннинг ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Инсонга, унинг қалби ва руҳиятига бўлган ишонч Кафка ижодининг асосини ташкил қилади.

Адашиш инсонга қисматдир. Лекин ана шу адашиш ва қийинчиликлар аро ўзига йўл топиш инсоннинг вазифаси ва бурчидир. Инсон ҳеч ким ва ҳеч нарса олдида бош эгмаслиги зарур. Мағрурлик инсон эркинлигининг кафолатидир. Бироқ, мағурурик ва манманлик бошқа-бошқа тушунчалардир. Манманлик инсонни мутелик сари етаклайди, мағрурлик эса юксакликка.

«Жазо колонияси»да инсон ўзи яратган машина олдида қулдир. Сиртдан қараганда, инсон ўзи яратган қурулма олдида ожиздек туюлади. Ҳақиқатан ҳам инсон ўзи яратган кашфиётлари билан ўз келажагини ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйди. Бироқ, инсон ўз ақли ва қалбига бўйсунса ҳар қандай тўсиқни ҳам енгишга қодирдир. Ўз қалбига қулоқ солмас экан, у ўзи яратган машина – фожианинг қурбони бўлиши тайин. Бироқ Кафкада инсон қудратига бўлган асов бир ишонч сезилиб туради.

«Очлик устаси», «Жазо колонияси», «Эврилиш» булар, энг аввало инсон бардошининг синов саҳналаридир.

«Эврилиш»да ғайриоддий воқеа ҳикоя қилинади. Ўқувчи бошида унчалик ишонгиси ҳам келмайди. Бироқ ҳикояни ўқиш давомида ёзувчи услуби тобора ўзига мафтун этади ва сизни воқеликка ишонтира олади. Ҳикоя қаҳрамони Герегор Замза эрталаб уйғониб ўзининг судралиб юрувчи ҳайвонга айланиб қолганини кўради. Адиб бу ғайриоддий воқеани шунчалар маҳорат билан ҳикоя қиладики, ундаги арзимаган кичик бир нуқта ёки ҳаракат ҳам эътибордан четда қолмайди. Герегор Замзани кўпроқ унинг мана шундай ҳолати эмас, балки ишхонадиги хўжайини қандай деб тушуниши қизиқтиради. Эшикнинг ёпиқлиги, ташқаридагиларнинг, ота-онаси, сингилларининг унинг тилига тушунмаслиги барча-барчаси рамзий маъно кашф этади.

Бу асар кўпроқ қадим эртак ва мифларни ёдимизга солади. Эҳтимол шунинг шунинг учун ҳам эртак ва мифлар Кафка асарларига калит топиб бериши бежиз эмасдир? Зеро, «Эврилиш»даги воқелик эртаклардаги воқеликка ўхшаб кетади. Қайсидир табуни бузганлиги учун махлуққа айланиб қолган йигитни фақат бир нарса инсон севгиси – муҳаббат қутқара олади. Кафка ҳам ўз асарларида инсонларнинг бир-биридан узоқлашиши ҳалокатли эканини уғулайди.

«Жараён»да бу муносабатлар янада ҳалокатли эканлиги, бунинг учун инсон ўз қалби ва виждони олдида жавобгар эканлиги таъкидланади.

Йозеф К. махлуққа айланмаган. Бироқ унинг ҳаёти ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Тушуниксиз. Чунки у ҳам бошқаларни англашга тушунишга қодир эмас. Атрофидаги олам – одамлар билан унинг яқинлик ришталари ўзилиб, бегонага айланганган. Роман сўнгида ўлими олдидан қаҳрамон «худди ит каби» ўлим топганини эътироф этади. Яъни, у бемазмун ҳаёт кечирганини, на дўст, на бирор аёл билан самимий муносабати бўлолмаганини, севги-муҳаббат тушунчалари унга буткул бегона эканлигини англаб етгандек бўлади.

Альбер Камю «Жараён» ҳақида фикр юритиб, «Ақл, яъни тафаккур фожиаси воқеликка кўчирилгани»ни таъкидлайди.[165]

Кафканинг бошқа асарларида даҳшатли суд жараёни қаламга олинади. Бу жараён, энг аввало инсон ўзлигини унутган лаҳзадан бошланганига эътибор қаратади. Инсон ўзлигини, қалбини унутганда у фожиалар гирдобида қолади.

«Тўйга тайёргарлик»да суд, ҳукм ҳақида гап йўқ. Лекин қўрқув ва ваҳшат саҳнаси унда ҳукмронлик қилади. Бу саҳна «Ҳукм»га ўтиш учун тайёргарлик, бўсаға вазифасини ўтайди.

«Ҳукм»да ўз фожиасини англаган қаҳрамон ўзига ўзи ҳукм ўқийди. Тўғрироғи, Ҳақиқатга юзма-юз келганда у ҳукмни қабул қилишдан бошқа чораси қолмайди. Инсон олий мақсад ва эзгу туйғулар билан яшайди. Мақсад йўқолган кундан бошлаб унинг ўлими – ҳалокати ҳам бошланади. Ёлғон-яшиқлар қанчалик улуғ бўлмасин, у ҳалокатни яширишга қодир эмас. Бу азалий ҳукмдир. Ҳикоя қаҳрамони хорижда яшаётган дўсти борлигига, у билан хат ёзишиб турганига қайлиғини ҳам, отасини ҳам ишонтирмоқчи бўлади. Бироқ отаси ҳаммасидан – дўстининг уч йил олдин вафот этганидан хабардор эди. Фожиа шундаки, у ўзини ўзи алдаб яшаб юрганди. У аллақачон отаси учун ҳам, дўсти ва бошқалар учун – бегонага айланиб бўлган, тўғрироғи, у ўзига ўзи аллақачон ҳукм ўқиб қўйган эди.

«Жараён»да Йозеф К. ўзини нима учун суд қилинаётганини тушунмайди. Тўғрироғи, у бунга ҳаракат ҳам қилмайди. Муҳит уни ана шундай карахт қилиб қўйган.

Вақт – тараққиёт ҳамиша улкан машинага айланиб, инсондаги эзгу хислатларни янчиб ташлашга ҳаракат қилади. Хўш инсон қандай ўзини

[165]Альбер Камю. Бунтующий человек. –М.:Политиздат, 1990. – С.91-98.

сақлаб қолиши мумкин? Кафка асарларида бунга жавоб бор – Инсон бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлиши, инсоний туйғуларни йўқотмаслиги лозим.

Ёрим тўни беқасам,
Ёқасига гул солсам,

– дейилади ўзбек халқ қўшиқларидан бирида. Хўш бу қўшиқнинг Кафка асарларига қанчалик алоқаси бор? Юзаки қараганда ҳеч қандай. Лекин моҳият эътибори билан ушбу ва бошқа кўплаб қўшиқларимиздаги мазмун билан Кафка асарларидаги мазмун яқин эканлигини кўрамиз. Биринчидан, ҳар икки ҳолатда ҳам моҳият рамзлар тилида баён этилган. Рамзлар тили эса Фромм айтганидек, барча халқлар учун хос ва ҳамма билиши шарт бўлган умумий тилдир. Қолаверса қўшиқдаги куйланаётган гул оддий гул эмас, ёрини – йигитларни бало-қазолардан асрайдиган ҳомий – қалқондир. Шунинг учун ҳам эртак ва достонларимизда гул кўп куйланган. Гул нафақат фольклорда, умуман адабиётда энг мукаммал поэтик образдир. Гул ҳамиша поэтик матнда аёлнинг эквивалентидир, аёл ҳамиша қаҳрамоннинг муроди, қалби, руҳияти, ўзлиги, «Мен»лигининг тимсолидир.

«Эру хотин қўш хўккиз» деган мақол бор халқимизда. Нақадар содда ва чуқур фалсафий мазмунга эга. Гап бу ерда нафақат турмушнинг оғир ва енгилликларига баравар жавобгарлик, балки, энг аввало жуфтлик бу мавжудликнинг биринчи шартидир, тараққиёт қонунидир. Фожиалар эса шу жуфтлик қонунияти бузулган жойдан бошланади. Эркакнинг аёлдан узоқлашуви, яъни азалий жуфтидан айрилиши бу унинг келажагидан, «ўзлиги»дан айрилишидир. Бу жамиятдаги парокандаликнинг бошланишидир. Инсонларнинг бир-биридан узоқлашиб, ётлашувидан кўра, улканроқ фожианинг ўзи йўқ.

Кафка асарларига шу тахлит ёндашсак ундан мавҳумлик пардалари кўтарилади. У бизга тобора тушунари бўла боради. Ҳатто буни бирон-бир Ғарб ёзувчиси ёзганига ишонгингиз келмай қолади. Гўё халқимизнинг қадим мифларини бизга Кафка XX аср воқелигига кўчириб қайта тақдим этаётгандай туюлади.

Йозеф К. Ҳеч кимни севишга қодир эмас. Унинг Бюрстнер хонимга бўлган муносабати ҳам тушуниксиз. Овқатлана туриб, тасодифан, уч йилдан буён онасини кўрмаганлигини эслайди. Унинг ҳаётидаги мана шундай тушуниксиз, маънисизлик ва совуқ муносабат унинг фожиасидир. Аслида бундан-да улканроқ фожиа бўлиши мумкин ҳам эмасди. Кафка ўзини қийнаган, ўзида ҳис этаётган туйғуларни қаламга олган – инсонларнинг бир-бирига бегоналашувидан-да улканроқ фожианинг ўзи йўқлигини бадиий идрок этишга ҳаракат қилган эди.

Кафка асарларидаги яна бир хусусият у худди туш кўраётганга ўхшайди. «Жараён»да ҳам «Қўрғон»да ҳам қаҳрамон гўё туш кўраётгандай, ҳозир бехос уйғониб кетадигандай туюлади. Худди тушдагидек бу асарларда макон ҳам, замон ҳам, реал воқелик ҳам йўқ. Барчаси худди тушдаги каби рамзий мазмун касб этади. Кафка асарларига тушлар йўл очиб беради.

Эрих Фромм «Жараён»ни таҳлил қилар экан, унга худди туш каби тимсоллар тилида ёзилган, улкан бадиий асар дея баҳо беради ва «Бу

романни тушунуш учун, – дейди у, – худди макон ва замондан холи бўлган узун, мураккаб тушни кўраётгандай тасаввур қилиш керак».[166] Шу маънода Кафка асарлари маълум маънода автобиографик романдир.

Албер Камю Кафка асрлари ҳақида фикр юритиб: «Жараён»да адиб ташхис қўяди, «Қўрғон»да эса уни даволайди дейди. Ҳақиқатан ҳам «Жараён»да К. умрининг охиригача ўзининг жамиятга ётлигини илғашга қодир эмас. «Қўрғон»да эса К. биринчи навбатда ўзи бегона бўлган жамият билан тил топишга ҳаракат қилади. Кафка асарларидаги совуқ, карахт персонажлар аслида ўзларидаги инсоний туйғулардан мосуво бўлган кишилардир.

Ҳар бир асар бу ижодкорнинг дунёга янгича нигоҳидир. Бу нигоҳ қанчалик теран ва сержило бўлса, шунча яхшидир. Кафка ўз асарларида ҳаётдаги оддий ва ғайриоддий, мантиқли ва номантиқли, умумий ва хусусий, кулгили ва фожиавий ҳолатларни қиёсий планда берадики, бу ҳолат Камю айтганидек Кафка асарларига ўзига хос оҳанг ва мазмун бағишлайди.

«Қўрғон»да ғайриоддий воқеалар эмас, қўпроқ кундалик воқеалар биринчи планда тасвирлангандек туюлади. Барибир иш юритувчи К. нинг қўрғонни излаши, бу йўлда унинг самарасиз хатти-ҳаракатлари ҳикояга ғайриоддийлик бағишлайди.

«Қўрғон»да асар қаҳрамони иш юритувчи К. махсус топшириқ, яъни қўрғондаги ишларни юритиш учун ташриф буюрган. У «қўрғон» яқинидаги унга нотаниш бўлган овлоқ бир қишлоққа тунда етиб келади ва ноилож шу ерда тунаб қолишга мажбур бўлади. Унинг вазифаси қўрғонга етиб бориб, ўз ишига киришиш. У бир неча бор шу қишлоқда туриб қўрғондагилар билан телефон орқали гаплашади, улардан кўрсатмалар олади. Бироқ ҳар қанча уринмасин, у қўрғонга йўл тополмайди. Унинг ҳар галги ҳаракати бесамар кетади. У бундан тушкунликка тушмайди. У ўзида яна ва яна куч топиб, мақсад сари интилаверади. Охирида маълум бўладики, қишлоқдагилардан ҳеч ким қўрғонни кўрмаган, умуман қўрғонда ҳеч қанақа телефон ҳам бўлмаган.

К. ҳар тонг қўрғонни топиш илинжида йўлга чиқиб, кечқурун яна ўша йўлга чиққан жойдан чиқади. Эртасига у яна шу тахлит изланишларни давом эттиради.

Дастлаб уни бегонасираган, ундан ётсирган қишлоқ аҳли тобора унга яқинлашиб, оқибатда уни ўзларининг одамлари сифатида ҳисоблай бошлашади. К. инсонлар билан муносабатни тиклашга, ўртадаги бегоналикни йўқотишга ҳаракат қилади. Зеро у қўрғонга йўл қишлоқдаги инсонлар қалби орқали боришини билади. Бора-бора К. шу қишлоқдан қўним топиб, ҳамма одамлар билан бақамти яшашни орзу қилади. Шу сабабли ҳам «Жараён»даги Йозеф К. дан фарқли ўлароқ унинг қишлоқ аёлларига, айниқса Фридага бўлган муносабати самимий. У қалбида Фридага улкан бир соғинчни ҳис этади. Кафка наздида инсон умрининг мазмунини мана шундай соғинч, оддий инсоний муносабатлар ташкил этади.

---

[166] *Фромм Эрих.* Душа человека. –М.: Республика, 1992. –С.292–298.

4

Кафка ким эди? Кўпгина ижодкорларда бўлганидек, ҳаётда бошқа ижодда бошқа қиёфада эдими? Ижодкор Кафка билан шахс Кафка ўртасида тафовут бормиди деган саволнинг туғилиши табиий. Кафка қандай яшаган бўлса, ижодда ҳам шундай бўлишга ҳаракат қилди. Унинг ҳаёти ҳам ижоди ҳам қанчалик мураккаб бўлмасин ёлғондан холи эди. У шахс сифатида атрофидаги зулмга, зўрликка адолатсизликка қарши тура олди, ўз ақидалари ва ўз виждонига содиқ қолди. Кафка ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини курашиб, енгиб олди.

Кафка натуралист, модернист, экзистенциалист, реалист сифатида ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Кафка ижодининг серқирралиги ҳам шундаки у турлича нуқтаи назарлардан таҳлил қилиш имконини беради. Кафка қанча ўрганилмасин у яна сирлилигича, жозибадорлигича қолаверади. Сеҳрли бир оҳангрaбодек китобхонларни ўзига чорлаб, инсон матонати, буюклиги ва теранлигидан сабоқ беради.

Инсоннинг маънан чуқурлашишига, руҳан янгиланишига бугун энг катта эҳтиёж бор. Ана шундай паллада шубҳасиз Кафкага ўхшаш ижодкорларнинг асарлари бизга энг яқин ёрдамчи бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

ИБРОҲИМ АКАНИНГ ҲАҚИҚАТЛАРИ

1

Ҳаёт тасодифларга тўла, бироқ, шу тасодифлар ҳам яратганнинг изни билан қайсидир бир қонуният туфайли юз беради. Бу қонуниятларнинг моҳиятини англашга уринганинг сайин, калаванинг учини йўқотиб қўясан. Такрор ва такрор яна айланиб ўша нуқтага келасан: ҳаётда тасодифлар кўп, бироқ, бу тасодифлар ўз-ўзидан юз бермайди, уларнинг ҳам ўз қонунияти бордек.

Адабиётимизнинг зукко билимдони, таниқли навоийшунос олим Иброҳим ака Ҳаққулов ҳақида ўйлаганимда хаёлимга беихтиёр шундай фикрлар келаверади. У киши билан танишишим оддий бир тасодиф бўлган. Мана шу тасодиф менинг кейинги ҳаётимни ўзгартириб юборишини, очиғи, ўшанда сира ҳам ўйламаган, ҳатто, хаёлимга ҳам келмаган. Бугун энди ўйлаяпманки, бу бир тасодиф эмас, тақдир бўлган.

Биз Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети талабалари эдик. Ўзимизча «даҳо» ва унча мунча одамни тан олмасдик. Бироқ, Иброҳим Ҳаққул биз учун гўёки осмондаги қўл етиб бўлмас бир юлдуз эди. У киши билан танишиш, суҳбатлашни ҳатто орзу ҳам қилмаганмиз. Ўша пайтида Иброҳим аканинг кетма-кет китоблари босилган, айниқса, «Занжирбанд шер қошида», «Тасаввуф ва шеърият» ва у киши томонидан нашрга тайёрланиб, сўзбоши ёзилган «Аҳмад Яссавий ҳикматлари» қўлма-қўл ўқилаётган, бошқача айтганда ҳамма адабиётга «Иброҳим аканинг кўзи» билан қараётган бир даврлар эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясига борганимда у киши биринчи қаватда зинапоя тагида уч-тўрт киши даврасида суҳбатлашиб ўтирарди. Даврадагиларни айтаётган гаплари билан ўзига маҳлиё қилиб олганди. Бу ижод ҳақида, адабиёт ҳақида биз эшитмаган, бироқ, доим биз эшитишни орзу қилган «қанотли» гаплар эди. Бу илк танишув эди. Иброҳим аканинг китобларидан олган таассуротимни ҳаётда кўрганларим, эшитганларим тасдиқлаётган ва мустаҳкамлаётган эди.

2

Иброҳим Ҳаққулни бугун республикамизда танимайдиган одам йўқ десам, муболаға бўлмас. Уни кўпчилик навоийшунос олим, Шарқ ва Ғарб адабиётининг закий билимдони, замонавий адабиётни ҳам теран ва нозик ҳис ҳис қила оладиган адабиётшунос сифатида яхши билишади. Бу мақому даражага Иброҳим ака осонгина эришмаган. Кўп машаққатларни кўрган, кўп эврилишларни бошидан кечирган.

Иброҳим ака қадим Бухоронинг Шофиркон туманида туғилган. Агар Иброҳим ака Бухорода эмас, бошқа ерда туғилганида эҳтимол, характери ҳам, тақдири ҳам бошқа издан бурилиб кетиши мумкин эди, деб ўйлайман.

Инсон тақдирида унинг туғилган жойи нечоғли роль ўйнайди? Буни фан ҳали етарли даражада ўрганганича йўқ, назаримда. Мен устоз Тўра Мирзаев, Иброҳим Ҳаққул ва бошқа ўзим кузатган зиёлилар мисолида айтишим

мумкинки, туғилган жой одамнинг келажагини белгилаб беради. Машойихлар айтгандай, тақдири азалда лойинг қайси тупроқдан олингани ҳам муҳим.

Иброҳим ака давраларда момоси ва онасидан эшитган ҳикматли гапларни, мақолларни айтиб беришни хуш кўради. Агар ёш Иброҳим момосидан, онасидан, отасидан бундай ўгитларни эшитмаганда эди, биз бугун бошқа бир шахсни кўрган бўлармидик?! Ёшлик чоғларида уйда Сўфи Оллоёр, Яссавий, Навоий, Машраб каби алломаларнинг китоблари ўқилмаганда эди, эҳтимол Иброҳим бошқа касб эгаси бўлиб кетиши мумкин эди.

Агар ота-онаси унга бошқа ном берганида эди, эҳтимол биз бошқа бир Иброҳим билан юзлашиб турган бўлармидик ёхуд юзлашиш умуман насиб этмасмиди?

Устоз Тўра Мирзаев Иброҳим акани доим «Ҳаққул бобонинг набираси» деб чақиради. Бунда жуда кўп ҳикмат бордай.

Мен Иброҳим акани турли даврлардан, турли ҳолат ва кайфиятларда кўп учратганман. Эҳтимол, четдан қараган одамга Иброҳим ака қўрс, қайсар ва камгап одамга ўхшаб кўринар. Кўпчилик Иброҳим Ҳаққулни осонликча сўзидан қайтмайдиган, қандай вазият бўлишидан қатъи назар ҳар доим ҳақиқатни одамнинг юзига қараб тик айта оладиган ҳақиқатпараст ҳам деб билади. Иброҳим аканинг ҳар доим ҳақиқатни гапириши, вазият ҳам, одам ҳам танлаб ўтирмаслиги бор гап. Бироқ, унинг қайсарлиги, қўрслиги ва камгаплигига уни яқиндан билганлар, дилдан суҳбат қурганлар ҳеч қачон ишонмайди.

Унга яқин борсангиз, унинг нақадар содда, самимий, беғуборлигига, яхши суҳбатдош, ишончли дўст эканига яна бир карра амин бўласиз. Фақат унинг ўз ҳақиқатлари бор. У бу ҳақиқатларига ҳеч қачон хиёнат қилмайди: у хиёнат ва иккиюзламачиликни, турланиш, тусланишни ёмон кўради. Бундайларни у «ўйинчи» дейди: улар билан имкон қадар «масофа» сақлайди. Самимиятни, садоқатни қадрлайди.

3

Болаликдан миллий адабиёт деган улкан бир «ҳудуд»нинг ичида ўсган, ҳавосини симирган, кўпчилик ўнлаб, юзлаб китобларни титкилаб топадиган мантиқни, ҳаётий ва фалсафий хулосаларни бувиси, ота-онасининг жайдари гаплари, ўгитлари асосида ўзига сингдирган ўспирин Иброҳим Бухоро давлат университетида таҳсил олади (1966–1970). Баъзан суҳбатларда Иброҳим ака бу даврларни мароқ билан эслайди. Унинг гапларини тинглаб туриб, мен яна аввалги хаёлимга қайтаман: Иброҳим ака Бухорода эмас, бошқа ерда ўқиганда ҳам шундай ҳаяжон билан эслармиди ўзининг талабалик даврини? Мен бу савол жавобини билмайман. Ўзидан сўрамаганман ҳам. Бироқ, йўқ, бундай бўлмасди деган жавоб олишим мумкинлигини ҳам биламан. Аслида ҳам шундай. Иброҳим аканинг Бухорага меҳри бўлакча. Ҳар бир хотирасида, ҳар бир ёзган сатрида бу сезилиб, бўртиб туради.

Фақат ватани бўлгани, у ерда таҳсил олгани учун ҳам эмас. Ўзини топгани, бугун ўзи муқаддас деб билган, алқаган ҳаёт қонунлари, ўз ҳақиқтларини англагани учун ҳам, деб ўйлайман.

Бухоро педагогика институтини тугатиб Иброҳим ака бир муддат «Шофиркон ҳақиқати» номли туман газетасида ишлаган. Устоз Тўра Мирзаев айтгандек, Ҳаққул бобо набирасининг бу газетада ишлаши ҳам менга тасодиф эмасдек туюлади. Тўра ака уни шу газетада ишлаб юрган пайтида кашф этган. Қўлидан тутиб Тошкентга, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимига олиб келган.

Иброҳим аканинг халқ оғзаки ижодининг моҳиятини айрим «фольклоршунос»лардан кўра теранроқ англаши илдизлари болалик чоғида олган таълим билан бирга, устоз Ҳоди Зарифдан қолган улкан мерос ва Тўра аканинг сабоқлари бўлган. Даставвал халқ оғзаки ижоди бўйича илмий иш қилишни режалаштирган Иброҳим Ҳаққул кейинчалик мумтоз адабиёт соҳасига ўтади. Мен шунда ҳам бир ҳикмат кўраман: агар Тўра ака билан танишмаганда эди, Тошкенти азимга келиб, фольклор бўлимида ишламаганда эди, эҳтимол мен билган Иброҳим ака бўлмасмиди?

Фольклор шунчаки бу сўз санъати намунаси эмас, балки халқнинг боқий тарихи ҳам. У сўз санъати, адабиёт ва санъатининг ибтидосидир. Ёзма адабиёт вакилларининг барчасининг ижоди фольклор билан боғланади. Улар фольклор ҳақида билимга эга бўлгани ёхуд бошқа сабаблар учун эмас. Балки, шу халқнинг фарзанди бўлгани, туғилганидан то умрининг поёнигача шу халқ анъаналари ичида яшагани учун ҳам унинг ичида яшайди, азалдан халқнинг удумлари, анъаналари, бобосўзлари тарзида яшаб келаётган оҳанг, рамз, маъно ва мазмун, қатъий тизимни ўзига сингдиради. Бу ҳар бир ижодкорда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Иброҳим ака фольклор бўлимида юриб, турли жанрларни, жумладан мақолларни янада теранрок ўрганган, достонлар, айниқса Эргаш Жуманбулбул ижодига ўзига хос меҳр билан ёндашган.

Иброҳим ака ўзининг ҳақиқатларини англатаётганда кўпроқ фольклор материалларига, айниқса, мақолларга суяниб иш кўришини кўп бор кузатганман.

4

Иброҳим аканинг Фанлар академиясининг Ўзбек тили ва адабиёти институтида кечган ҳаёти катта бир китоб бўлгулик.

Аввал «Ўзбек мумтоз адабиётида рубоий» мавзуида номзодлик, сўнгра «Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти» мавзуида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ўзи орзу қилган илмий даргоҳда оддий бир лаборантликдан, етакчи илмий ходими, «Мумтоз адабиёт бўлими» мудирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Элга навойшунос олим сифатида танилди. Нафақат юртимизда, балки, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Туркия, Хитой, Озарбайжон каби кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам ҳурмат ва эътибор қозонди.

Устозларнинг устозини ҳам, илмни пулга сотувчиларни ҳам, мардни ҳам, номардни ҳам, бир умрлик садоқатлиларни ҳам, баҳор ҳавосига ўхшаш ўзгарувчан ўз тили билан айтганда «ўйинчи»ларнинг зўрини ҳам шу ерда кўрди. Шу ерда яна бир карра ҳаётни таниди, ҳаётда тобланди.

Энг кучли муҳаббатни ҳам, нафратни ҳам шу ерда туйди. Кечагина соясига салом бериб юрганлар вақти келиб ўзини олиб қочганларга ҳам, даврада қучоқ очиб, ортидан ғийбат қилганларга ҳам шу ерда гувоҳ бўлди. Бироқ, у ўзининг ҳақиқатларидан ортига чекинмади. Аксинча, янада жасоратли, янада собит бўлишни ўрганди.

5

Бирон-бир ижодкорни яхшироқ билишнинг йўлларидан бири, унинг китоблари, китобларига берилган номлари ҳамда у ўрганган мавзулар билан танишишдир.

Баъзан китобнинг номиданоқ унинг мазмун-мундарижаси, савияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода Иброҳим Ҳаққул томонидан чоп этилган китоблар ҳам муаллифнинг даражасини, билим доирасини қизиқиш «географияси»ни билдириб туради.

«Ўзбек адабиётида рубоий» (1981) «Увайсий шеърияти» (1982), «Бадиий сўз шукуҳи» (1987), «Занжирбанд шер қошида» (1989), «Шеърият – руҳий муносабат» (1989), «Абадият фарзандлари» (1990), «Камол эт касбким...» (1991), «Тасаввуф ва шеърият» (1991), «Ғазал гулшани» (Адабий суҳбатлар, 1991), «Хожа Ориф Моҳитобон» (1996), «Ирфон ва идрок» (1998), «Тасаввуф сабоқлари» (2000), «Аҳмад Яссавий» (2001), «Ким нимага таянади?» (2006), «Эътиқод ва ижод» (2007), «Навоийга қайтиш. Биринчи китоб» (2009), «Абдулла Қаҳҳор жасорати» (2009), «Тақдир ва тафаккур» (2007), «Мерос ва моҳият» (2008), «Ижод иқлими» (2009), «Навоийга қайтиш. Иккинчи китоб», «Навоий. Шоҳ байтлар. Биринчи китоб», «Навоий. Шоҳ байтлар. Иккинчи китоб», «Навоийга қайтиш. Учинчи китоб» ва ҳоказо.

Олимнинг 40 дан ошиқ китоб, 400 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.

Ҳар бир китоби, ҳар бир мақоласида олим ўзи англаган, ўзи ҳақ деб билган ҳақиқатларни баён қилади.

Олим ўзининг илк китобида мумтоз адабиётдаги рубоий ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир жанрда шакл ва мазмун, тизим, бадиият ҳам ўзига хос тарзда, яхлитликда намоён бўлишини урғулайди.

«Инсон бадиий тафаккури қотиб қолган нарса эмас, – деб ёзади олим. – У замон ва даврлар ўтиши билан ўсиб, ўзгариб, янги сифатлар билан бойиб боради. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу тарзда шеъриятда ҳам ўз ифодасини топади. Демак, адабий ҳаётда содир бўлган ғоявий-бадиий тенденциялар моҳиятини кўрсатишда жанр ўзига хос бир кўзгу вазифасини ўташи табиий».

У биргина рубоийни тадқиқ қилмади, балки, мумтоз адабиётда жанрларнинг пайдо бўлиши, тараққий этиш қонуниятлари ҳақида кенг фикр юритди.

Илк тадқиқотиданоқ илмга чуқур назарий билимга эга, мумтоз адабиёт, умуман бадиий сўз санъатига меҳри бўлакча бўлган олим кириб келганини илмий жамоатчилик тўла эътироф этган.

«Яссавийни иймонни сўзлатган, Иймон тили билан муҳаббатни улуғлаган ижодкор деб баҳоласак, хато қилмаган бўламиз, – ёзади Иброҳим Ҳаққул ўзининг «Яссавий ҳикматлари» китобининг сўзбошисида. – Чунки Яссавий ҳикматларини Диёнат зиёси ва Иймон шафқати ичидан нурлантириб туради».

Эътиқоди бўлмаган миллатнинг, деб ёзади фаранг адибларидан бири, адабиёти ҳам бўлмайди. Афсуски, шўро тузуми даврида бизнинг мумтоз адабий меросимиз фақат бир ёқлама, синфийлик нуқтаи назаридан ўрганилди, баҳо берилди.

Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов каби олимлар эса биринчилардан бўлиб тасаввуф адабиётининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилишди. Сўнгги қирқ йиллик навоийшуносликни биз Нажмиддин Комилов ва Иброҳим Ҳаққулсиз тасаввур эта олмаймиз.

Иброҳим Ҳаққулнинг «Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти» номли докторлик диссертацияси ўз даври, ҳали тасаввуф мавзусидан гумон пардалари тўла кўтарилиб кетмаган замонда дадиллик ва жасорат билан ёзилган илмий тадқиқот эди.

Алишер Навоий ижодини кўплаб олимлар ўрганган. Бироқ, улар орасида ҳеч шубҳасиз Иброҳим Ҳаққулнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради. Бу Иброҳим аканинг мумтоз адабиёт тарихини ёхуд Навоий ижодини чуқур билгани учунгина эмас, балки, бошқалардан фарқли равишда биз тасаввуримизга сиғдира олмаган ҳакиқат, Навоийда ҳам оддий инсоний дардларни кўра олганлиги, унинг ижодини бугунги кун, бугунги замон дарди билан боғлай олганлигида, деб биламан.

6

Кўпгина ижодкорлар, хусусан, Уилям Фолкнер, Хорхе Луис Борхес каби ёзувчилар ўзларини адиб, эмас, шоир деб ҳисоблашади. Бу уларнинг бир пайтлар шеър ёзгани, шеърий тўпламлар чоп эттиргани учун эмас. Балки, дунёни идкор этишда, англашда, уни қайта ифодалашда шоирона ёндашганликлари, шоирона кайфият ҳар битигида устувор бўлгани учун.

Иброҳим ака ҳам қачонлардир шеърлар ёзганидан хабарим бор. Эҳтимол, ҳозир ҳам ёзар? Шеърларини ҳеч қаерда, ҳеч қачон ўқимаганман. Бироқ, Иброҳим аканинг шоирлиги унинг ҳар бир мақоласи, изланиши, тадқиқотларидан билиниб туради. Балки шунинг учун назмни жуда нозик ва теран тушунар?!

Олим «Алишер Навоийни туркий сўз лашкарининг мислсиз султони», «Санъаткорликнинг буюк мактаби. Ҳақиқий мезони», «Ўзбек адабиётининг пойтахти», деб атайди. Бу шоирлик эмасми?

«Ҳар қандай шоир тақдири, биринчи навбатда, шахс тақдири. Шоир киши умри давомида ўз шахсини ёзади, ўз қисмати, маънавий-руҳий олами

ҳақида гапиради. Бунга амал қилмасдан чинакам шеъриятга эришиш мумкин эмас», дейди Иброҳим Ҳаққул.

Иброҳим Ҳаққул Ижодкор ва Шахс тушунчасини бир-биридан ажратмайди. Улар яхлит тушунчалар эканини уқтулайди. Шунинг учун қайси бир адиб бўлмасин, бу Рудакийми ёхуд Абу Али ибн Сино, Адиб Собир Термизий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Фузулий, Махтумқули, Аҳмад Дониш, Робиндранат Тагор, Мансур Ҳаллож, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Моҳитобон, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандми ёхуд Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Рауф Парфи, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Даврон, Тилак Жўра, Шавкат Раҳмон каби XX аср ва ҳозирги замон адабиётининг энг етук вакиллари ижодини тадқиқ этадими, барчасига бирдек ана шу мезонидан туриб ёндашади.

7

Бир гал Иброҳим ака шоир Рауф Парфи ҳақида гапира туриб «У бир туш эди. Рауф Парфи биз учун туш бўлиб қолди», деди. Бу нафақат Рауф Парфига, балки, Иброҳим аканинг авлодига берилган баҳодек туюлганди менга. Чунки, бу авлод вакиллари, Иброҳим Ҳаққул, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Усмон Азим, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Давронлар адабиётимизга янги ҳаво, янги нафас олиб кирган, назм, наср ва адабиётшунослик ҳақидаги қарашларимизни ўзгартирган, таъбир жоиз бўлса, ўз даврида адабий жараёнда «инқилоб» қилган авлоддир.

Биз ўзбек адабиётининг кейинги олтмиш йилини бу ижодкорларсиз тасаввур қила олмаймиз. Уларсиз адабиёт ҳақидаги қарашларимиз кемтик бўлиб қолади. Бу авлоднинг кучи ҳам, ютуғи ҳам аслида бир авлод эканлигида. Бир-бирига куч, фикр бера олганлиги, бири иккинчисини тўлдира олганлигида. Менинг назаримда шу авлоддан кейин авлод шаклланмади; тўғри, иқтидорли ижодкорлар етишиб чиқди, бироқ бир авлод бўлиб шакллана олмагандек.

Бу авлоднинг мавжудлиги, Иброҳим аканинг ўзи айтгандай, худди бир тушдай, одамнинг баъзан ишонгиси келмай қолади. Бу авлод ҳали етарлича ўрганилмади, уларга етарлича баҳо берилмади.

Тақдир олис бир қишлоқнинг мендек боласи, олий ўқув юртини битираётиб, Нажмиддин Комиловдек диплом иши раҳбарига, Тилак Жўра ва Иброҳим Ҳаққулдек тақризчиларга дуч қилди. Шундан сўнг Иброҳим ака мени етаклаб Фанлар академияси даргоҳига олиб келган.

Мен бугун агар озгина бўлса-да, бирор нарсага эриша олган бўлсам, бунинг учун момом, ота-онам, акам билан бир қаторда устоз Тўра ака ва Иброҳим акалар туфайлидир. Уларнинг олдида бир умрлик қарздорман.

Ўйлайманки, менга ўхшаб Иброҳим акадек устозларнинг елкасига чиқиб, юлдузни кўзламоқчи бўлган шогирдлар кўп ва бундан кейин янада кўпаяди. Фақат улар бир нарсани – юлдуз ёхуд ой, қуёшга яқинлаб учиб

борганида ҳам илдизи, асл макони заминда эканлигини, юрагига куч берган, онгига тафаккур оловини ёққан, кўнглига қўр солганларнинг ёнида эканлигини, агар шу олов бўлмаса, устозларнинг меҳри ва дуоси бўлмаса аслида ҳеч ким бўлолмаслигини бир умр унутмасликлари керак, деб ўйлайман.

СУҲБАТЛАР

ФОЛЬКЛОР – МИЛЛАТНИНГ БОҚИЙ ТАРИХИ

– Миллат ва жаҳон фольклори намуналари билан танишиш жараёнида ўқувчида ғалати ҳиссиётлар кечади. Бамисоли ҳаётнинг энг муҳим ҳақиқатлари, муаммолари минг йиллар илгари пайдо бўлган ривоятлар, афсоналар, достонларга жо бўлгандек туюлади. Суҳбат аввалида фольклорнинг ўзига хослиги, унинг адабиётга таъсири ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажралиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий, бадиий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Бошқача айтсак, оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирон-бир халқнинг қандай эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади.

Халқ ижоди бу чинакам маънодаги доимий ўзгариш, доимий ҳаракатдаги санъатдир. Яъни, халқ ижоди намуналари ҳар галги ижрода анъаналарнинг давомийлигини сақлаган ҳолда муттасил янгиланиб, ўзгариб, мукаммалашиб бораверади. Шунинг учун ҳам халқ ижоди намуналари кўплаб вариантлиликка эга. Ана шу вариантлилик халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини таъминлаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Халқ оғзаки ижоди намунаси бор-йўғи оғзаки ижро этилгани учунгина эмас, балки оғзаки ўзлаштирилиб, оғзаки ижро этилиб, оғзаки тарзда мерос қолдирилиши, бошқача айтганда, ҳар галги ижро жараёнида қайта яралиши билан фарқланиб туради. Фольклоршунос олимлар таъкидлаганидек, фольклорда қўшиқ йўқ, балки қўшиқнинг ижро ҳолати, ижро жараёни мавжуд. Бу фикрни халқ ижодининг бошқа жанрларига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Ғурур билан айтишимиз мумкинки, бизда дунё фольклори намуналари билан бемалол беллаша оладиган достон, эртак, мақол-матал, қўшиқ, афсона ва ривоятларимиз бор. Бугунги кунгача ёзиб олинган достонлар сонининг ўзи 400 тадан ошиб кетади. Бошқа жанр намуналари вариантлари эса кўплаб жилдларни ташкил этади. Бу ростакамига чинакам улкан хазинадир. Бундай бебаҳо мерос ҳамма халққа ҳам насиб этган эмас. Шундай улкан оғзаки меросга эга халқнинг ёзма адабиёти қандай бўлишини тасаввур қилаверинг.

Ҳар қандай санъатнинг боши фольклорда деган гап бугун пайдо бўлган эмас. У узоқ йиллик ҳаётий кузатиш, илмий тажрибанинг ҳосиласи. Ҳақиқатан ҳам тасвирий, ҳунармандчилик, мусиқа, рақс, бадиий ва ҳоказо

санъатларнинг аввали боши, юзага келиши бевосита халқ халқ оғзаки ижодига, халқнинг илк тасаввур ва инончларига бориб тақалади.

Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири масалалари Алишер Навоий замонида қандай долзарб аҳамиятга эга бўлса, бугун ҳам худди шундай. Алишер Навоийнинг барча асарларида биз фольклорга ижодий ёндашувни, миллийликка суяниб, умумбашарий қадриятлар улуғланганини кузатамиз. Бу анъана Навоий, Бобур замонидан сўнг Абдулла Қодирийдан то бугунги кунда ижод этаётган адибларимизгача, Чўлпондан то замонамиз шоирларининг изланишларида ҳам у ёки бу даражада давом этяпти. Фақат бизда эмас, дунё адабиётида ҳам шу ҳол кузатилмоқда. Айтиш мумкинки, сўнгги юз йилликда адабиётда фольклорга қайта юзланиш даври бошланди. Жойс, Борхес, Маркес, Кафка, Кавабата каби адиблар ижоди бунинг мисолидир. XXI асрда дунё мифларига қайтадан мурожаат, янгича талқин қилиш даври, неомифологизм даври бошланди.

Фольклор ҳар бир ижодкорга ўз йўли, услуби, ўзлигини, ўқ томир илдизини топишга ёрдам беради.

Лотин Америкалик улуғ адиблардан бири Хорхе Луис Борхес: «Адабиёт миф билан бошланиб, миф билан тугайди», – дейди. Буни бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай санъат, жумладан, бадиий сўз санъати ҳам фольклор билан бошланиб, фольклор билан бирга тараққий этади.

– Биласизми, мен фольклорнинг муаззам жанри бўлмиш эпосни миллат тарихининг зерикарли рақамлардан холи бўлган, қизиқарли ва завқли тарихига ўхшатаман. Баъзи ҳолатларда эпос миллат адабиёти учун ўқ илдизлик вазифасини бажаради. Ҳомернинг «Илиада»си, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»и, ҳиндларнинг «Рамаяна» ҳамда «Маҳабҳорат» эпосларини шу тоифага мансуб, дейиш мумкин. Бу муаззам асарлар ўзи мансуб миллатнинг тарихидан тортиб, келажак орзуларигача қамраб олган. Айтинг-чи, давримизнинг муҳим мавзуларидан бўлган миллий қадриятларни асраш борасида эпосга қанчалик суяниш мумкин?

– Фольклор ва тарих чиндан ҳам долзарб мавзу. Зеро, эпос, яъни оғзаки ижод намунаси бўлган достонлар шунчаки бадиий асар эмас, балки халқнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тафаккур тарзини ўзида мужассам этган миллий қомус ҳамдир.

Биргина «Алпомиш» достонини олиб қарайлик. Мазкур достон, нафақат ўзбек, балки дунё достончилигида алоҳида мавқега эга, тарихий асослари қадимий, бадиий жиҳатдан юксак эпик ижод намунаси ҳисобланади.

Бу достон кўп ва хўп ўрганилди. Бироқ, ҳали бу достоннинг жаҳон фольклоршунослигидаги ўрни, мифологик асослари, бадиий қатламлари такрор ва такрор ўрганилишни талаб этади.

Достоннинг бошламасидаги илк жумлага эътибор берайлик. Достон: «***Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот*** *элида* ***Добонбий*** *деган ўтди. Добонбийдан* ***Алпинбий*** *деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи* ***икки ўғил*** *пайдо бўлди: каттаконининг отини* ***Бойбўри*** *қўйди, кичкинасининг отини* ***Бойсари*** *қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта*

бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккови ҳам ***фарзандсиз бўлди****»,* – деб бошланади.

«Бурунги ўтган замон» – мифологик тушунчага кўра, ибтидонинг бошланиши, хаоснинг космосга айланишидир. Шунинг учун ҳам эртакларимиз ҳам «Бир бор экан, бир йўқ экан, бурун ўтган замонда» деб бошланади. **Сиз айтгандай, бу ҳар қандай рақамлардан холи миллатнинг соф, бадиий тарихидир.** Гап бу ерда нореаллик, ҳаётий асосга эга бўлмаган бадиий тўқима ҳақида гап кетмаяпти. Балки, ярми афсона, ярми ҳақиқат, мифологик қобиққа ўралган ўтмиш, тарих ҳақида ҳикоя қиляпти. Эртакдан фарқли ўлароқ, достонни ижро этувчи бахши ҳам, тингловчи ҳам ундаги воқеалар чин ҳақиқат эканига ишонади. Қолаверса, достон аждодларнинг муқаддас хотираси, шонли тарихи ҳақида. Бу шонли воқеалар бир неча авлодлар томонидан куйланиб келинган, авлодларга етказилган ва ижро этилаётган замонда ҳам давом этмоқда.

«Ўн олти уруғ Қўнғирот эли» юқоридаги ўтмиш тарихига янада ҳаётийлик бағишлайди. Бу тарих маълум бир уруғ, айни бир пайтда бутун бошли элат ўтмиши билан алоқадор эканини урғуламоқда.

«Добонбий» сўзи довон, юксаклик маъносида келади. Бу исм шунчаки танланмаган. Ҳаётда катта ишларни амалга оширган, юксак марраларга эришган қаҳрамоннинг рамзий тимсолий образидир. Достонда бу образ чизгилари гўё мукаммал эмасдек, достон бошламасида эсланиб, кейин унутилиб кетадиган исмдек туюлади. Бироқ, бу образга кейинги жумлалар, кейинги воқеалар ойдинлик киритади. Алпинбийдек Алпнинг дунёга келиши ўз-ўзидан бўлмаган. Унга Добонбий чеккан заҳмат, эришган донишмандлик сабаб бўлган.

Бойбўри билан **Бойсари** исмдаги «Бой» олд қўшимчаси уларнинг шажараси кимлардан эканини кўрсатиб турибди. Бироқ эътибор қилсак, Добонбий, Алпинбий саналиб, кейин икки жуфт исм саналяпти. Бу бежизгами?

Фолкьлорда эгизаклар тушунчаси мавжуд. Ҳар иккала исм ана шу эгизаклар ҳақидаги тушунчанинг маълум даражадаги бадиий талқинидир. Одатда эгизаклар ҳақидаги мифологик тасаввурда эгизакларнинг бири катта, иккинчиси кичик бўлади. Она уруғчилик билан боғлиқ тасаввурлар устувор қонуният кашф этилаётган даврда урғу кўпроқ кенжага берилиб, кўп ҳолатларда бевосита она билан боғланади. «Кенжа ботир», «Учинчи ўғил» каби эртаклар, «Алибек билан Болибек» достонлари бунинг ёрқин мисолидир.

Фақат бу ерда урғу Бойсарига эмас, аксинча Бойбўрига қаратилган. Алпомишнинг ҳам Бойбўрининг фарзанди экани бежизга эмас. Демак, бу достонда ота уруғчилик билан боғлиқ тасаввурлар бўй кўрсата бошлаганидан далолат беради. Бироқ достоннинг бошқа, жумладан, Барчин, Қалдирғоч, Сурхайл кампир, Товка ойим образлари талқини шуни кўрсатадики, достонда она уруғчилиги билан боғлиқ тасаввурлар ҳам ҳали барқарор турибди.

Алп – қаҳрамон туғилишидан олдин ота-онасининг фарзандсизлиги аслида рамзий маънога эга бўлиб, гап бу ерда салтанатни

мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна бирлаштирадиган янги авлод – Алпнинг туғилиши ҳақидадир.

«Алпомиш» достонида миллатнинг бўлиниши, парокандалиги Бойсарининг қалмоқ элига кўчиши орқали ифодаланади. Зеро, туркий халқлар тарихнинг маълум бир даврларида улкан салтанат, ҳокимият ва чексиз ҳукмронликка эга бўлган. Ўзаро бўлинишлар, урушлар ва бошқа сабаблар туфайли бу буюк салтанатга путур етган. Сўнгра халқни, миллатни бирлаштира олган Алпомишга ўхшаш янги авлод – Алплар туғилиб, туркий халқларнинг тарих саҳнасидаги олдинги юксак мавқеи яна қўлга киритилган. Худди шу воқеаларнинг бадиий ифодаси «Алпомиш»нинг асл моҳиятини ташкил этади.

Эътибор қилсак, «Алпомиш»да Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонни фақат Ҳакимбек ота олади. Алплик камонининг кўлда занг босиб ётиши ундан олдинги авлод ўз вазифасини охиригача бажара олмаганидан далолат беради. Бундай вазифани янги авлод – Алпларгина охирига етказади.

Эпик ижоддаги алплик тизимига турлича ёндашув мавжуд. Хорижлик олимлар Лорд Раглен, Карл Райхл, Ожал Ўғзулар ўз тадқиқотларида «Қаҳрамонлик қолипи», ўзбек фольклоршунослари эса «алплик тизими» деган атамани ишлатади. Яъни фольклордаги қаҳрамон шунчаки қаҳрамон эмас, балки унинг жасорати, мардлиги, қаҳрамонлигини бўрттириб турадиган жиҳатлар мавжуд. Бу жиҳатлар достонларда эпик қолип шаклида келади. Яъни, қаҳрамонлар маълум бир тизимга амал қилишади. Бундай мисолларни яна кўплаб келириш мумкин.

Достоннинг илк жумласидаёқ аждодларимизнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ тасаввурлар мустаҳкам ўрин олган. Демак, мазкур ҳолат достоннинг мифологик қатлами, юзага келиш даврига ҳам маълум даражада аниқликлар киритади. Бошқача айтадиган бўлсак, халқнинг кўп минг йиллик тарихи, тафаккур тарзи ҳақида жуда бой ва қимматли маълумотлар беради. Саволнинг иккинчи қисмига келсак, биз бугун миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни халқ оғзаки ижодисиз тасаввур эта олмаймиз. Фольклор миллий анъаналаримизнинг ўзагини ташкил этади. Бу анъана ва қадриятлар биринчи навбатда оғзаки ижодда куйланиб, улуғланиб келинган. Фактларга мурожаат қилайлик: Ҳеч бир эпосда халқимизнинг маиший ҳаёти, миллий қадрият ва урф-одатлари «Алпомиш» достоничалик кенг кўламда ўзининг бадиий ифодасини топмаган. Фарзанднинг туғилишидан олдин овга чиқмоқ, суюнчи олмоқ, фарзанднинг туғилиши, фарзандга исм қўймоқ, этагига солмоқ, бешик тўй, тўй масалаҳати, жарчи қўймоқ, чуфуррон тўй, тўёна бермоқ, аташтириб бешиккерти қилмоқ, иккинчи исм қўймоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, қалликка бормоқ, совчи қўймоқ, шартлашиш (кураш, кўпкари, пойга) куёвнавкар, тўққиз товоқ, куёв товоқ, ўтни айланмоқ, қиз яширди, вакил ота, вакилини бермоқ, чимилдиқ тутмоқ, ит ириллар, ойна кўрсатар, соч сийпатар, қўл ушлатар, куёв улоқ, юз очди, бақан ташламоқ, солим бермоқ, ўлан айтмоқ, ёр-ёр, келин салом каби турли хил одат ва

маросимларнинг «Алпомиш» эпосидан жой олиши муҳим аҳамиятга эга. Бу мавзу алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, эпосда маросим ҳеч қачон батафсил тасвирланмайди, балки, унинг муҳим нуқталари ўз аксини топган бўлади. Энг эътиборли жиҳати, маросим эпос тизимида сюжетни юзага келтириб, эпик характер касб этади. «Алпомиш» достонидаги Ҳакимбекка иккинчи исм берилиши билан боғлиқ халқа олиб ташланса, достон мазмунига жиддий путур етади. Демак, маросим, миллий қадрият ва урф-одатлар маълум маънода эпос сюжет халқасининг юзага келишига замин бўлиши билан бирга бевосита эстетик функция бажариб келади.

Жеймс Жойс ярми мазил, ярми чин аралаш мабодо Дублин шаҳри ер юзидан йўқолиб кетса, менинг «Улисс» романимга қараб уни қайта тиклаш мумкин деган гапни айтган. Худди шундай бизда қадимий урф-одат ва аъаналаримизнинг унутилган узвларини «Алпомиш»га ўхшаш эпос матнига қараб тиклаб олиш имконияти мавжуд.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Наврўз байрами халқимиз хаётида нечоғлик муҳим ўрин тутишини ўзингиз яхши биласиз. Мамлакатимиз мустақиликка эришгандан кейин бу байрам тамомила янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Ҳар гал уни нишонлаганимизда қадимда унут бўлган қайсидир узви қайта тикланиб, янгича талқин этганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу узвларнинг қайта тикланишига халқ ижоди намуналари – достон, эртак, қўшиқ, мақол-маталлар, халқ ўйинлари асос бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

– Халқ достонлари бир қарашда инсоннинг инсонга муҳаббатидан ўсиб чиққандек туюлса-да, унинг замирида даҳо ижодкорнинг ўз халқига ёки халқнинг ўз қадриятларига бўлган садоқати, ҳурмати мужассам топади. Замон эврилишлари, инсонларнинг фикрлаш тарзидаги ўзгаришлар халқ достонларига таъсир кўрсатиши мумкинми?

– Тўғри айтасиз, халқ достонлари энг аввало оила тотувлиги, ишқ-муҳаббат, ёрга садоқат, шахс тарбияси, юртга муҳаббат ҳақидадир. Достонларда ишқ-муҳаббат, инсоний муносабатлар, оила мавзуи муҳим ўрин тутади. «Алпомиш» достонида бир оила тарихи асосида бутун бир уруғнинг, миллатнинг тарихи ҳикоя қилинади. Турли хил сабаблар туфайли парчаланиб кетган миллат оғир синовлардан сўнг яна қайта бирлашиши, оила бахти, миллатнинг, юртнинг ор номуси, шону шавкати учун кураш қаҳрамонлик эпосининг бош ғоясини ташкил этади.

Маълумки, шўро тузуми даврида бизга Шарқда ҳамиша аёлларни тутқунликда сақлаб келишган, уларнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳеч қандай ўрни бўлмаган ва ҳоказо дея уқтириб келишди. Археологик топилмалар, қадимги битиклар, халқ достонлари эса бунинг аксини урғулайди.

Европада этрусклар маданияти устида иш олиб борган олимлар қизиқ бир фактга дуч келишади. Ҳали Ғарбда демократия деган тушунча бўлмаган, аёллар ҳеч қандай ҳуқуқга эга бўлмай, уйда эрларининг қули бўлиб турган бир пайтда, Ғарбликлар наздида, Европага бегона ва ёввойи халқ деб

ҳисобланган этрускларнинг саройларидаги кўплаб қадимий деворларда юксак мавқега эга бўлган аёл суратлари тасвирланган. Бу суратларни таҳлил қилган археолог ва тарихчилар эртруск маданиятида аёлнинг ўрни оилада ҳам, жамиятда ҳам эркаклар билан баравар бўлган, кўпгина давлат ишларини бевосита аёллар бошқарган деган хулосага келишган. Гарчанд баҳсли бўлсада, этрускларнинг келиб чиқишини, Европага бориб қолишини туркий халқлар тарихи билан боғлашади.

Юртимизда топилган археологик топилмаларда ҳам айнан аёл тасвирланган санамлар кўплаб учрайди. Халқимизнинг куй-қўшиғи, мақол-матали, алқовида аёл нечоғлик улуғланганини ким билмайди, дейсиз? «Алпомиш» достонининг бир ўрнидан Барчин: Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири, – дейди.

Бир қарашда бахшининг шунчаки бадиҳагўйлигидек кўринган ушбу бир мисра, халқимизнинг тафаккуридаги эврилишларга ойдинлик киритади. Қадимги битикларда ҳам «хотун» сўзига алоҳида урғу берилиши, ҳурмат ва иззат билан тилга олинади:

«Отам Хоқон ўлганда, иним Култегин етти ёшида Умайдай онам хотун бахтига иним Култегин эр деган ном топди» ёхуд ***«Отам Элтариш хоқонни, онам Эл билга хотунни тангри ўз мартабасида тутиб, юқори кўтарган экан»,*** – дейилади Култегин битигида.

Эътибор қилсак, битикда ҳам, достонларимизда ҳам она (аёл) ва хотун сўзлари ёнма-ён қўлланилади.

Хотун сўзи туркий халқлар эпосида бир титул, бир унвон маъносида келадики, шунинг учун у ҳамиша «алп», «бек», «хон», «тўра» каби сўзлар билан баравар қўлланилади. Бу эса «хотун» оддий бир калима эмас, юксак бир унвон, улкан мартабани ифодалашидан дарак беради.

Халқ достонлари асрлар давомида авлодан-авлодларга мерос қолиб келаётган санъат. Унинг қат-қатида ибтидоий даврлар билан бир қаторда, анимистик, шомонлик, ислом маданияти ва шунинг билан бир қаторда достон ижро этилаётган даврдаги тасаввурлар ҳам қоришиқ ҳолда келишини кузатамиз. Достонларимиз шу даражада серқатламки, ундан тарихнинг истаган бир даврга оид у ёки бу маълумотларга дуч келасиз. Сиз айтганингиздай замон эврилишлари, халқимизнинг тафаккур тарзидаги ўзгаришлар босқичма-босқич, бетакрор метафора ва тимсолларда ўзининг бадиий ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

– Маълумки, қадимий афсона ва ривоятлар неча замонлардан бери ижод аҳли учун тенгсиз илҳом манбаи бўлиб келади. Биргина юнон афсоналарини олайлик. Буюк Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонларига асос бўлган мазкур афсоналар айни пайтда Эврипид, Софокл ҳамда Эсхил сингари оламшумул фожианависларнинг беназир асарларига мавзу берган. Умуман олганда, дунё адабиёти, санъати ва фалсафаси ривожи дунё мифологияси билан чамбарчас боғлиқ. Шундай эмасми?

– Бизга маълумки, санъат ва мифнинг тили битта – рамзларга асосланади. Ҳар иккаласини ҳам рамзларни шарҳлаб ўрганиш мумкин.

Момоқалдироқни найза дея тушуниш бу мифларни яратган ибтидоий аждодларимиз учун ташбеҳ эмас, шундай тушунилган, қабул қилинган. Халқ оғзаки ижодини тадқиқ этувчи бундай метод мифларни, рамзларни шарҳлашни инсон руҳиятини тадқиқ қилиш билан бирга қўша олди. Гарчи ушбу метод ягона бўлса-да, мифлардаги рамзларни шарҳлашда ҳар хил қарашлар дунёга келди.

Миф – инсоннинг фақат ўтмиши, аждодларнинг хаёлпарастлиги эмас, балки уларнинг кайфияти ва ўзи англаб етмаган, бироқ мияда сингиб ётган кечинма ва таассуротларидир. Мифга аждодларнинг жўн хомхаёллари ёки чўпчаклари сифатида эмас, инсон руҳиятининг инъикоси сифатида қараш зарур, шу сабабли ҳам миф ўтмиш садоси эмас, у кеча, бугун ва эртанинг мужассами, инсон руҳиятининг манзарасидир. Миф одам билан бирга яшайди, одам яшар экан у ўзича миф яратади. Бироқ ҳамма ҳам ўз мияси яратган мифни «ўқийвермайди».

Америкалик олим Эрих Фромм ҳамма билиши шарт бўлган умумий тил – рамзлар тили миф, умуман бадииятни шарҳлашда энг зарур ва ягона воситалардан биридир, дея таъкидлайди.

Аждодларимиз бугун ибтидоий давр, деб баҳо бериладиган пайтларда бизга қараганда юз карра шоирроқ бўлганлар. Минглаб йиллар аввал аждодларимизнинг тафаккур тарзи «поэтик мушоҳада» тарзида эди: улар ҳаётлари ва табиатдаги ҳар бир нарсани тасаввур қилган тушунчаларнинг рамзи сифатида қабул қилардилар. У пайтлар Осмон, сув, кўкат, қуёш, ой, ёруғлик ва зулматнинг жони бор деб тушунилган; қуёш ўрнини тун эгалларкан эзгулик ва ёвузлик кураши кетяпти деб ўйлашган.

Адабиётда мифологик тасвирга эҳтиёж ҳеч қайси замонда пасаймаган. Алишер Навоий асарларининг асоси мифга қурилган. Буюк шоир мифга ўз ғояларини, инсон ҳақидаги тадқиқот ва таълимотини сингдирди.

Миф ва адабиёт мавзуси ёзма ижод пайдо бўлгандан буён файласуфлар, олимлар, шоирларнинг энг қизғин мунозара майдони бўлиб келган. Мифнинг адабиётга таъсирини аниқловчи, таҳлил қилувчи турли туман оқимлар пайдо бўлди; бу оқимларнинг бир қисми адабиётни реал ҳаётга, реал тасаввурларга яқинлаштириш, ундан мифологик тасаввурларни суриб чиқариш тарафдори бўлса, бир қисми адабиётни мифга яқинлаштириш масаласини кўтардилар. Инсоният ақли мифдан, мифологик оламдан аждодларнинг илк хаёлий дунёсидан қанчалик узоқлашиб ва тараққиёт зиналаридан кўтарилган сайин бу мавзу яна ҳам қизғинроқ тус олди. Юксак техника тараққиёти асри бўлган XX асрда ҳам физика ва химиянинг ютуқларига қарамай мифология яна адабиётнинг асосий мавзусига айланди. Дунё адабиётининг дурдоналари ҳисобланган «Улис», «Ёлғизликнинг юз йили», «Қўрғон», «Юсуф ва унинг биродарлари», «Педро Парома», «Ғазаб ва Шовқин» каби асарлар миф адабиётдаги янгилашни, унинг имкониятларини кенгайтириш, янги поғонага кўтариши мифсиз содир бўлмаслиги аён бўлгач, миф ва адабиёт алоқаларини энди қуруқ сюжетлардан эмас, инсон психологиясидан излайдиган фан – психоаналитика юзага келди. XVIII–XIX асрдаги танқидий, романтик реализмларни ўзлаштирган, инсонни ўрганишда ўзигача бўлган бой

тажрибадан унумли фойдаланган XX аср адабиёти инсон дунёси ва руҳиятини таҳлил қилар экан, яъни у ўзигача бўлган адабиётлардан ҳам кўра, инсон руҳияти ва қалбига кўпроқ яқинлашар, уни тадқиқ этар экан, ана шу руҳият ва қалбда илк инсонлар дунёси каби мифологик тимсолларга дуч келди. Шундагина мифни фақат ифода усули, бадиийлаштириш воситаси сифатида эмас, балки инсонни таҳлил ва тадқиқ қилувчи поэтик тил сифатида қабул қилиш бошланди. Шу сабабли бугун миф ва адабиёт алоқаси ҳақида гап кетганда, бу алоқани фақат сюжетлаштириш ва тасвир усули, бадиийлик воситаси сифатида эмас, инсон руҳиятини акс эттирувчи поэтик тил сифатидаги ўрнига катта аҳамият бериш керак. Зеро, Томас Манн, Франц Кафка, Жойс каби адиблар асарларида биз илгари кўниккан параллел мифик сюжетлар эмас, балки ички ва ташқи оламдаги мифологик жараён моделининг яратилишига урғу қаратилган.

Умуман, XX аср адабиёти мифологияга янги муносабатни шакллантирди. Бу мифологияни тушуниш учун мифологияни талқин қилишда янги назарияни яратган психоаналитикларнинг инсон ва ижод жараёнлари ҳақидаги қарашларининг ўзиёқ мифологияни адабиётга, санъатга яқинлаштиради. Шу сабабли ҳам бизнинг асримизда адабиётда мифлар маълум маънода янгиланди ва инсон руҳиятига кириб борилган, унинг онг қатламлари кашф этилган, адабиёт ҳақиқий инсоншуносликка айланган сайин цивилизация янги бир чўпчак деб қараган мифга эҳтиёж шунчалик кучайди. Миф, айтиш мумкинки, бадиий ижодда услуб имкониятларини кенгайтирди, поэтик мушоҳадага эркинлик берди, уни фалсафий кўлам билан тўлдирди. Маълумки, миф оламнинг яралиши, хаоснинг космосга айланиши, тартибсизликларга тартиб берилиши, умуман, дунё ва инсоннинг яратилиши ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисидир. Хўш, бу тасаввурларнинг поэтик тасаввурга, асар поэтикасига қандай алоқаси бор?! Бу шу билан ифодаланадики, асарда ҳам мифдаги дунё каби ёзувчи дунёси яралади; яъни кенг олам ҳақида асарда фақат шу ёзувчига хос маълум ғоя сингдирилган ва шу ғояни ифода этилган дунё яралади. Ана шу кичик олам ёзувчининг катта олам ҳақидаги мифологик мушоҳадасининг маҳсули ўлароқ пайдо бўлади. Мифни шунчаки қайтариш, баён қилиш – бу ҳали ижод эмас. Ғарбда ҳам илғор адабиёт туғилишидан илгари мифларни шунчаки қайтариб ёки озгина ўзгартиришлар киритиб, мифологик руҳдаги асарлар эълон қилган ёзувчилар кўп бўлган, бироқ бу юксак бадиий адабиётнинг илк босқичи эди. Унинг юқори босқичи ёзувчи асарида, у яратган дунё моделида акс этади. Қадимги одамнинг дунёнинг яралиши, илоҳият, атрофни ўраб турган кучларнинг таъсирида туғилган тасаввури билан ёзувчи яратган дунё тасаввури ўртасидаги мантиқий боғлиқлик мифологияни поэтикага айлантиришдаги энг муҳим жиҳатдир. Мифлар инсоннинг коинотдаги ўрнига маълум маънода жавоб берган, жавоб топган. Адабиёт эса ҳалигача бу масалага тугал ойдинлик киритганича йўқ. Бугунги адабиёт ҳам инсоннинг ўрнини ва вазифасини (миссиясини) аниқлашга уринар экан, табиий равишда мифлар билан уйғунлашади ва мифологик тафаккур қонуниятларига амал қилади.

– Ҳар қандай афсона замирига (у қайси миллатга тегишли эканлигидан қатъи назар) муҳим ҳаётий мазмун яширинган бўлади. Шу боис адабий фаолияти давомида уларга мурожаат этган ижодкор кам бўлгани йўқ. Чингиз Айтматов ижоди бунинг яққол исботидир. Адибнинг «Асрга татигулик кун» романидаги манқурт ўғил афсонаси, Раймали оқин ва Бегимой ҳақидаги ривоят, «Оқ кема»қиссасидаги Шохдор она буғу ривояти ёки «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» қиссасидаги сув парилари, шамоллар эгаси ҳақидаги афсоналар ўқувчини шу асарларга мафтун қилиб қўяди. Замонавий адабиётимиз намуналари орасида ҳам шунга ўхшаш, фольклор ва адабиёт ўзаро синтезлашган асарларни кузатганмисиз?

– Сиз айтаётгандек адабиётдаги синтезлашув жараёни ҳеч бир даврда тўхтаган эмас, ҳали юқорида таъкидлаганимдек, у бир даврда чуқур ёки юзаки, паст ёхуд баланд бўлиши мумкин, холос. Бугунги шеъриятда ҳам, насрда ҳам биз бу ўзгаришларни, ижодий ўзлаштиришларни кўриб турибмиз. Бу жараён, албатта, ҳар бир ижодкорда ўз имконияти, қобилиятига яраша амалга оширилмоқда.

Назаримда ҳар қандай ижодкор, ҳатто фольклор ҳақида тушунчага эга эмасман деб ўйлаганларида ҳам, онги, шуурида фольклорий анъаналар яшайди. Ўз ижоди давомида айримлари билиб, айримлари билмай ҳам шу анъаналарга суянади. Яъни, бадиий ижод жараёнини биз фольклордан айро ҳолда тасаввур эта олмаймиз.

Шу ўринда мен бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Ҳақиқатан ҳам Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татигулик кун» каби асарларини ҳаммамиз севиб ўқиймиз. Айниқса, «Оқ кема» энг юксак мақомдаги бадиий асар билан бемалол беллашага оладиган, дунё адабиётининг энг нодир дурдоналаридан биридир. Мен ҳар гал бу асарни ўқиганимда, ёзувчининг маҳортига тан бераман. Қирғиз халқ тарихи, тафаккури, тақдири билан боғлиқ асотирларга шу даражада чиройли сайқал берилганки, ундаги ҳар бир жумла, ҳар бир тимсол сизнинг руҳиятингиз таъсир этмай қолмайди. Бироқ, ёзувчи кейинги асарларида ўз халқининг эмас, балки бошқа халқларнинг мифларига бадиий сайқал беришга уринди. Аммо, бу албатта менинг шахсий кузатишим, олдингидай муваффақият олиб келмади. Бунинг сабаблари кўп, лекин энг муҳимларидан бири шуки, ижодкор қайси халқининг вакили бўлса, унинг руҳиятида, шуурида, тафаккурида, бошқача айтадиган бўлсак, онг ости кечинмаларида ўша халқнинг урф-одат, анъана, қадриятлари, бадиий тимсоллари тайёр кодлар шаклида турган бўлади. Чунки у ўша муҳитда ўсган, тарбия олган, шу тилда тили чиққан, «ғайб олами» билан ҳам шу тилда «гап»лаша олади. Ўз муҳитингиздан узоқлашсангиз, билингки, сизни кўк билан кўринмас иплар билан боғлаб турувчи макондан узоқлашган бўласиз. Кейин минг уринманг, сиз уни қайтиб топмайсиз, бошқа бегона муҳит эса сизни барибир ўзидан итариб тураверади. Ижодкорлик ўша йўқотилган, бой берилган, яширинган, бошқалар кўролмаган кодларни – миллий тимсолларни топиш ва бугун учун ҳикматга айлантира олишда кўринади. Ижодкор қандай жанрда ижод қилишидан қатъи назар у қайси заминда, қандай маънавий

маконда турганини, нимадан руҳий қувват олаётганини, тепиб турган юрак қони қандай аждодларга бориб туташишини унутишга асло ҳаққи йўқ.

– Инсон келажакка интилиб яшар экан, ҳаёт интиҳоси ҳақидаги ўйлар уни гоҳ ошкора, кўп ҳолларда эса пинҳона мушоҳадага ундайди. Шубҳасиз, инсон учун интиҳодан кўра ибтидо сирлироқ. Шунинг учун фан-техника оламидаги оламшумул кашфиётни осонгина «ҳазм қиламиз»-у, афсонавий Ҳеракл, Ясон, Ахиллес ёки Али бобо ва қирқ қароқчи ҳақидаги фильмларни ҳайрат билан кўрамиз. Ўрни келганда, миллий фольклор тарғиботи ҳақида... Ўзбек халқ фольклорида юнон ёки рим афсоналаридан қолишмайдиган, аксинча улардан бир қадар устун турадиган афсона, ривоятлар бисёр. Лекин уларни жаҳонга олиб чиқиш у ёқда турсин, ўз халқимизга ҳам тузукроқ таништира олмаётгандекмиз...

– Бу ўринда мен сизнинг фикрларингизга қўшила олмайман, деб ўйлайман. Миллий фольклор тарғиботи борасида ҳеч ҳам нолийдиган жойимиз йўқ, айниқса, ўзбек фольклорини дунёга танитиш борасида. «Алпомиш» достонининг ўзи мустақилликдан кейин рус, инглиз, немис, турк, уйғур тилларига таржима қилинди, Германия, Туркия, Хитой, Финландияда нашр этилди. Анқарада ўндан ошиқ ўзбек достонлари ўзбек ва турк тилларида чоп этилди, яна қирққа яқин достон нашр жараёнини кутмоқда. У ерда ўзбек эртак, достон, афсона ва ривоят, қўшиқ, мақол-маталлари борасидаги ҳамкорликдаги изланишлар давом этмоқда. Бу тадқиқотлар чоп этилиб, илм аҳлининг эътироф ва ҳавасига сабаб бўляпти. Ўзбек фольклоршунослари дунёнинг кўплаб мамлакатларида анжуманларда иштирок этиб, долзарб мавзуларда маърузалар ўқиб келмоқда. Кечагина биз бирон-бир хорижлик олим билан танишишни ўзимизга шараф деб билган бўлсак, бугун хорижлик мутахассислар ўзбек фольклоршуносларининг илмий қарашларига суяниб тадқиқотлар олиб боряпти, уларнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўляпти. Фольклор асарлари асосида мультфильм, кинолар ишланяпти, мунтазам телекўрсатувлар ташкил этилган.

«Ўзбек фольклори ёдгорликлари»нинг юз жилдлигини чоп этиш борасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Бу улкан мероснинг яхлит ҳолда чоп этилиши ўйлайманки, республикамиз маънавий ҳаётида эришилаётган энг улкан ютуқлардан бири бўлади. Тўғри, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бироқ бунга аста-секинлик билан эришилади. Ҳар ишнинг ўз вақти соати бор.

– XXI аср фарзандларига «Алпомиш» ёки «Гўрўғли»ни ўқитиш методлари ҳақида нималар дея оласиз? Кези келганда эртак ўқимайдиган болаларда достонга қандай муҳаббат уйғотиш мумкин?

– Жавобни саволнинг кейинги қисмидан бошласак. Менинг назаримда айбни болалардан эмас, катталар ўзларидан излаши керак. Агар катталарнинг ўзи эртаклардан узоқлашмаган бўлса, болаларнинг келажагидан хавотирланишга ўрин йўқ: олманинг тагига барибир олма тушади. От айланиб яна қозиғини топади. Гап фақат ўша қоқилган қозиқнинг нечоғлик мустаҳкамлигида.

Китобнинг қандай шаклда ўқилиши эмас, балки уни ўқишга, ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги муҳим. Бир пайтлар ҳамма нарса оғзаки тарзда бўлган. Юқорида айтганимдай, эртак ҳам, достон ва қўшиқлар ҳам оғзаки тарзда ижро этилган. Оғзаки ижод намуналарининг нашр этилиши ўз вақтида бу санъатни тамоман сўндиради деб қаралган. Бироқ, китоб ҳолида чоп этиш жараёни қайсидир даражада халқ ижодининг янада оммалашишига, яшаб қолишига ҳам хизмат қилмоқда.

Бугунги замоннинг шиддати тез, шунга яраша талаб ва имкониятлар ҳам кенгаймоқда. Бугун фарзандларимиз ўз ҳаётларини замонавий технологияларсиз тасаввур қила олмаётган экан, уларнинг талабларини ҳам инобатга олишимиз зарур бўлади. Қани эди юзлаб эртакларимиз, ўнлаб достонларимиз асосида ишланган мультфильм, кинолар, компьютер, уяли телефон ўйинлари, электрон дастурлар ишлаб чиқилса?! Халқ ўйинларидан тортиб, эпос ижросигача барча оғзаки ижро жараёнининг аудио, видо тасвирларини истаган дўкондан харид қилиш имконияти бўлса?! Бу бугун эҳтимол бироз хом хаёлга ўхшаб туюлар, бироқ албатта, шунга келамиз. Чунки, халқ бўлишнинг, буюк бўлишнинг, глобаллашувнинг шафқатсиз талотўпида ўз исми ва руҳи билан яшаб қолишнинг талаби шу. Бунинг учун бизга ҳамиша фольклор ёрдамга келади, фольклор қутқаради.

«Алпомиш», «Гўрўғли» каби халқ достонларини ўқитиш масаласига келсак, бир томондан эришган ва эришаётган ютуқлардан фақат қувониш мумкин, бошқа томондан олганда биз ҳали ҳам достонларни чўпчаклар сифатида талқин қилишда, шундай сабоқ беришда давом этяпмиз. Усулни ва услубни янгилаш керак, фольклордан чўпчак эмас, фикр ва ҳикмат излаш керак. Чунки у азал ва абад ҳақидаги энг буюк ҳикматдир.

– Кўп йиллардан бери «фольклор» деб аталмиш беғубор, завқли, сирли оламда умргузаронлик қиласиз. Суҳбат якунида журналхонларга шу оламда эришганларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Болалигимда қачондир келиб фольклорчи бўламан, деб орзу қилмаганман. Ҳаётдаги оддий тасодиф, устозларнинг эътибори ва меҳри туфайли шу томонга юз бурдим. Бироқ, энди ўйлаяпманки, халқ ижоди томон юзланиш тасодифий бўлмаган, бу тақдир бўлган. Отам диний билимга эга бўлиш билан бир қаторда дўмбирани яхши чертарди. Момом топишмоқ, мақол-маталларни, онам эса халқ қўшиқларининг кўпини ёддан биларди. Мен ўсган қишлоқда биронта тўй-ҳашам бахшиларнинг иштирокисиз ўтмасди. Тандирдан ёпилган нондан тортиб, уйдаги ҳар бир жиҳоз, уларнинг ранги, безаги аслида фольклор билан боғлиқ бўлган. Биз моҳиятини англамаган бўлсак ҳам фольклор ичида яшардик, у билан нафас олардик, дунёни унинг кўзи билан кўрардик. Биз шундай муҳитда ўсдик. Дейлик, хорижликлар юзлаб китобларни титкилаб англайдиган нарсалар бизга болаликдан таниш, тушунарли, таъбир жоиз бўлса қонимизга сингдирилган эди. Мен буни энди-энди англаяпман.

Ютуқларга эришиш борасига келсак, ҳали қойил қиладиган, ғурурланадиган бирон нарсани дўндирганимизча йўқ, деб ўйлайман. Бор-йўғи, фольклор деб аталган сирли, мафтункор олам сари юзланиб турибмиз,

холос. Мен англаган нарса шуки, биз оёқ қўйиб турган тупроқ заррасидан тортиб, таъбир жоиз бўлса нафас олаётган ҳавомизгача, фарзанднинг туғилишидан то инсонлар ёшини яшаб, ошини ошаб вафот этгунга қадар бўлган барча жараёнлар, маросимлар, яшаш тарзимиз, онгимиз, фикримиз, тилимиз, куйимизу қўшиғимизгача барчаси айтилган-айтилмаган, тўқилган тўқилмаган, ёзилган-ёзилмаган фольклор. Бизни фольклор ўраб турибди, заминимиз ҳам фольклор, осмонимиз ҳам. Олам ва ҳаётнинг ўзи фольклор. Фақат уни бахшилар ва ижодкорларга ўхшаб ўқий олишимиз керак. Дунёвий билимлар, адабиёт, умуман ҳар қандай санъат эшигига йўл мана шу миллий бойликни англашдан, ўзингга, руҳиятингга сингдиришдан бошланади. Халқимизнинг ўзидай содда, ўзидай донишманд, улуғ ва боқий бу мерос ўзбек деган номни ҳар ерда ва ҳар доим улуғлаб тураверади. Чунки, фольклор деб аталган мерос халқнинг ҳамиша уйғоқ ва боқий тарихидир.

Суҳбатдош Гулноз МЎМИНОВА.
«Ёшлик» журнали

ИЖОД – ИНСОН ҚАЛБИНИНГ КЎЗГУСИ

– Кейинги пайтларда миф, мифологик тафаккур, унинг санъат, жумладан бадиий ижодга таъсири ҳақида кўп гапириляпти. Фолклоршунос олим сифатида жаҳон модерн адабиётида мифологик тасаввурлар устунлик қилаётганини қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

– Бу ҳақида илгари ёзганман. Уларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Фақат шуни айтмоқчиманки, инсон яшар экан, аждодлардан мерос бўлиб келаётган анъана, шу жумладан мифологик тасаввурлар ҳам биз билан бирга яшайди. Онгимиз, тафаккуримизнинг қайсидир томирлари ўша олис тушунчаларга туташган бўлади. Инсон руҳиятининг кўзгуси бўлган адабиёт эса бу жараённи акс эттириши табиий. Доим шундай бўлган. Сўнгги юз йилликда фольклорга бўлган эътибор кўчайди. Дунёни, инсон ботинини янгидан идрок этиш учун ҳам мифологик тасаввурларга эҳтиёж пайдо бўлди. Бадиий ижодда янгича метафаро, янгича тимсол, ўзгача тахайюл учун кураш бошланади. Бу кураш, янгиланишларда фольклор асос пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Биз деярли ҳар куни туш кўрамиз, турли образ, воқеликка дуч келамиз. Аслида бу бизни ғайб олами билан, боболардан мерос келаётган қадим тасаввурлар билан туташтириб турувчи бир кўприк. Сиз айтаётган жаҳон модерн адабиёти вакиллари миф ва туш ҳодисаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканини, инсон олис замонлардан то бугунга қадар табиат, ўз қалби билан шу тилда гаплашишини илғашди, бу инсон руҳияти томон тўшалган энг ойдин йўллардан бири эканини англашди.

Ж. Жойс, Ф. Кафка, Х. Л. Борхес, Хуан Рулфо, Г. Г. Маркес ва бошқа адибларнинг хизмати шундаки улар худди шарқликларга ўхшаб манзилга ҳамма юраверіб, барчага бешқўлдай аён бўлиб кетган йўлдан эмас, балки ҳар бир инсон имкон қадар ўз сўқмоғи, ўз йўлидан юриши зарур эканлигини ғарбликларга уқтиришди.

Мен учун фольклор ҳамма нарса. Ибтидонинг бошланиши, хаоснинг космосга айланиши, тартибсизликларга тартиб берилиши, жамики гўзалликнинг аввали, халқнинг ўзидай оддий, бироқ халқнинг ўзидан буюк бўлган санъатнинг бешигидир.

Фольклордан хабардорлик худди қўлингизга сеҳрли калит тутқазгандек бўлади. Сиз бу калит билан исталган санъат қўрғонининг дарвозасини осонгина очиб кетаверасиз. Ижодкорлар бундан ўрнида фойдаланишяпти экан, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Зеро, қайси тур, қайси жанр бўлмасин ижод – инсон қалби ва руҳиятининг кўзгусидир.

– Расм, қўшиқ, бадиий адабиёт – бари санъат. Шу баробарда бадиий таржима ҳам. Ўзингизни таржимачиликда синаб кўришингизга нима туртки бўлди: кўнгил майлими ёки таклиф, тасодиф?

– Дастлаб оддий тасодифдан бошланган. Ҳарбий хизматдалик пайтим Иван Буниннинг «Танланган асарлар»и тасодифан қўлимга тушиб қолди. Китобдаги куз ва ўрмон ҳақидаги шеърларини ўзимча таржима қилгандим. Ватанда узоқда, олис Украинанинг кимсасиз ўрмонида, кеч куз пайти бу

шеърлар руҳиятга жуда бошқача таъсир қилган. Бу шеърларнинг русчаси ҳали ҳам ёдимда турибди, таржима эса унутилиб кетди. Демак, унчалик яхши таржима бўлмаган.

Журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимиз Ғайбулло Саломов, Нажмиддин Комилов каби устозлардан таржима назарияси тўғрисида сабоқ олганмиз. Адашмасам, чинакам ҳавас шунда уйғонган. Талабалик пайтимда Ясунари Кавабата ва Лотин америкалик адиб Хуан Рульфонинг кичик ҳикояларини таржима қилишга уриниб кўргандим. Айримлари ўша пайтда мутбуотда эълон қилинган.

Мен учун ёзувчи қайси миллатга мансублиги эмас, муҳими унинг асари, матн бадиияти ўзига ром қила олиши керак. Назаримда бирон-бир асарни таржима қилишда шунга мос бир кайфият, етарлича билим, савия ва қайсидир даражада руҳиятда яқинлик бўлмаса, таржимон шу яқинликни ҳис қилмаса, яхшиси, таржимага қўл урмагани маъқул.

Ким буни қандай тушунади, билмайман, бироқ мен таржимани ўзим учун қилганман. Кайфиятим, ҳолатим шуни тақозо қилган. Бирон-бир асар ўқувчи талабини инобатга олиб ёзилиши ёхуд таржима қилинишини маъқулламайман. Чунки, адабиёт бозор эмас, таклифга қараб иш кўрадиган. Таржимон ҳам ўзига маъқул келган, тафаккурини бойитган, руҳиятига таъсир қилган асарни таржима қилади. Ўзига маъқул бўлганни бошқалар билан баҳам кўради.

– Яқинда «Жаҳон адабиёти» саҳифаларида сизнинг таржимангизда Сэмюэл Беккетнинг «Годони кутиш» пьесаси чоп этилди. Абсурд адабиёти намунаси ўлароқ мазкур асар сиз айтгандек «воқелик ва хаёлот уйғунлиги» маҳсулими? Умуман олганда, абсурд адабиёти ўқувчига нима беради?

– Сэмюэл Беккет асарлари таржимаси ҳақида кўпдан буён ўйлаб юрардим, бироқ ҳеч имкон топа олмасдим. Беккет биз учун тамомила бегона, янги бир ҳодисага ўхшаб туюлади. Янги ҳодисалиги ҳақиқат, бироқ бегона эмас. Менинг назаримда Беккет ижодидан қизил ип бўлиб ўтган нарса бу рамз ва метафора. Мазмун ва шакл мутаносиблиги, яъни структурада ўзига хослик бу абсурд адабиётнинг моҳиятини ташкил этади.

С. Беккетнинг пьесаларида ҳар бир сўз рамз даражасига кўтарилган. Ёзувчи шунга эришган. Ғарбда Беккет ижоди борасида кўплаб фикрлар билдирилган. Бироқ менинг назаримда Беккет ижоди фольклордан озиқланади. Фольклордаги рамзлардан яхши хабардор бўлган ўқувчи унинг асарларини қийналмай ўқий олади. Фольклорда томоша санъати деган жанр бор. Бу томоша санъати намояндалари асосан кўча-кўйда ҳар хил қизиқчилик, масхарабозликни ўзининг ичига олган, катта фалсафий мазмун ва моҳиятга эга томошларни намойиш этиб юришган. «Годони кутиш»ни таржима қилаётиб яна бир бор шу томошалар кўз ўнгимдан ўтди, қайсидир даражада таржимада ёрдам берди.

Таъкидлашганларидек, «худди ҳаётнинг ўзидагидай қилиб, айнан» тасвирлашни бадиий ижод намунаси, деб қабул қила олмайман. Оддий публицистика билан бадиий ижоднинг фарқига боришимиз керак. Воқелик ва

санъат уйғунлиги бўлган асарларгина бадиий ижод намунаси бўлади деб ўйлайман. Шу маънода Абсурд ижод маҳсули деб қаралаётган Сэмюэл Беккет каби адибларнинг асарлари ҳатто энг нозик дидли китобхоннинг талабларга жавоб бера олади, деб ўйлайман.

– Ғарб модернизмию Шарқ мумтоз шеъриятига қўл уриш таржимондан замон ва макон чегараларини ёриб ўтиш, руҳий тайёргарлик, маҳорат талаб этиши сир эмас. Япон хоккулари ва абсурд асар. Иккисига-да руҳий яқинлик ҳис қилиш мумкинми? Таржимада сиз эътибор бергувчи нуқта нимада?

– Япон адабиётига қизиқиш талабалик давримдан бошланган. Талъат Солиҳов, Хуршид Даврон, Олим Отахоновлар бизнинг қалбимизда бу адабиётга нисбатан катта ҳавас уйғотган.

Воқеликка муносабатда ҳоккулар билан абсурд асар ўртасида катта фарқ кўрмайман. Ҳар иккаласида ҳам воқелик бадиий тарзда, рамз ва тимсоллар орқали, фақат ўзига хос тарзда ифода этилган. Воқеликни ифода этиш тарзида, услубда, жанрда фарқ бор.

Беккет рамзлар воситасида бизни шафқатсиз воқелик ичига олиб кирса, Япон ҳоккулари инсон қалбида кечадиган некбин кечинмалар борлиқ олам, биринчи навбатда табиат билан уйғунликка эга эканлигини тимсоллар орқали урғулайди.

– Япон танкаларига мухлислик Рауф Парфидан мерос. Бешликларни ўқирканман, уларда ҳеч нима йўқдек ва бутун маъно уларда мужассамдек туюлади. Муҳиб бўлмай туриб мутаржим бўлиш мумкин эмас. Хоккуларда ўзингизни кўрасизми?

– Ўзингиз яхши биласиз, хокку тасаввурга туртки берадиган, уни ўқиган ҳар бир ўқувчининг қалбида ўзгача кечинма уйғотадиган шеърий жанр. Хоккуни ўқиётган ўқувчи шунчаки ўқувчи эмас, ундаги ҳар бир образ ва кечинмани ўзича қабул қилиб, ўзи ҳам унинг яратувчисига айланади. Яъни, хоккудаги шоир кечинмалари ўзга қалбга кўчиб ўтади, янги кечинма ва туғёнлар ҳосил қилади. Шунинг учун ўйлайманки, хоккуни ўқиган ҳар ўқувчи ундан ўз руҳияти, оний лаҳзадаги кечинмасига мос уйғунликни топа олади. Фақат, қачонки ўзи бунга тайёр бўлса. Акс ҳолда хокку ҳеч бир бадиий қимматга эга бўлмай қолади.

Балки бу гапларим бир оз муболағали бўлиб туюлиши мумкин, бироқ хоккуларини таржима қилиш жараёнида япон назмидаги шеърий ифода бизнинг халқ қўшиқлари, айниқса воқебанд қўшиқлар деб аталувчи турга жуда яқин эканлигидан ҳайратга тушганман. Кўпгина олимлар қўшиқларда воқелик бўлмайди, деб урғулашади. Бироқ халқ қўшиқларининг таҳлили бунинг тескарисини урғулайди. Бизнинг халқ қўшиқларидаги ой, қуёш, юлдуз, ўсимликлар ва ҳайвонат олами билан боғлиқ рамз ҳамда ранглар талқини япон шеъриятини англашда бизга қийинчилик туғдирмайди.

– Сизни адабиёт оламига, тадқиқига кирган бир талай ёшлар ўзларига устоз деб билишади. Сиз ўзингиз таржима бобида кимни бу рутбада кўрасиз?

– Мустақиллик йилларда адабиётимиз, айниқса таржимашунослигимиз борасида улкан ютуқларга эришилди. Зеро, ҳеч бир адабиёт фақат ўз ички имкониятлари эвазигагина тараққий топмайди. В. Шекспир асарларининг кўп томлиги, Жалоллиддин Румий асарлари, Г. Г. Маркес, Ф. Кафка, Ж. Жойс асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Бу асарлар шунчаки асарлар эмас, дунё адабиётида ўз ўрнига эга, китобхоннинг диди, савиясини жуда юксакларга олиб чиққан асарлар ҳисобланади. Бу таржималарнинг ҳар бири юзлаб суҳбатларга мавзу бўла олади.

Мен таржима борасида фалончига шогирдман, деб айта олмайман. Бироқ Иброҳим Ғафуров каби адибларимизнинг таржималари менда ҳамиша ҳайрат ва ҳавас уйғотган. Ҳали-ҳали эсимда талабалик пайтим «Жиноят ва Жазо»ни ўқиб бу жумлаларни ўзбек ёзувчиси ёзган бўлса керак, деган хаёлга борганман.

«Илоҳий Комедия» ёки Сергей Есенин шеърлари, «Денгиз япроқлари» китоби, ўйлайманки ҳар қандай таржимон ибрат оладиган таржималардир.

Жаҳон адабиётининг бирон-бир дурдонаси таржима қилиниши мазкур асарни танитибгина қолмайди, балки она тилнинг ифода имкониятларини кенгайтиради, тасаввурни чуқурлаштиради, дидни юксалтиради.

– Тилни билганки одамнинг таржимага ўзини уриши бу боғни чўллатиб қўймайдими? Бу йўлда ҳам меъёр-ўлчов жоизмикан?

– Юқорида айтганимдек таржимашуносликда бизда катта бир мактаб яратилганига қарамай, Ғайбулло Саломовдан кейин қилинаётган таржималар адабиётшунос олимларнинг эътиборидан четда қолиб келяпти. Бизнинг адабиётда катта воқеликка айланган таржима асарлар ҳали ўз баҳосини ололганича йўқ. Худди шундай, энг заиф, энг ночор таржималар ҳам.

Тил билиш бу ҳали таржима қила олиш дегани эмас. Афсуски, кўпгина таржимонларимиз хориж тилини нисбатан яхши билганлари ҳолда, ўз она тилини яхши билишмайди. Шунинг учун айрим таржималарда ўзбек тилининг жозибасини сезмаймиз.

Бугун хориж тилларидан тўғридан-тўғри таржима қилиш анъана тусини оляпти. Бу жуда қувонарли ҳодиса. Чунки, асл матндан қилинган таржима иккинчи тил орқали қилинган таржимадан тамомила фарқ қилади. Бироқ бугун кўпгина асарлар хориж тилидан пала-партиш ҳолда таржима қилиняпти. Биринчидан, бу асарларнинг барчаси ҳам ўзбек ўқувчининг диди, савиясига мос, соф ўзбекона таржима қилинган деб айта олмаймиз. Иккинчидан, бу таржималар вақтида ўз баҳосини олмагани учун ҳам бошқа яна кўплаб худди шундай «хашаки» таржималарнинг туғилишига сабаб бўляпти.

Ҳеч кимга сен таржима билан шуғулланма, деб чегара қўя олмаймиз. Фақат илмий жамоатчилик таржима асарларига вақтида ўзининг холис муносабатини билдириб турса, таржима назарияси борасидаги билимлар чуқурлаштирилса, сиз айтгандай меъёрни бузиш ҳолатларининг олди олинган бўларди.

– Фикр ҳиссиётдан устун келаётган бугунги замонда адабиётга, фолклорга ошнолик ўрнини бошқа машғулотлар эгаллаётгандек.

Адабиётшунос, китобхон сифатида жаҳон адабиёти келажагини қандай тасаввур этасиз? Ёки келажак китобхон қизиқишлари доирасида янги жанрларга йўл очармикан?!

– Башорат қилишни унчалик хушламайман. Бироқ бир нарсани айтишим мумкин, шу пайтгача ҳам фольклор адабиётдаги ҳар қандай янгиланишлар жараёнига асос бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Эртанги кун адабиёти қандай бўлиши бизнинг миллий маънавиятимизнинг асоси бўлган оғзаки ижоди намуналарини нечоғлиқ ўзлаштирганимиз билан белгиланади.

– Келгусида жаҳон фолклор намуналарини Сизнинг таржимангизда ўқишга умид қилсак бўладими?

– Асл матнга суяниб иш кўрадиган ҳар қандай таржимон олдида қатор мураккабликлар тургани ҳолда оғзаки ижоди намуналари, жумладан, эпос таржимасининг ўзигагина хос бўлган нозикликлари бор. Яъни, бизга оғзаки ва ёзма шаклда етиб келган халқ достонларида анъанавий қолип, эпик формулага амал қилинган. Бошқача айтадиган бўлсак, эпик формула эпоснинг ядросидир. Оғзаки ижод деганда, биз энг аввало, ана шу эпик формула асос бўлган ижодни тушунамиз. Бу ижоднинг оғзакилигини, анъанавийлигини таъминлайди. Эпик формула эпоснинг қурилмаси, суягидир.

Биз эпик формуланинг нима эканлигини тушунмай бошқа бир халқнинг оғзаки ижод намунаси бўлган, бироқ айни қонуният асосида яратилган бирон-бир достон таржимасига қўл ура олмаймиз. Матндаги маъно ўгирилиши билан бирга ҳар бир парчада такрорланиб келувчи эпик формула таржимада қай даражада ўз ифодасини топади?! Шу каби саволлар ҳар қандай таржимонни ҳам ўйлантириб қўяди.

Ҳар доим ҳам одам режа қилган нарсаси юз фоиз амалга ошавермаса-да, биз орзу қилишдан, яхши, хайрли ишларни режалаштиришдан тийилмаслигимиз керак. Мен ўзимни биринчи навбатда фольклор тадқиқотчиси деб биламан. Гарчанд, тадқиқотчилик у ёки бу асарни таржима қилиш ҳуқуқини бермаса-да, келгусида «Дада Қўрқут китоби», «Гилгамиш» каби жаҳон фольклори намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ниятим бор. Ният қанчалик ўзини оқлайди, буни вақт кўрсатади.

Суҳбатдош Севара ОЛИМЖОНОВА.
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси

ТАФАККУРИМИЗДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

«Тафаккур» журнали бош муҳаррир ўринбосари Муҳиддин Раҳимов билан суҳбат

– Жаббор ака, биз Сизни асосан миф тадқиқотчиси сифатида таниймиз. Ўзингизга маълум, кўпинча мифга қадимги аждодлар дунёқараши – шунчаки бир «асори атиқа» деб қаралади. Ваҳоланки, миф дин, фалсафа, фан каби «рақобатчи»ларига мавқеини аллақачон бой берган бўлса-да, инсон руҳиятини буткул тарк этгани, унга ҳукм ўтказишдан тўхтагани йўқ. Яъни юксак тараққиёт даври – XXI асрда ҳам миф барҳаёт ва биз ҳар кун унга чўмиб яшамоқдамиз. Оддий бир мисол, барчамизни ҳар қачон ва ҳар жойда бетиним таъқиб этувчи реклама миф бўлмай нима?! Биз айрим ёшларимиз нодонлик сабаб бузғунчи кучлар тузоғига илиниб қоляпти, деб нуқул ёзғирамиз. Аммо ўзим гувоҳман, шу «айрим ёшлар» орасида... донолари ҳам бор, ҳатто талайгина. Гап шундаки, бузғунчи кучлар замонавий миф яратишнинг энг самарадор технологияларидан фойдаланади, бу қурол олдида манаман деганлар ҳам ожиз қолиши тайин. Демак, бузғунчи кучлардан ёшларимизни (ҳатто катталаримизни ҳам) қатъий ҳимоя қилиш учун ўша технологияларни фош этишимиз, уларнинг қўлидан қуролини тортиб олишимиз керак. Айтинг-чи, нега бугун ижтимоий-гуманитар фанларимиз ана шу долзарб муаммо билан жиддий шуғулланмаяпти? Ўзингиз, миф тадқиқотчиси сифатида, бу борадаги изланишлар асосан қайси йўналишларда олиб борилиши керак деб ҳисоблайсиз?

– Лотин америкалик адиб Хорхе Луис Борхес «адабиёт миф билан бошланиб, миф билан тугайди» деган фикрни айтган. Бошқача айтсак, ибтидоий инсоннинг тафаккур тарзи, сезимлари, оламни идрок этиши миф билан боғланади. Миф билан боғлиқ онгу тасаввуримиздаги эврилишлар олис замонлардан бугунги кунгача яшаб келмоқда. Сиз айтган ўша рекламада ҳам.

Шуни тан олиб айтиш керакки, инсон табиати қадимги мифларни яратган аждодларидан кам фарқ қилади. Яъни инсон табиатида бугун ҳам мифга эҳтиёж бор. Айтайлик, ўзининг моҳиятини англаш учун барибир миф билан дуч келади. Ҳали фан мифологик тафаккурни йўққа чиқарадиган даражада тараққий этгани йўқ, билишимча, бундан кейин ҳам инсон онгидан мифга эҳтиёжни суриб чиқаролмайди. Бунга сабаб – инсоннинг онги доимий равишда дунёни, оламни мифологик тасаввур қилаверади. Бугун яшин «илоҳ»нинг найзаси эмаслигини билади, Зевс ёхуд Аид йўқлигини ҳам билади, аммо бугун Зевс ўрнида бошқа кўринишдаги «маъбудлар» инсон онгини бошқармоқда. Булар турли таълимотлар, мафкуралар, ғоялар. Зевс ўринда эса шахслар, даҳолар ва ҳоказо. Сабаб шундаки, инсон онги яратган қувғин қилгандан бери ўзига «илоҳ» излашда давом этади. Бу инсон табиатининг эҳтиёжи. Мустабидлар, мустабид таълимотлар бекорга пайдо бўлган эмас. Мустабидлар инсон онгининг маъбудларга эҳтиёжи ўлароқ

пайдо бўлади, яъни мустабидни, мустабид таълимотни омманинг ўзи пайдо қилади. Сиз айтаётган йўлдан адашганларнинг ҳам табиатида мифга эҳтиёж кучайиб кетган. Гап шундаки, миф билан психологияни таҳлил қилган Фрейд, Юнг, Фромлар одамнинг мифга ружу қўйишини инсон психикаси, майллари, хоҳиш-истакли ҳосиласи сифатида баҳолайди. Бунда жон бор.

Сиз айтган ўзи доно бўлса ҳам йўлдан адашганларнинг психикасида ўзига «маъбуд танлаш» истаги кучайиб кетган. Аслини олганда, ўзида маъбудга, пирга, йўлбошчига эҳтиёж сезиш оммага хос. Шундай экан, ўзи доно бўлса ҳам лекин бузғунчи бир ғояни маъбуд деб танлаганнинг патологик нуқсони бор. Бу билан психологик тиббиёт жиддий шуғулланиши керак. Умуман олганда, ўзида «маъбуд»ларга эҳтиёж сезиш, оломончилик бор экан, бу ҳали бу ерда шахс хусусиятлари шаклланмаганидан, онги ҳали ҳам ибтидоий давр эҳтиёжи билан яшаётганидан дарак беради.

Ақл, билим, шулар аососида ўзи хулоса қила олиш бу шахс хусусиятидир. Доно бўлиш мумкин, аммо реал воқеликда реал ақл ва билим билан хулоса қилолмаса, қанчалик доно бўлмасин, унинг қулдан, бошқача айтганда Зевсни илоҳ деб билган ибтидоий одамдан ҳеч қандай фарқи йўқ.

XX аср дунё адабиёти ва фалсафасида бу масала етарли даражада муҳокама қилинган. Фрейд, Юнг, Лосев, Кафка, Камю, Фромм, Маркес, Карпентер каби олим ва адиблар асарларида замонавий мифлар таҳлили қилинади. Мифни таҳлили қилиш бу – инсон табиатини, унинг олам, фазо, коинот, азал-абад, тириклик, ҳаёт, илоҳиёт билан боғланган ришталарини таҳлил қилиш дегани. Шу сабабли ҳам мифга, унинг талқинига бўлган эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди. Фақат мифик қиёфалар ўзгариб туради. Илгари маъбуд дейилган бўлса, бугун сиз айтмоқчи бўлган рекламага қуллик, ахборотга қуллик, мафкурага қуллик, ғояларга қуллик, йўлбошчига қуллик кўринишида ўзини намоён қилаверади. Айнан шу ҳолатларни таҳлил қилиш бу – инсон табиатини таҳлили қилиш билан баробардир.

Ўзига мифологик кўлам бераётган бузғунчи ғоялар изидан эргашиб кетаётганларга ижтимоий сабаблар билан бир қаторда айнан миф ва психология нуқтаи назардан ҳам баҳо бериш керак. Гапингизда жон бор. Бугунги кунда информацион технологиялар тараққиёти даврида ўз ғояларига мифологик кўлам бериш жуда осон бўлиб қолди. Ёш болаларга тақдим қилинаётган компьютер ўйинлари ҳам миф.

Аввал бола кўнглида ёвузликка мойиллик уйғотиб олишга мўлжалланган ўйинларнинг қадимги мифларни илоҳийлаштирган коҳинлардан асло фарқи йўқ. Аслида ҳам бу каби ўйинлар орқали ёвуз кучлар ўзига майдон излайди. Ўйинлар орқали болалар кўнглида шундай майдон пайдо қилинади. Бу болалар кўнглида қон тўкишга, ўлдиришга, қирғин қилишга мойиллик билан улғаяди. Биз қанчалик таълим бермайлик унинг кўнглидаги ўша уйғонган майл бир куни уни бузғунчи ғоялар, кучлар томон етаклаб кетади. Бу бир томони. Иккинчи томони маданий онг даражаси билан боғлиқ. Маданий онг даражаси қанчалик паст бўлса шунчалик бу тўқилаётган мифларга, маъбудларга, йўлбошчиларга, даҳоларга эҳтиёж кўп бўлади. Ўзини англамаган одам ўзини бошқаларда кўргиси келади. Юнг буни оддийроқ

тушунтиради: унинг таъкидлашича, қаерда оломончилик кайфияти ва тафаккур тарзи кучли бўлса, ўша ерда йўлбошига, яъни «маъбуд»га эҳтиёж катта бўлади. Мустабидлар туғилмайди, яратилади, деган эди Борхес. Унинг ўша халқнинг, ўша юртнинг онг, тафаккур, маданий даражаси яратади.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз ёшларни анъана ва қадриятларни сақлаган ҳолда шахс, индивид, ҳар бир нарса ҳақида ўз хулосаси, ўз қараши бор, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга қилиб тарбиялашга катта эътибор беришимиз, умуман таълим тизимимиз шахсларни тарбиялашга қаратилиши керак.

Шахс – ўзи миф яратадиган, ўзидаги маъбудлик, ўзидаги даҳоликни кўра оладиган, ишга тушира оладиган индивиддир.

– Менимча, олимлик ҳақиқатни изламоқ, топмоқ ва уни бошқаларга етказмоқдир. Гоҳо бундай фикрга бораман: ҳақиқатни изламоқ ҳам, топмоқ ҳам, уни бошқаларга етказмоқ ҳам осон. Қийини ўша ҳақиқатни ошкор этганингиздан кейин бошланади, чунки у маълум кучларга ёқмаслиги мумкин-да. Шу нуқтада илмий иқтидор орқа қаторга ўтиб, шахсий жасорат олдинги қаторга чиқади, чамаси. Неча-неча илмий иқтидор соҳиби шахсий жасорати йўқлиги боис руҳан синиб, сафсатабозга айланаётганидан юрак эзилади. Кўз олдида биров сувга чўкиб кетган-у, томошабин бўлиб туришдан бошқасига ярамаган одамдек ҳис этасиз ўзингизни. Чўкаётган одамни-ку, дейлик, қутқарув чамбараги ташлаб, халос этиш мумкиндир. Қўрқув боис ҳалокатга юз тутаётган олимлар учун бирор «қутқарув чамбараги» борми, нима дейсиз?

– Бу саволингиз анча жиддий савол, унга бир суҳбат асносида жавоб бериш ҳам мушкул, чамамда. Бир нарсани айтиш жоизки, «қўрқув синдроми» бизда бугунги кунгача на фалсафий, на адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Бироқ, махсус ўрганилиши, тадқиқ этилиши шарт бўлган мавзулардан бири деб ўйлайман.

Шўро тузумидан бизга қолган энг ёмон иллатлардан бири, ана шу қўрқув эди. Қўрқув шу даражада қон-қонимизгача сингиб кетганки, ҳалигача биз қатиқни ҳам пуфлаб ичишни тарк эта олмаяпмиз. Бу биринчи навбатда, биз олимларга тегишли деб ўйлайман.

Агар тафаккур, маданий онг даражаси шахс даржасига ўсмаган бўлса, у юзта олимлик дипломига эга бўлса ҳам оломоннинг бир қисми, бир бўлаги бўлиб қолаверади. Оломондан ўқий олиши билан фарқ қилади. Қолган фазилати бўлмайди. Агар олим шахс бўлса унда унда қўрқув ҳам бўлмайди. Тўғри гапни ҳимоя қилади, тўғри гапни айтади. Қутқарув чамбараги – шу: Шахс бўлиб тарбияланишда.

Умуман олганда, жамият ўз фуқароларининг шахс бўлишидан манфаатдор бўлса, шунга рағбат бўлса, шуни қўлласа, бу мамлакат ҳар томонлама тараққиётга эриша олади. Шахс хусусияти йўқ халқ эса, афуски, ўрта онг даражасидан кўтарилмай, оломоннинг олими, олимликнинг оломони бўлиб ётаверади.

– **Фарғона вилояти ҳокимининг бир селектор йиғилишида тошлоқликларга ёғдирган ҳақорати интернетда катта шов-шув кўтарди – кенг жамоатчилик бу воқеадан ғазабга келди, мазкур хатти-ҳаракатни қоралади. Адолат юзасидан айтайлик, гарчи озчилик бўлса-да, ҳокимнинг тарафини олиб чиққанлар ҳам бўлди. Хуллас, ана шу можарони кузата туриб, бу ёғига халқни куч билан, қўрқитиб бошқариш мумкин эмаслигига шахсан мен имон келтирдим. Энди лавозимга келаётган кишига раҳбарлик ваколатининг ўзи кифоя эмас, шунингдек, у лидерлик қобилиятига ҳам эга бўлмоғи керак. Етакчининг одатдаги раҳбардан асосий фарқи – у жамоани куч ишлатмай, мажбур қилмай ҳам бошқара олади. Сиз бир кезлар «Фан» нашриётига раҳбарлик қилгансиз, ҳозир эса Адабиёт музейи директорисиз. Ўзингиз янги ижтимоий шароитда раҳбарлик ва лидерлик уйғунлашувини қандай тасаввур этасиз?**

– Тамаддун ғилдираги келажак сари интиляпти. Бу чархпалак жуда шафқатсиз. Ўзида ўрин йўқларни суриб чиқариб ташлайверади. Ўрта асрга хос бошқарув билан бугун фақат дунё афкор оммасига кулгу ва масхара бўламиз, тамаддун ғилдирагига мослашмасак, унинг тутумини қилмасак, четга суриб ташлайди. Бугун ким билимли, кимнинг маданий онг даражаси юксак, ким дунё билимини, яшаш тарзини ўзлаштирган, қайси халқда шахслик хусусияти юксак бўлса, ўша халқ бу аравaнинг марказига қараб интилиб боряпти. Ҳали ҳам ўрта асрда юрибмиз, деб ўйлаётганлар ва шунга мос иш қилаётганлар, бошқараётганлар, ўзларига кўринмаса ҳам лекин ўз халқини тамаддун аравасидан итариб юборишга хизмат қиляпти. Бу бугунги социологларнинг тадқиқоти хулосаси.

Раҳбар бўлган ҳар бир одам бир нарсани – биз XXI асрда, маданий дунёда яшаётганимизни, бизнинг ҳар бир гапимизни, ҳаракатимиз, қилиғимиз, оғзимиздан чиққан ҳар бир сўз бизнинг халқ, миллатимиз ҳақида тасавувур беришини англаши керак. Шунга мос эмас экан, унда марҳамат, халқимизнинг XXI аср маданий онг аравасидан мустаҳкам ўрин олишига халақит бермасин, ўзининг ўрмонига бориб, ўрмонга хос хусусиятларини намоён қилаверсин.

Бу саволга ҳам яна раҳбар, энг аввало Шахс бўлиш керак деган хулосани айтиш мумкин бўлади. Юқоридаги талабларга жавоб бермаганлар гарчи қўлида ҳокимият бўлса-да шахс бўлолмайди. Шахс бўлолмаган раҳбар эса халқни майдалаштиришдан, фасодлаштиришдан, хунуклаштиришдан, тараққиётни орқага тортишдан бошқасига ярамайди.

Янги ижтимоий давр раҳбарлардан шахсга хос хусусиятларини, билимини, фидойилигини намоён қилишни талаб қиляпти.

– **Бозор иқтисоди шароитида маърифат ва тижорат тушунчалари бир-бирига зид тушунчаларми ёки аксинча? Аслида-ку, тижорат маърифийлашса, бу – кони фойда. Аммо маърифат тижорийлашса-чи? Қодири қудрат – бозор иқтисодиёти шароитида маърифатнинг тижорийлашмаслиги мумкинми, ўзи? Сиз жаҳонгашта олимларимиздан бирисиз, чет элларга тез-тез чиқиб турасиз, хорижий давлатларда бу**

борада аҳвол қандай? Умуман, маърифат ва тижорат қоришувининг истиқболи ҳақида ўйлаганда кўнглингиздан қандай фикрлар кечади?

– Бозор иқтисоди замонида маърифатнинг ҳам тўғри маънода тижоратлашишини яхши маънода қабул қилиш мумкин. Яъни, ижодкор, санъаткор ўзи яратган санъат асари учун муносиб тақдирланса, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Фақат, моҳият моддиятга қаратилиб қолмаса бўлгани.

Музей доирасида олиб қарайдиган бўлсак, мен борган қўпгина давлатларда умуман вазият бошқача. Уларда ўз маданияти ва санъатига бўлган эътибор ҳавас қилгулик. Мана Буюк Хитой деворини олиб қарайлик. У ерни томоша қилиш учун келганларнинг аксарияти ерли халқ. Улар учун вақти-вақти билан муқаддас жойларни зиёрат қилиб туриш одатга айланган, бу анъана уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Хитойнинг Ланжоу университетига сафарим давомида бир хитой ишбилармони ҳиммат қилиб бутун бошли қишлоқдошларининг уйи ўрнига барчасига бирдек, худди ўзиники каби уй солиб берганини айтиб беришди. Бошқа бир тадбиркор унчалик катта бўлмаган, 10 тача кийим, тўртта қўлёзма сақланаётган музейга катта миқдордаги пулни хайрия қилганини эшитдим.

Шу ўринда одам ўйлаб қолади. Хориждаги аксарият ишбилармонлар музейларга ташриф буюриб тургани, топган пулининг бир қисмини маърифатга сарфлагани учун бошқача тафаккурга эга, атрофидаги одамлар, миллат янада маърифатли, маданиятли бўлса бизнинг бойлигимизга яна шунча бойлик қўшилади деб ўйлашармикан? Ёки биз билмаган бошқа сабаблари ҳам бормикан?

Нега биздагилар топган пулини ҳеч кимга кераксиз данғиллама иморату, дабдабали тўйларга сарфлаб, маърифатсизлик тегирмонига сув қўйиш билан оввора?

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи нафақат республикамизда, балки қўшни давлатлар орасида ҳам ягона адабиёт музейи ҳисобланади. Бу ерда халқ ижоди намуналари, қадимга давр адабиёти, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг меросидан тортиб то бугунги кунимизга бўлган адабий жараённи кўргазмалар орқали намойиш этишга мўлжалланган.

Музейда жуда ноёб қўлёзма, тошбосмалар, шоир ва адибларимизнинг архив материаллари сақланади. Бу музей аслида миллий манъаниятимизнинг кўзгуси.

Ўз миллатининг фольклорини, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг меросини севган, қадрлаган миллат вакиллари ҳеч бўлмаса йилда бир марта келиб, музейни зиёрат қилиши керак эмасми? Оддий халқни, пул топиб, ақл-маърифат топган бойваччаларни-ку қўя турайлик, ҳатто ўзини зиёли, ижод аҳлиман деб билганларнинг неча фоизи умри давомида бу муқаддас даргоҳга ташриф буюрган экан?

Яна бир нарса, бизда ҳали ҳам адабиёт ва санъат, умуман маданиятга иккинчи даражали муносабат мавжуд. Гўё бу соҳалар ҳеч қандай молиявий кўмакларсиз ҳам, ўзидан-ўзи ривожланиб кетавериши мумкин деган тасаввур

бор. Баъзан, бу музейлар, адабиёт ва санъат даргоҳлари ўзи керакмикан? Улар мамлакатга қанча фойда олиб келади деб ўйлайдиганлар ҳам бор.

Адабиёт, санъат миллат тафаккурини шакллантирувчи энг барламчи восита, тиниқ кўзгу эканлигини англагандан сўнггина маърифат ва тижорат қоришуви ҳақида орзу қилсак бўлади. Акс ҳолда турган жойимизда депсинганча тураверамиз.

– **Мафкура ва фан – ижтимоий-руҳий фаолиятнинг бир-биридан фарқли икки мустақил соҳаси. Айни чоғда, улар ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир шароитида ривожланиб боради. Бундай чамбарчас боғлиқлик, айниқса мафкура ва ижтимоий-гуманитар фанлар муносабатида кўзга яққол ташланади. Агар мафкура ва фан тенгҳуқуқлилик асосида елкадош, ҳамкор бўлса, бундан фақат наф кўрилиши аниқ. Аммо улардан бири устунлик даъво қилса, бошқасига ҳукмини ўтказмоқчи бўлса-чи? Ахир, совет даврида мафкуранинг фанга ана шундай тазйиқи илмий салоҳиятимиз пасайиши, сохта назариялар урчишига сабаб бўлмаганмиди? Бугунги мустақиллик замонида ҳам бу тенденция буткул барҳам топмаганига нима дейсиз! Ўзингиз ҳам гувоҳсиз, фалсафа, сиёсатшунослик, социология, ҳатто адабиётшуносликка оид айрим монография ва мақолаларда мафкура фанни буткул тобе қилиб олган. Сизнингча, нима қилсак, мафкура ва фан муносабатини оқилона йўлга қўя оламиз?**

– Фан миллат, Ватан ва инсонга, гуллаб-яшнашига, тараққиётига, фаровонлигига хизмат қилиши керак. Ана шу уч нарсага хизмат қилса, демак, мафкуравий, агар бу тушунчаларга ёт бўлса, демак у нафақат ғайриилмий, балки антигуманистик ҳам. Мен мафкурани шундай тушунаман. Масала шундаки, илм-фанга ўткинчи давр сиёсати кўзи билан қарамаслик керак. Сиёсий қарашлар ўзгариб, алмашиб туради. Фаннинг, худди санъат, адабиёт каби бош вазифаси – Ватанга, инсонга хизмат қилишга сафарбар қилингани ўзгармайди. Мана шунинг учун фанни сиёсатга эмас, Ватанга хизмат қилдириш керак. Шунда у холис ривожланади. Афсуски, биз узоқ йиллар сиёсатни фанга тиқиштиришни мафкура деб билдик.

Шўро тузуми даврида фан ҳам, адабиёт ҳам тўла сиёсатга бўйсундирилган эди. Оқибати эса маълум, бу ҳалокат билан тугади.

Биз бугун ҳам бу сиртмоқдан тўла равишда қутилиб кета олганимизча йўқ. Кишанлар ечилиб, танамиз озод бўлган бўлса-да, тафаккуримиздаги кишанлар ҳали ҳам жаранглаб турибди. Бунинг сабаблари кўп. Юқорида айтганингиздай, ҳамон қўрқув ҳисси ҳам ҳукмрон. Иккинчи томондан биз ўзимиз, яъни фан одамлари ҳам мафкурага мойил бўлиб қолгандекмиз. Бу мойиллик яна қанча давом этади, билмайман.

Мамлакат раҳбари қайта-қайта бир нарсани уқтулаяпти: илм-фан тараққиётисиз, адабиёт ва санъатнинг ривожисиз ҳеч бир натижага эришиб бўлмайди.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги етакчи тенденциялар бу фикрнинг ҳақиқат эканини уқтуламоқда. Бугун қайсики мамлакатда илм-фан ривож топган бўлса, у ривожланяпти, тараққий этяпти. Қайсики юртда илм-

фан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёхуд сиз айтгандай фақатгина мавжуд тизимнинг яшаб қолишига бўйсундирилган бўлса, уни албатта таназзул кутиб турибди.

«Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» деган қадимий ўзбек мақоли бор. Бу мақолни ижод қилаётган аждодларимиз бугунги глобалашув давридадагидек техника ривожланиб кетишини эҳтимол тасаввур ҳам қила олишмагандир? Бироқ, инсон билими, тафаккури ҳар нарсадан устун эканини ич-ичидан ҳис қилган. У омоч ҳайдайдими, ўчоққа ўт ёқадими имкон қадар аждодлардан келаётган анъаналарга қоришиб кетган улкан билимга суяниб иш кўрган.

Учар гиламлар, дунёнинг нариги бурчагида воқеалардан хабардор қилиб турувчи ойнаи жаҳон ҳақида чўпчак тўқиганларида буларнинг бари қуруқ хаёлдан иборат эмасди. Бу орзу-умидлар, тахминлар қайсидир даражада илм, тафаккурдан озиқланган. Бунинг бари кейинчалик турли илмларнинг ривожига ҳисса қўшган.

Америкалик футуролог олим Элвин Тофлер ўзининг «Ҳокимият жилвалари» номли тадқиқотида «келажак эра – билим эрасидир» дейди. Буни бекорга айтаётгани йўқ. Буни келажак теоремаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Фан қачон ривожланади? Қачонки у эркин, ҳар қандай мафкура ва тазйиқлардан холи бўлса. Фан билан машғул бўлган одам илмдан бошқа нарсани ўйламаса.

Фаннинг эркинлиги аслида бу ҳар қандай жамиятнинг, шунинг баробарида мафкуранинг ҳам тараққиётидир.

«Тафаккур» журнали

ТАСАВВУРНИНГ СИНИҚ КЎЗГУСИ
(Шоир Фахриёр билан суҳбат)

ШЕЪР БИЛАН «ДАСТУРЛАШ»…

– Бир бастакор, ҳар бир товуш аслида мусиқа, фақат унинг мусиқа эканини эшитиш қобилияти борлар ҳис қилади, деган эди. Агар шу фикрни шеър томон бурсак, атрофимизни ўраб турган барча нарса – аслида шеър. Чунки шеър – мусиқанинг сўзга кўчган шакли. Фақат бизни шеър ўраб турганини, бизни қуршаб турган оламнинг ўзи шеър эканини ҳамма ҳам кўравермайди, ҳис қилавермайди. Шундай эмасми? Шунинг учун «Шеър ўзи нима?» деб сўрашга одам ийманади. Лекин масала шундаки, шеърнинг нималигини ҳам биламиз, ҳам билмаймиз. «Биламиз» деганимиз умумий таърифлардан ва ёдимизда турган учта-тўрт шеърдан туғилган тасаввур, холос. Аслида, шеърнинг нималигини худди адабиёт, мусиқа каби ҳамиша ҳам теран ҳис қилавермаймиз… Шунинг учун мен барибир шу саволни бераман: шеър сиз учун нима?

– Қадим замонларда инсон ҳар доим ўзини табиат кучлари, қонунлари олдида ожиз санаган, уларнинг моҳиятини англаб етмаган. Шу сабабли унга журъати, сабри, қаноати ва ана борингки, қўрқув ёки ваҳимага жавобан туғилган ҳисларини қарама-қарши қўйишга одатлана борган.

Эътибор қилинса, у ўта таранг вазиятларда – хоҳ қувонч бўлсин, хоҳ қайғу бўлсин – юрагида гупуриб турган ҳиссиётлари ифодаси бўлмиш шеърдан, айтимдан фойдаланади – қувонса ҳам шеър айтади, йиғласа ҳам. Тинчлантириш, ухлатишга мўлжалланган аллада ҳам энди туғилган болага Яратгандан ўзи яхши деб тасаввур қиладиган тақдирни сўраб бериш истаги мужассам. Она эртага фарзанди қандай инсон бўлишини билмайди – яна мавҳумликка рўпара бўлади. Шунинг учун номаълум келажакни Яратганнинг иродаси билан «дастурлаш»га интилади, яъни хаотик кўринаётган келажакни тартибли, ўзига маъқул келадиган тарзда кўришни истайди.

Ҳар қандай яхши ният ана шу номаълумликни мақсадга эришиш йўлида моддийлаштиришга интилишдан иборат. Шеър ҳам инсон истакларининг ифодаси сифатида ана шу «дастурлаш»га хизмат қилади. Ҳақиқий илҳом билан ёзилган шеърлар кўзгу мисоли келажакни ҳам туманли, ғира-шира, ташбеҳлар воситасида акс эттиради, аммо буни фақат инсоннинг ички дунёси инъикоси деб қарашга одатланган киши пайқаши қийин. Пайқаганлар ҳам баъзан уни, шоир ўз тақдирини башорат қилди, қабилида тор тушунади ва шеърга ижтимоий ҳодиса сифатида қарашга ё ботинмайди, ё буни англаб етмайди.

Гапим қуруқ бўлмаслиги учун 60–70–80-йиллар шеъриятидаги бир тамойилни мисол келтирмоқчиман. Эсингизда бўлса, Эркин Воҳид, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби шоирлар ижодидаги жамиятда устувор метанаррациялар: ура-урачилик, мафкураю сохта доҳийларга мақтовбозликдан қочиш – буни танқидчилик, инсоннинг ички дунёсини кашф қилиш сари бурилиш деб атаб келади – тоталитар тузумга норозилик сифатида ифодаланган эди. Албатта цензура бунга йўл бермасликка интилар,

лекин адабиёт, жумладан, шеърият ташбиҳу бошқа топилмалар орқали унинг тақиқини айланиб ўтиш йўлларини устакорлик билан топаётган эди.

Кейинчалик айни норозилик шаклий изланишларда ҳам ифодасини топди ва янгича йўналишга асос солди. Аслида ўша 70-80-йиллардаги шакл «бузилиши» жамият сўнгги ўттиз йил давомида дуч келаётган муаммоларнинг башорати эди десак, адашмаган бўламиз. Шунинг учун шеърга фақат шахсий ёки адабий ҳодиса сифатида қараш унчалик тўғри эмас.

Жамиятда ҳукм сураётган тотал ёлғонга жавоб, ҳаттоки мухолиф фикр тарзида вужудга келган норозилик шеърияти уни ағдариб ташлашни истаётган эди. Шунинг учун шаклий ўзгаришларни фақат кимгадир эргашиш деб қараш мутлақо нотўғри. Шеър шаклининг эркинлашуви жамият парокандаликка юз тутаётгани инъикоси эди. Балки бармоқ вазнидан шу сабабли қочилгандир. Чунки тартибсизликни, парокандаликни туроғи, қофияси, бўғинлари «тартибли» вазнда ифода қилиб бўлмаслигини интуитив тарзда ҳис қилган шоир сарбастга қўл урганмикан, деган бир иштибоҳ кечади хаёлимдан.

Майли, бир лаҳза бармоқда ифода қилишнинг имкони ҳам бор эди, деб ўйлайлик. Унда нега сарбаст айнан шўролар ҳокимияти фаторат топиши арафасида урфга айланди?

Хуллас, саволлар кўп. Бунга мавриди келиб, адабиётшунослик жавоб берар.

– «Шеър нималигини биламан деб китоб титиб юргунча, унинг ўзини ўқиб қўя қолсанг бўлмайдими?!» – деган экан бир адабиётшуносимиз шогирдига. Домла аслида тўғри айтган. Бошини, шеър нима экан, деб қотириб нима қилади? Ундан кўра, шеърни ўқисин, кейин таҳлил қилсин, айрим жузъий нуқсонларини аниқлаб, умум маънода истеъдод намунаси десин… Бизда минглаб ўзига хос қиёфага, ўзига хос шаклга, ўзига хос маънога эга шеърлар бир хил таҳлил қилиниб, бир хил баҳо берилган. Бу сизнинг шеърларингизга ҳам тааллуқли. Элликдан ҳам ошдингиз. Шеърларингиз билан ўзбек шеъриятига ўзига хос йўналиш, ўзига хос ифода усулини олиб кирдингиз. Лекин, назаримда, ҳамон Фахриёр деган шоирнинг адабиётдаги ўрнини баҳолаш масаласи очиқ қолмоқда. Ҳеч ким сиз шеъриятга олиб кирган шаклни ҳам, ифода тилини ҳам, оҳангни ҳам, шеърларингиздаги технократик мажозларни ҳам етарли таҳлил қила олгани йўқ. Демак, Фахриёр ёши элликдан ўтган бўлса-да, ижодий эътироф нуқтаи назаридан ёш шоирлар билан бир қаторда. Бу сизга таъсир қилмайдими? Сабаби нимада деб ўйлайсиз? Ҳар қандай ўқувчи учун, матбуотда бот-бот такрорлаётганидек, бу саволларга постмодерн услубида ижод қилаётган шоирнинг ўз жавоби қизиқарли туюлади.

– Замонавий шеъриятни – модерн ёки постмодерн ифода йўсинини заминидан узилиб қолган ёки ойдан тушган шаклбозлик деб эмас, бугунги шеърни янгилаш эҳтиёжи деб қараш лозим. Албатта, бармоқ вазни ҳали имкониятларини тўлиқ намоён қилиб бўлгани йўқ, шунинг учун верлибр ёки постмодерн шеърга эҳтиёж борми, деган савол туғилиши табиий.

Жавобим шуки, адабиёт ҳар доим тилнинг, адабий жанрларнинг ички имкониятлари баробарида ташқи – ўзга адабиётлар орттирган тажриба билан ўзаро чоғиштириб, синтез қилиш орқали ривожланади. Бугунги миллий адабиётимиздаги изланишлар, истайсизми-йўқми, ўз заминига таянади, четдан таъсирланиш орқали адабий тафаккур имкониятларини кенгайтиришга интилади, унинг чегараларини мавҳумлик, мутлақо янгича кодлашлар – рамзлар сари суриб боради. Янги асарлар яратилишига майдон ҳозирлайди.

Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ.

Бироқ, янгича изланишлар, ҳар қанча оригинал ташбеҳлар билан безалмасин, ҳали ўзининг аниқ шаклу шамойилини, ритмини, сўзни исроф қилмаслик меъёрларини, чегараларини қатъий белгилаб олгани йўқ. Бу борада ҳар бир ижодкорнинг тайёргарлиги, истеъдод миқёси билан боғлиқ изланишлар тажриба тариқасида давом этмоқда.

Сел оқиб ўтиб, ўзан ҳосил бўлгандан сўнг ундан оқаётган сув тиниқлашиши учун муайян вақт керак бўлади. Буни тезлаштириш учун илғор, ҳозирги шеърий тажрибаларни яхши тушунадиган, уларни таснифлаб, сарасини сарага, пучагини пучакка ажрата оладиган адабий танқид ҳам керак.

Борми ўша танқид? Умуман, бизда модерн, постмодерн шеърий тажрибалар алоҳида тадқиқ қилиниб, уларда мавжуд қонуниятларни очишга ҳаракат қилинган бирорта тадқиқотни айта оласизми?

Тўғри, уринишлар бор, таҳлилга ҳаракатлар бор, лекин тўлақонли тадқиқотни кўрмаяпман.

Бундан ташқари, мен қанчалик экспериментлар қилмай, постмодернизм шеъриятнинг, умуман, адабиётнинг келажаги деб қарашдан, уларни абсолютлаштириш фикридан йироқман. Қайси оқим яшаб қолишини ёки унинг ўрнига бошқа «измлар» келиб, қандай бақувват асарлар яратилишини вақт кўрсатади.

Шеърни ўқиш ҳам, мағзини чақиш ҳам, керак бўлса, таҳлил ҳам қилиб кўриш керак. Шунда ижодкор уни санъат даражасига кўтаргани ёки кўтара олмагани маълум бўлади. Бунинг учун жаҳон тажрибасини ҳам ўрганган ҳолда бугунги янги шеъриятнинг ўзига яраша қонуниятларини белгилаб олиш зарур.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, мен ҳам қаламдошлар қатори қўлимдан келган ва қилишим керак, деб ҳисоблаган ишни қиляпман. Уни биров эътироф қилиши-қилмаслиги – юзинчи, ҳатто ундан кейинги масала...

Жаҳон адабиётидаги шеърий тамойилларни имкон қадар кузатиб боряпман, ёзаётганларимни ўшалар билан солиштириб кўриб, қилаётган меҳнатим беҳуда кетмаётганини кўряпман.

«ИМЛО ЛУҒАТИ» СИНДРОМИ

– Ортега-и-Гассет, адабиёт хос кишиларнинг юмуши ва завқига айланади, деб одамга тушкун хулоса беради. Юқорида биз шеърни тушунмаётгани учун айбни ўқувчи ёки адабий танқиднинг дидига юкладик. Лекин бошқа томондан, дўппини олиб, ўйлаб қаралса, бугунги

кунда янгича, постмодернча ёзаман деб, ўзи ҳам тушунмайдиган нарсаларни қоралаётганлар ҳам кўпайганини тан олиш керак. Атайин ребуснамо шеърлар ёзиш, кейин, менинг шеърларим мураккаб бўлгани учун бошқалар тушунмаяпти, деб ўзининг дунё адабиёти шоҳсупасидагилар билан ёнма-ён қўйиш ҳоллари ҳам бор гап. Бу ҳолат ҳам ўқувчини шеърдан узоқлаштирмаяптимикин? Умуман, адабиётни атайин ребусга айлантиришга қандай қарайсиз? Ребус асарлар туғиладими ёки тўқиладими? Асл шеър туғилишини инобатга олсак, унда ребус шеърлар асл эмас экан-да… Оммавийлик билан хосликнинг фарқи қаерда деган савол ҳам долзарб бўлиб турибди. Агар биз замонавий адабиётдаги кодларни ўқий олмаётган эканмиз, демак, ўзимизни ҳам англаш даражамиз ҳам пасайяпти ёки умуман ўзимиздан, ўзлигимиздан узоқлашиб, бошқа томонга қараб боряпмиз…

– Бугун 60-70-йилларда кўчага, стадионларга тошиб чиққан шеъриятнинг мухлиси кам. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Биринчидан, ўша вақтлар, юқорида айтиб ўтганимдай, шеър мухолиф фикр ёки қарашлар вазифасини ўтаган, публицистик руҳ устувор, мавжуд ижтимоий норозилик ташбиҳ ёки қочиримлар билан айтилаётган ва мафкура ёлғонларидан чарчаган халқнинг шунга эҳтиёжи бор эди.

Иккинчидан, ҳозирги кунда ахборот олишнинг ҳам, эрмакнинг ҳам мингта йўли бор. У ниманидир ўқияпман-ку, деб ўзини овутади. Шу билан маънавий эҳтиёжини қондиргандай бўлади.

Аслида бу – хато тушунча.

Бу унинг айби эмас, фожиаси. Айб сиз билан менда.

Нейробиолог Жереми Беннеттнинг айтишича, инсон мияси объектив воқелик билан тасаввурнинг фарқига бормайди. Инсон ҳамиша ўзи истаган нарсани кўради, масалан, бирорта автомашина сотиб олсангиз, беихтиёр шаҳар кўчаларида кўпроқ ўша русумдаги автомобилларга эътибор бера бошлайсиз.

Кўряпсизми, одам изланмаса, миясини ишлатиб, бирор мақсад сари интилмаса, бори билан овора бўлиб қолаверади. Эрмак воситалари мингта бўлиши мумкин, аммо ҳеч нарса одамни китобчалик, ўқиганда ҳам фойдали китоб ўқиганчалик юксалтирмайди. Бунинг учун эса озроқ меҳнат қилиш, тиришқоқлик даркор. Бундан ташқари, сиз айтаётган янги услубдаги шеърлару прозани тарғиб қилиш учун адабий танқид ҳам жон куйдириши лозим.

Биз адабиётни фақат инсон қалбини кашф қилиш воситаси деб жуда тор маънода тушунамиз, фундаментал вазифасини одоб билангина чегараламоқчи бўламиз. Ваҳоланки, унинг талқинидаги образлар, ташбиҳлар ҳар қандай ўқувчи учун фикр генератори, фантазия ва илҳом манбаи сифатидаги амалий аҳамиятига кўп ҳам эътибор қаратмаймиз. Бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган телевизор бир замонлар классик адабиётда «ойнаи жаҳон», яъни ғоя сифатида мавжуд эди. Ёки фольклордаги учар гиламларни олиб кўрайлик.

Бундан ташқари, ёзувчилар банк карталари (Эдвард Беллами) ва инсон тана узвларини кўчириб ўтказиш (Станислав Лем), сувости кемаси ва Ернинг тортиши кучини енгиб ўтиш (Жюль Верн), лазер, эскалаторлар, электр станциялари (Герберт Уэлс), ернинг сунъий йўлдоши (Артур Кларк), бармоқ изи билан очиладиган эшик қулфи (Рэй Бредбери), интернет (Марк Твен) пайдо бўлишини башорат қилган, ўша соҳаларда изланаётган олимларга туртки берган эди.

Янги услубдаги шеърлар ёки проза хусусида шуни айтиш лозимки, айрим маданиятшунослар Ғарб жамиятининг ҳозирги тараққиётида модерн адабиёт муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилганини эътироф этмоқда. Шунинг учун янгиликдан ётсирамай, уни яхшилаб тадқиқ қилиш, камчиликларини ҳам кўрсатиб бериш зиён қилмайди.

Ребуснамо шеър деган ибора айрим танқидчилар янгича шеър нима эканини тушунмаганини хаспўшлаш учун ўйлаб топган баҳона, холос.

Бир пародоксал ҳолатни кузатаман: ҳамма шеър ҳақиқий санъат намунаси бўлишини истайди ва шуни шоирдан талаб ҳам қилади. Бу – яхши. Аммо санъат асари бўлгандан кейин уни тушуниш учун дид баробарида озроқ савия билан билим ҳам керак эмасми? Нима учун шоир ёки ёзувчи ҳамма нарсани чайнаб ўқувчининг оғзига солиши керак? Ўзи талаб қилаётган санъат асари унга чиндан ҳам керак бўлса, ўшани тушуниш учун у ҳам меҳнат қилсин, жонини койитсин...

– Бунга, бир томондан, адабий танқид бугунги изланишларнинг туб моҳиятини, улар нима заруратдан пайдо бўлганию миллий адабиётдаги ўрни қанақа эканини очиб бера олмаётгани сабаб бўлса, иккинчи тарафдан, сиз қатори шоирлар ҳам айбдор эмасми? Шу кунгача айрим акаларимизнинг давраларда, мен модернистман, шеърларимни ҳеч ким танқид қила олмайди, деган иддаоларини ҳисобга олмаганда, на бир экспериментчи шоир, на бир модернист ёзувчининг шу йўлни тутганини асослаб берувчи бирор манифестини ёки тушунтиришини ўқимадик ҳам, эшитмадик ҳам…

– Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Ғарбда XX аср бошларида қўзиқориндай потраб чиққан турли модернистик оқимларга жавобан компартиянинг топшириғи билан социалистик реализм услуби адабиёт ва санъатда яккаҳокимга айланди. Ҳеч қандай оқимга йўл берилмади, мафкуранинг қонсираган қиличи ҳар қандай ҳурфикрли кишининг бошини аямай кесиб турди. Истамаганлари 37–38–39-йиллардаги қатағон йилларида отилиб кетди.

Шу сабаб ҳатто Россияда ҳам 90-йилларга келибгина турли постмодерн оқимлар юз кўрсата бошлади. Ўзимизда эса фақат 80-90-йилларда Фарғона шаҳрида вужудга келган ва фақат рус тилида ижод қилган шоирларни (Шамшод Абдулла, Ҳамдам Зокиров ва ҳ к.) бир мактабга бирлашганини истисно тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбек тилидаги шеъриятда эса бирор мактаб ёки оқимга бирлашиш, афсуски, кузатилмади. Лекин ўша йилларда жаҳон адабиётидан таъсирланиш натижасида бошқача усуллар пайдо бўла бошлади. Лекин бу янгиланишнинг

аниқ бир йўналиши, мактаби, етакчиси бўлмагани сабабли стихияли тарзда кечди.

Ўша пайтлар танқидчилар эсанкираб қолгани, изланишлар илдизларини вақтида топа олмагани ва янги адабий ҳодиса қонуниятларини тушунтириб беришга ожиз қолганининг ўзига яраша сабаби бор эди.

Агар Ғарбда тафаккурнинг барча йўналишлари (фалсафа, санъат, адабиёт, маданият) муайян воқеа-ҳодисалар, жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида ривожланган бўлса, бизга янги оқимлар бошқа адабиётлар таъсирида кириб келди. Ким қайси адабиётдан улги олган бўлса, ўшанинг таъсирида экспериментлар қилди, қиляпти. Шунинг учун бугунги экспериментлар ва изланишларнинг умумий жиҳатлари кўп бўлса-да, уларни бир илдиздан, сиз айтмоқчи бўлган бирор манифестдан ўсиб чиқди, деб бўлмайди. Бугун уларнинг ижодида ҳамма нарса қоришиқ: модерн ҳам, постмодерн ҳам бор. Яна ўзини муқобил адабиёт вакилиман деб юрганлар қанча. Қолаверса, янгича йўналишда қалам тебратаётган шоиру ёзувчиларнинг бирор тўгарак ёки гурунгга бирлашганини билмайман.

Майхўрлик қилинадиган адабий давралар эса ҳисоб эмас.

Бироқ бу ўзимизни, шахсан менинг ўзимни оқлаш учун баҳона бўлмаслиги керак. Янги адабий оқимларни оммалаштириш фақат танқидчи ёки адабиётшуноснинг иши эмас. Келгуси авлод фалончини ўқийдими ёки писмадончиними, деб фол очиб ўтирмасдан, нима демоқчи эканимизни, ижодий принципларимизни, ифода усулларимизни қайси рамзлар билан кодлаётганимизни тушунтириб беришимиз керак.

Юрт раҳбари ижодкор зиёлилар билан учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Олий адабиёт курси ҳақида таклиф киритишини сўраганди. Ўйлайманки, бу борада жадал иш олиб бориляпти. Янгидан ташкил этилаётган Олий адабиёт курсида Назар Эшонқул, Абдували Қутбиддин ёки Баҳром Рўзимуҳаммад сингари олтмишни қоралаётган ёзувчи-шоирларнинг маҳорат дарсларини ташкил қилайлик, ёш ижодкорларга сабоқ берсин, тажрибасини ўргатсин, янги йўналишдаги асарларида нима демоқчи эканини тушунтирсин.

Тўғри, бировга ёзишни ўргатиб бўлмайди, лекин ёзишга уқуви бўлган ёшлар бундай сабоқлардан қандай ёзиш ҳақида хулоса чиқариб олаверади.

Мен бундан 5 йилча олдин чоп этилган «Америка ҳикоялари» муаллифларининг ўз ҳикояларига берган изоҳларини ўқиб ҳайрон қолганман. Аввал ўша китобдаги 4 та ҳикояни, сўнгра ўша изоҳларни таржима қилганим учун улар менга ҳикояларга бутунлай бошқа ракурсдан қарашни ўргатди. Изоҳлар ўша ҳикояларни тўлдиргани билан қимматли бўлди. Ҳар бир ижодкорнинг лабораторияси ҳеч бир китобда ёзилмаган, ҳаттоки ёзиб бўлмайдиган тажриба билан тўла – уни фақат бевосита мулоқот орқали авлоддан-авлодга ўтказиш мумкин.

Яна бир гап. Оммабоп адабиётга мазахўрак бўлиб қолган ўқувчи ёки экспериментларни ёзғираётган танқидчи унинг терси бўлган «Санъат санъат учун» деган концепция ҳам борлигини билиб қўйса, зиён қилмайди.

Нима учун алгебра ёки физика формулалари нима эканини билиш учун ўша фанларни тинмай ўқиш кераклигини тушунган ўқувчи шеърият, умуман, адабиётдан фақат осон, тайёр нарса кутади, жонини койитгиси келмайди?

Ҳозирги изланишлар шеъриятини кўпчилик тушунмаётганини мен «Имло луғати» синдроми деб атамоқчиман. Уни яқинда Америкадаги ўрта мактаб ўқувчилари учун фанлардан инглизча луғатни ўзбекчага таржима қилаётиб, ўзимча кашф қилгандай бўлдим.

Сер солиб қарасам, имло луғатида маъно жиҳатидан мутлақо бегона сўзлар кетма-кет келаверади. Тасаввур қилинг, уларнинг фақат алифбо тартибида келиш қонуниятидан хабардор бўлмаган киши бир-бирига уриштириб, маъно чиқараман деб овора бўлиши мумкин.

Янги шеър ҳам худди шундай.

Унинг тенденцияси – тамойилидан (шу сўзнинг пешонаси шўр экан, уни ўзига дахли бўлмаган «принцип»га тиркайвериб, маъносини чалкаштириб, титиғини чиқариб юбордик) образлар тизимидан хабардор бўлмаган ўқувчи имло луғатидаги сўзлар қаторидан маъно излаётган одамга ўхшаб қолади – ҳаммаси таниш сўзлар, аммо маънони уқиб ола билмайди. Чунки у шоир акамиз Абдували Қутбиддин айтмоқчи – «Изоҳсиз луғат».

– Шеърларингизни ўқиётганда ифода йўсинингиз бошқаларникига ўхшамаслигини кўраман. Бир қарасанг, ифода воситалари тилимизга бегонадай, бир қарасанг, ташбиҳлар ўзимизнинг мақоллар, маталлар, ибораларни ўйнатиб, бошқача мазмун бериб ёзилгандай. Умуман, Фахриёрнинг шеър поэтикаси нима? Унинг шеърлари ҳақиқатан ҳам, айрим танқидчилар иддао қилаётганидай, Ғарбга тақлидми ёки адабий тафаккуримизни чет эл адабиёти анъаналари билан чоғиштиришга уринишми?

– Бир пайтлар бир ёзувчи акамиз, ука, тиниш белгиларисиз ёзиб, олифталик қилмоқчи бўласиз, Ғарбга тақлид шартми, деб дашном бермоқчи бўлган эди. Ўшанда у кишига, араб ёзувида битилган адабиётимиз ҳам тиниш белгиларисиз ёзилган-ку, десам, тўғри, буни ўйлаб кўрмаган эканман, деб кулиб қўйган эди.

Ўша ёзувчига ўхшаб, ҳар бир экспериментдан шубҳаланиб, Ғарбни ахтараверишни тўғримикан?

Эсингизда бўлса, рус танқидчилари Фарғона шеърият мактаби вакиллари ижоди ҳақида Ўрта Ер денгизи бўйи мамлакатлари, хусусан, Италия герметистларига эргашиб, шеърлар ёзганини айтиб, ғалати бир қонуниятни – улар шеърияти ва прозасида на макон бўлмиш Ўзбекистон ёки Фарғона водийси, на ёзилган тил рус руҳи йўқлигини – кашф қилган эди.

Лекин мен у-бу нарса қоралаётганда, гарчи ифода усули бегонароқ туюлса-да, ўзбек руҳидан келиб чиқиб ёзаман. Халқ тили, оғзаки ижоди намуналаридан кўп фойдаланаман. Ташбиҳ ясаётганда сиз айтаётган мақолу маталларни, ибораларни бошқача йўсинда талқин қилишга интиламан. Бу фикримни янгича, кутилмаган тарзда ифода қилишга имкон беради.

…темирқозиқ юлдузига боғлар
зиндонбанд алпомишнинг

эгасиз қолган бойчиборини
отнинг зиналанган
кишноқларидан
нарвон ясаб зиндонга ташлар
ботирни қутқариб олмоққа…
(«эгасиз ва хулосасиз» шеъридан.)

«Алпомиш» достонида паҳлавонни Бойчибор думини зиндонга ташлаб, қутқариб олади. Агар бу шеърда ҳам шунақа дейилса, ҳеч қизиғи қолмас эди. Бу ерда Темирқозиқ юлдузи – кечаси адашганларнинг, глобал маънода эса, умуман, адашганларнинг йўл топиб олиши учун мўлжал. Кишноқдан зинапоя ясалиб, шу йўл билан Алпомишнинг қутқарилиши ўша эртакдаги бўрттиришнинг бошқа бир кутилмаган варианти бўла олмайдими? Қайси отнинг думи қирқ газ ўсади?

Шу маънода шеърдаги ташбиҳ – эртаклардаги бўрттиришнинг бир кўриниши, холос. Демак, ташбиҳу бўрттириш ўзимизники бўлгандан кейин Ғарбга тақлидда айблаш қанчалик ўринли?

Тўғри, Ғарб шеъриятини ўқиганда, уларни таржима қилганда, унинг таъсири бўлиши табиий. Лекин бу асло тақлид эмас.

Чоғиштириш – синтез деб аталса, тўғри бўлади.

Поэтика ҳақида шуни айтишим мумкинки, ҳар қандай туроғу қофияли шеър фикрлашдаги изчилликни бузади – таржимонлик тажрибамдан чиқарган аччиқ хулосам шу бўлган.

Тўғри, оҳанг, қофия сатрлардаги узилишларнинг ўрнини «тўлдириб» туради. Оддий ўқувчи буни аксарият ҳолларда сезмайди ҳам, лекин таглама ёки таржима қилиш чоғида бу яққол кўринади. Айни мантиқ бузилган ҳолатлар шеърнинг бошқа тилларда ҳам она тилидагидай эффект беришига халақит қилади ва кўпинча таржималари бошқа тилда қайтадан «яратилади».

Бу энди аслиятдаги шеър эмас.

Аммо у – энди мутлақо бошқа шеър. Анъанавий шеъриятни камситмаган ҳолда – чунки у менга ҳам бегона эмас – кўпроқ верлибрни танлаётганим сабаби ана шунда. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, верлибр мутлақо ўзгача фикрлашга, янгидан-янги ташбиҳларни қўллашга ўргатади. Ва энг қизиғи, ўша тажриба анъанавий шеърлар ёзишимда ҳам қўл келмоқда. Агар бармоқ вазнида туроқ ва қофия фаол бўлса, верлибрда метафора шеърни ҳаракатлантириб туради. Верлибрнинг мана шу хусусияти кейинги йилларда анъанавий – бармоқ вазнида ёзилаётган шеърларга ҳам таъсир ўтказа бошладики, бу тадқиқотчисини кутиб турибди.

– Ўзингизни қайси «изм»га мансуб деб биласиз?

– Ҳар хил йўналишда изланаётганим учун фалон «изм» мен учун маъқул дейишим қийин. Аммо 80–90-йилларда пайдо бўлган метаметафоризм, яъни шеърда метафоранинг устунлик қилиши, унинг шеъриятни ҳаракатлантирувчи куч деб аталиши менга руҳан яқин.

– Ҳозирги экспериментларни, постмодерн адабиётни миллий адабиётимизнинг келажаги деб қараш қанчалик тўғри?

– Мен ҳеч қачон модернизм ёки постмодернизмни у ёки бу адабиётнинг келажаги деб қарамаганман. Ўша услубда ёзилган гениал асарлар адабиётимизга ҳам тажриба сифатида таъсир этиши, янги-янги романлар, шеърлар ва бошқа жанрлардаги асарлар ёзилишига туртки бериши мумкин.

Вақт ўтиши билан дунё тобора глобаллашиб, ахборот алмашувнинг тезкор ва янгидан-янги воситалари пайдо бўлиб, ўшалар таъсирида адабиётга янги оқимлар ҳам кириб келиши ҳеч гап эмас.

Шу билан бирга анъанавий услубда ёзилган ва ёзилаётган роману қиссалар, шеърларни ўқиётиб, уларнинг ҳам имкониятлари кенг эканини, фақат буни рўёбга чиқариш учун даъвогина эмас, истеъдод ҳам кераклигини кўраман. Мурод Муҳаммад Дўст прозаси, эсселарини қаранг. Илгари танқидчиларимиз ундан фақат латифа ахтариб юрган бўлса, кейинчалик Тиловолди Жўраев муаллиф «Лолазор» романини ёзишда онг оқими сингари XX асрнинг модерн йўналиши усулларидан моҳирона фойдаланганини таҳлил қилиб, исботлаб берди.

ҚАВАРИҚ КЎЗГУ

– Француз адибларидан бири «Эътиқоди бўлмаган миллатнинг адабиёти ҳам бўлмайди», дейди. Адабиёт, умуман, санъат, эътиқод билан қанчалик боғлиқ? Алишер Навоий ижодини англай олмаётганимиз сабабларидан бири ҳам шу эмасмикан?! «Ижод – ибодат» десак, эътиқоди шаклланмаган инсон қандай ижод ҳақида ўйлаши мумкин? Умуман, сизнингча, ижодкор эътиқодсиз бўлиши ҳам мумкинми?

– Эътиқод – кимлар учундир нисбий тушунча. Уни сиз бир хил тушунасиз, қолганлар – бошқача. Гапим аниқроқ бўлиши учун яна машҳур Мансур Ҳаллож воқеасини эслайлик.

Уни ҳамма «Анал-Ҳақ» дегани учун Аллоҳ таолога ширк келтирганликда айблайди ва Бағдод халифаси ўлимга ҳукм қилади. У эса осилмоқни эрлар меърожи деб атайди, қўл-оёғини кесадилар, «ишқ таҳоратини бу қон билан қилдим, чунки «ишқнинг намози қон билан таҳорат қилмагунча дуруст бўлмас, ишқ фақиҳининг китоби ичида ишқнинг икки ракаат намози фақат қон билан дуруст бўлади», деб ёзилган дейди.

Хуллас, уни ўлдириб, жасади бурда-бурда қилинганда, ҳар бир бўлакдан «Анал-Ҳақ» деган овоз келади.

Уни кўпчилик, ҳатто авлиёлар ҳам динимиздаги энг оғир гуноҳ – мушрикликда айблайди, бинобарин, эътиқодсиз деб ҳисоблайди.

Айни чоғда тазкира сўнггида келтирилган мана бу ривоят ибратлидир.

Шайх Шиблий бир кеча Мансур Ҳаллож қабрига бориб, унинг ёнида намоз ўқийди ва намоздан сўнг Аллоҳга муножот қилади:

– Илоҳим, бу бир мўмин муваҳҳид банда эди, бу балоларга нима сабабдан учради?

Бир оздан сўнг унинг кўзи уйқуга кетади ва Аллоҳ таоло унга тушида:

– Эй Шиблий, бу балоларни менинг сиримни у бегоналарга ошкор қилгани учун бердим, – деган нидо келади.

Адабиётга манфаат истаб кирган, уни воситаи жоҳ қилиб олган, истаган пайт уни сотиб кетишга тайёр кимсалар ҳам, афсуски, учрайди. Санъат бундай кимсалар қўлида даҳшатли қуролга айланади – сўзига ишонган жамоатни хоҳлаган томонига эргаштириб кетиши мумкин.

Адабиёт – ҳаётнинг инъикоси, деган гап бекор. У ҳаётдан олдинга ўтиши, жамият олдига ўта муҳим маънавий-ахлоқий масалаларни қўйиши ва унга жавоб топиб бериши даркор. Ўткир ва мураккаб ижтимоий масалаларга жавоб топиб беришга чоғланган ижодкор имонсиз бўлиши мумкин эмас.

Аттор, Навоий, Достоевскийга ўхшаган ижодкорлар эътиқодига суянган ҳолда ҳақиқат ахтаради ва уни бадиий образларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. «Мантиқ ут-тайр», «Лисон ут-тайр» ёки «Ака-ука Карамазовлар»ни, ўша романдаги «Буюк инквизитор» бобини эсланг. Эътиқоди бўлмаган одам бунақа саволларни қўя оладими ёки уларга жавоб ахтарадими?

– «Инсоният Бодлернинг бир сатрига ҳам арзимайди», дейди Акутагава. Бутун бир инсоният тарихини бир сатрига алмашиб юбориш мумкин даражадаги шеърият бугунги кунда ҳам бор деб ўйлайсизми?

– Биз совет даврида адабиётни жуда катта, ҳатто жамиятни ўзгартириши мумкин бўлган куч деб ўйлар эдик. Энди билсак, синфий кураш қуроли сифатида мафкурага малайлик қилган экан. Ўша пайтлар ўзини кўрган билан уни ўйнатаётган ипларни кўрмаганимиз учун хулосани янглиш чиқаверганмиз. Лекин ўша пайтларда ҳам адабиётимизда бақувват асарлар яратилганини, улар қоидадан кўра истисно сифатида пайдо бўлганини ҳам айтмасак, инсофдан бўлмас.

Дунё миқёсида қарайдиган бўлсак, бир пайтлар инсон фикру зикрини жалб қилган адабиёт бора-бора маргиналлашиб қолгани ҳам бор гап. Байроқ қилиб кўтарилаётган Нобель мукофотига сазовор бўлаётган ижодкорларни кўпчилик танимайди. Ваҳоланки, бугунги жадал ахборот алмашув вақтида имкониятлар мисли кўрилмаган даражада кенгайган ва кечаги даҳонинг асарини бугун электрон китоб бозорларидан олиб ўқиш мумкин.

Лекин қани ўша ёзувчилар: Пауло Коэльоми ёки Боб Диланми?

Баъзан инглиз тилидаги манбалардан мақталаётган ҳиндистонлик ёки америкалик ёзувчиларнинг у-бу асарларини олиб ўқишга ёки таржима қилишга тўғри келади. «Дод» дейдиган, ҳамма талашиб ўқийдиган нарсани кўрмаяпман. Омма талашиб ўқиётган Ҳарри Поттер ҳақидаги китобларни эса ҳақиқий адабиёт дейиш қийин.

Эҳтимол, ҳозирги жаҳон адабиёти эртанги буюк кашфиётлар учун куч йиғаётгандир ва эрта бир куни ўшанақа асарлар, шеърлар ҳам чиқар.

Худо умр берса, ўқирмиз ҳам.

АСР СЎНГИДА

(Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов билан суҳбат)

– XX аср сўнгида биз мустақилликка эришдик. Маънавиятимизга, ўтмиш меросимизга, айниқса тасаввуф таълимотига катта қизиқиш билан қарай бошладик. Эсингизда бўлса, олдинги суҳбатимизда биз ана шу мавзуда гаплашган эдик. Бугун яна шу мавзуга қайтсак дегандим. Бу мавзу ҳақида қанча гаплашмайлик, барибир камлик қилади. Биз бугун нима ҳақида гапирмайлик гап яна айланиб шу мавзуга тақалаверади. Эҳтимол, бунинг бошқа сабаблари ҳам бордир, билмадим. Бироқ, менимча, бир аср тугаб, иккинчи бир аср бошланаётган бир пайтда яна бу мавзуга такрор ва такрор қайтиш табиий бир ҳол деб ўйлайман. Зеро, XX аср биз учун тасаввуф адабиётидан ҳам узоқлашиш ҳам унга юз буриш даври бўлди. Сизнингча, айнан XX аср сўнггига келиб бу таълимотнинг халқимиз тафаккуридан жой олишига қандай маънавий эҳтиёж ва зарурият сабаб бўлди?

– Ҳеч бир илм ва фан ёмғирга ўхшаб кўкдан ерга ёғилган эмас. Илм-фаннинг қайси соҳа ёки тармоғини олманг, ҳаммаси ҳам маълум замон ва макон бағрида, инсоний эҳтиёж туфайли инсонлар томонидан яратилган. Қайси илм ва таълимот тарихи билан қизиқманг, маълум бир талаб ва зарурат натижаси ўлароқ юзага келганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу фикр тасаввуфга ҳам тегишли. Даврлар бўлган, сўфий ва мутассавуфлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг жонланишига муносиб ҳисса қўшишган. Иқтисодий ёрдам муассасаларини тузишган. Ўзлари емаган, моддий аҳволи оғир кишиларга едиришган, ўзлари киймаган, ғарибу ғуроболарни кийдиришган. Замонлар бўлган, тасаввуф мусаввирлар, мусиқа арбоблари, беназир хаттотларни етиштириб берган. Мусулмон оламидаги буюк олим ва энг машҳур шоирларни олинг, аксарияти мутасаввуфлардир. Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Имом Ғаззолий, Аҳмад Яссавий – булар Шарқда қанчалик машҳур бўлишса, Ғарбда ҳам шунчалик донг таратишган.

Менинг ўйлашимча, тасаввуф таълимотига қизиқиш биринчи галда инсон онги ва қалбидаги улкан бир бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи ила боғлиқдир.

– Биз бугун техника ва тараққиёт асрида яшаяпмиз. Мана шундай тараққиёт асрида яшаётган киши учун олис ўтмишда яратилган тасаввуф таълимотини ўрганишга ҳожат борми? Сизнингча, тасаввуф юзага келган даврдаги киши билан янги аср бўсағасида турган кишининг руҳияти ва маънавияти ўртасида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар қай даражада?

– Менинг билишимча, инсон руҳи ва кўнглида фитрий ўлароқ ато этиладиган илм бор, унинг онгига ташқаридан олиб кириладиган илм бор. Булардан биринчиси завқ, илҳом ва кашфга асосланади ёки ишларга йўл очади. Иккинчиси фикр, тажриба, текширишларга таяниб, доимий равишда мантиқий мушоҳадага чорлайди. Бу илмларни бир-бирига зид қўймаслик керак. Фақат бири кўнгил ҳақиқатлари ва фармойишлари, иккинчиси ақл ва

мантиқ измидан чиқа билмаслигини англаш керак, холос. Тасаввуфга келадиган бўлсак, у энг аввало, инсоннинг ҳоли, руҳи ва кўнгил сирларини ўрганиш ҳамда ўргатишни зиммасига олган бир таълимотдир. Шунинг учун суфийлар, «Бизнинг илмимиз ҳол илми, зоҳир илми эмас, ботин илмидир», дейишган. Ва инсоннинг психологияси, маънавий – руҳий ҳаёти билан жуда чуқур қизиқишган.

Тасаввуфда илоҳий, инсоний ва дунёвий моҳиятнинг меҳвари одамдир. Чунки оламнинг руҳи – комил инсон эрур. Руҳ вужуд учун қандай аҳамиятга эга бўлса, борлиқ дунё учун комил инсон ҳам худди шундай мавқега эга. Шўро замонларида ҳам комил инсон тўғрисида бизда доимо гапирилиб келинган, бироқ қуруқ гап чегарасидан нарига ўтилмасди. Яъни, ўзликни билишнинг муқаддас эшиклари тақа-тақ биркитилган ёхуд ваҳшийларча вайрон этиб ташланганди. Тасаввур қилинг, диндан деярли ажратилган, Яссавий, Боқирғоний, Сўфий Оллоёр сингари тасаввуф арбобларининг адабий меросларини ўқиб ўрганишдан маҳрум одам қандай қилиб сўфийлик билан қизиқсин? Шунинг учун бир қадар эркинлик шамоли эса бошлаган ошкоралик даврида халқимизнинг назари тарихга қаратилди. Дин ва диний ҳаёт низоми қани? Тил ва тарихнинг миллат тақдиридаги ўрни қандай? Миллий маслак ва маънавий қадрият тушунчасининг тамалини қандай белгилаш лозим? Миллий ўзликка қайтиш эҳтиёжми ёки ҳавасми? Куч – қувватга интилиш кучсизликни ҳис айлашдан ажралмагандек, бундай саволларга жавоб топиш бой берилган ва унитилган нарсаларни чўчимасдан сўзлаш, нечоғли оғир ва аччиқ бўлмасин, эътироф этиш майлларини ҳам ифодаларди. Ушбу жараён шошқалоқлик, ўзни кўз-кўз қилиш, ва саёзликдан ҳам холи эмасди. Булар тасаввуфга муносабат, уни билиб билмасдан тарғиб-ташвиқ қилиш ишларида ҳам шундоқ кўзга ташланиб турарди. Аммо адабиётимиз, мусиқа ва маърифатсиз, санъат, маънавиятимиз тарихини тасаввуфдан ажратилган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмаслиги тўла ойдинлашганди. Тасаввуфни билиш – Қуръони каримни севиш, тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом сингари ижтимоий илмлардан озми-кўпми хабардор бўлиш демак. Тасаввуф ила қизиқиш – фалсафа, ижтимоиёт, айниқса, психологияга қизиқиш деганидир. Тасаввуф аҳли инсоннинг маънавий-ахлоқий хусусияти ва камолоти тўғрисида баҳс юритишганда тўрт нарсага алоҳида аҳамият беришган. Булар Нафс, Ахлоқ, Қалб ва Руҳ. Тасаввуфнинг умуминсоний моҳият кашф этиш сабабларидан биттаси ҳам ана шу.

Тасаввуф пайдо бўлган даврдаги киши билан янги аср бўсағасидаги кишининг руҳияти ва маънавияти хусусига келсак, ўзаро ўхшашлик, яқинликка нисбатан, фарқ ва тафовутлар жуда катта. XX аср инсон шахсини парчалаб, маънавиятини емириб ташлаган, руҳоний ҳаёт шавқи айтарли сўнган. Бугун дунё бўйлаб нафси амморанинг овози ҳоким. Шунинг учун шўрлик одамзот иложи бўлгунча юлиш, йиғиштириш, алдаш, зўравонлик қилиш, моддий турмушда устунликка эришиш ғавғоси билан оввора.

– **Ўзингиз яхши биласиз, тасаввуфда жуда кўп оқимлар мавжуд. Бир таълимотнинг ичида бундай турли-туман оқимларнинг юзага келиш сабаблари нимада? Бу оқимларнинг юзага келиши ўша даврдаги**

ижтимоий-сиёсий, тарихий зарурат ва шароит билан, кишиларнинг руҳияти ва тафаккуридаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эдими?

– Дин заминида турли-туман мазҳаблар пайдо бўлганидек, тасаввуф ичида ҳам кўп тариқат ва тариқат тармоқлари юзага келган. Бу саволингизга жавоб бермоқ учун, энг аввало, тасаввуф тушунчасининг тарихий ривожига диққат қилиш керак. Ушбу масалада чалғимаслик ва умумий ёки саёз фикрлар билан одамларни чалғитмаслик учун тадқиқотчилар баъзи таснифларга таянишни таклиф этади. Улардан бири мана бундай. 1. Тасаввуфнинг зуҳд даври. 2. Сўфийлик даври. 3. Ваҳдати вужуд тасаввуф фалсафаси) даври. 4. Тариқатлар даври. 5. Тасаввуфнинг бугунги аҳволи.

Ҳақиқатан ҳам сўфийлик маслаги ҳали шаклланиб улгурмаган (VII асрдан олдин) даврларда тасаввуфда зуҳд ва зоҳидлик ҳаракати устунлик қилган. Зоҳидликдан ажралган, тарих майдонига сўфий, дарвиш ва орифларни олиб чиққан тасаввуф энди бошқа тасаввуф.

Жабборбек, инсоният тарихини бундоқ синчиклаб кузатсангиз, бу тарих аслида йўл тарихидан ўзга бир нима эмасга ўхшайди. Чунки тўқ ва хотиржам яшаш, нималарнидир яратиш ва кашф қилиш, ҳеч бир тутқазмас бахтга эришиш илинжида шўринг қўрғур инсоният ҳанузгача йўл ахтаради. Тафаккур ва ҳақиқат, маърифат ва маънавият, адабиёт ва санъат – деярли ҳамма жабҳада аҳвол шу. Умуман, мукаммалликка интилиш бу йўл излаш, биринчи галда аниқ йўлни белгилаш дегани. Балки шунинг учун қадим Хитой файласуфлари Лао Сзи – Лао Эр ўзининг таълимотини «Улуғ йўл» деб атагандир. Эҳтимол, шунинг учун Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мистиклар ўзларини олис манзилга сафарга отланган «Йўлчилар» деб ҳис қилишгандир?! Ахир, Шариат ва Тариқат ҳам битта маънони ифодалайди: йўл. Бири дин йўли, иккинчиси – тасаввуф йўли. Албатта, йўл тушунчасида ҳам узоқлашиш бор, ажралиш бор, ранж ва синов бор, аммо турғунлик йўқ. Буни тариқатлар тажрибасида ҳам кузатиш мумкин. Акс ҳолда тариқатда «тариқи ахёр», «тариқи аброр», «тариқи шуттор» дея номланган тармоқлар пайдо бўлмасди. «Сунний тасаввуф», «салафий тасаввуф», «шия тасаввуф» дейилган йўналишлар ҳам сиз назарда тутган ўша турли туман оқимларнинг майдонга чиқишига сабаб бўлгандир.

– **Ана шу оқимларнинг қайси бири XX аср сўнггида турган кишининг руҳиятига кўпроқ мос келади? XXI аср киши ҳам уни ўзлаштиришга, ўзига сингдиришга руҳиятида мойиллик ҳис қиладими? Умуман, тасаввуф таълимоти янги асрда янгича мазмун, ўзгача моҳият касб эта оладими?**

– Тасаввуфнинг мавзу ва моҳият чегарасини белгилаш учун бор-йўғи учгина сўзни асос қилиб олиш мумкин. Булар: Оллоҳ, Олам ва Одам. Тасаввуф аҳлини қизиқтирган барча ҳақиқатлар бевостиа ёки билвосита ана шу уч калима билан алоқадордир. Улар учун инсоннинг нафси, ахлоқи, қалб ва руҳи ила қизиқиш биринчи даражали вазифа ҳисобланган. Бу вазифани имкон қадар тўла-тўкис ҳал этмасдан олам сирларини билишга уриниш ҳам, олам тақдири тўғрисида куйиниш ҳам бефойда. Чунки, борлиқ – оламнинг заволи ҳам камоли ҳам тўғридан-тўғри одамга, янада аниқроғи, унинг

комиллигига боғлиқ. Зеро, олам бамисоли бир жасад, унинг руҳи эса инсони комил эрур. Хуллас, нафснинг таскияси, руҳнинг тазфияси, ахлоқнинг тарбияси билан жиддий машғул бўлмагунча тасаввуф сеҳри қалбларни ром этмайди. Шу боис мен XX аср одамида тасаввур маслаги ва маърифатини эгаллашда табиий бир эҳтиёж мавжуд деб билмайман. Тасаввуфий ҳаёт талаблари жуда оғир. Уларга тўла тўкис амал қилиш ўша ўтмиш замонларда ҳам камдан-кам кишиларга насиб этган. Абу Наср Саррож «Ал Лумаъ» асарида Шайх Ибнъул Фарожийнинг шундай фикрларини келтиради: «Абу Туроб Нахшабийнинг ёнида хирқа кийган юз йигирма кишини кўрган эдим. Шулардан иккитаси – Абу Убайд Бурсий ва Ибнъул Жалодан ташқари қолган ҳаммаси тез муддатда дарвишликдан чекиндилар».

Энди XX аср кишисига келсак, маънавий, руҳий ҳаётдаги аҳвол ҳозиргидан мураккаблашиб борадиганга ўхшайди. Янги асрдаги иқтисодий, сиёсий, ахлоқий буҳронлар инсониятни ҳали шундай синовларга грифтор қиладики, буни тасаввур қилмоқ ҳам мушкул. Бунда алданиш, баландпарвоз тушунчалар сеҳрига берилиш, шафқатсиз воқелик қаришисида кучсизлик қилиш инсон шахсини янада парчалаб, майдалаштириб ташламоғи муқаррардир. Шайх Акбар Муйиддин Арабийнинг мана бу сўзларига эътибор қилинг: «Оллоҳ таоло оламни омон сақлаш учун одамни ўзига халифа қилди. Шу боис ичида комил инсон мавжуд бўлгани қадар олам ҳам муҳофазада бўлинур. Инсони комил шу хазинадан ажралиб охиратга кўчиш билан кўк қўлаши, юлдузлар сочилишга ва қуёш тўхташга бошлар».

Худога шукрки, кўк қулаб, юлдузлар тўкилиб, қуёш тўхташга ҳали узоқ. Анча узоқ. Аммо одам фарзандлари оламни омон сақлаш эмас, уни бузиш, хароб айлаш ила машғул бўлишса? Динни дастак қилиб элу юртга қурол ўқталишдан ҳазар этишмаса? Пул ва бойлик ҳирси ҳар қандай эзгу ва муқаддас туйғунинг устидан ҳукмронликка эришаётган бўлса? Бир-бирини алдаш, бир-биридан меҳру шафқатни дариғ тутиш соат сайин кучаяётганлиги шундоқ кўриниб турса. Қандай қилиб келажакка хотиржам кўз тикиш мумкин? Менимча, ҳеч бир ҳолат ва ҳеч бир тушунчада карахтлик, лоқайдлик ва маҳдудликка эрк бериб бўлмайди. Том маъноси ила огоҳлик, масъуллик, ғайрат ва шижоат зарур. Бу йўлда тасаввуф таълимоти жуда кўп ёрдам ва фойда бериши шак-шубҳасиздир. Тасаввуфнинг асосини боқий тушунча ва боқий моҳият ташкил этади. Бу ўзни англаш, ҳақни севиш, ҳақиқатга етишиш, комиллик мартабасини эгаллаш. Бу дин ва диёнатга таслим бўлиш, фақат ва фақат илму маърифатнинг қудратига суяниш, жафокаш ва жабрдийда халқ оғирини енгил айлашда сидқи дилдан фидойилик кўрсатиш. Жунайд Боғдодий ҳазратларидан «Тасаввуф надур?», дея сўраганларида «Тасаввуф сўфиёна ҳаётнинг васфидир», деб жавоб қайтармиш. «Бу ҳақ ила қойимми ёки халқ ила», дейишганда эса «Ҳақиқати хақнинг васфи, шакли ва суврати халқнинг васфидир», деб жавоб берган экан. Менимча, ана шу ҳақиқат ва моҳиятни билган тасаввуф таълимотига бефарқ яшай олмайди. Шундай одамлар XXI асрда кўпаядими, йўқми бу энди бошқа масала.

– XX аср Шарқ ва Ғарб маънавияти тўқнаш келган аср ҳисобланади. Бу икки маънавият ҳақида сиз қандай фикрдасиз? Шарқ ва Ғарб – бу бир-бирини инкор этадиган икки хил тушунчами ёхуд бир бутун тушунчалар? XX аср сўнгига келиб Шарқ ва Ғарб можароси қандай якун топади? XXI асрда Шарқ ва Ғарб муносабатлари қай тахлит кечади ва бу муносабатлар инсоният тараққаиётида қандай из қолдиради?

– Бундан анча олдин «Ёш куч» журналининг саволларига жавоб тарзида Шарқ ва Ғарб ҳақида айрим мулоҳазаларни айтган эдим. Очиғи, бу мавзу у ёки бу тарзда кўпдан мени қизиқтириб келади. Баъзан Ғарб одамининг эркинлигига ҳавас қиласан. Гоҳо турмуш тарзини, дил савияси хусусида ўйлайсан. Баъзан моддий ҳаёт имкониятларини тасаввур этасан. Шахс ва давлат муносабатлари борасида фикрлагинг келади ва ҳоказо.

Шарқ ва Ғарб маълум бир жиҳатлардан ўзаро ўхшайдиган ва айни пайтда маълум бир томондан бир-бирига асло ўхшамайдиган икки ўлкан қутбдир. Ўхшашлиги шундаки, Ғарбда ҳам инсон осмондан тушмайди, туғилади, ўсади, оила қуради, кўпаяди, сўнг ўлади. Демоқчиманки, туғилиш ва ўлим ҳодисалари ҳамма жойда бир хил. Фарқ урф-одат ва маросимларда. Ҳазрати Пайғамбаримиз «Туғилган ҳар инсон фитрати ила тўғилар. Анга кейин ота-онаси мусулмон ёхуд яҳудий, христиан ва мажусийга айлантирар», деган эканлар. Бунда фитратдан мурод Оллоҳни севиш инсон руҳида азалдан мавжудлигини таъкидлашдир. Оллоҳ ишқида эса яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи куч ҳукмрон.

Ғарбнинг мантиқий мушоҳада малакаси, техника ва технология соҳаларидаги ютуқлари, мусиқа, санъат ва адабиётдаги ўзига хосликлари, моддий ҳаёт тажрибасидаги устунлиги ва бошқа бир қанча жиҳатлардаги юксак муваффақиятларини эътироф этган ҳолда айтиш керакки, менда ғарб маънавиятига бир ҳавас ёки мафтунлик йўқдир. Чунки, маънавият ва руҳониятда Ғарб ҳеч қачон Шарқдан устунликка эриша олган эмас. Бу илмда ўз исботини топган ҳақиқат. Мана, ушбу масалада баҳс юритган Эмин Нур деган олимнинг бир хулосаси: «Технологиянинг моддий майдонида Ғарб эришган устунлик, унинг маънавий майдонида эришган устунлиги дегани эмасдир. Асос эътибори билан Англо-саксон маданиятининг тамомилида маънавият йўқдир…».

Ана шунинг учун Ғарб олими ёзувчилари анча узоқ муддат Фирдавсий, Ҳайём, Ҳофиз ва Саъдий сингари Шарқ шоирларининг этакларига ёпишиб олишган. Файласуф Гегель қаёқда-ю, сўфий шоир Румий қаёқда? Лекин ўз фалсафий таълимотини яратишда Гегелнинг «Маснавий»га таянгани факт-ку! Буюк Данте асарларида қўлланилган кўп символ ва мажозий тимсоллар Ибн Сино ва Ибн Арабий ижодиётидан ўзлаштирилганлигини ўзлари аниқлашган ва эътироф қилишган. Декартнинг Декарт бўлишига Ибни Ҳайсам, Паскал ва Монтенинг дунёга танилишида Имом Ғаззолийнинг таъсири шу қадар улканки, буларни билиш, булоқ ёки дарёни денгиз дея тасаввур этмаслик учун ҳам зарурдир.

Тўғри, маънавият, ақлий устунлик орқали моддий ҳукмронликка эришмоқ қийин. Моддий устунликка эса маънавий пешқадамликка хизмат қилдириш осон. Ғарб буни беҳад яхши билади. Моддий қарамлик шароитида инсон ақл-идрокидан қандай моҳирлик ила фойдаланишни Ғарб ҳаддан ташқари пухта англаган. Бир пайтлар севимли шоиримиз кекса Шарқнинг қўзғалиши ва Ғарб маданияти найрангларини тушунишни орзу айлаб: «Руҳи йўқ бир «машина» олдида, нега ерлар қадар тубанлашдинг?» деб ёзган эди. Ғарбга яқинлик, Ғарбга боғланиш ҳозирда ҳам кўп жиҳатдан ва кўп маъноларда «жонсиз темир»га яқинлашиш ва мафтун бўлишдай бир гап. Руҳоният ва маънавият эса энг аввало ишқ ва маърифатни талаб қилади.

Шарқ – кун чиқар, Ғарб – кун ботиш деганидир. Қуёш Шарқдан кўтарилиб, Ғарбга қараб ҳаракат қилганидек, тафаккур ва маънавият офтоби ҳам Шарқдан балқигандир. Бизнинг кўп бало қазолардан муҳофаза этадиган оламшумул ҳақиқатлардан бири ҳам ана шу.

– Тараққиёт ва таназулнинг маълум қонунятлари борми? Ғарб Шарқни ўзига сингдириб нимага эришганини биз бугунги кунда ҳам кўряпмиз. XXI аср бўсағасида турган Шарқ Ғарбдан нимани олиши керак? Ғарбга нимани бериш керак? Эҳтимол, тараққиёт уларнинг бирлигидир. Ахир ҳамма замонларда ҳам шундай бўлиб келган-ку? Менимча, Ғарбнинг энг катта фожиаси Шарқни инкор қилганлигида, Шарқнинг хатоси Ғарбни тан олмаганлида. Аслида булар бир бутун нарса, бир олманинг икки палласи эмасми?

– Менимча, дунёдаги энг ёмон ва хавфли хасталиклардан бири – инкор хасталиги. Тўғри, баъзан инкор иқрор тантанаси учун хизмат қилади, инкор бўлмаса, ёмонлик, ёвузлик, жаҳолат беҳад кенг илдиз ёзиб, эзгулик ва яхшиликнинг майдонлари торайиб боради. Бундан ҳам кўз юммаслик керак. Лекин ҳеч вақт ҳеч бир инкор тараққиётга зид, инсониятнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигига тўсиқ бўлмаслиги лозим. Масалага тарихан кенг ва теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, Ғарбда Шарқни, Шарқда Ғарбни тан олмаслик ва инкор айлаш деган умумий қараш йўқлигига беихтиёр қаноат ҳосил қиласиз. Бошқасини қўя турайлик-да, ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда Ғарб оламида Фаробий, Ибн Рушд, Ғаззолий, Ибн Арабий каби алломаларнинг илмий меросларига, Румий, Яссавий, Ҳофиз сингари буюк шоирларнинг ижодиётига қизиқиш ва уларнинг асарларини таржима қилиш жараёни ҳақида ўйлайлик. Испанияда ташкил этилган таржима мактаблари орқали мусулмон маданияти арбобларининг лотинча қилинган таржима асарлари Ғарб улкаларига кенг тарқалган. Ибн Рушднинг китоблари Англия, Франция университетларида ўқиб-ўрганилган. Фаробий ва Ибн Синонинг мусиқага доир рисолалари бир неча тилларга ағдарилган. Булар ҳавасдан эмас, эҳтиёж ва заруриятдан юзага келган ишлардир.

Ўрис халқининг улуғ адиби А. П. Чехов бир ўринда: «…Генералларга ўхшаб мутафаккирларда ҳам бир мустабидлик, бетакаллуфлик ва зарофатсизлик бор», дейди. Сиз айтган инкор ва тан олмасликлар эҳтимол шундай кимсаларга тегишлидир. Эҳтимол қандайдир бошқа сабаблари бордир. Айтайлик, Қуръони карим ва ҳадислардан бошқа бирор китобнинг

номини ҳам эшитишни истамайдиган, онги дунё бадиий тафаккуридан тамоман ажралган радикал диндорларнинг Ғарбга муносабатлари ҳатто танқидга ҳам арзимайди. Чунки, ғафлат ва жаҳолат минтақа танламайди. Миллати йўқ уларнинг. Дунёқараши кенг, ақл-идроки юксак, ҳақпараст одам у шарқлик бўладими, Ғарбникими, бундан қатъи назар, моҳиятни билиб, моҳиятга таяниб иш кўради ва ҳукм чиқаради. Мана шунинг учун ҳам анча олис замонлардан то ҳанузгача Ғарбнинг пешқадам ва илғор тушунчали одамларига тасаввуф таълимоти алоҳида қизиқиш ўйғотиб, таъсирини ўтказиб келмоқда. Дунёга машҳур шарқшунос Р. А. Никлсон «Мистисизм» номли мақоласида «Сўфийлар тўла тўкис соф бир дин ва юксак ахлоқ мақомига» кўтарилганликларини бежиз таъкидламаган. А. Я. Арберий «Мутасаввуфларнинг мероси наинки шу кунимизнинг, балки келажак авлодларнинг ҳам эҳтиёжларига жавоб бериши шубҳасиз» – дейдики, бу фикр Оврупонинг тарққий этган мамлакатларида бугун янада кенгроқ тасдиғини топмоқда. Бу ҳолни ўз кўзи билан қўрган ва кузатган профессор Муҳаммад Ҳамидуллоҳнинг қайд этишича, «Хулажхоннинг ёқиб йиққан истилоларидан кейин Ғозихон замонида бўлганидек, бугун Оврупо ва Африкада исломга хизмат этаётган на қилич, на ақл, балки қалб ва тасаввуфдир». Демак, тасаввуф инсониятни Кўнгил ва Ишқ салтанатига таслим айлаши билан умидбахш эрур. Илмий, маданий, адабий ва маънавий алоқаларда Ғарб гоҳо «Узумини егилу, боғини суриштирма» қабилида фаолият кўрсатганки, буни ҳам тўғри англаб, холис баҳолаш лозимдир. Фақат алоҳида шахсни эмас, халқ ва миллатни ҳам Оллоҳ моумонликдан сақласин.

«Миллий тикланиш» газетаси

«ДАВЛАТҚА ЕТИБ, МЕҲНАТ ЭЛИН УНУТМА»
(Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул билан суҳбат)

– Иброҳим ака! Суҳбатимизни Бобур шахсияти ҳақидаги саволдан бошласак. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ким эди? Шоирми? Давлат арбобими? Бизда шоҳ Бобурни шоир Бобурга қарама-қарши қўйиб талқин қилишлар мавжуд. Аслида бу тўғрими? Шоҳ ва шоир Бобурнинг шахси битта эмасми? Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Бобур шахси ҳақида сўз юритмасдан на шоирлиги, на шоҳлиги тўғрисида фикр юритиш қанчалик ўринли бўлармикан? Ўзида ҳам шоирликни ҳам шоҳликни бирлаштирган Бобур шахси ҳақида сиз нима дея оласиз?

– Шоир десангиз – Бобур зўр шоир, адиб десангиз – беназир адиб, олим десангиз – кенг қамровли теран олим. Мутафаккирлик салоҳияти ҳам тенгсиз. Унинг давлат арбоби – подшоҳлик иқтидори, саркардалик матонатига эса дунё тан берган. Бобур шахсини идеаллаштириш тўғри бўлмас. Бироқ, Оллоҳ ундан одамиятнинг идеал фазилатларини аяб-асрамаганлигини айтмаслик ҳам инсофдан эмас. Шоҳ ва шоир Бобурнинг нуқтаи назари, фикр-қарашларида фарқланиш, гоҳида зиддиятлар бўлганлиги шубҳасиз. Бундай ҳолатларда шоҳ Бобур – шоир Бобурга, шоир Бобур – шоҳ Бобурга ён берган, бири иккинчисини суяган. Аммо шоҳ ва шоир Бобурнинг илдизи битта: Бобурнинг бетакрор Шахси. Зеро, илдиз бут ва чуқур бўлмаса, ривож бўлмайди. Бобур ижодда – бир одам, ҳукмдорликда – бутунлай бошқа бир одам эмасди. Чунки унинг учун шеърият ва салтанат тахтига чиқишдан мурод ўзаро жуда яқин: одамларнинг ақл-идрокини забт этиш ва кўнгил ҳукмронлигига эришиш эди. Шу боисдан ҳам Бобур Ақл, Меҳр, Ихлоснинг қудратига алоҳида аҳамият берган. «Бобурнома»нинг номаълум котиби Бобурнинг фазилат ва яхшиликлари айтган билан туганмаслигини таъкидлаб, зотий сифатларини шундай баён этади: «Биринчи буким нажҳати баланд эрди; иккинчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учинчиси, вилоят олмоғ; тўртунчиси, вилоят сақламоғ; бешунчиси, маъмурлиғ; олтинчиси, рафоҳият (турмуш фаровонлиги) нияти тангри таоло бандаларига; еттинчиси, черикни кўнглини қўлға олмоқ; саккизинчиси, адолат қилмоқ».

Демак, ҳиммат, маъмуркорлик, одамларга шафқат, кўнгилга қараб иш юритиш ва адолат туйғуси Бобурга Ҳақ томонидан ато этилган, яъни туғма хислатлар. Кўраётирсизки, унинг шоҳлик фаолиятида бу туйғу ва хислатлар нечоғлик муқим ҳамда муҳим ўрин ишғол этган бўлса, ижодида ҳам юксак мавқега кўтарилган.

«Бобурнома»нинг гувоҳлиги шуки, Бобур нимани гапирса – шуни албатта амалга оширган, амалга ошмас ишларни эса асло тилга олмаган. Бобур тасарруфидаги сиёсий, ижтимоий муҳитда эркинлик, ўз-ўзига ишонч, ташаббус, адолат ва фидокорлик руҳи ҳукмронлик қилганлиги, айниқса, ибратли.

– Классик шоирларимиз, жумладан Бобур ижоди, умуман адабиётшунослик ҳақидаги билимларимиз бир ёқламалик, тор маҳаллийчилик даражасида қолиб кетмаяптими? Сиз бир суҳбатингизда

маҳаллий классикликнинг даври ўтди дегандингиз? Маҳаллий адабиётшуносликнинг ҳам даври ўтмадими? Шу мезонда туриб қарайдиган бўлсак бугунги бобуршунослик ҳақида сиз нима дея оласиз? У шўро давридагидан қанчалик фарқ қилади?

– Маҳаллий адабиётшуносликнинг «даври» дейсиз – мадори қуриётир унинг. Адабиётшунослик, танқидчилик билан мунтазам шуғулланиб, фаол ижод қилаётганлар кимлар? Олтмиш билан саксон ёш оралиғидаги олимлар. Ортга қарасангиз, бир бўшлиқ. Ҳақиқатни ҳамма ичдан тан олади. Ўзаро суҳбатларда илмий ҳаётдаги турғунликни бемалол сўзлашади. Лекин илмимизнинг ривожланишдан тўхташ сабабларини очиқ гапиришни ҳеч ким истамайди. Бизнинг бўлимимиз – мумтоз адабиёт бўлими. Бобур ҳаёти, ижодиётига доир тадқиқотлар ҳам шу бўлимда бажарилиши керак. Аммо бобуршунослик билан махсус шуғулланадиган бирорта ҳам ёш тадқиқотчимиз йўқ. Бундан қандай ташвишланмайсиз? Шўро замонидагига нисбатан бобуршуносликнинг майдони кенгайди. Амалга оширилган ишларнинг сонига ҳам эътироз қилиб бўлмайди. Сифат-чи? Илм тарозисига тортилса, аксарияти тош босмайди. Чунки нари борса, тарғибот ва ташвиқотга ярайди улар. Фундаментал тадқиқотлар эса кескин камайиб кетди. «Бобурнома»нинг янги нашри, ҳеч шубҳасизки, илмий-маданий ҳаётимиздаги муҳим ҳодиса. Бобур асарларининг кўп жилдлигини ҳам тўлиқ шаклда тезроқ халққа етказиш, ёшлар орасидан илми, дид ва савияси, шижоати жиҳатидан Бобурга муносиб олимларнинг камол топишига алоҳида ғамхўрлик лозим.

Мақсуд Шайхзода домла Навоий ва Бобурни миллатимиз тарихидаги икки буюк йўлчи, деб айтганлар. Шу икки улуғ йўлчидан қанча мадад тиласак, уларга қанча яқинлашиб, ижод оламига нечоғлик чуқур кириб борсак, маданий, маърифий, ахлоқий жабҳадаги ишларимиз ўшача ўнгланади. «Хамса»ни, «Бобурнома»ни билмасдан, уларда дарж этилган ҳақиқатларни юракка сингдирмасдан маънавият хусусида баҳс очиш – ўзининг саёзлиги, маҳмадоналиги ва маҳдумлигини фош айлашдан бўлак бир иш эмас.

– Бобур ижоди бошқа шоирларимизга қараганда хорижда кўпроқ ўрганилган. Хорижлик олимларнинг Бобурга бўлган қизиқиши нимада деб ўйлайсиз?

– «Бобурнома» дунёнинг шоҳ асарларидан бири эканлиги маълум. Унинг маъно-мундарижасини шоҳ Бобурнинг ҳаёти, сиёсий, ижтимоий, маданий фаолияти, бир сўз билан айтганда, қисмати ташкил қилади. Бобур оддий бир адиб сифатида «Бобурнома»ни яратганда, бу асар дунё миқёсида шунчалик қизиқишга сазовор бўлармиди? Чет элларда Бобурнинг шахси, давлатчилик ва давлат бошқариш тартиблари, биринчи навбатда, сиёсат арбобларини ўзига жалб қилган. Албатта, «Бобурнома»нинг таржимонлари ҳақида ҳамма маълумотларни тўплаш ёки аниқлаш мумкиндир. Лекин шу ишнинг ташаббускорлари ким ва у нима мақсадларни кўзлаб амалга оширилган – буларга тўла аниқлик киритиш, менимча, қийин. Гап шундаки, «Бобурнома» фақат сиёсатчи, шарқшунос, илм ва адабиёт вакилларига эмас,

балки хориждаги ўқувчилар жамоасига ҳам улар кутгандан кўпроқ, кўп карра ортиқроқ ҳаёт манзаралари ва ҳақиқатларини ҳадя этган. Менинг ишончим комилки, Бобурнинг дилбар шахси, маданий савияси, ростлиги, журъат ва жасорати хориж китобхонларини ҳам ҳайратга солган. «Бобурнома» жаҳондаги қайси халқ тилига ағдарилган бўлса, ўша халқ Бобур ижодиёти билан кенг ва батафсилроқ танишишга эҳтиёж сезган. Шу тариқа қадами етмаган манзилларни Бобур асарлари билан забт этган.

– Буюк тарихий шахслар ҳақида бирор нарса ёзишнинг ўзига яраша маъсулияти бор? Яъни тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятини ёритмоқчи бўлган ижодкор ҳам жилла қурса ўшанга яқин даражада туриб фикрлайдиган шахс бўлиши керак. Хўш, Бобур ҳақидаги ёзилган асарлар сизни шу нуқтаи назардан қониқтира оладими?

– Болалик ва ёшлик бу – бир беғуборлик, самимият ва ишонч дунёси. Болаликда эшитган эртак, эртак эмас – ҳақиқат. Ёшликдаги самимиятнинг турган-битгани ишонч ва ишонувчанлик. Мен ёшликда қандай китоб ўқиган бўлсам, унда ифодаланган олийжаноб фазилат ва олий туйғуларнинг ҳамма-ҳаммаси китоб муаллифининг ўзида мавжуд, деб ўйлаганман. Ижодкор аҳли фариштадай пок, достон қаҳрамонларидай матонатли, номусу ор учун бошини бемалол кундага қўйишга қодир кишилар эканлигига ўшанда тўла ишонганман. Минг бора афсуски, бундай эмас, бундай бўлиши ҳам мумкин эмас экан. Қўрқоқ, писмиқ, ким қаёққа қувса ўша ёққа қочаверадиган шижоатсиз кимсалар ҳам мардлик ва курашчанликни бемалол мадҳ этавераркан. Улар ўзларига ҳисоб бермаганларидек, ёлғон ва риёкорлик учун улардан ҳам ҳеч ким ҳисоб талаб қилмас экан. Мен буни анча кейин англадим. Айниқса, ёзувчининг шахсини яқиндан билиш, турли вазият ва шароитлардаги унинг аҳволини кўриб, кузатиш – бу ҳам танлаб китоб ўқиш, бўлар-бўлмас нарсалар мутолаасига вақт сарфламасликка яқиндан ёрдам бераркан. Инсоний шахсият билан адабий шахсият айни бир нарса эмаслигини яхши биламан. Лекин Навоий, Бобур, Қодирийларни кўп ўқишданми ёки бошқа сабабларга кўрами, учқунни – аланга, ирмоқни – дарё, кўлмакни – кўл деёлмайман... Хусусан энди тилим айланмайди бунга. Такрор айтаман, баҳолу қудрат Навоийни ўқиб-ўрганиш менга насиб этмаганида, Навоийга бағишлаб ёзилган дуч келган асардан завқланиб, уларни ўзимча мақтайверишим мумкин эди. Навоий тўғрисида қалам тебратганда қандай фикрий юксакликка кўтарилиш зарур, инсон ва ижодкор сифатида қанақа тарихий ва замонавий довонлардан ошиш лозим – ҳар қалай, буларни фаҳмлайман-ку, ахир.

Бобурга келадиган бўлсак, Бобур мавзуида қалам сурган ижодкорлар орасида яхши ютуққа эришганлари бор – фақат бармоқ билан санарли. Бобурнинг тақдири ва салоҳияти туганмас бир илҳом манбаи. Шу боисдан ҳам келажакка ишонч билан боқишга ҳақлимиз.

– Ўтган аждодларимизнинг қилган ишлари билан фахрланиш, юбилейларда, анжуманлардагина улар ҳақида шов-шув кўтариш, ёппасига урҳо-ур фикр билдириш бугун бизда бир аъанага айланиб қолган. Лекин фахрланишнинг ўзи кифоя қилармикан? Ҳақли савол

тўғилади: Бобурни ўрганувчилар бугун кечагидан кўпайдими? Бобурни ёш авлод бугун қай даражада ўрганяпти? Бугун биз Бобурни тўла маънода бизники дея оламизми? Кенгроқ, чуқурроқ ўрганмасдан туриб Бобур ёхуд бошқа ижодкорларимиз билан фахрланишга қанчалик маънавий ҳаққимиз бор?

– Буюк шахсларнинг туғилган саналарига бағишлаб катта анжуман ва йиғинлар ўтказишнинг сира ҳам ёмон жиҳати йўқ. Буларни илм ва адабиёт байрамига айлантириб, қайтага кенг миқёсда ўтказмоқ керак. Айтайлик, қайсидир бир улкан шоирнинг юбилейи нишонланадиган бўлди. Асосий тадбиргача маълум бир муддат ўтади, албатта. Шу муддат мобайнида умумхалқ томонидан ўша шоирнинг таржимаи ҳоли ўрганилса, асарлари ўқилса, у ҳақда босилаётган нарсалар билан қизиқиб, қандайдир муҳокамалар қилинса бўлади-ку! Лекин пастдан ташаббус, интилиш деярли кўзга ташланмайди. Нима қилиш керак? Расмиятчиликка суянилади. Кўпинча маънавият ишлари бўйича ҳоким ўринбосарининг кўрсатмаси билан бирор залгами, клубгами одамлар жамланади. Кимдир маъруза ўқийди, шеърхонлар чиқади. Бир-икки одам гапирган бўлади. Маъруза савиясини майли, айтмайлик. Йиғилганларнинг аҳволига қараб, мажбуриятдан бетоқат ўтиришларини кўриб, очиғи, ичга ғашлик инади. Қани эди, аждодлар амалга оширган ижодий ишлардан фахрланиш туйғуси кўпчиликда шаклланган бўлса? Қани эди, у ёки бу ижодкорнинг мероси хусусида, икки оғиз бўлса-да, ҳар бир киши ўзининг мустақил фикрини айта олса. Қани эди, ҳар бир ўзбек мумтоз адабиётимизни мазза қилиб ўқиб, ўзича англаб, мушоҳада юритиб қандайдир даққи, вайсақи олимлар, ваъзхонларга муҳтожликдан қутулса – мана шуни мен чин дилдан орзу қиламан. Бунга қачон эришилади, дерсиз? Ҳали жуда узоқ. Чунки моддий танқисликлар қўрқинчли бир тўсиқ, маънавий лоқайдлик ва турғунликни пайдо қилдики, ёш авлоднинг Бобур ижодиётига интилишига ҳам бу таъсирини кўрсатиб турибди.

Бобур ижодиётининг қизиқ бир хусусияти ва хосияти бор. Меҳр-муҳаббат билан унга чуқур кириб борилгани сайин, Сиз Бобурни чинакам тарбиячи, мураббий, йўл кўрсатувчи, ҳаттоки сирдош қиёфасида кўришга кўникиб қоласиз. Бора-бора бир неча асрлик узоқ масофа гўё бутунлай барҳам топади: ўзингизни ҳамиша шу буюк зотнинг ёнида юргандай, унга сиғинмаса бўлмайдигандай ҳис этасиз. Ана шунда унинг ҳар бир сўзи, сўзларидаги ҳар бир маъно ва оҳанг қалбга бошқача таъсир ўтказади. Менимча, ёшларимиз мана шундай муносабат ва яқинликни Бобурни билиш, Бобур ижодиётига боғланишнинг бош асоси деб билсалар сира ютқазмайдилар, маънан ва руҳан асло камлик ҳам сезмайдиган бўладилар.

– **Бобурнинг қайси фазилатларини сиз бугунги кишилар учун ўрнак қилиб кўрсатган бўлардингиз?**

– Шўро замонида кўнгилдаги гапларни очиқ-ойдин сўзлаш қийин бўлганлигини биласиз. Ҳамма нарсадан сиёсий хато ахтаришарди. Ҳатто одамнинг ҳиссиёт ва кайфиятларини ҳидлаб, тирноқлаб текшириб юрадиган кимсалар бўларди. Энг ачинарлиси, борлиғини сиёсий хурофот қуршаган, миллий шуури пачоқ зиёлилар ҳам кам эмасди. Буларнинг олдида тарих, дин,

миллат, ҳуррият тўғрисида эркин баҳс юритиш – сен ҳеч кутмаган қаршилик, азият ва омадсизликлар домига илинишнинг айни ўзи эди. Халқимиз Бобурни севарди, бу буюк фарзандини қалби тўрида ардоқларди. Меҳрини, эҳтиромини яйраб, бундоқ ғурурланиб изҳор этишни эплолмасди. Ҳолбуки, адолат, шижоат, мурувват ва мардлик тарихини биз Бобурсиз, Бобур тажрибаларисиз тасаввур этолмаймиз, дейиши мумкин эди. Миллат ва ватан ишқи, ҳуррият ва озодлик туйғуси қонимизга Мирзо Бобурдан ҳам мерос кўчган, дейишга ҳаққи бор эди. Йўқ, айтолмасди. Чунки «босқинчи» подшоҳ идеаллаштирилган ҳисобланарди. Бир ҳодиса сира эсимдан чиқмайди. «Ўзбек адабиётида рубоий», деган китобимни ёзиб тугатдим. Масъул муҳаррир кўрди. Институтимизнинг илмий кенгаши уни нашрга тавсия этиши керак эди. Директор кенгаш раиси бўлганлиги учун китобни варақлаб, иттифоқо «Бобур рубоийлари ўта самимий, ўта халқчил», деган жумлаларга дуч келибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, нашрга тавсия – муҳокамага айланди. Бобур шеърлари «ўта самимий» бўлолмаслиги, ҳатто рубоийларга нисбатан ҳам «ўта халқчил» дейиш ғирт нотўғрилигини домлаларимиз такрор-такрор таъкидлаб, қайта ишлаш ва яна бўлим муҳокамасидан ўтказиш учун китобни қўлимга қайтариб беришди. Бу етмишинчи йилларнинг охирларида бўлган воқеа. Албатта, ўшанда менинг эҳтиросга берилганим рост. Эҳтимолки, бошлиғимиз ўзининг сиёсий ҳушёрлигини кўз-кўз этиш учун юқорида келтирилган жумлаларни маҳкам тутиб олгандир. Буни ҳам тушунаман. Аммо қандай қилиб бўлса ҳам Бобурга бўлган меҳр-муҳаббатни жиловлашга уриниш, уни аввал камситиб, кейин мақташ ёки олдин юксакка кўтариб, сўнг ерга уришни доимий қоида қилиб олиш – бу ғирромлик билан келишиш қийин, албатта. Очиғини айтсам, кўп олиму ижодкорларнинг Бобурга садоқати, қалбан уни англашига мен ишонмайман.

Саксонинчи йилларнинг бошларида Бобурнинг бошида қора булутлар ўрмалаганида улар унинг тирноғига ҳам арзимасликларини намойиш этишди. Буни бутун эл-юрт билади. Қўрқоқлик, мунофиқлик билан айтилган фикр-мулоҳазалар ҳужжат ўлароқ ўша давр газета-журналларида турибди. Демоқчиманки, Бобурнинг ўрнак бўладиган фазилатлари тўғрисида сўзлашдан аввал, Бобурнинг руҳи поки қаршисида тилимизни қисқа қилган, бошимизни ҳам айлаган ноқислик ва ожизликларни ҳам бирма бир сарҳисоб этиш лозим. Биз Бобурнинг шижоати кўзгусида – шижоатсизлигимизни, теран ақл-идроки ва маънавияти ойнасида – ақлий, маънавий-маъруфий ночорлик ва туйғуларимизнинг увоқланганлигини кўрмасак, мардона тан олиб, икрорнинг азобу лаззатини тотмасак, Бобурнинг фазилат ва хислатларидан минг гапиринг, барибир бефойда.

Бобур шахсиятининг тамалларидан бири, балки биринчиси – тўғрилик ва ростлик. Ҳозир тўғриликдан сўз юритиб, одамларни ростликка чорланг – кўпчилик устингиздан кулади. Молпарастлик, мол-давлат йиғишга муккасидан кетиш разолатлигини тушунтириш маъносида Бобурнинг:

Давлат учун кўнгулни зор этма,
Иззат учун ўзунгни хор этма, –

деган сатрларини ўқинг, «Ҳа, бу бечора ғирт китобий, хаёлпараст экан», деб ўйлашади. Эҳтимол, мен мавжуд ҳолат ва вазиятни бироз бўрттираётгандирман. Аҳвол балки мен айтганчалик эмасдир. Шундай бўлишини мен чин дилдан хоҳлайман. Лекин виждон дийдаси очиқ, оқни – оқ, қорани – қора дейишга қодир, ёлғон ва алдовдан ҳазар айлайдиган одамлар ҳаётда нима ахлоқий таназзул, маънавий-руҳоний йўқотишлар бўлаётганлигини кўриб-билиб турибди-ку! Агар бизнинг Навоиймиз, Бобуримиз, Қодирий, Фитрат ва Чўлпонларимиз бўлмаганида ҳам, Бахтиёр Ваҳобзода айтмоқчи, дунёга қорин кўзи ила қараб, йўқ фазилатларни бор қилиб кўрсатиб бир-биримизни мақтаб, олқишлаб юраверсак бўларди. Бундай имтиёз ҳам, ҳуқуқ ҳам берилмаган бизнинг миллатга.

Бувим раҳматли «Болам, ўтар қаҳатчилик, қолар уятчилик», – дегувчи эди. Ҳамма қийинчилик, ҳамма ночорликлар ўтади. Иқтисодий танглик ва йўқчилик қулоч ёзиб турган замонда ким қаллоблик қилса, ким юлғичликни омад деб билса, кимда-ким моддий шароити беҳад ночор, йўқсилликдан жони ҳалқумига келган одамларни қуруқ ваъдалар билан алдаса – гуноҳи ҳам, азоби ҳам, албатта, ўзининг бўйнида. Мана шундай азоб ва гуноҳлардан Бобур умр бўйи қўрққан, ўзини муҳофаза қилган ва фориғ ҳам бўлган. Менимча, Бобурнинг энг ибратли фазилатларидан бири ана шу. Биз Бобурни китобий бир шахсга, оёғи ердан узилган хаёлий қаҳрамонга айлантирмаслигимиз керак. Бобур сочидан тирноғигача ҳаёт одами, маърифат, эзгулик, адолат дарғасидир. У бир рубоийсида «Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма», дейди. Бобур на тахтни, на ўткинчи дунё бахту саодатини жонажон юрти, меҳнаткаш эли иқболидан баланд кўрмаган ва энг оғир вазиятларда ҳам буни амалда исботлай билган. Бобурнинг Бобурлиги ҳам шунда. Бобур ҳаммамизники. Айни пайтда, ҳар биримизнинг Бобуримиз бўлиши керак. Биров учун у шоҳ Бобур бўлар, ким учундир шоир ёки олим Бобур бўлар, айримларга ориф ва мутафаккир Бобурнинг мусоҳиблиги зарурдир, яна бошқа бировда фарзандларга ота, дўст-ақраболарига содиқ дўст, вафодор қариндош Бобурга ҳавас уйғонар – муҳими мана шу. Биз Бобурни соғиниб яшаймиз. Бу соғинч – мардлик, ростлик, маърифаат ва адолат соғинчи бўлишини мушоҳада айлашимиз шартдир. Зеро, буюк Бобур:

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғинғайсен ўзимни, –

деганида заррача ҳам муболаға қилмаган.

«Моҳият» газетаси

ФОЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида.–Тошкент: Фан, 1964.–121 б.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий.ҳадис. IУ- том. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, I992.–Б.354 –376.
3. Абулғозий. Шажараи турк.–Тошкент: Чўлпон, 1992. –192 б.
4. AbdurahmanGuzel, Ali Torun. TürkHalkEdebyati El kitabi. – Ankara: Akçag, 2003. – S.169.
5. Алексеев Н.А. Ранние формы релегии тюркоязычных народов Сибири.–Новосибирск: Наука, 1980. –318 с.
6. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Мукаммал асарлар тўплами. Х том.–Тошкент: Фан, 1992. –448 б.
7. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Достон матнини қисқартириб нашрга тайёрловчи Анвар Ҳожиаҳмедов. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. –84 б.
8. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психалогии.–М.: 1995. –292 с.
9. *Алпомиш.Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли.Нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев. –Тошкент: Фан, 1999.– 827 б.*
10. Аникин В. П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество.–Л.: Просвешение, 1983. –416 с.
11. Аники В.П. Руський фольклор.–М.: Высшая школа, 1987. –286 с.
12. Анисимов Л.Ф. Космологическое предстоваления народов севера.–М.–Л.: 1959.–120 с.
13. Анохин А.В. Материалы по шаманству у Алтайсев.–Л.: 1924.–264 с.
14. Асрларга тенгдош қўшиқлар. Урф–одат ва маро сим қўшиқлари. Нашрга тайёрловчилар Ж.Эшонқулов, И.Абдураҳмонов.–Тошкент., 1991.–124 б.
15. Арасту. Поэтика.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.–152 б.
16. Афанасьев Александр. Славянская мифология.–М.: Эксмо –Мидгард, 2008.–1520 с.
17. Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида.–Тошкент: Фан, 1964. –120 б.
18. Басилов В.Н. Избарнники духов.–М.: ИПЛ, 1984.–208 с.
19. Басилов В.Н. К вопросу о генезисе образе Корку ота.–М.: Наука, 1964.–9 с.
20. Борхес Х.Л. Страшный сон // Иностранная литература.–М.: I990 ., №- 3.–С.I79 –I85.
21. Борхес Х.Л. Слчинения в трех томах. I том.–М.:Радуга, 1994.–318 с.
22. Булбулигўё // Олтин бешик. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.–Б.31–44.
23. Вселовский А. Н. Историческач поэтика.–М.: Высшая школа, 1989. –406 с.
24. Голосовкер Я.Э. Логика мифа.–М.: Наука, 1987.–218 с.
25. Гомер.Одессия. Перевод с древнегреческого В.Жуковського.–М.: Правда, 1985. –320 с.
26. Гринцер. Эпос древного мира // Типология и взаимосвязы литературы древного мира.–М.: Наука, 1971.–С.134–205.

27. Гул пари. Наманган эртаклари. Тўпловчи Т. Ғозибоев.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.–376 б.
28. Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номада Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. –252 б.
29. Гумилев Л.Н. Древние тюрки.–М.: Наука, 1967.–504 с.
30. Günay, Umay. *Aşık Tarzı Şiir Geleneği ve Rüya Motifi*. –Ankara: Akçağ Yayınları, 1999.–292 s.
31. Гўрўғлининг тўғилиши. Айтувчи Муҳаммад Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: Малик Муродов. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 328 б.
32. Гулихиромон. Ислом шоир назар ўғли. Ёзиб олувчи Сддиқ Асқаров. Нашрга тайёрловчи Мансур Афзалов ва Сиддиқ Асқаров.–Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.– 392 б.
33. Данте. Илоий комедия. Рус тилидан Абдулла Орипов таржимаси.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 256 б.
34. Диваев А.А. Легенды, былины, демонологические рассказы приметы и пословицы туземного населния Сырдарьинской области // Этнографические материалы.–Ташкент, 1896.–С.9.
35. Диваев А.А. О просихождения албасти, жина и дива (народные легенды) // Этнографические материалы. Том 14. Вып.2. –Ташкент, 1894.–С.15–17.
36. Домусульманская верования и обряды в Средней Азии.–М.: Наука, 1975.–342 с.
37. Древнотюрский словарь.–Л.: Наука, 1969.–676 с.
38. Дьяконов И.М. Эпос о Гильгамеше // Эпос о «Гильгамеш.–М.: Наука, 1961. – С.91.143.
39. Дьяконова В.П. Отражения погребалного обряда тувенсив в фольклоре// Фольлор и этнография.–Л.: Наука, 1974.–С.265.
40. Еремина В.И. Ритуал и фольклор.–Л.: Наука, 1991.–208 с.
41. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –124 б.
42. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героической эпос. – Москва: Государственное издательство художественной литературы, I947. – 520 с.
43. Жирмунский В.М. Тюрский героический епос. –Л.: Наука, 1974. –728 с.
44. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведние (Восток и Запад).–Л.: Наука, 1979.– 496 с.
45. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар.–Тошкент: Фан, 1991.– 152 б.
46. Жўраев М. Ўзбек самовий афсоналари.–Тошкент:Фан, 1996.–108 б.
47. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори.– Тошкент: Фан, 2001.–136 б.
48. Зарифов Ҳ. Т. Фольклор ва археология материаллари қиёсий ўрганиш масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти.1958, №1.–Б.25–30.
49. Зарифов Ҳ. Т. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар// Пўлкан шоир. Тадқиқотлар.–Тошкент: Фан, 1976.–34–42.

50. Зарифов.Х.Т. Основныние мотивы эпоса “Алпамиш” // Об эпосе «Алпамиш».–Ташкент: Фан, I959.–С.6–25.
51. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. – Тошкент: Ўқитувчи, НМИУ, 2008. –288 б.
52. Золотарёв А.М. Родовой строй первобытная мифология.–М.: Наука, 1964. – 328 с.
53. Ibrayev Şakir. Destanin yapisi.–Ankara: Atattürk Kültür Merkezi Ba*şkanliği yayinlari,1998.–318 s.*
54. Илларионов В. В. Искусство якутских олонхоустов. – Якутск.: I982. –С. I4-I7.
55. Inan Abdulkadir.Tarihte ve bugun şamanizm. –Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1972.– 239 s.
56. İnan, Abdülkadir. *Makaleler ve İncelemeler*. –Ankara: TTK Yayını, (2. Baskı), 1987.
57. Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимий ҳикматлар.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1987.–428 б.
58. История, культура, языки народов Востока.–М.: Наука, 1970. – 243 с.
59. Лазутин С. Г. Поэтика русского фольклора.–М.: Высшая школа, 1989. –208 с.
60. Лобачева Н. П. Различние обрядовие комлекси в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахистана // Домусулманская верования и обряди в Средней Азии.-М.: Наука, 1975.–С.302–320.
61. Лорд Альберт. Сказитель. –М.: Восточная литература, 1994. –368 с.
62. Кавабата Ясунари. Шафтоли гули. Ҳикоя // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 1987.-№43. –Б.4.
63. Кавабата Ясунари. Старая столица *// Избранные произведения . – Москва: Радуга,1986. –С.259–351.*
64. Кавабата Ясунари. Шафтоли гули ёхуд бамбук садоси // Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1987. №43. –Б.4.
65. Григорьева Т.П. Читая Кавабата Ясунари // Иностранная литература. – Москва,1971.-№8.– С.181–190.
66. Рехо К.Дзэнские реминисценции в творчестве Кавабата Ясунари // Современный японский роман. –М.:1977. –С.3–24.
67. Кафка Ф. Мастера современной прозы.–М.: Радуга, 1989. 576 с.
68. Короглы Х. Огузский эпос // Типология народнога эпоса.–М.:Наука, 1975. – С. 64–81. (Китоб жами 327 бетдан иборат.
69. Кортасар Х. Страшные сны // Иностранная литература. – М.: I990, №3. – С. I85 – I88.
70. Кунтуғмуш. Эргаш Жуманбулбул варианти. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарифов. Ёзиб олувчи Иса Эрназар ўғли. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. –384 б.
71. Майногашева В.Е. О традиционном бытовании хакасского героического эпоса – Алыптых нымах // Учен.зап.Хакасского НИИ ЯЛИ. Сер. филол. Вып.XIУ. –Абакан: I970.–С. II0.

72. Манас. Сагымбай Оразбак уулунун варианты боюнча. I китеп. Басмага даярдап, создугун тузгондер: Кырбашев К., Мусаева Ж., Сарыпбеков Р., Сооронов О. –Фрунзе: Кыргызстан, 1978.–296 б.
73. Манас. Сагымбай Оразбак уулунун варианты боюнча. II китеп. Басмага даярдап, создугун тузгондер: Кырбашев К., Мусаева Ж., Сарыпбеков Р., Сооронов О. –Фрунзе: Кыргызстан, 1980.–273–283.
74. Машриқо. Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Буюк Каримов. Нашрга тайёрловчи Зубайда Ҳусаинова. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –336 б.
75. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I- том. –Тошкент: Фан, I960. – 500 б.
76. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. II- том. –Тошкент: Фан, I961. – 428 б.
77. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III- том. –Тошкент: Фан, I963. – 463 б.
78. Мирзаев Т.Халқ бахшиларининг эпик репуртуари.–Тошкент: Фан, 1979.–152 бет.
79. Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968.–168 б.
80. Мирзаев Т. Эпос и сказитель.–Ташкент: Фан, 2008.
81. Мифы народов мира. В двух томах. 1-том.–Москва:Советская энциклопедия, 1991. –672 с.
82. Мифы народов мира. В двух томах. 2-том.–Москва: Советская энциклопедия,1992. 720 с.
83. Монголо – ойротский эпос. – М.: I923. –С.23.
84. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.–Тошкент: Фан, 1995. –168 б.
85. Невелева С.Л. Махабхарата. Изучение древнеиндийского эпоса.–М.: Наука, 1991.–228 с.
86. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Иккинчи китоб.– Тошкент: Ёзувчи, 1991. –272 б.
87. Об эпосе «Алпамыш» // Материалы по обсуждению эпоса «Алпамыш».– Ташкент: Фан, 1959.–216 с.
88. Обрядовая поэзия Саха (Якутов). Памятники фольклора народов Сибири и дального Востока. Том 24. Составления и подготовка якутских текстов Н.А. Алексеева, П.Е. Ефремова, В.В. Илларионова. –Новосибирск: Наука, 2003. – 512 с.
89. Овалов Э.Б. Легенда о «Жангаре» в записи Б.Бергмана // Типологические и художественные особенности «Джангара».–М.: Элиста, I978. –С.65–7I.
90. Oğuz, M. Öcal. Lord Raglan'ın Geleneksel Kahraman Kalıbı ve Boğaç Han // Millî Folklor, Sayı: 40, 1998, ss. 2-6.
91. Oğuz, M. Öcal. Lord Raglan'ın Kahraman Kalıbı ve Basat // Millî Folklor, Sayı: 41, 1999, ss. 2-8.
92. Oğuz, M. Öcal. Halk siirinde T*ü*r, sekil ve makam.–Ankara: Akçağ Yayınları, 2001. 104 s.

93. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тўпловчи Музайяна Алавия.–Тошкент: Фан, 1972. –232 б.
94. Пропп В. Я. Фольклор и действительность.–М.: 1976.327 с.
95. Пропп В. Я. Морфология сказки.–М.: 1969.–168 с.
96. Пропп В.Я. Русские аграрные праздики.–Санкт–Петербург: 1995.–176 с.
97. Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки.–Л.: Изд–во ЛГУ, 1986. –366 с.
98. Путилов Б.Н. Мотив как сюжетообразуюший элемаент// Типологические исследования по фольклору.–М.: 1975.–С.141–181.
99. Путилов Б. Эпическое сказительство.–М.:Восточная литература, 1997. –295 с.
100. Радлов В.В. Из Сибири.–М.: Наука, 1980. –749 с.
101. Reihl, Karl. *Singing The Past: Turkic and Medieval Heroic Poetry.* –Ithaca–London: Cornell University Press, 2000.
102. Reihl, Karl. *Türk Boylarının Destanları (Gelenekler, Şekiller, Şiir Yapısı).* (Çeviren: Metin Ekici).– Ankara: TDK Yayını, 2002. *–442 s.*
103. Reihl, Karl. Oral Tradition and Performance of the Uzbek and Karakalpak Epic Singers //*Fragen der Mongolischen Heldendichtung.* Teil: III, W. Heissing, Wiesbaden: Harrassowitz, 1985, ss. 613-643.
104. Reihl, Karl. Uzbek Epic Poetry: Tradition and Poetic Diction // *Traditions of Heroic and Epic Poetry. Vol. II,* Ed. by J. B. –Hainsworth, London, 1980-1989.–S. 94-120.
105. Раҳмонов Н. Битиклар оламида.–Тошкент: Фан, 1990. –37 б.
106. Раҳмон Н. Турк хоқонлиги.–Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 144 б.
107. Рошияну Николае. Традиционные формулы сказки.–М.: Наука, 1974.–216 с.
108. Рустамхон. Фозил Йўлдош ўғли варианти. –М.: Наука, 1972. 331с.
109. Саидов М. Ўзбек достонларида бадиий маҳорат.–Тошкент: Фан, 1969. –264 б.
110. Selami Fidakar. Alpamış Destanı ile Bey Böyrek Hikâyesi Arasında Bir Karşılaştırma // Millî Folklor, Sayı: 51, Güz-2001, ss. 51-65.
111. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори.–Тошкент: Фан, 1986. 216 б.
112. Семиотика и художественное творчество.–М.: Наука, 1977. –368 с.
113. Стеблева И.В. Древнетюрская книга гаданий как произведния поэзии//История, культура, языки народов Востока.–М.: Наука, 1970. – С. 150–177.
114. Султон Иззат.Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.-392 б.
115. Султон Иззат. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти.–Тошкент:Фан, 1994. –88 б.
116. Султонов Хайриддин. Саҳодат соҳили. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. –176 б.
117. Султонов Хайриддин. Бобурнинг тушлари // Бобурийнома. –Тошкент: Маънавият, 2019. – Б.143 – 179.
118. Суразаков С.С. Алтайские героичесий эпос.–М.: 1985. –256 с.

119. Сусамбил //Ўзбек халқ эртаклари. Иккинчи жилд. Тузувчилар М.Афзалов, Ҳ.Расулов, З. Ҳусаинова. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.–Б.8-16.
120. Тайлор Э.Б. Первобытная культура.–М.: Политеской литературы, 1989. –573 с.
121. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы.–М.: Просвещение,1971.– 404 с.
122. Токарев С.А. Ранные формы релегии. –М.: Полтических литературы, 1990. –622 с.
123. Türkmen, Fikret. Manas destani *Üzerinde İncelemeler.–Ankara:TDK yayini, 1995.–302 s.*
124. Türkmen, Fikret. Nasriddin hoca latifelerinin şarhi.–Izmir: Akadem kitab evi, 1999.–172 s.
125. Türkmen, Fikret. Goroglu dastani.–Izmir, 1982. –60 s.
126. Türkmen, Fikret. *Âşık Garip Hikâyesi (İnceleme-Metin).* (2. Baskı) –Ankara: Akçağ Yayınları, 1995.
127. Türkmen, Fikret. *Tahir ile Zühre (İnceleme-Metin).* –Ankara: AKM Yayınları, 1998.
128. Türkmen, Fikret. Köroğlu'nun Özbek ve Ermeni Varyantları //*Köroğlu Semineri Bildirileri*. –Ankara: Başbakanlık Basımevi, 1983.–S. 83-90.
129. Türkmen, Fikret. Tahir ile Zühre Hikâyesinin Anadolu ve Özbek Varyantları // TDAY-Belleten.–Ankara, 1989, ss. 83-88.
130. Türkmen, Fikret. Köroğlu'nun Özbek Varyantları // Millî Folklor, Sayı: 4, 1989, ss. 8-9.
131. Тўхлиев Б. «Кутадғу билиг» Юсуф Хас Хаджиба и тюркоязичный фольклор. АДД.–Ташкент:1992.–43 ст.(20-23 бетларда тушга таълуқли жой бор).
132. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг»и ва айрим жанрлар такомили.–Тошкент, 2004. –64 б.
133. Чагдуров С. Ш. Происхождения Гэсэриады. – Новосибирск: Наука, 1980. 272 с.
134. Çetin, Ayşe Yücel. *Türk halk hikayalerinde anlaici.–Ankara:2009.–194 s.*
135. Çetin, Ayşe Yücel. *Kazakistan Sahası Halk Hikâyeciliği Geleneği*. Ankara: Gündüz Eğitim Yayıncılık, 2003.
136. Çetin, İsmet. Kizil Elma.–Ankara: 1997.–124 s.
137. Фрейд З. Сон и сновидения.–М.: Олимп, I997. –544 с.
138. Фромм Эрих. Душа человека. –М.: Республика, 1992. –430 с.
139. Фрэзер Дж.Дж. Фольклор ветхом завете. –М.: Политическая литературы, 1985. –511 с.
140. Цвейг С. Зигмунд Фрейд. Рус тилидан Маҳкам Маҳмудов таржимаси // Жаҳон адабиёти.–Тошкент, 2000. № 2. –Б. 133–156.
141. Эгамов Х. Совет шарқи туркий халқлари эртакчилик анаъаналари алоқалари тарихидан очерклар.–Тошкент: Ўқитувчи, 1982. –343 б.
142. Эпос о Гильгамеше.–М.:–Л.: Издательство академии наук, 1961.–214 с.

143. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Булбул тароналари. Беш томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 175 - 176.
144. Ergun Muharrem. *Dede Korkut Kitabı-I (Giriş-Metin-Faksimile).* Ankara: TDK Yayını, 1994. –518 s.
145. Ergun Muharrem. *Dede Korkut Kitabı-II (inceleme, indiks).* Ankara: TDK Yayını, 1994. –482 s.
146. Ekici, Metin. *Dede Korkut Hikâyeleri Tesiri ile Teşekkül Eden Halk Hikâyeleri*.– Ankara: AKM Yayını, 1995. –168 s.
147. Ekici, Metin. Halk Bildisi (Folklor). Derleme ve inceleme yontemleri.– Ankara: Geleneksel yayinleri, 2004. –236 s.
148. Ekici, Metin. Türk dünyasinda Köroglu.–Ankara: Akçag, 2004.–368 s.
149. Ekici, Metin. Dede Korkut Kitabı'nda Kadın Tipleri // *Uluslararası Dede Korkut Bilgi Şöleni Bildirileri*. –Ankara: AKM Yayını, 2000.–S.123-138.
150. Эшонқул Жаббор. Фольклор: образ ва талқин.Монография. –Қарши: Насаф, 1999. –172 б.
151. Эшонқул Жаббор. Эпик тафаккур тадрижи. Монография. –Тошкент: Фан, 2006.–122 б.
152. Хализев В.Е. Теория литературы. –М.:Высшая шокола, 2002.–437 с.
153. XX аср ўзбек адабиёти тарихи.–Тошкент: Ўқитувчи, 1999. –Б.544.
154. Юнг Карл Густав. Аналитическая психология.–М.: Мартис, 1995.–320 с.
155. Юнг Карл Густав. Человек и его символы.–М.: 1997. –368 с.
156. Юнг К. Г. Аналитическая психалогия. – М.: Мартис, I995. –320 с.
157. Юсуф ва Аҳмад. Муҳаммад Жомурод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Ҳоди Зарифов. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –400 б.
158. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. –Тошкент: Фан, 1971. –Б.58.
159. Қыдирбоева З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе, I984. –С. 9–II.
160. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Илмий тўплам. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. –172 б.
161. Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. I cilt.–Ankara:Türk Tarih kurumu basimevi, 1993.– 644 s.
162. Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. I cilt.–Ankara:Türk Tarih kurumu basimevi, 1995.–610 s.
163. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. I-жилд.Тузувчилар: М.И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусаинова. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. –256 б.
164. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. II-жилд.Тузувчилар: М.И. Афзалов, Ҳ. Расулов, З. Ҳусаинова. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.–320 б.
165. Ўзбек халқ поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.–362 б.
166. Ўзбек халқ эртаклари.–Тошкент: Ўқитувчи, 1991.–258 б.

167. Ҳомер. Иллиада. Русчадан Қодир Мирмуҳаммедов таржимаси.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.–456 б.

МУНДАРИЖА

Мақолалар

Шумер ва Аккад: афсонами ҳақиқат.....
Эпик тафаккур уйғунлиги
Ўзбек халқ қўшиқларининг таснифи масалалари
Эпос ва маросим
«Алпомиш» достони ва «Дада Қўрқут китоби»да тутқунлик мотиви
Фольклорда мотив ва сюжет
Эпосда туғилиш мотиви
Эпик ижодкор образининг бадиий талқини
Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи
Халқнинг ўзида қадим ва улуғ айём
Руҳий таҳлил методи
Миф ва роман
«Рустамхон» туркумлиги ҳақида
«Хон Далли» ва «Равшан» достонлари ҳақида
Эпос ва роман
Алишер Навоий ва фольклор
«Ўткан кунлар» ва ўзбек романчилиги
Оммавийлик мезон эмас
Воқелик ва хаёлот уйғунлиги
Китоб нима учун ёзилади ёхуд «Алпомиш» достонини жўнлаштиришдан мақсад нима
Ҳоккулар ҳақида
Ясунари Кавабата
Ижод бу – ибодатдур
Иброҳим аканинг ҳақиқатлари

Суҳбатлар

Фольклор миллатнинг боқий тарихи
Ижод инсон қалбининг кўзгуси
Тафаккуримиздаги эврилишлар
Тасаввурнинг синиқ кўзгуси
Аср сўнгида
Давлатга етиб меҳнат элин унутма.....

Муҳарир: